

84(09)

Н-81

НИГИНА НИЁЗ

ТЕЛЕПАТ

ЁХУД

У ДУНЁДАН
ҚАЙТГАН ЙИГИТ

1



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

НИГИНА НИЁЗ

Т Е Л Е П А Т

ёхуд

**У ДУНЁДАН
ҚАЙТГАН ЙИГИТ**

Биринчи китоб

«Adabiyot uchqunlari»

Тошкент – 2018

УЎК: 54 (076)

КБК: 84 (5Ў) 7 Н - 81


Ниёз, Нигина

Телепат ёхуд у дунёдан қайтган йигит. Биринчи китоб. Ҳикоя / Нигина Ниёз – Тошкент, «Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2018. – 256 б.

КБК: 84 (5Ў) 7 Н - 81

Тақризчи
Асрор Самад

Кўлингизда тутиб турган ушбу китобга юртимизда фаолият юритаётган ноёб қобилият соҳиблари ҳаётида юз берган айрим воқеалар асос қилиб олинган.



ISBN 978-9943-5256-4-1

© Нигина Ниёз, 2018

© «Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2018

«РУҲИЙ РАДИО» ЁҲУД ТЕЛЕПАТИЯ – БОР НАРСАМИ?

Маълумки, биз бешта сезги аъзоларимиз: кўриш, эшитиш, таъм ҳамда ҳид билиш, тери сезгиси орқали ташқи оламдан ахборот оламиз. Мана шу беш сезги аъзосидан ташқари икки миянинг ўзаро алоқаси орқали олинган ахборот фанда телепатия деб аталади. Бу атамани инглиз файласуфи ва профессори Фредерик Майерс биринчи бўлиб фанга киритган. Юнончада “теле” – узоқ, “патос” – руҳий ҳолат, ҳис-туйғу деган маъноларни англатади. Халқ орасида телепатия руҳий радио, ғойибдан кўриш, дилдан сезиш деб юритилади. Айниқса, телепатик алоқа она-бола, ака-ука, яқин дўст-ёрлар руҳий яқин бўлган кишилар орасида кучли бўлади. Масалан, она ҳарбий хизматга кетган ўғлининг бетоб бўлиб қолганини дилдан сезади. Чунки фикр учун масофа йўқ. Фикрий боғланиш яқин кишилар орасида беихтиёр юз беради.

Болалик пайтларимда онам эрталаб туриб овқатга уннар, бизга “ҳовлига қараб қўйинглар, бугун холанг келадиганга ўхшайди”, дердилар. Биз “каердан билдингиз”, деб сўрасак, “кўнглимдан ўтиб турибди”, дер ва чиндан ҳам тушга яқин холам эшикдан кириб келардилар.

1989 йилда Москвада ноёб қобилиятли кишиларнинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Ўшанда мен фикрнинг суратини кўрганман. Унда ўйлаётган одам боши тепасида оппоқ булут кўринишида унинг фикри суратга туширилган эди. Шу йиллари Москвада “Феномен” деган журнал чоп этилган. Унда бир қизиқарли воқеа баён қилинган. Телепатик қобилияти бўлган икки аёл ва бир эркак жиноий ишларни фош этишарди. Улар ниҳоятда махфий тутилган ва махсус кўриқланган.

Уларга жиноят содир этилган жойдаги бир буюм келтириб берилган. Шу буюмга қараб улар жиноятчига тегишли бўлган зарур маълумотларни айтиб беришган. Масалан, фанда психометрия деган атама бор. Яъни, инсон кўли теккан буюмда унга тегишли маълумотлар сақланиб қолади. Телепатлар жиноят жойидан топилган буюмга қараб, жиноятчи ҳақидаги ҳамма маълумотларни айтиб беришган. Масалан, уларнинг олдига жиноят жойидан топилган бир парча қоғоз кўйилган. Улар шу қоғоз парчасига қараб, қотилнинг кимлигини, у ҳозир Сибирда истиқомат қилаётганини, манзили ва кўриниши қандайлигини айтиб беришган. Бир йили Россияда қалбаки ҳужжатлар кўпайиб кетган. Аммо жиноятчини сира ушлай олишмаган. Шу боис ички ишлар ходимлари бояги учта телепатга мурожаат қилишган. Уларнинг олдига қалбаки ҳужжатлардан бири кўйилган. Улар ана шу ҳужжатга қараб, жиноятчининг қиёфасини, манзили ва жиний тўда ҳақидаги бошқа маълумотларни айтиб беришган. Шу зайлда қалбаки ҳужжат тайёрлаш билан шуғулланган жиноятчилар тўдаси кўлга олинган. 1988 йилларда бир қотиллик содир этилган. Шунда бояги учлик қотилнинг айна дамда Кавказдаги кичик шаҳарчалардан бирида истиқомат қилаётганини айтиб беришган. Уларнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг мияси ўзига хос радиостанциядир! Атрофга тўлқин таратиб туради. Ноёб қобилиятли кишилар эса ана шу тўлқинни тута олишади ва шу орқали одамнинг қаерда эканини, унга тегишли муҳим маълумотларни илғай олишади. Қидирувдаги одам канчалик кучли шахс бўлса, ўзидан шунчалик кучли тўлқин таратади. Шунинг учун катта жиноятчиларни тутиш, майда жиноятчиларни ушлашга нисбатан осон кечади.

Америкалик Дороти Эллисон деган аёл оддий уй бекаси бўлган. У 13та қотилликни фош этган ва 50та йўқолган болани топиб берган. Уни Федерал қидирув бўлими ходим-

лари мамлакат бўйлаб машинада олиб юришган ва махсус кўриқлашган. Чунки бундай кишиларни асраш керак. Бундай ноёб қобилиятли кишилар АҚШ ҳамда Ғарб давлатларида миллий бойлик ҳисобланади ва махсус кўриқланади. Чунки нидерландиялик Алдо Моро деган одам “қотилларни топаман” деб эълон қилганидан кейин уни жинойтчилар ўлдириб кетишган. Шунинг учун ФБР ходимлари Дороти Эллисонни кўриқлаб юришган.

1980 йили Барселонада ҳам бир қизиқарли воқеа юз берган. 81 яшар Изабел Казас исмли аёл тушида 56 яшар кўшниси Рафаэл Пересни кўрганини, босқинчилар бу одамга ўн учта чекка қўл кўйдириб олишганини, кейин уни ўлдирмоқчи эканликларини айтган. Шунда полиция ходимлари Переснинг уйига пистирма кўйиб, жинойтчиларни тутишган. Бу воқеада ҳам жабрдийда кўшнисидан фикран ёрдам сўраган.

УММОН ТУБИДАГИ ТЕЛЕПАТИК МУЛОҚОТ

1959 йил 25 июль кунини АҚШнинг “Наутилиус” сувости кемасида бир қизиқарли тажриба ўтказилган. Кема сув остида 16 кун юрган. Шунда Жонс деган лейтенант кунига икки марта маълум соатда хаёлан маълумот қабул қилган. У миясида жонланган рамз тасвирини чизган ва бу шакллар конвертга солиб, кема капитанининг сейфига солиб қулфлаб кўйилган. Геометрик шаклларни унга 2000 миль узоқдаги масофадан Смит исмли ноёб қобилиятли одам жўнатиб турган. Смитнинг қаршисидаги автомат қурилма қандай шаклни чиқариб берса, у шуни хаёлида жонлантирган, Жонс эса буни сув ости кемасида ўтирганча фикран қабул қилиб олган ва чизганларини конвертга солиб кўйган. Кейинчалик конвертлар сейфдан олиниб, қуруқликдаги ша-

кларга солиштирилганида улар тўқсон фоиз бир-бирига мос келган!

Аслида бу тажрибага жуда катта маблағ сарфланган. Чунки кейинги йилларда инсонинг ноёб қобилиятидан фойдаланишга катта эътибор қилиняпти. Бу бежиз эмас. Негаки, узок масофада фалокат рўй берганини билиш ёки қотил ва жиноятчиларни топишда телепатик мулоқот муҳим аҳамиятга эга.

Ўтмишда машҳур швед олими ва ихтирочиси Эммануэл фон Сведенборг Стокгольмдан 50 миль узокда, Готтенборг шаҳрида меҳмонда бўлган. 19 июнь куни кутилмаганда кечки соат олтидан саккизгача у негадир безовта бўла бошлаган. “Уйим ёняпти, шаҳарда катта ёнғин чикди”, деган. У ёнғиннинг ҳамма тафсилотларини айтиб турган. Аввал дўстининг уйи ёнгани, ундан кейин ўз уйига учта хонадон қолганида ёнғин ўчирилганини айтиб берган. Шу куннинг эртасига савдогарлардан шаҳарда ёнғин бўлганини эшитишган. Учинчи куни саройдан расмий хабар билан чопар келган. Сведенборгнинг айтганлари ҳаммаси тўғри чикқан. У ёнғинни шу пайтда фалокат жойида бўлган дўстининг кўзлари билан “кўрган”.

БЎЛАЖАК ВОҚЕАЛАРНИ “КЎРА ОЛГАН” ЖУНА!

1984 йили Москва билан АҚШлик олимлар ғалати тажриба ўтказишди. Улар грузиялик назаркарда Жуна Давиташвилидан ҳали юз бермаган воқеа тафсилотларини айтиб беришни сўрашди. “Бизнинг Кейт Харари исмли ходимимиз бор. Ҳозир у ухлаяпти, олти соатдан кейин унинг қаерга боришини айтиб бера оласизми?”, деб сўрашди. Орадаги масофа ўн минг миль, улар Ер шарининг у томонида, Жуна

эса бу томонида турарди. Шундан кейин Жуна Кейт Харари олти соатдан кейин каерда бўлишини фикран тасаввур қилган. У қирғокни ва қирғокда айлана устида кулоқлари диккайган, кўзлари катта-катта жониворни кўрганини, унинг ўйинчоқ жонивор эканини айтган. “Бу менимча, от, у айланяпти, демак, бу отўйин” деган. Олти соатдан кейин Кейт Харари уйғонади. Қаерга, қайси объектга боришини унинг ўзи ҳам билмас эди. У автомат чиқариб берган тўртинчи объектга бориши зарурлигини биледи ва шу жойга боради. Буни қарангки, бу объект денгиз бўйида жойлашган бўлиб, у турган жойда карусель-отўйин бор эди! Шундай қилиб, Жунанинг айтганлари юз фоиз тўғри чиқади.

Аввалги тажрибаларда телепатлар маълумотни бўлиб ўтган воқеалар ҳақида унинг иштирокчиларидан олишган. Жуна ҳали рўй бермаган воқеа ҳақидаги маълумотни қаердан олган? Ана шуниси жумбок.

Ҳозирда инсондаги ноёб қобилият билан боғлиқ юқоридаги каби тажрибаларга миллион долларлаб маблағ сарфланяпти. Аммо бизда ўтмишда бошқача бўлган.

Авлиё, валийлар фикр ўқиш иқтидорига эга бўлишган ва бу ҳақда манбаларда ёзиб қолдирилган.

Бу ҳақда Воиз Кошифийнинг жияни Али Сафий ўзининг “Рошаҳот-айн-ул-хаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”) асарида баён қилади.

Кунларнинг бирида Убайдулла Хожа Аҳрор валийнинг олдига замонасининг буюк авлиёларидан бири Шайх Қосим Анвар ташриф буюради. Шунда Хожа Аҳрор валий шогирдларига: “Сизлар бугун сабоқдан озодсизлар. Бугун ҳузуримизга Шайх Қосим Анвар ҳазратлари келганлар” дейди. Шунда валий устознинг икки шогирди “рухсат этсангиз, биз ҳам бу суҳбатда иштирок этсак, чунки бу суҳбат ёзиб қолдиришимиз учун бизга яхшигина манба бўлур” дейдилар.

– Агар тушуна олсангиз, бемалол иштирок этинг! – дейди устоз мийиғида кулимсираб. Шом таомидан кейин икки буюк авлиё бир-бирига рўпара бўлиб, шам ёруғида бош эгиб ўтиришади. Улар тонгга қадар шу ҳолатда ўтиришади ва кун ёришгач, бир-бирларига жилмайиб:

– Сухбатимиз ғоят мароқли бўлди-а? – дейишади. Улар тонггача, бир сўз талаффуз қилмай, фикрий мулоқот қилган эдилар. Табиийки, шогирдлар бундан ҳеч нарса англай олмайдилар. Ички тилда гаплаша олиш учун инсон авлиё, валий боболаримиз каби комил инсон, қалбан пок бўлиши керак. Оддий одам шундай гуноҳлар қиладики, уни ўзи ва ёлғиз Аллоҳ биледи ва бу сирни инсон ўзи билан қабрига олиб кетади. Зотан, авлиёлар хаёлларидан биронта ҳам ёмон фикрни ўтказмаганлар.

Албатта, кўпчилик бировнинг фикрини ўқишга қизиқади. Аммо бундан аввал “мен шу даражада покманми?” деб ўзига савол бериши керак. Америкалик фантаст ёзувчи Алфред Бастер “Қиёфасиз одам” номли асарида бундай деб ёзган эди: “Агар инсонлар бир-бирларининг фикрини ўқий олишганида эди, хаёлимиздан қандай чиркин нарсалар ўтишини билиб, лол қолган бўлишарди. Яхшиямки, биз ҳозирча фикр ўқий олмаймиз ва бундан бахтлигимиз!”.

Инсонда бу иктидор бор, аммо у бармоқ билан санарли маълум тоифа кишиларгагина берилади. Келгусида унинг бу иктидори ривожланиб боради. Аммо бу унинг нечоғли қалбан пок ҳамда рухий юксалишига боғлиқ бўлади!

*Қалтираб порлайдир бир чироқ гариб,
Бир қушча сайрайдир руҳим ичинда.
Бир қушча йиғлайдир мени ахтариб.*

Рауф Парфи

ТУНГИ ЎКИРИК


(Муқаддима)

Ярим тун. Ориф хожи нафл намозини тугатиб ухлашга ётди. Аммо кўзларига уйку инмади. Деразадан мўралаган тўлин ой бутун уйни кумуш толалари билан ёритди. Юлдузлар тим кўк осмон гумбазига сочилган бир талай ялтироқ тошдай жимирларди. Шунда хожи ўн саккиз минг оламини яратган Аллоҳнинг қудратидан ҳайратга тушди.

Қарангки, туннинг ҳам ўз эгалари, бузғунчилари бўлади. Итлар дейсизми, укки қушми, безориларми...

Кутилмаганда бир ғаламислар ҳожининг эшигини бузгудай ура бошладилар. Ярим тунда-я?! Бу шовқинга итлар хуриб, қушлар безовта канот коқди.

“Ким экан-а бу зўравонлар, – ўйлади Ориф хожи. – Невара келин юкли, чўчитиб юбормасалар эди!”



У тасбеҳини олиб равон айвондан ташқарига чикди. Зора, улар «босилса» деган маънода овоз берди:

– Ким у? Ҳозир...

Аммо эшик бу зарбага дош беролмади. Зулфини тушиб кетди-ю, дарвоза ланг очилди... Ичкарига қора костюм-шим кийган уч киши кирди.

Ҳожининг ортидан бошига рўмол ташлаб аёли чикди.

– Сиз уйга киринг! – бир нохушликни сезган Ориф хожи ортига ўгирилиб буюрди. – Келин кўркмасин!

Рукия ая даҳлизда тайсалланиб туриб қолди.

– Бемаҳалда яхши хабар келармиди?! – йиғламсираб деди у. – Буларнинг шахдидан эшик бузилай деяпти...

Ҳожи ота индамади, аммо тўхтаб хотинига бир қараб қўйди, ёмон қаради. Хотини индамай уйга кириб кетди. Қора костюм-шим кийганлардан бири илжайиб салом берди. Қилиғи, ўзини тутиши костюмига мутлақо ярашмасди. Ёмон хулқини шу костюми ортига яширмакчи бўлгану аммо удалолмагандай эди.

У икки қўли чўнтакда, четга қараб чирт этиб тупурди-да, сўради.

– Бобобек хожи ўғли Орифбек хожи сиз бўласизми? – бу одам кимнинг олдига келганини жуда яхши биларди, шундай эса-да, расмиятчилик юзасидан сўрагани.

– Ҳа! – хайрон бўлиб жавоб берди хожи. Аммо бир дақиқа бўлсин туси ўзгармади. Намоз ўқиётганида қанчалик хотиржам бўлса, шундай осойишталик билан жавоб қилди.

– Тинчликми, чироғим? Ярим тунда безовта юриб-сизлар?

– Биз безовта юрганимиз учун ҳам замон тинч-да, ота! – деди анавининг ортида турган, лаби қизил, аёл юзли одам.

– Сиз Шўро ҳукуматига қарши ҳуфийа иш қилганликда айбланасиз? – қатъий қилиб деди у.

– Шўро ҳукуматига қарши?... – ҳайрон бўлди ҳожи. Пешонаси тиришди. Шўрога қарши нима иш қилган бўлиши мумкин. Намозини ўқийди, тасбеҳ ўгиради. Шу... қолган маҳал дала иши, мол-қолларга қарайди. Бурунги даврдай Ўрусияга қатнаш қайда... Мол келтириб, мол сотиш қайда? Барини тортиб олди, бу ҳукумат. Яна нима дейди бу?!

– Ўрганамиз, текширамиз? Айбсиз бўлсангиз кўйиб юборамиз. Шўродай адолатли ҳукумат борми, дунёда...

Ориф ҳожи индамади. Лаби кимтилди. Бу вақтга довур, ўғли, келини – ҳамма уйғонганди. Ўғли Аъзамхон бир важоҳат билан қора костюм-шимлиларга қараб келаётганди, ота уни тўхтатди.

– Кўй, болам, жоҳиллик қилма! Буларга ҳам кимдир буюрган-да. Йўкса, шўрликларга зарилмиди, ярим тунда изғиб... Кўришиб, гапиришайлик, нималигини билайлик. Жаҳлдан яхшилик чикмаган, болам...

Аъзамхон шаштидан қайтди. Аёллар пик-пик йиғлашарди...

– Уйга киринглар. Бехудага какшаманглар. Мана кўрасизлар, эртагаёқ кўйиб юборади. Кўнглим сезяпти...

Қора костюм-шимлилар отанинг кўлига кишан уриб, олиб чиқиб кетишди. Ўғлининг мушти тугилди, аёллар йиғлаб қолишди.

* * *

Ҳожи ота бундай жойларни кўрибмиди, дейсиз. Келгани яхши бўлди. Кулранг тусли, зах, бетон деворларга қараб, «камोक деганлари шундай бўларкан-да!» деб кўйди.

Манави ён камерадаги қорабашара одамларни ҳисобга олмаганда, Яссавий ҳазратлари гўшанишин бўлган жойга ўхшайди. Бу ерга келмаганида ул зотнинг ҳолатини қайдан ҳам англарди. Аллоҳ бежизга бандасини ҳар оҳангга солмайди. Унинг бир режаси борки, сизни ден-

гизга тушган кайикдай калкитади, сарсон килади. Ҳа, дунё ишларидан ортиб одам ўзини таҳлил килармиди?! Билъакс, ёруғ оламда онгни чалғитувчи нарсалар бисёр. Пири устозлардан бири айтган экан: «Дунё ишларидан чекинишга уриниш, шамолни кўл билан тутиб қолишга ўхшайди!» деб. Ахир шамолни кўл билан тутиб бўларканми?! Буни истамаганди, мана Аллоҳнинг ўзи уни гўшанишин килиб кўйди.

Ориф хожи кулранг тусли деворларга тикилганча тасбеҳ ўгирди. Тошларга кўл босиб, таяммум қилиб, намоз ўқиди. Ён камерадагилар эса хўп хунар кўрсатишди. Бирдан тасира-тусир бошланади-ю, ёкавайрон бўлади, бари. Юз-кўзи кон, мўматалок. Эркак бўлса-да, бўкириб йиғлайди... Хўп, у ёқда юрганинга овора эдинг. Энди мана кеча-ю кундуз вақтинг бемалол, бир оғиз калима айт, ёқа йиртгунча... Эй, Худо... ўзинг билгувчисан! Буларнинг кимлигини мен билолмадим.

Ҳожи кўзларини юмиб, яна тасбеҳ ўгиришга тутинди. Зум ўтмай камеранинг кўланса хиди-ю, каламушларнинг чийиллаши кайгадир йўқолди. У хушуга чўмди.

Энди бу дунё билан унинг иши йўқ эди.

Аmmo... Орадан канча вақт ўтди, билмайди, кулфнинг шарақ этиб очилгани эшитилди. «Бу терговчилари учун ҳам кун-туннинг фарқи йўқ экан-да, сўрокка олиб кетгани келди-ёв», деб ўйлади у. Нокас, номаъкул жонзотларгина улусдан яшириниб, тунда овга чиқади. Булар ҳам шундайдир, ишидан уялиб ғафлат ҳукмрон пайтда сўрок килади. Марднинг ишими шу... Ота аста кўзларини очди. Қараса, кулф очилгану атрофда ҳеч зоғ йўқ.

– Астафируллоҳ! – деди у бу ҳолдан хайратланиб. Бориб кулфни кўрди-ю, айб устида кўлга тушгандай шу захоти камера ичига кочди.

– Бунча меров бу? – унинг қилиғига ён камерадаги қорабашара одамнинг ғаши келди.

– Куф-суф килиб эшикни очдингми, дейман? Биззиникини ҳам оч...

Қора башара одам қорнини селкиллашиб ких-кихлаб кулди.

Ҳожи кутилмаган ҳолдан гангиди: «Энди буям бир машмаша бўлади-да! «Қочишга уринди», дейди, – ўйлади чол.

Чиндан ҳам қайтадан сўроқ-савол бошланди. Камерага аёл юзли одам келди.

– Мен очмадим! – деди хожи жиддий. – У қадар калтафаҳм эмасман! Қочсам, барибир тутиб келасиз...

– Унда қандай очилди? – деди аёл башара одам мулойим, аммо аччиқ истехзо билан гапирди.

– Билмасам?!

– Сиз билмасангиз, унда ким билади? – терговчи янада мулойимлашди.

– Мен кўрдим, начальник, – кутилмаганда гапга аралашди ён камерадаги барзанги. – Бу кулипга қўл ҳам урмади. Кеча-кундуз кўзи юмук, тасбех ўгиради...

– Текширамиз! – деди терговчи хотиржам.

– Бармоқ изларини оламиз... Эшик яна шарак-шурук кулфланди. Терговчи нари кетди.

Аммо... Эрталаб навбатчи миршаб маҳбусларга овқат келтирганида эшик очилиб ётар, хожи кўзи юмук тасбех ўгирарди...

Навбатчи миршаб ичкарига бир важоҳат билан кирди-ю, отани каттик силкитди.

– Жодугармисан нима бало? Эшикни яна очдингми? – ўдағайлади у.

Ориф хожи жандармнинг қўлларини елкасидан олиб ташлади. Индамади. Бу жоҳилларга нима деб тушунтирсин?!

Миршаб отанинг олдига қорайиб кетган кружкада сув билан нонга ўхшаш нарса кўйди. Ҳожи буларга қай-

рилиб ҳам карамади. Кўзини юмиб, тасбеҳ ўтиришда давом этди. Бу эса миршабнинг жиғига тегди. Хожининг тасбеҳини юлиб олиб, ташқарига улоктирди. Тасбеҳ шир узилиб, мунчоклари даҳлизга сочилиб кетди. Шундагина хожининг кўзлари очилди:

– Худо беҳабар! – деди у жаҳл билан. Миршабнинг устидан ҳукм ўқигандай бўлди. У кетди, аммо кулф яна очилди, гўё уни биров олиб отгандай кулф панжарадан анча нарига учиб тушди...

Осуда тун. Камера эшиги очик. Зеро, миршаблар уни энди кулфламай ҳам кўйишди. Чунки бефойда эди. Шу тун хожи бир туш кўрди.

– Невара муборак бўлсин, хожим! – деган овоз келди ғойибдан. Аллоҳ азиз қилсин, исмини Азизжон қўйинг. Шу авлодда бир хосиятли бола туғилади. У сизга чевара бўлур. Бола елкасида қора ҳоли билан туғилади. Унинг исми Фарҳодбек бўлсин! – деди ўша сирли овоз эгаси.

Чиндан ҳам тонг саҳарда уйдан бир хушхабар келди. Келини ўғил кўрганди. Исмини Аъзамжонга уйкаш қилиб Азизжон деб қўйдилар. Хожи эвараси ва чевараси исмини ҳам ёздириб, муҳрлатиб уйдагиларига юборди.

– Асраб қўйишсин! – тайинлади у хат ташувчига.

Надоматлар бўлсинким, хожи неварасининг қулоғига азон айта олмади. Эвара кўриш ҳам насиб этмади. Аммо авлодлари бобокалонлари валийлардан бўлганини унутмадилар. Орадан йиллар ўтиб, бу авлодда бир паҳлавондай ўғил туғилди.

Бобокалонлари айтганларини эслаб, унга Фарҳодбек деб исм қўйдилар. Нетонгки, бу бола елкасида қора ҳоли билан туғилганди...

СУВ ТУБИДАГИ НУРЛИ ЖАБҲА

У пайтда Фарҳодбек ерга урса кўкка сапчийдиган шўх бола эди. На гап, на калтак кор қиларди. Тенкурлари унга «резина копток» деб лақаб қўйиб олишганди. Чунки баланд-баланд сўрилардан бир сакраб пастга тушар, йиқилса-да бир эти тилинмасди.

Онаси даладан қайтаётганини кўриши билан сўрининг учига чиқиб осилиб турарди. Ҳафиза ая эшик очиб кириши билан у дабдурустдан қўлларини қўйиб юборарди. Аясининг эс-хонаси чиқиб кетарди. Бир сафар шунақанги томошадан кейин аяси ўтириб қолди. Унга сув бериб тинчлантиришга тўғри келди. Она учун ўнта бўлса, ўрни бошқа экан. Фарҳодбек кенжа ўғил... Болаларининг ичида энг тўполончиси, яна денг елкасида қора холи билан туғилгани ҳам шу. Хотин-халаж аёлни «ҳа катта бўлса куюлиб қолар» деб юпатишади. Бўйи чўзилса-да, бунинг тўполони ҳам ошяпти... «Қачон, қачон қуйилади, – дерди она ёзғириб, – унгача юрагим тамом бўлади-ку!».

Фарҳодбек тўп тепиб, зовурда чўмилиб, пишиқ-пухта бўлиб улғайди. Тўғри-да, ҳамманинг ҳам шунақа акалари бўлсин экан. Акалари ўсмир ёшига етган, мушаклари дўппайган кўчанинг зўрларидан эди. Фақат отасидан, Азизбек акадан кўркишарди. Дадаси бир ўқрайса, ҳаммалари пилдирпис бўлиб қолишарди. Ота кетса, буларнинг куни туғарди. Ҳа, укасини шу болалар тарбия қилди. Бола нарса йиқилиб-да, “инг” демаган. Чунки йиқилиб, башараси бужмайиши билан акалари дўқ қилишарди:

– Йиғласанг, қиз бола бўп қоласан. Булбулинг қочиб кетади! – деб масхаралашарди. У шошқич иштонини ушлаб олар, буни кўриб акалари қотиб-қотиб қулишарди.

Сузишни билмайдиган, тўрт яшар болани сувга отишгани-чи?!

Катта акаси кўлидан, кичиги оёғидан кўтариб, уни беланчакдай тебратишарди-да, зовурнинг энг чуқур жойига отиб юборишарди. Она бундан беҳабар. Акалари унга сузишдан шунақа “дарс” беришган.

– Сузишни бошқачасига ўрганиб бўларканми?! – дейишарди улар. Шафқатсиз усул... аммо самарали усул эди. Фарҳодбек сувни шалоплатиб, сув ютиб, сузишга уринарди. Унгача уч-тўрт бора сувга ғарқ бўлар, сув ичида кулоғи гувилларди. Акалари ундан кўз узишмаган. У чўка бошлаши билан сувга калла ташлаб, уни ўша заҳотиёқ олиб чиқишарди. У йиғламасди, кўркқанини ҳам билдирмасди.

– Аямга айтма, айтсанг чўмилишга обкелмаймиз! – дерди Ботир акаси.

Бир сафар акалари боягиндай Фарҳодбекни «беланчак» қилиб, сувга отишаётганида Ҳафиза ая кўриб қолсами?! Додладики...

– Сўқимдай бўла туриб, укангизни шунақа киласизми? Чўкиб кетса, боши тошга тегса нима бўлади, ҳе ақли йўқлар. Отангга айтмасамми, сенларни!

Дадаси ўшанда акаларини камар билан урган. Умр бўйи отаси болаларига бир марта кўл кўтарган. Бунга ҳам ўша воқеа сабаб бўлган... Ботир акаси қизариб кетган, лекин йиғламаган. «Қиз бола бўп қолишдан кўркса керак-да!» деб ўйлаганди ўшанда Фарҳодбек.

Онаси билган экан. Бола бола экан-да, барибир. Бир сафар акалари уни сувга отишди-ю, ўзлари сув бўйида сокқа ўйнашга киришиб кетишди. Фарҳодбек ростакамига чўка бошлади.

Бола сувни роса шалоплатди. Довдираб колганидан бақиролмади ҳам. Икки бор кулоқлари гувиллаб сув ичига кирди. Амаллаб кўл юзасига чиқиб нафас олволди.

Аммо учинчи мартасида тепага чиқолмай қолди. Ҳаво етмай, юраги кўзларидан чиқиб кетгундай урди. Талва-сада сув ичида биланглаб ётган қўллари тинчиб қолди. У коронғуликка чўмди... Аммо кутилмаганда туйқусдан чор-атроф сутдай ёришиб кетса бўладими?!

Фарҳодбекнинг кўзлари қамашиб кетди. Қараса, бобоси, момоси оппоқ кийимда боғ айланиб юришганмиш. Атроф ёп-ёруғ, дарахтларда хил-хил мевалар пишиб ётганмиш. Фарҳодбек бунақа меваларни умрида кўрмаган, номини ҳам билмасди. Гуллар денгизимишки, улар бобоси билан қўл ушлашиб, турли рангда товланаётган денгиз устидан учишди.

– Қаранг, бобо, мен варакка ўхшаб қолдим-а? Учишимни кўринг... дермиш. Пастда момоси хавотирланиб қараб турганмиш:


– Бобоси, Фарҳодбегимиз қайтиши керак! Ҳаяллаб қолмасин, – дермиш. Хуллас, у мазза килиб учди. Атрофида байрамда салют отган каби нур тўплар отилар ва шамалокдай ёйилиб тушарди... Фарҳодбек қизил, яшил, сарик тусда отилаётган салютга анграйиб турса, бувиси дабдурустдан:

– Қайтишинг керак, болажон! – дебди. Фарҳодбек учганидан хурсанд:

– Буви, мен варрак бўлдим-а! – дермиш кулиб. – Салют отишини қаранг. Шу ерда қола қолай, – деб ялинибди у.

– Сен бу ерда қолсанг, онанг нима қилади? Йиғлаб адо бўлади-ку, чироғим! Унақа дема, болам. Бу ерга келишингга ҳали вақт бор! – улар шундай дейишиб, уни ёқут кўзлар қадалган, олтин дарвозагача кузатиб қўйишибди...

Кутилмаганда у кувур ичига тушгандай парпираб учиб кетди. Қанчалар чиранишига карамай, ҳаво оқими уни маҳобатли чангютгичдай тортиб олди.



Атроф ёриша бошлади, одамларнинг элас-элас гаплари кулоғига чалинди.

– Кўзини очди, каранглар. Тирик экан, тирик! – акаси йиғлаб юборди. Фарходбек кўзини очганида одамлар уни ўраб олишганди. У ўхчиб-ўхчиб йўталди, оғзидан шариллаб сув тушди.

– Худо бир асради-ей! – деди одамларнинг бакир-чакирини эшитиб етиб келган Санобар опа, Ўлмас ўрмончининг хотини.

– Онангга айтмасамми, сенларни!

Ҳозиргина йиғлаб турган Ботир акаси ялт этиб аёлга каради.

– Хола айтманг! – унга ялинди акаси. – Айтмай кўя қолинг. Бошка қилмаймиз...

– Ҳаддингдан ошдинг ҳамманг, чўкиб кетса нима бўларди?

Санобар опа ўшанда отасига бор гапни айтиб берган. Фарходбекнинг кўлга чўкканини ота-онаси бошқалардан ҳам эшитишди. Ўша йили Фарходбеклар бир ёз чўмилишга боришмади. Улар шундай жазоланишди.

Акалари шунда ҳам кўзни шамғалат қилиб қочиб қолишарди. Фарходбек уларга эргашиб йиғларди.

– Биз чўмилишгамас, макка тергани кетяпмиз! – дейишарди бир-бирига кўз қисишиб.

– Алдаманг! Қаранг ойи, анавиларингиз чўмилишга кетяпти! – деб чийқилларди акалари ортидан. Акалари онанинг кўзига кўринмай гум бўлишарди...

Ўша воқеа сабабми, ишқилиб Фарходбекда ғалати ўзгариш содир бўлди. Бу балки четдан караганда билинмас, аммо онаси буни сизди.

“МЕН УЛАРНИ КЎРАМАН...”

У тунда кўрқадиган бўлиб колди. Ҳар кеча «ойим билан ётаман» деб ҳархаша қиларди.

– Нимадан кўрқасан, кап-катта бола! – уни қойиб деди дадаси. – Биз қўшни хонада ётсак, акаларинг ёнингда бўлса...

– Мен уларни кўраман, акаларим кўрмайди-да! – деди Фарҳодбек қора кўзларини жавдиратиб. Худди биров эшитиб қоладигандай пичирлаб гапирди.

– Кимларни кўрасан? – ҳайрон бўлиб сўради онаси.

– Қанотли одамчаларни! Улар кичкина, худди капалакка ўхшайди...

Онаси кулди. Кейин Фарҳодбекнинг бошини силаб:

– Хаёлпараст! – деб қўйди. Аммо бола кетгач жиддийлашди. Эрига савол-назари билан қаради.

– Сувга чўкканидан бери шунақа, ғалати бўлиб колди. Кеча «Ойи, мен бувамни кўрдим» дейди, варрак бўлиб учишганмиш...

– Тушида кўргандир-да, бола-ку!

Дадаси ишида узоқ ушланиб қоларди. Унгача Фарҳодбек онасининг ёнида ётарди. Эрталаб акаларининг ёнида ётганини кўриб ҳайрон бўларди. Фаришталаринг сени тунда учириб, жойингга ётқизиб қўйишди! – дерди онаси кулиб. Фарҳодбек бундан хурсанд бўларди. Ўртоқларига ҳам «мени фаришталарим бор» деб мактанарди.

* * *

Ярим тун.

– Ая, аяжон! – нариги хонадан боланинг қаттиқ чинкиргани эшитилди.

Ҳафиза ая чўчиб уйғониб кетди. Фарҳодбек ўрнидан

туриб ўтириб олган, устидан биров атайлаб бир челак сув куйгандай жикка терга ботганди. Ўзи эса уй бурчагидан кўз узмас, даҳшатдан каттариб кетган кўзлари ўша алпоз котиб қолгандай эди.

Онаси шошиб болалари ётган хонага кирди-ю, бир алфозда ўтирган Фарҳодбекни кўриб кўркиб кетди.

– Бир нима чакдими? Қаерингни чакди?

Фарҳодбек кўли билан уй бурчагига имо қилди.

– Анавиларни қаранг... Улар жудаям кўркинчли, – у кўркканидан аясини маҳкам кучоқлаб олди. Унинг иликкина митти жуссаси титрар эди. – Жинлар ўйин тушяпти...

Ҳафиза ая бурчакка кўз ташлади. Ҳеч зоғ йўқ.

– Ҳар куни шу ахвол... Ярим тунда уйкуни расво қилади, бу! – тўнғиллади Аҳмад акаси. Ботир акаси эса бармоғини чаккасига тираб хиринглади.

– Жинни бу!

– Жиминглар! – Ҳафиза ая уни койиб берди. «Бир баболар кўриняпти, бунинг кўзига...» шундай ўй билан у Фарҳодбекни кўтариб, ўз ётоғига олиб чиқди.

– Тинчликми? – уйқули овозда сўради дадаси.

– Борсам, қалт-қалт титраб ётибди. Уй бурчагини кўрсатиб, «жин ўйнаяпти», дейди. Дадаси, шунингизни дўхтирга олиб борайлик, кўзига бир нималар кўриняпти, – деди аяси хавотирланиб.

– Айтдим, Райим дўхтирга! Анави психиатр бор-ку, шунга олиб бор, дейди. Ўлсам ҳам боламини унака жойга обормайман, дедим. Катта бўлса, ўзини тутволади. Ҳали, кичкина-да, бу!

– Бепарвосиз, беғамсиз. Кичкина, деб кутулинг энди. Дўхтирга ўзим олиб бораман уни...

ҚИЁФАСИЗ ОДАМ

Шу бахона ота-онаси бир жиқиллашиб олишди. Ҳафиза ая Фарҳодбекни дўхтирга ўзи олиб борадиган бўлди. Шугинани деб мактабдаги дарс соатини ўзгартирганди. Бу бўлса эрталабдан хунар кўрсатиб ўтирибди. «Дўхтирга бормайман!» деб турволди.

– Уни ўзи касал, ўзи касал! – деди ўғли ҳиқиллаб.

– Кўрққанингдан шунақа деяпсанми? – деди онаси кулгидан ўзини аранг тийиб.

– Сен уни кўрмадинг ҳам-ку, касаллигини каердан била колдинг?

– Биламан-да, – деди Фарҳодбек қандайдир ишонч билан...

– Барибир дўхтирга боришимиз керак. Бу йил мактабга чиқасан, ахир. Дўхтирдан хужжат олмасак, яна синфда «жин ўйнаяпти», десанг нима бўлади?

– Мактабда жим юраман-да, ая! Мени кўзим бошқачами? Нега улар кўрмаган нарсани мен кўраман? – сўради Фарҳодбек.

– Билмасам, шу кўзингни дўхтирга кўрсатамиз-да, болам?

– У дўхтир билмайди, – хафсаласизлик билан деди Фарҳодбек. – Буни учун калла керак! – бола бошини нуқиб кўрсатди. Ҳафиза ая шарақлаб кулиб юборди.

– Маҳмадона! – деди у. Фарҳодбекнинг юзидан чимдиб. – Кимга ўхшади бу?!

Онаси Фарҳодбекни ҳамма дўхтирларга олиб кирди. Асаб касалликлари шифокори Райим дўхтирнинг олдига киришди-ю, кутилмаганда боланинг ранги ўчиб, жим бўлиб колди.

Ҳафиза ая ҳам бу дўхтирни унча хушламасди. Чунки дўхтир бўлишига карамай, кўп ичарди. Болани кўр-

май-нетмай эрига «уни психиатрга кўрсатинг» дегани оғир ботганди.

– Ака айтгандилар, – деди у ҳижолатпаз жилмайиб. – Психиатрга кўрсатинг дегандим.

– Аввал болани кўринг, хулоса қилинг... Кейин психиатр денг. Номи ёмон у дўхтирнинг.

– Келин, ўқимишли бўла туриб шунака деяпсизми? Касални олдини олган яхши...

Шу пайтгача лом-лим демай ўтирган Фарҳодбек бирдан тилга кирди.

– Ўзингиз-ку касал, манави ерингиз касал! – Фарҳодбек дўхтирнинг жигарига ишора қилди.

– Шунака арок ичаверсангиз, корнингиз шишиб, ўлиб коласиз!

Райим дўхтир болага караганча анграйиб қолди. Ручка тутган кўллари қалтираб кетди. Ҳафиза ая ҳам не деярини билмай, тилини тишлади.

– Ёш бола катталарга унака гапларни гапирмайди. Тентак! – уни койиди онаси. Фарҳодбек айб иш қилгандай бошини эгди. Райим дўхтирга ер остидан қараб кўйди.

– Ий, ғалати-ку, бу болангиз? – гап қотди у ўртадаги нокулай жимликни бузиб. – Жигарим касаллигини сен қаердан билдинг?

– Шунака. Биламан! – деди Фарҳодбек елка қисиб. – Ўтқир кўз боламан-ку! Сиз бўлсайиз, касал дейсиз! – деди у болаларча мактаниб.

Дўхтир Фарҳодбекка ҳайратланиб қарай-қарай, қоғозга «соғлом» деб ёзиб берди.

– Валий бобонгизни кўпчилик биларди. Менам эшитганман. У одамни кулок қилиб қамаган, дейишади. Шунда эшик кулфи ўз-ўзидан очилиб кетган экан. Қондан ўтар экан-да, барибир. Бунни ўйламабман, чўрт!

Аёл жиддийлашди.

– Фарҳодбек оддий бола. Ичса, жигар касал бўлишини катталардан эшитган, – боласидан хавотирланиб деди аёл. – Бола нарсани гап-сўз қилишнинг нима кераги бор, – аёл дўхтирга норизо қараб қўйди.

– У ҳали гўдак. Аввал катта бўлиб олсин! – деди таънали оҳангда. – Кейин ўйлаймиз бу ҳақда., – Ҳафиза ая боласининг кўлидан тутганча кўчага чиқди.

– Ая, мен касалмасман-а? – деди Фарҳодбек кўзларини жавдиратиб. – Ўзи-ку касал. Биринчи кўрганимда кўркиб кетдим, – деди у. Аёл унга савол назари билан қаради.

– Нега кўркасан, болам?

– Қарасам, юзлари кўринмади. Қошиям, кўзиям йўқ... Юзи йўқ! Кўркинчли...

– Бу нима деганинг? Алжима! – аёлнинг кўнгли ғашланди. «Психиатрга кўрсатмайман» деб хаволаниб бекор қилдими? Гап-сўзи ғалатими? Қиёфасиз одам ҳам бўладими?

– У тузалмайди! – деди Фарҳодбек ўйчан. У онасининг қойиб беришидан кўркиб «у ўлади» деёлмади. Аяси яна хайрон қолди. Бола нарса буни қаердан биларди? Жигар касал бўлса, қорин шишиб кетишини ҳамма болаям билавермайди-ку! Аёл тўхтаб боласини бағрига босди, кўзларига тикилди. Унинг нигоҳида кишини хавотирга солгулик сир, сеҳр бор эди. Фарҳодбек анча улғайиб қолганди...

* * *

Ёз келди, ўқувчилар таътилга чиқди. Фарҳодбекнинг ҳужжатлари ҳам мактабга топширилди.

Ўша куни Фарҳодбек Ботир акаси билан қўй бокқани кетаётганди, ён кўчага Тез ёрдам машинаси бурилди. Акаси ўша кўча томонга қараб илдамлади. Унга Фарҳодбек ҳам эргашди.

– Қара, Райим дўхтирни олиб келишибди!

Уч-тўрт кишилашиб беморни машинадан туширишди. Дўхтирнинг ранги сарғайиб кетган эди.

– Қара, қорни шишиб кетибди!

Фарходбек беморга тикилиб қолди, Райим дўхтир ҳам уларни кўрди, шекилли, Фарходбекка қараб «им» қоқиб кўйди. Аммо бола унга бакрайиб қараб тураверди.

– Ака, у ўлиб қолади, – деди Фарходбек ўйчан. Акаси ялт этиб укасига қаради.

– Унақа дема, жинни?

– Аям урушадими?

– Ўлган ёмон-ку! Шунга урушади.

– Буни нимаси ёмон, осмонда учиб юрса...

Акасининг энсаси қотди.

– Ҳа, сиз ҳар балони биладиган сўфисиз. Осмонда учармиш... Тентак! – унинг бошига бир урди акаси. – Ундан кўра илдам-илдам юр... Кўйларга қараш керак...

Ака-ука кўй боқиб Райим дўхтирни унутиб юборишди...

Кечкурун Фарходбек чарчаб эрта ухлаб қолди. Дада-си ҳам ишдан кеч қайтди. Ўғли Ботирбекнинг ғалати қисиниб юрганини кўриб, онаси гап қотди.

– Тинчликми, болам? Нега хомушсан?

– Бугун Райим дўхтирни олиб келишди. Балнисадан қайтарибдимиш... Ранги сап-сарик, қорни шишиб кетган...

– Ёмон бўпти! – ўйга толиб деди онаси. Кейин яна Фарходбекни эслади. Ўша куни бир ойми, икки ойми, бурун дўхтирга дабдурустдан «бунақа ичаверсангиз, қорнингиз шишиб, ўлиб коласиз» деганди.

– Фарходингиз ғалати-да, – деди ўғли. Унинг фикрини ўқигандай. – У ўлиб қолади, дейди.

Онаси индамади, юраги зирк этди. У оддий боламас, оддий боламас. Аммо сир-бой бермади.

– Аҳамият берма, у ўзи шунақа, хаёлпараст?

– Сал мияси айниганми, дейман, – бармоғини пешанасига тираб кулди у.

Дадаси ярим тунда қайтди. Кейинги пайтда у расликдан чарчаган. Тунда келади, икки соат ухлаб, яна далага кетади. Миробларни текширади. Келиб яна ётади. Сахарлаб ишга отланади. Болалар оталарини деярли кўришмайди. Отаси ишдан эрта келган куни байрам бўлади. Бунни олдиндан билгандай онаси ош дамлайди. Дадасига қийин, шунинг учун онаси унга унча-бунча гапни айтавермайди. Баъзида ҳафа ҳам бўлади! «Эрим бору бевага ўхшаб яшайман», деб йиғлаб-йиғлаб олади. Бувисиникига боришса, бувиси онасини қойийди. Бувиси Тожиниса, хўп шаддод кампир. Бир лапарлар айтадики... “Ношукрлик қилма болам, – дейди йиғлаб хасрат қилган онасига. – Ношукрларга худойим меҳнат беради! Ҳозир эринг элнинг ташвишида юрибди. Сенда тўртта ташвиш бўлса, уники мингта! Раиснинг аёли бўлиш осон эканми? Чидаганга чиқарган!” дейди лабларини буриб. У шунақа чўрткесар кампир. Онаси унга маъюс қараб кўяди. Ҳа, эрига ўхшаганлар ўзи учун яшамайди, боласини ўйламасам ҳам, элни ўйлайди... Шунга-да, болалари бошвоқсиз... Аҳмадбеги катта бўлиб қолди. Коллежда ўқияпти. Уй ишларига ҳам бирдек боқишади. Ботирбек тўполончи, бироз айёрлиги бор, Ҳанифа қиз бола, ёлғиз қиз бўлгани учун акалари билан талашиб-тортишиб катта бўляпти. Шунга юриш-туриши ҳам ўғил болача! Нима қилса бўлади, а бу қизни?! Чаккон! Уй ишларини тез-тез қилиб, кўчага чопади. Кеча караса, акалари билан футбол ўйнаяпти. Қиз бола нарса дарвозабонлик қияпти-я? Чимчилай-чимчилай уйга олиб кириб кетди... Футбол ўйнагунча, дарс қилмайдими, уйга қарамайдими?

Фарҳодбек ҳам мана мактабга чиқди. Онаси ишдан келиши билан попкасини кўтариб дарс қилгани келади. Ботир акаси эса уни масҳаралайди.

– Ўқи, ўқи, академик бўласан! – шу баҳона ака-ука кураш тушиб кетади.

Доим шу аҳвол, дарс килиб ҳам тинчимайди, булар. Бирпасда ёқа бўғишиб қолишади, жўжахўрозлар!

Кунларнинг бирида Фарходбек уни майна қилган акасига каламини отди. Қалам ҳавода муаллақ турди-ю, шак этиб ерга тушди. Акаси анграйиб қолди.

– Қанақа килиб қилдинг? – сўради кўзлари ёниб. Қаламни олиб у ҳам отиб кўрди. Аммо қалам қарс этиб деворга тегди-ю, учи синди. Ботирбек қаламни олиб яна отди. Бу сафар ҳам қалам одатдагидай ерга тушди.

Акаси унга ҳайратланиб қаради.

– Фокусчимисан Парҳо...

У каламини ердан олиб йиғламсиради.

– Ана, учини синдирибсиз?

– Ҳикиллама! Учи синган бўлса, очиш қийинми? – дўқ урди Ботир акаси.

– Парҳо, – ялинди акаси. – Яна отиб кўрсатчи...

– Э, боринг-э! Нима, мен сизга томошақовоқ-манми? – тўнгиллади у.

Кечкурун ҳаммалари қалам олиб ота бошлашди. Аммо қаламларнинг учи синди-ю, Фарходбекникидай ҳавода муаллақ туриб қолмади. Оддийгина ерга тушди. Фақат тўполон авжига чиққач, онаси койиб берди.

– Тентакмисизлар, нега қаламни деворга отасиз? Қулок-миямни еб юбордиларинг-ку! Ундан кўраси дастурхон тузанглар, овқат пишди.

– Биронтаси қарашай демайди! – ўзига ўзи гапирди аяси.

Ҳаммалари жамулжам овқатланиб ўтиришганди, эшик қокиб биров келди.

– Овқат маҳали биров келганини ёқтирмайман-да! – деди Ботирбек афтини бужмайтириб. – Иштаҳанинг белига тепади.

– Унақа дема, болам, меҳмон атои Худо...

Ботирбек чимирилиб дарвоза томон кетди. Кейин қайтиб келиб Фарҳодбекка имо қилди.

– Парҳо, сени битта хотин чақиряпти, бола кўтарган? Ҳафиза ая ҳайрон бўлди.

– Укангда нима иши боракан? – ўрнидан кўзгалиб сўради у ва меҳмонга пешвоз чиқди.

Дарвоза олдида бола кўтарган бир аёл турарди. Йиғлайвериб кўзлари қизариб кетган эди. Бошидаги рўмоли сирғалиб елкасига тушган, кўлидаги боласи уни ғижимлаб ўйнардди.

– Келинг, уйга киринг! – у билан эсонлашиб кўришаркан деди Ҳафиза ая.

– Мен... Менга Фарҳодбек ўғлингиз керак, – синик товушда деди аёл.

Ҳафиза ая ҳайрон бўлди. Аёлга савол назари билан қаради. Ёш болада бунинг нима иши бўлиши мумкин? Кўриниши бир аҳволда, бошига бир иш тушганга ўхшайди.

– Синглим оғир ётибди, – йиғламсираб деди у. – Ёшгина, иккита боласи бор. Дўхтирлар «бўлмайди» дейишяпти. Шунга Фарҳодбек бир кўрсин девдим, – аёл пиқиллаб йиғлаб юборди. Кўлидаги дастрўмолчаси билан кўз ёшларини кетма-кет артди. Боласи унга чўчибгина қаради, йиғламоқ бўлиб лабини бурди. Онаси уни овута туриб деди.

– Фарҳодбек хислатлимиш. Райим дўхтирни айтибди-ку, эгачи... Ҳозир эшитиб келяпман. Дўхтир... узилибдимиш. Бундан икки ой олдин унинг аёли Фарҳодбек ҳақида қарғаниб гапирганди. Айтгани рост чиқибди, қаранг... Бир кўрсин эгачи, бир қараб кўрсин... Йиғлайвериб онамнинг ичлари узилиб кетди... Фарзанд доғи ёмон, биласиз...

– Фарҳодбек, бола-ку ҳали, – имкон қадар майин га-

пирди Ҳафиза ая. – Ўшанда дўхтирдан кўркиб, “уни ўзи касал”, деб хархаша қилувди.

– «Қорнийз шишиб, ўлиб қоласиз!» деган экан-ку... Шундай бўлди-ку! Эртага бомдодга чиқаришармиш, – деди аёл. Ҳафиза ая юзига фотиҳа тортди.

– Энди... бу бир тасодиф. Бола нарсани бунақа ишларга аралаштирмайман. Қолаверса, авваламбор Худо, дейдилар. Чикмаган жондан умид, сиз хафа бўлманг, ўргилай сиздан! Синглингиз тузалиб кетсин, болаларига бош бўлсин...

Шу пайт ичкаридан Фарҳодбек чиқиб келди. Онасининг ёнига бориб, аёлга савол назари билан каради. Меҳмон уни кўриб ўзини тутиб туролмади. Уни бир қўллаб бағрига босди. Қўлидаги боласи кўркиб йиғлаб юборди...

– Парҳоджон, жон болам, синглим касал, оғир касал. У тузаладими? – аёл яна йиғлади. Фарҳодбек индамай бошини эгиб тураверди.

– Айтакол, гапиракол...

Фарҳодбек гунг-соқовдай безрайиб тураверди. Аёл уни кучиб йиғлашини қўймасди.

Бу пайтда бошқалар ҳам уйдан чиқиб уларни кузатишарди.

– Билсанг, айт ўғлим? – деди онасининг тоқати тоқ бўлиб. Фарҳодбек яна индамади...

– Кўрдингизми, у ҳали бола? Нима деётганини ўзи билмайди, – мулойимлик билан деди онаси.

Аёл кўз ёшларини артди. Бола бўлса-да, Фарҳодбекка таънали нигоҳ ташлади. Оғир хўрсинганча ҳамон биғиллаб йиғлаётган боласини бағрига босиб, чиқиб кетди. Фарҳодбек унинг ортидан мўлтираб қараб колди.

– Нега индамадинг? – меҳмон кетгач, ўғлини койиди онаси. – Без бўлиб туришингни кўр!

Фарҳодбек хўмрайди.

– Сиз билмайсиз! – деди силтаниб. – Буни айтиб бўл-

майди-да! У... ўлади! – деди секин. Ҳафиза ая кетаётган жойида такка тўхтаб, ортига ўгирилди.

– Нима дединг?

– У ўлади...

Ҳафиза ая ортига қайтди. Саволига жавоб топмоқчидай ўғлининг коп-қора кўзларига тикилиб қаради.

– Сен буни қаердан биласан?

– Биладан-да, – елка қисди Фарҳодбек. – Унинг юзи йўқ... Райим дўхтирники ҳам шунақа эди! – деди.

– Юзи йўқ дейсанми?

Фарҳодбек бошини эгди.

– Юзи ҳам, кўзи ҳам кўринмайди... Оппоқ бўлади...

Ҳаммалари анграйганча Фарҳодбекка караб қолишди...

Райим дўхтирнинг жанозасида Фарҳодбекнинг хислатли экани ҳақидаги миш-мишлар болалаб кетди. Шу баҳона дарвоза тагидан одам аримай қолди. Яна ҳам бу раиснинг уйи бўлгани учун одамлар ўзларини тортиб туришди. Йўқ, бу воқеа нима билан тугагини айтиш қийин эди. Охир-оқибат узун-қисқа бўлиб Фарҳодбекни сўраб келувчилар Ҳафиза аянинг жонига тегди. «Нима мени ўғлим сизларга фолбинмиди?» деб уларни қувиб-солди ҳам, аммо... барибир қизиқувчилар, беморлар дарвоза атрофида изғийверишди. Алал-оқибат Ҳафиза ая Фарҳодбекни бувисиникига жўнатиб кутулди. Мактаби бошлангунча яшаб турсин, унга манами миш-мишлар ҳам тинчиб қолар, деб умид қилди.

Орадан йиллар ўтди. Фарҳодбек улғайди. Одамлар Райим дўхтир ҳақидаги миш-мишларни унутиб ҳам юборишди. Аммо бу гаплар Ҳафиза аянинг кўнглида бир тош бўлиб қолиб кетди. Чунки бир кун келиб, бу нарса яна юзага чиқишини у биларди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. У шундан хавотирда эди.

ҚАБРИСТОНДА БОЛА КЎТАРГАН АЁЛ

Дарслар энди бошланган, хазонрезги пайт. 1985 йилнинг кузи. Фарҳодбек ҳовлидаги сўри тагида дарс тайёрлаб ўтирарди. Унинг бўйи чўзилиб, қошлари калинлашган, овози ҳам дўриллаб қолганди. Фарҳодбек баланд бўйли, мушакдор, қизлар ҳавас қилгулик йигитга айланганди. Феъли тез бўлса-да, у мулоҳазали йигит эди. Шунга мактабда ҳам обрўси ёмон эмасди.

Дарвоза томондан дадасининг овози келди.

– Ботир, Фарҳодбек, ҳой биров борми? – хиёл ўтмай остонада халта кўтарган дадаси кўринди. – Олмайсанми, буларни? – деди дадаси. Фарҳодбек унга салом бериб, кўлидаги халталарини олди.

– Энди ковун пишармиди, ўғлим! Ертўлага тушириб кўй. Онангга айт, аччиккина мастава қилсин, негадир кўнглим беҳузур...

Фарҳодбек индамади, отасининг юзига қарагани чўчиди... Фақат унга ер остидан қаради-да:

– Меҳмонга бормай кўя қолинг! – деди.

– Бормаса бўладими, болам, казо-казолар келади-ган... Бормасанг, бу душман, дейди, пана-пастқамда тиш қайраб юрибди, дейди. Замон шунақа ҳозир, юзаси тинчу, гирдоблари, пўртанаси тагида, ўғлим...

Отаси чиқиб кетаётиб деди:

– Онангга айт, кийимларимни тайёрлаб кўйсин, дадам айтди, де!

Кейинги йилларда отаси кўп кийналди. Фарҳодбек буни биледи. Кам кулади, кўп хўрсинади... Кеч кузда тонг ёришмай ёш болаларни далага ҳайдаш осонми, дейсиз. Яна денг, пахта даласи бўш бўлса?! Фақат «хўжакўрсин» учунгина уларни қор-ёмғирда далада ушлаш қайси қонунга тўғри келади.

Икки-уч ойлик чақалоғи бўлган аёллар ҳам бир кўлаб пахта теришади. Чунки иккинчи кўлида чақалоғини кўтариб олган бўлади. Гўдаклар дори сепилган далада улғайишяпти. Шу сабаб нимжон, рангпар бўлиб қоляпти. Кейинги йилларда сарик касаллиги кучайгани-чи? Илгарилари юз кишидан иккитаси сарик бўларди. Ҳозир буям гриппга ўхшаб юқиб кетяпти.

Шуларни ўйлаб тинч ухлаб бўладими? Рўзи машҳарда ҳам буюрувчи эмас, бажарувчи кўпроқ жазо олади. Раис эса бажарувчи... Обком билан райкомнинг айтганини қилади. Улар оҳори кетмаган костюм-шим кийиб, халқ олдида жилпанглашади... Халққа ёмон кўринган раис бўлади. Бригадир «расволикда» раисданам ўтади. Шунақа тескари дунё бу. Қамчини булар еб, қилғиликни қилганлар айш суради.

Аммо бажарувчига имкон берилган, у икки йўлдан бирини танлаши мумкин. Истаса буйрукни бажарсин, истамаса барига кўл силтаб, раисликни топширсин! Лекин хом сут эмган банда, «ҳаёт шу экан-да» деб оқимга қараб сузаверади. Гирдобдан чиқиб кетолмайди. Ваҳоланки, у гирдобдан чиқишга кўрқади. Аслида бу ҳаёт оқими уни қайларга итқитиб ташлашидан чўчиш керак эмасми!?

Билади, Азизбек Аъзамбекович тепадагиларга ҳам ёқмай қолган. Айниқса, Фотиҳ Насимовичнинг арзандаси пайдо бўлгандан бери. Отаси киму боласи нима бўларди. Бу тирранчанинг қилгуликларини эшитиб, катта-ю кичик ёқа ушлади. Эшитмаганлари қанча!? Гапирсанг, кўролмаган бўласан, ҳасад қилган бўласан... Қарангки, мажлисларда коммунистик маънавият ҳақида гапириб чарчамайди. Ҳаммага ақл ўргатади, амалда, барига тупуради. Москопликлар билан ўрмонда қилган ишларини булар билмайдими?! Яна ҳам мулланинг айтганини қил, қилганини қилма, деб ўзини юпатади. Аммо ўғли ҳақида юзига гапирди, чидолмади. Назаров Фотиҳ

Насимович эса уни шундай чакдики, раис унга гап топиб беролмади.

– Ҳаёт бу! – деди Фотих Насимович унга чакчайиб. – Бу ўйинни биз бошламаганмиз. Тўхтатиш ҳам кўлимиздан келмайди. Бу асли... – Фотих Насимович бармоғи билан осмонга ишора қилди. – Тепадан бошланган. Лойимизни шунақа қорган. Истасангиз ҳам оппоқ бўлолмайсиз, чунки мағзингиз харом!

Буни эшитиб раис бир зум каловланиб қолди. Юзига кон тепиб, чакка томирлари бўртиб-бўртиб чиқди. Бундан Фотих Насимович ўзича хулоса қилди, “мен зўр чиқдим”, деб ўйлади.

– Ҳақиқат аччиқ бўлади, азизим? – деди у лабини ялаб. – Бунга аллақачон кўникиш керак эди...

– Сиз кўникаверинг, мен кўникмайман. Мен дунёмга харом аралаштирмоқчи эмасман. Сиз яхшиси ўғлингизни тийиб олинг, – деди у.

“Ана уларнинг фалсафаси, дунёни ўзлари булғатиб, «мағзимиз харом», деб юришибди», – ўйлади раис. Унинг учун икки йўл қолган: ё раисликни топшириб, тинч яшайди, ё шу харомхўрларга кўшилиб, «ўлакса» келиради. Уларга қарши курашиш эса хаёлпарастликка ўхшайди.

– Сиз эса ўзингизни тийинг! – деди ачитиб Фотих Насимович. – Колхозчиларни урганингизни билмайди, деб ўйлайсизми? Так што, оппоқ эмассиз! – у костюмига гард юктирмаслик учун бир-бир қадам ташлаб, ярақлаб турган тим қора машинаси томон кетди.

Раис оғир хўрсинди, «урмаса бўлмаса бу кўппакларни!» ўйлади у.

Бир сафар Карим бригад ҳомиладор аёлни далага ҳайдаётгани устидан чиқди. Аёлга:

– Сиз уйингизга бораверинг! – деди-ю, Карим бригадни четга тортиб, бир шапалок туширди.

– Нега ҳомиладор аёлни ишлатаяпсан? Агар яна шундай қилганингни кўрсам, ўлдираман! – деди у.

– Сизми хўжайин, обкомми? – деди у ҳам пинак бузмай. – Бу хотин халқи ҳар йили туғса, далада ким ишлайди? Фотиҳ Насимович билсами?!

– Тупурдим ўшанингга! Билса-билаверсин! Аммо икки қулоғингга куйиб ол, ҳомиладорлар билан чақалоғи борлар, далага чикмайди!

– Унда ким чиқади, далага! – қизариб деди Карим бригад.

– Сен! – деди раис қатъийлик билан, – сенга ўхшаган кунни чойхонада ўйказадиган такасалтанглар чиқади...

Бошқа сафар тепадагилар ундан қўй сўраттиришди. Раис қўйлар авжи кўзилайдиган пайт, бермайман, деб турволди. Аммо эртасига сурувдан бешта қўй йўқолганини эшитиб, ичи ўнгарилиб тушди.

– Мазахўрлар! – деди у муштини тугиб. Чўпон унга мўлт-мўлт қаради.

– Ўзи келди, қора мошинда. «Раис урушади» деганимга карамади. Юмшоқ-юмшоқ гапирди. «Тепадагилар билишади!» деди. Бешта қўйни грузовойга ортиб кетди.

– Қўй эмас, кўзи эди...

Азизбек аканинг чўпонга қараб жаҳли чикди. Қўй боқавериби, ўзиям қўйга ўхшаб қолган, шекилли. Елкасини қисиб, кўзини мўлтиратиби тураверади...

– Бўлар чиш бўпти, – деди раис зардали оҳангда. – Айтганини қилиш керак эди...

– Ҳар йилги машмаша, ўзингиз биласиз-ку! – деди у айбдорона бош эгиб.

– Кўзининг гўшти ўнгаридан тешиб чиксин... – Азизбек ака шаҳд билан машинаси томон кетди. Қўй йўқолдими, демак, эрта-индин москопликлар келиб қолади. Ейди-ичади, ширакайф шикорга чиқади... Ҳеч кимдан

кўркмайди, булар. «Хароммиз» деб бетига эшак терисини тортиб олади. Ана одамлар...

* * *

– Ботир, болам, Фарходбек билан Жўра акангга қараш... Сурувни далага ҳайданглар?

– Пахтачи... пахтага чикмайманми? Ўқитувчимга ўзингиз айтинг. Доим раиснинг «эркатойи» деб пичинг қилади...

– Ҳозир тоғда шоғол кўпайган, кўйни обкочяпти...

– Жўра ака ҳам рўйхушлик бермайди. Нима биз қорувулмизми, унга?

Дадаси Ботирбекка қаттиқ қаради.

– Айтганимни қил! – деди босиклик билан.

Ўзи кийиниб чикди. Фарходбек унга ер остидан қараб кўйди. У дадасининг шу зиёфатга боришини сира истамаётганди. Шунинг учун унинг юзига қарашга ҳам кўркаётганди. Ҳозир қараса, кўз-қоши кўринмайди. Қиёфасиз одам нимадан дарак эканини у билади.

Фарходбек оёқ кийимини кийиб, бошини кўтарди-ю, кўзларини куёш нури камаштирди... Дадасининг юзларида оппоқ шаклни кўрди. Фарходбек шу кўйи отасига тикилганча бақрайиб қолди.

– Анграйма, тез бўл! – уни шоширди отаси ҳеч нимадан беҳабар. Ўғли энди чидолмади.

– Шу меҳмондорчиликка борманг! – деди дабдурустан асабийлашиб.

– Қанақа меҳмондорчилик? Ҳеч қаёққа бормоқчимасман?

Фарходбек индамади. Билади, у барибир бораверади. Мундан сўраб ўтирмайди. Кўнгли ёмон ғашланди. Отаси ҳамон унга савол назари билан қараб турарди.

– Нега унақа деяпсан?

– Ўзим шундай, – деди Фарходбек елка қисиб. Кўнглим ғаш...

“Тавба, ғалатилиги қолмади-да, бу боланинг”, – дадаси бошини сараклатиб кулиб кўйди.

Ҳамма иш-ишига кетди.

Тушгача ҳаво очилиб турди. Кўй-кўзилар далада мазза қилди. Фарҳодбек Ботир акаси билан кўзиларнинг диконглаб сакрашини томоша қилишди. Тундан кейин ҳаво айниб, шамол турди, чанг-тўзон кўтарилди. Ҳозиргина яйловда яйраб юрган кўй-кўзи безовталаниб маърашга тушди. Гувиллаб келган бўрон хас-чўпни осмонда ўйнатиб, кўз очирмай кўйди. Устига устак, она кўйларнинг бараши авжига чиқди. Бир ёқдан Фарҳодбек, бир ёқдан Ботир акаси-ю, Жўра акалар аранг сурувни эплашди. Униси у ёқдан, буниси бу ёқдан чўх-чўхлашиб, кўйларни кўтонга қамашди. Шамол ердаги барики, ҳазонларни осмонга кўтариб ўйнаб, анча дайди. Унгача булар кўй-ю кўзини санаб, ҳисобини олишди.

– Битта она кўй йўқ-ку! – деди Жўра ака бош қашлаб. Кеча раис билан бўлган нохуш гапларни эслаб, юраги ғашланди. «Яна сўқади энди...» Бу ёқда кўзичоғи маъраб, юракни эзиб юборди.

Фарҳодбек ўша кўзичокнинг олдига бориб, уни тинчлантормокчи бўлгандай кучоқлаб олди. Кейин кўзичокнинг жингалак жунларини силаб, унинг қоп-қора мунчок кўзларига тикилди.

– Онангни йўқотиб кўйдингми, қоравой? Ҳозир топиб келаман-да! – Фарҳодбек жониворнинг кулоқларидан ушлаб эркалади. Чинданам кўзичок тинчланиб қолди...

– Жониворларам одамнинг гапини тушунарканми? – деди Жўра ака чаккасини қашиб куларкан.

– Одамнинг эмас, Парҳодни деяверинг! – деди Ботир акаси илмоқли қилиб.

– Бу шунақаям гипноз қиладики, истасангиз, итингиз билан шу кўзини ўйинга тушириб беради!

– Ёппирай! – чўпон дўпписини олиб, кафтига шараклатиб урди. – Гапиришса ишонмасдим...

Фарходбек акасини кувиб қолди.

– Э, алдаяпти бу. Сизни калака қиляпти-ку! – норози бўлиб деди у. – Гап деб ҳар балони гапираверадими? Қанака гипноз, ака?!

– Бўпти, бўпти, бор она кўйни топиб ке? Қоронғи тушса, шоғол келади, яна обқочмасин, дадамдан балога қоламиз. Бўл тез...

Фарходбек кетаётиб, кўзининг бошини силаб кўйди. Кўзларига тикилди. Чунки она-бола ўртасида телепатик алоқа борлигини билади. Кўзичокнинг кўзлари унга йўл кўрсатса ажабмас...

– Кўрдийми, гипноз қиляпти, – китмирлик қилди акаси яна.

– Йўғ-э! – Жўра ака Фарходбекка караб анграйди. Ўспирин акасига бир ўкрайди-ю, йўлига кетди.

– Қир томонга кетгандир... Ўша ёкка бор! – унинг ортидан бакирди Жўра ака. Фарходбек ортига ўгирилиб қулиб кўйди. Одам ҳам шунчалик содда бўладими? Зеро, у кўйни каердан излашни биларди. Шамол туришидан сал олдин ўтлаб кетган... Боласи бу томонда қолган. Шамол туриб ҳамманинг эсини тескари қилиб юборди.

Бу пайтга келиб шамол тинганди. Аммо ҳар ерда уюм-уюм бўлиб ётган ҳазону хас-чўп ҳозиргина бўлиб ўтган талотўпдан дарак берарди...

Кўрикхона чегарасида кишлок қабристонни бор. Кўрикхона атрофида ўтлар мўл, барра-барра бўлиб ўсиб ётибди. Бунга чўпон-чўлик атайлабдан тегмайди... Ҳеч ким юлиб ҳам кетмайди. Йўқолган она кўй ҳам бу ўтларнинг мазасини тушуниб қолган, шекилли. Бу ёкка билиб келган. Шунгадир, кўзичоғи ҳам дуркунгина...

Фарходбек бир фурсат атрофда тимирскиланиб юрди. Шу пайт каердандир узокдан кўйнинг маърагани

эшитилди. Ўспирин сергак тортди. Ғалати, овозининг бўғиклиги ғалати, овоз паст. Чиндан ҳам овоз узоқдан эмас, ер тагидан келяпти. Ер тагидан?! Фарҳодбек хайрон бўлди. Кейин узала тушиб, ётганча ерга қулоғини тутди. Аллақандай дупур-дупур овозлар келди. Ичкарида кўрикхона тарафда нимадир қарсиллади... Кўй ҳам хуркиб кетди, шекилли, маъраб юборди.

«... Мозор яқин-ку, чуқурликка тушиб кетган-ов, – ўйлади Фарҳодбек. – Тавба кўй зотига мозорда нима боракан?» Аммо, кўрикхона томонда яна нимадир қарсиллади... Фарҳодбек ўша томонга хавотирли қараб кўйди. Холдор кийикмикин... Эркаги ёмон қизганчик бўлармиш, калла кўйиб қолмасайди, ишқилиб.

– Бех, бех, бех! – кўйни чақирган бўлди Фарҳодбек. Жонивор ҳам бунини тушунгандай маъраб овоз берди.

Ўсмир мозор айланиб кўйини излади. Бари чуқурликларга мўралаб кўрди. Яхшиямки, майитлардан кўрмайди... Бир ўзи, бий далада... Яна денг кўрикхонада касира-кусур бўп ётган бўлса... Шикорга чиқишгандир?! Шу ҳавода-я...

Нихоят, Фарҳодбек кўйи тушиб кетган ўрани топди. Ўрами, лаҳадми, билмайди. Унинг ичи коп-қоронғи бўлгани учун кўйнинг кўзи ялтираб кўринди.

– Жиннивой, кандок тушиб кетдинг, ўрага? – деди кулиб Фарҳодбек. Бунга жавобан кўй чўзиб маъради:

– Бааа!

– Ўла тентак. Энди бу ердан қандай чиқараман?

Фарҳодбек аввал кўрикхона атрофидан шох-шабба, тўсин топиб келди. Барини ўра ичига ташлаб, ўзиям пастга тушди. Кўйнинг орқасидан итариб, тепага чиқишига ёрдамлашди. Уям ортига тисарилиб, маърайвериб, хит қилди. Аммо кўй жонивор дуқирлаб тепага чиққанида, ер чўкса бўладими? Кутилмаган ҳаракатдан Фарҳодбек қалқиб кетиб, йиқилди. Устига шувиллаб тупроқ тўкилди...

– Оббо!!! – хуноби чикиб деди Фарҳодбек. – Ўзи шу етмай турувди, энди...

У дик этиб ўрнидан турди, энгил-бошини коқди... Қўй маъраганча кетди. Қўтонга олиб борадиган йўлни билса керак, ҳойна-ҳой. Ҳайвонми, одамми, илиб кетмас, кўзичоғининг олдига етволади. Аммо Фарҳодбекнинг иши чаток бўлди-да! Шу бемахалда кимама келарди, бу далаи даштга. Яна денг, уни мозордаги чуқурдан излаш бировнинг калласига келармиди... Шунинг учун Фарҳодбек шох-шабба устига чикиб, ўра оғзига интилди. Бўйи баланд бўлгани билан кўли етмади... Бир-икки сакраб ҳам кўрди, бефойда... Қоронғи тушгунча чуқурдан чиқаман, деб роса чиранди... Аммо... шунақаям қалтис ҳазил бўладими?! У осмонга норизо қараб кўйди.

Осмон тим кора, унда чўғдай юлдузлар милтирайди. Шўхчан-шўхчан кўз қисади. У бўлса... зиндонда ётгандай ётибди. Мана кўл-оёғи бойланмаган, аммо эрки йўк... Куз эмасми, совуқдан қалтирайди. Бир туриб юради, бир ўтиради. Ғужанак бўлиб ётиб ҳам кўрди... Қаранг, шу зимистондаям ҳаёт уфуради. Кундузги ҳокимлар уйкуга кетиб, тун эгалари бош кўтаради. Қайдандир шоғолнинг увиллагани, бойкушнинг телбавор, кўрқинчли “қий-йа, қий-йа” қилиб сайрагани эшитилади... Ўрмон ичида биров юргандай нимадир гурсиллади, қарс этиб шох синди. Кимнингдир чинкиргани эшитилди. Чиндан ҳам кўрикхонада одам бор, шекилли...

Бирови гапиряпти, бирови қийкиряпти... Фарҳодбек энди сергакланиб тевааракка кулок тутди.

– Ёрдам беринглар! – бақирди у. – Мен бу ёқдаман! Чуқур ичидаман...

Фарҳодбек агар кўрикхонада ростданам одамлар юрган бўлса, ёрдамга келар, деб ўйлаганди. Афтидан, улар ўзи билан ўзи овора, шекилли, ора-сира уларнинг «ол, коч!», «падари кусур», деб сўқингани эшитилди. Қандай-

дир жанжал бўлаётганини Фарходбек тушунди... Бу орада ёш боланинг йиғлаётган овози келди...

– Фотоаппарат қани? – деб сўради улардан бири. – Бер дедим, тез бўл! – деди асабий овоз. Бу овоз Фарходбекка таниш туюлди.

Бола яна бир нима деб йиғлади... Анави катта одам сўкинди. Шу пайт кутилмаганда «қарс» этиб ўқ узилди. Кимдир-бирова гурс-гурс қилиб қочди ҳам. Тепада яна қарсиллаб ўқ узилди. Бу сафар ўқ овози анча узоқдан келди...

Фарходбек ҳайрон, нима қилишини билмасди... Аммо нималар бўлаётганини жуда-жуда кўргиси келди. Афсуски, унинг кўкда ялтираб ётган юлдузларга тикилишдан ўзга иложи йўқ эди...

Атроф сукунатга чўмди. Гўё ҳеч нима бўлмагандай, яна шоғол увиллади, бойкуш «ху-ху»лаб ҳунук қулди. Тун сирини сукунат ютди... Яна шамол тентиради... Барглари қуриган дарахтлар, қурук баргу шохларнинг бир-бирига тегиб, шир-шир қилгани эшитилди. Узоқда итлар акиллади, қушлар потирлади...

Фарходбек ҳам хандак ичида бир мудради, бир қўнишиб ўтирди, калима қайтарди... Яна ўра четига суялиб, оёқларини қучоқлаганча кўзларини юмиб олди... Яқинларини кўз олдига келтириб, улардан бир-ма-бир ёрдам сўради. У шу алпоз мудрай бошлади. Кўзини очганида унга ок қўйлакли бола кўтарган нотаниш аёл жилмайиб қараб турарди. Фарходбек ҳайрон бўлди, ўнгими бу, тушими, билолмади. Кўзларини юмиб-очганида, аёл ғойиб бўлди. Туш? Қора хаёл. Юраги гурс-гурс уриб кетди.

– Фарходбек, Пархожон! – аёл кишининг мулойим овози келди. – Манавинга тирмашиб чиқинг!

У тепадан ўра ичига хода ташлади... Фарходбек чакқонлик билан унга тирмашди. Кўз очиб юмгун-

ча ўзини тепада кўрди. Кўзи бояги бола кўтарган аёлга тушди. Йигит унга ҳайрон бўлиб қаради, ҳеч нимага тушунмади. Ярим кечада болали аёлнинг бу ерда нима иши бор экан? Жўраканинг келинимикин?! Аммо аёлдан сас-садо чикмади. Ўртада қандайдир парда бордай... У бегона эди. Нотаниш... Бу ерларнинг, бу дунёнинг одамига ўхшамасди.

Ҳар не қилганда ҳам Фарҳодбек ундан миннатдор бўлди. Йўлига кетаркан, ортига ўгирилиб қаради. Не кўз билан кўрсинки, ўша аёл Фарҳодбек чиккан ўра ичига кириб йўк бўлди.

Фарҳодбек тушиб кетган жойга бир ҳомиладор аёл кўмилганини у кейин билди... Не ажабки, у дунёда ҳам болалар туғилса... Ахир аёл гўдагини кўтариб олганди...

Атроф коп-коронғи... Ҳеч зоғ кўринмасди. Фақат кузак шамолигина дайди, дарахт шохларини тортиб ўйнатар, Фарҳодбекнинг юзларини чимдиб кетарди. Бу ғалати эди. Уни ҳеч ким изламаётгани. Шубҳали... Жўра ака ҳам, отаси ҳам жим. Бир нохушликни сезиб, юраги «зим» этди.

Шу пайт узоқдан оқ бир шарпа кўринди... Фарҳодбекнинг кўнгли ёришди. «Ана келишяпти!» деб ўйлади у. Аммо шарпа яқинлашгач, у ёш бола экани маълум бўлди. Ўрмон коровулининг ўғли-ку, Рустам! Тунда айлангани чиккандир?! Браконьерларни тутуди. Бу браконьерлар эса кўпинча «нозик меҳмон» бўп чиқади. Ўлмас ака ҳам дадасига ўхшаган дўлвор одам, унча-бунчанинг тиши ўтмайди, унга. Фақат бировлар биқиниб, бошқалари очик-ойдин кийкиришиб, ов қилади. Айниқса Фаррух..., Фотиҳ Насимовичнинг олифта ўғли, ғалати безбет. Кўзида тикани борга ўхшайди, дабдурустдан қаролмайсиз. Шикорга шу кўп чиқади. Тустовук отади, анави сафар ҳолдор кийикни отиб, қўлга тушган. Мелисалар танима-

ганга олиб, «участка»га олиб кетишган. У ёқда отасидан шапалоқ ебдимиш... Унга бир шапалоқ нима?

– Ты чў пахан, руки распускаеш...! – деганмиш...

Беш минут ҳам ўтирмади, участкада. Чикди-кетди. Шунга булар тунда ўрмон кезади...

Фарходбек шарпанинг ортидан қувди. Ҳеч курса бирга кетамиз деб ўйлади.

– Рустаммисан? – чақирди у. Шарпа тўхтаб, ортига ўгирилди.

– Фарходбек?

Унга хайрон бўлиб қараб турган Рустамга деди.

– Ўрага тушиб кетдим. Аранг чикдим... Ўзинг-чи? – сўради Фарходбек.

Яна изғирин турди. Буларнинг юзларини, қўлларини ялай бошлади...

– Зарилми, тунда юриб. Ёки хатар бормиди?!

Ой нури икковининг юзини ёритди. Рустамнинг кўзлари совук йилтиради. Фарходбекка эса улар йўқдай бўлиб туюлди.

– Анави... улфатлари билан яна шикорга чиққан. Ҳаммаси ғирт маст, қотиб қопти. Тунда нимани отади-а, нимани отади? Шоғолними, бойкушними? Йўлини топиб юролмайди-ю, қўлида милтик. Фотоаппаратимни тортволди, плёнкасини куйдириб ташлади, хайвон...

Шу пайт Фарходбек ўртоғи чап кўксини чангаллаб олганига эътибор қилди. Қўлидан қон оқаётганиди.

– Қара, қара қон-ку бу? – Фарходбек кўркиб кетди.

Рустамнинг юзлари оғриқдан бужмайди, гўё. Кўзларида қандайдир армон, алам зоҳир бўлди.

– У мени отиб қўйди! Отди тўнғиз...

Фарходбек қўйлагини шартта ечди-да, унинг ярасини боғлашга тутинди.

– Қўявер! – унинг қўлларини итариб юборди Рустам.

– Сен кетавер, мен ҳозир! – у шундай деганча ўрмон ичига кириб йўк бўлди...

Фарҳодбек ҳам ҳайрон, йўлига кетди. Фақат Рустамни ўйларди. Шу ахволда ўрмонда нима қилади?

Унинг кўриниши ҳам ғалатими?! Ажаб...

Фарҳодбек уйга кириб келганида ярим тун эди. Уни Ботир акаси зинапояда кутиб олди. Ҳеч нимани суриштирмай юзига бир тарсаки туширди... Фарҳодбек юзини силаганча акасига ўқрайиб қаради.

– Битта кўйга шунча кетасанми?

У акасининг саволига жавоб қилмади.

– Отам келдими? – сўради Фарҳодбек дабдурустан.
– Аям канилар?

– Жўраканикига кетган, хавотирдан ўлди-ку! Бу ёқда отам ҳаяллаб қолди...

– Битта ухламадим..., – норози оҳангда деди акаси. Фарҳодбек айбдорона бош эгди...

Кейин бир нимани эслагандай шошқич кўчага чиқди. Жўра ака билан маслаҳат қилиш керак. Уникига етиб келганида онаси йиғлаб ўтирган экан. Фарҳодбекни соғ-омон кўриб ҳаммалари хурсанд бўлишиб кетишди.

– Шукр! – деди онаси йиғлаб. – Тирик кўрганимга шукр!

Жўра ака жим. Фарҳодбекнинг елкасига қоқиб кўйди.

– Айтдим-ку, тегирмонга тушса бутун чиқадиган бола деб!

– Ким билади... Ёмон кўп ҳозир, – деди онаси кўз ёшларини артиб.

– Ўқ овозини эшитмадингларми? – Жўра акага савол назари билан қаради Фарҳодбек.

– Мен отдим...

Фарҳодбек ялт этиб Жўра акага қаради. Ҳайрон бўлди.

– Шоғол келди, отдим. Отсам қочади, кейин яна пу-
сиб келади., занғарлар.

– Йўк... ўрмонда отишма бўлди. Анави олифта Рустам-
ни отиб кўйибди?

– А? – Жўрака меърайди.

– Отибди?! Нега отади? – Жўра аканинг капалаги учди.
Фарходбек елка қисди. Аёллар ҳам кўрқиб кетишди.

– Вой, бояқиш-э!!! – деди онаси. – Айтдим-а, ёмон
кўп деб...

– Жикиллашганини ўзим эшитдим. Бу уларни расмга
олган экан. Фотоаппаратини тортволиб, расмини куйди-
риб ташлади... Кейин «қарс» этган ўк овози келди. Гур-
са-курс қочди, булар... Орадан қанча вақт ўтди, билмай-
ман. Чуқурдан чиқиб кетаётсам, Рустам юрибди. Ҳамма
ёғи қон, шу аҳволда ўрмонда қолди.

– Вой ўла қолай? – деб юборди Жўраканинг аёли
Карима хола, – нега қолади?

– Юр десамам, келмади. Ҳайрон бўп қолдим. Уйида-
гиларига айтиб, ўрмонни кидириб кўрамизми?

– Шўрликкина! – деди онаси йиғламсираб.

– Шу аҳволда ташлаб кетасанми, тентак!

– Келмаса, мен нима қилай?

Ҳаммалари кўзғалишди. Онаси отасидан хавотир ол-
ганча уйга кетди. Жўра ака билан Фарходбек эса ўрмон-
чиникига йўл олишди.

* * *

Тун ёмон ўтса, кун ёришмайди. Туннинг давомига
ўхшаб қолади... Булутли салқин ҳаво, совуққина елвизак
эсади, номаълумлик ютаман дейди...

Ўлмас ўрмончининг эшиги ғийқиллаб қийналиб
очилди. Ичкарида аёл киши эзилиб йиғлар, ошхона
йиғилмаган, Ўлмас ака ҳовлида руҳи синиқ мол-холга
қараётганди, кўлидаги хашаклари тўкилиб-тўкилиб кета-

ётганди. Бу тун хонадон эгалари ўрин ҳам солишмаган, шекилли...

Ўлмас ака улар билан кўл олишиб кўришди ва ўзи сезмаган ҳолда чуқур хўрсинди. Аёл кишининг йиғиси авжига минди.

– Рустам, кеча эрталаб чиқиб кетганича қайтмади... Шунга? – деди ўрмончи аёлининг нега йиғлаётганини изоҳлаб.

– Хабарим бор, – деди Жўрака унга ҳамдардлик билдиргандай. – Фарҳодбек ўғлингизни кўрибдимиш. Ўрмончи сергак тортди.

– Қаерда? Қачон? Онаси, буёқка чик... – изиллаб йиғлаётган хотинини чақирди у. – Фарҳодбек ўғлингизни кўрибди...

Шу заҳоти Санобар опа ичкаридан чопиб чиқди.

– Ростдан-а? Соғ эканми?

Фарҳодбек индамади. Жўрака бармоғини лабига босиб, жим ишорасини қилди.

– Омон, омон... Сен чойга қара, – деди Ўлмас ака. Аёл суюниб кетди, яна йиғлади.

– Нима бўпти? Соғ бўлса нега келмади? – аёл кетгач, сўради ўрмончи. Фарҳодбек бор гапни айтиб берди.

– Отибдими, ит?! – бир важоат билан ўрнидан кўзгалди ўрмончи. – Соғ кўймайман уни! – у уйига ўқдай кирди-ю, кўшотар милтиғини кўтариб чиқди. Кўлида патнис тутган хотини эса айвонда қакқайганча туриб қолди.

– Биз ҳозир келамиз! – қиска қилиб деди Ўлмас ака. Аммо... уччов бир бўлишиб, ўрмонни роса излашди. Рустамдан ақалли бир нишон қолмаганди.

– Ростдан кўрибмидинг? – Фарҳодбекка қаттиқ тикилиб сўради ўрмончи.

– Сени ғалати бир одати бор дейишарди. Кўзингга кўринмадими?

Фарҳодбек гарангсиб қолди. Ер чизди. Шунда кўзи чинчилоқдай темир парчасига тушди. Чўкаллаб қўлига олди.

– Манови гильзами?

Ўрмончи уни қўлига олиб синчиклаб кўрди. Ҳидлади...

– Бунақа гильзадан кўпи борми, ўрмонда. Аммо... порох хиди келяпти. Демак, янги отилган! – у гильзани чўнтагига солиб деди.

– Кетдик. Шу гапларингни мелисага ҳам айтиб бера-сан.

Жўрака кўзлари қизарган бир аҳволда далага кетди. Булар милицияга...

* * *

Ҳафиза ая уйга келганида ташқи дарвоза ланг очилиб ётарди. Буни кўриб кўнглига ғулу оралади: «Тинчлик бўлсин-да, ишқилиб!». Бирок тинчлик эмасди. Эрталабга якин эрини бировлар чала ўлик ҳолда ташлаб кетишганди. Ботирбек кўрибди, уларни. Қора костюм-шим кийган бегона кишилармиш!?

«Акахон, кўп ичиб қўйибдилар!», дейишганмиш. Аранг суяб айвонгача олиб киришибдмиш.

Буни эшитиб Ҳафиза ая йиғлаб юборди:

– Отанг ичмасди, болам! Катталарнинг кўзига лаб теккизиб кўярди. Даданг кета туриб: «Бугун тепадан келармиш. Аммо зиёфатига бормайман. Бадга урди буларни маишати...» деганди.

– Отанг бормаган, – синик товушда деди онаси. – Уни зўрлаб олиб кетишган. Кўз ёшлари куз шамоли чимчилаган юзларидан оқиб тушди.

Кун ёришганида Фарҳодбек кириб келди. Гаранг, карахт бир аҳволда қайтди.

– Отам қайтибдими? – келган заҳоти шуни сўради. Ҳафиза ая дастрўмолини юзига босганча йиғлаб юборди.

– Ичкарида худ-бехуд бўлиб ётибди. Ахволи оғир...

Фарҳодбек бир хатлаб ичкари уйга ўтди. Узала тушиб ётган отасини кўриб, ёнига чўккалади.

– Нима килиб кўйдингиз, дада? Борманг дегандим-ку, борманг дегандим...

Отасини касалхонага ётқизишди. Аслида «Тез ёрдам»ни касалхона бош шифокорининг ўзи жўнатганди. Унга тепадан буюришганмиш «Партия аъзоси, керакли одам» дейишганмиш.

– Ая, отамни уларга берманг! Жоон ая... – Фарҳодбек шундай деганча қолди.

– Бу буйрук... – “Тез ёрдам”да келган аёл совуққина килиб шундай деди.

– Кўй болам, ўчакишма улар билан! Керак бўлса, отангга касалхонада ҳам карайверасан, – деди онаси.

Фарҳодбек мушти тугилганча ховли ўртасида каккайиб туриб қолди.

Отасини олиб чиқиб кетишди. Дадаси бу ерда жигарранг бир бало қайт қилди. Касалхона шифокорлари бир-бирини четга тортиб, бурчак-бурчакда пичир-пичир қиладиган бўлиб қолишди. «Азизбек Аъзамбековични заҳарлашибди. Унга сурма беришибди...» каби миш-мишлар болалаб кетганига карамай, беморга «овқатдан заҳарланиш...» деб ташҳис кўйилди. Аммо бунга гувоҳ қани? Қаерда, қачон ичиришган, у канақа меҳмондорчиликка борган ҳеч ким билмайди.

Фарҳодбек туну кун отасининг тепасида навбатчилик қилди. У шифокорлар берган дориларни билдирмай шифохона атрофида дайдиб юрадиган итга бера бошлади. Икки-уч кунда ит сулайиб, чўзилиб қолди. Дорилар ўрнига у онасидан булок суви келтиришини сўради. Унга кафтини босиб қувватлантирди. У кафтини сувга тутганида, шиша деворидаги пуфакчалар гувиллаб тепага кўтариларди. Шунда Фарҳодбек, худди кимё дарсида тажриба ўтказаётгандай «қизик» деб кўярди жилмайиб.

У отасига туну кун шу сувни ичирди. Бир сафар беморнинг гавдаси устидан кафтини юргизди. Хилтларни ҳайдади. Шундай пайтда у кафтлари жимир-жимир қилаётганини, унга минглаб игналар санчилаётганини ҳис қиларди. У отасининг жигари, ошқозони устидан кафт босганда ҳам уларни яккол кўрарди. Қаери касал эканини ҳам биларди. Хаста аъзонинг зарарланган жойи қизариб кўринарди. Худди чирок каби ўчиб ёниб белги берарди... Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Азизбек аканинг иситмаси тушди, кусиши тўхтади... Бир сафар Фарҳодбек отасининг пешанасига кафтини босди-ю, сесканиб кетди. Отаси билан юз берган воқеалар кўз ўнгида жонланди.

Даврада башанг кийинганлар орасида отаси ҳам бор эди. Ёнидаги оқ-сарикдан келган одам уни койиди, шекилли, отасининг мушти тугилди. Кейин Фотих Насимович қадаҳ олиб гапирди. Анавиларнинг олдида эланди-ей...

Гап орасида Анатолий Иванович раисдан сўради:

– А правда что ваш прадед взглядом замки открывал?

У бекорга, бундай деб сўрамаётганди. Раис асли «душман» авлодидан чикқанига ишора қилмоқчи эди.

– Да, так говорят, я сам не видел! – деди раис сирбой бермай.

– Надо же! – кулди у мастона кўзларини сузиб. – Однако же вы опасный человек, Азизбек Аъзамбекович...

– Может-быть, – деди дадаси ҳам унинг кўзларига каттиқ тикилганча, – для воров и мошенников я очень опасный!

Шу пайт косаларда биринчи таом тортилди. Шунда Фарҳодбек косаларнинг биттаси бошқа рангда эканига эътибор қилди. Официант йигит Фотих Насимовичга, у эса Анатолий Ивановичга каради. У тасдиқ маъносида кўзини юмиб «им» қокди. Шўрва тортилди. Айнан бошқа рангдаги коса отасига берилди.

– А вы угощайтесь! Ух, какой вкусный шурпа, – деди Анатолий Иванович. Унинг кистови билан отаси бир-икки кошик шўрва ичди.

Фарходбек бунинг нима эканини биларди, гўё шунга кўзлари олайлаганча.

– Йўўўк! – деб бакириб юборди ва кўркувдан ютоқиб нафас ола бошлади. Пешанаси-ю, ёнокларидан реза-реза тер оқиб тушди...

Фарходбек чеккасидан оққан терни сочикка артди-да, бошини чангаллади. Шу кўйи узок ўтирди. Хонага шифокор аёл қачон кириб келганини сезмай ҳам қолди.

– Тузукмилар? – сўради аёл қоп-қора қилиб бўялган қошларини чимириб.

– Тузук... – деди Фарходбек секин.

Шифокор беморнинг иситмасини ўлчаб, юрак уришини текширди. Ҳайрон бўлиб, бошини сараклатди.

– Қизик?! Жуда қизик... – деди чўзиб. Фарходбек унга қараб хўмрайди.

– Нимаси қизик? – пўнғиллади Фарходбек. – Отам тузалапти, бор гап шу? Шунга ҳайрон қоляпсизми?

Шифокор аёл Фарходбекка қараб чимирилди. Ичида «чаённинг боласи чаён» деб кўйди.

– Бу нима деганингиз, йигитча? – деди аёл киноя билан. – Биз раис тузалсин деб ҳаракат қилиб ётиб-миз-ку? – Фарходбек унга «қуллук» қилгандай кўлини кўксига кўйиб эгилди.

– Раҳмат-э...

Аёл Фарходбекнинг майновозчилик қилаётганига ҳам ёки чин дилдан «раҳмат» айтаётганига ҳам тушунолмади. Аммо йигитдан шубҳалана бошлади. Бу бола бир нарсани билади! «Масҳарабоз», ичида вишиллади аёл.

– Тушунмайдиган ишингга бурун тиқиб нима қилсан, мишики! – аёл шундай дея хонадан отилиб чиқиб кетди. Фарходбек унинг ортидан қарсиллаб қолди.

Кейин бугун отасига берилган бир ҳовуч дорини олиб, нон орасига тикди-да, ўзи Жучка деб лакаб қўйган кучукни излаб кетди.

– Жучка, бах-бах! – чақирди у. Бироқ доим ўша тарафда изғиб юрадиган ит кўринмади. Чақирса, дарров думини ликиллатиб келарди-я!

– Ҳой, Жучка, мана дориларинг! – хиринглади Фарҳодбек. – Бах-бах!

Ўша атрофда икки-учта бемор сайр қилиб юрарди. Улар орасидан бир йигит ажралиб чиқди-ю:

– Жучканг ариқ бўйида тиришиб ётибди! – деди. Бунни эшитиб Фарҳодбек анграйиб қолди. Қўлидаги нонни ғижимлаб, арча тагига ташлади-да, ортига қарамай қочди. «Отам, бугунок уйга кетади... Бунни ҳеч кимга айтмаслик керак, ҳеч кимга!» ўз-ўзига такрорларди у. Шунга анави аёл ғашланаётган экан-да! У ростдан ҳам отасининг тирик ётганига ҳайрон бўлган. Аёл киши бўла туриб-а?!

Фарҳодбек отасининг палатасига етиб келганида ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овозлар келди. У тўхтади. Аста кулок тутди. Бу бояги аёлнинг овози эди.

Фарҳодбек кўрқиб кетди. Шунгадир эшикни тарақлатиб очиб юборди... У ерда ўтирган онасини кўриб анча бўшашди.

– Гапга кирмаяпти ўғлингиз? – унинг устидан шикоят килди аёл. – Қайдайдир ўт дамлаб берадимми-ей, кафтини юргизадими-ей, – деди аёл киноя билан.

– Бу сеҳр, хомхаёл-ку, утопия! Бунга қандай ишониш мумкин? Тентаклик қилмасин, унга ўзингиз тушунтиринг! – аёл эшик олдига келганда Фарҳодбекка қаттиқ тикилди, кейин индамай чиқиб кетди.

– Нега унақа қиласан болам? Булар ахир дўхтир-ку! Эрингиз аллақачон оёққа турган бўларди, дейди...

– Тўғри айтади... – деди Фарҳодбек ва жим қолди. – Маъкул... – қўшимча килди у ўйга толганча.

– Шу ҳолатдан чикиб олайлик, ая, у ёғи бир гап бўлар... Фақат озгина чиданг. Яқинда отамга жавоб беришади, мана кўрасиз...

– Айтганинг келсин-э! – деди аяси суюниб.

– Бирок..., – йиғламсираб гапирди аяси. Қишлоқда ғалати ишлар бўляпти, Фарруҳ қолиб, Жўракани мелисага олиб кетишди. Қамаб кўйишибди...

– Рустам-чи... топилдими?

– ...

– Уми? У... уни отиб, ўрмонга кўмиб кетишган экан-ку! Сен уни кўрган охирги одаммишсан...

– Жўракани нимага қамашади? У оёқ ҳам босмади-ку, ўрмонга...

– Милтиғи ўшатдан чиққанмиш... Отиб қочган дейишяпти. Билмай отиб кўйганмиш...

– Жинними булар? – Фарҳодбек тутақиб кетди. Қа-накасига уни милтиғи ўрмондан чиқади?

Ҳафиза ая елка қисди.

– Бунака ишларни мен тушунмасам... Бўйнига олиб-димиш. Карима холанг миж-миж йиғлаб ўтирибди...

– Иқроп бўпти, мен отувдим дермиш, кўзларидан милт-милт ёш оқармиш...

– Қилмаган ишини нега бўйнига олади?

– Болам... отанг бу аҳвол, шунга айтолмай ўтирувдим. Сенгаям «повуска» келган.

– Нима?

– Гувоҳ эмишсанми?

– Отамни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман.

Онаси унинг бошини силади.

– Сендан сўраб ўтирармиди, ҳукумат? Иккита мелиса юборади, обкетади...

– ...ўзинг борганинг яхши. Отангга мен қарайман...

– Қаролмайсиз-да, ая! – куюниб гапирди Фарҳодбек. – Бу ерда бошқа гап бор, билдийсиз? Унда отамни об-

чикиб кетаман. Тилхат ёзинг ая! Ёзинг... уйда қараймиз. “Беморнинг истаги шу!” деб ёзинг. Жавоб бермасликка ҳақки йўқ...

Ҳафиза ая Фарҳодбекка ишонарди. Шунинг учун унинг айтганини қилди. Тилхат ёзди.

Фарҳодбек медбратлар билан дадасини замбилда олиб чиқаётганини кўрган Фарида Ҳафизовна чимирилди.

– Сен бола отангни гўрга тикасан! – деди. Фарҳодбек хўмрайди. Аммо ундан жуда аламини олгиси келди.

– Аммо сизга ҳам бир нохуш гапни айтиб кўйсам, яқинда эрингиз ташлаб кетади, – деди ва хиринглаб кулди.

– Сурбет! Без...

– Юлдузлар шундай деяпти, – деди у осмонга қараб. – Ана қаранг...

– Нима сен фолбинмисан?

– Мен фолбинмасман. Аммо бошқача одам эканим аниқ. Ҳали, мени эслайсиз, дўхтир опа! – деди илжайиб.

Ҳафиза ая ўғли дўхтирга бу қадар кўполлик қилаётганига ҳайрон қолди. Ўғлига қараб бошини сараклатди.

– Бу нима қилиқ, Фарҳодбек? Ҳозирок кечирим сўра... Отангни даволаган дўхтирга шунақа муомала қиласанми?!

– Ўзи-чи, нега унақа дейди?! Дўхтирман, деб керилмасин? Барибир худомас...

Аяси лабини тишлади. Буларнинг ортидан ҳурпайиб қараб қолган аёлга:

– Эгачи, ёш ҳали у... Ўт-олов? Ўғил ўстириш бирам қийин-ей...

Фарҳодбек тумтайиб олди. Онаси бунча содда бўлмаса... Анави илондай вишиллаб турибди-ю, онаси эланади. Кечагина «Азизбек Аъзамбекович» деб дадасининг олдида ликилларди... Энди-чи... Кўркмай-нетмай қанақанги дори берган, ўзи? Дўхтир ҳам шунақа бўлади-ми? Қасам ичган яна бу! Қасамхўр...

Фарходбек дилидаги гумонларини акасига айтди. Онасини кўрkitгиси келмади. Зотан, аёл кишининг ичида гап ётармиди?!

Ботир акаси бу йил ўкишини сиртқиға ўтказди. Бу ҳаммаға маъқул келди. Колхозда ишласа, тажрибаси ортади, дейишди. Ундан кейин Наримон сувчининг кизи билан «иликлигини» кўпчилик биларди. Бу киз Ҳафиза аяға ҳам маъқул эди. Катта ўғли Аҳмаджонни Тошкентда ўқитди. Ўша ерда уйланди, неварали ҳам бўлди. Аммо ойда-йилда бир келади. Шунинг учун Ботирбекка шу кишлоқдан келин қилсам деганди. Мана, Ҳанифасининг ҳам бўйи чўзилиб қолди. Совчи келса, «ўқийман» деб кўкка сапчийди. Янға кўрса, харна сал босилар, ҳаваси келар, деб ўйлаганди, аммо ишлар бунақа чаппа бўлиб кетишини ким билибди, дейсиз...

* * *

Фарходбек милициядан келган чақирик қоғозини олиб йўлга тушди. Бора-боргунча бўлган ишларни ўйлаб кетди. Ўша куни ҳам у гувоҳлик берганди. «Фаррух отган» деганди. Булар бўлса Жўракани камабди. Тавба?

Терговчи котмадан келган, кўзи ичига ботган бир йигит экан. Бир кўришда ики суймади, уни. «Сотқинларнинг башараси шунақа бўлади!» деб хулоса қилди. Нега бундай деб ўйлаганига ўзи ҳайрон бўлди. Тўғри-да, шу ишини ҳалол қилса, Жўрака камоқда ўтирармиди? Яна саволлариям ғалати, бачкана...

– Сиз Рустамни кўрдим, дедингиз? Қачон ва қаерда кўрдингиз уни?

– Тонгға яқин... Чуқурдан чиқиб кетаётгандим, қарасам, Рустам юрибди...

– Тунда ўрмонда ёлғиз юрганиға ҳайрон бўлмадингизми?

– Браконьерлар тунда ов қилишарди-да! У дадаси билан текшириб юрарди... Шунга уйига кетяпти, шекилли, деб ўйладим...

– Кўриниши канақа эди?

– Ғалати туюлди. Паришонхотир эди. Қарасам, кўли қон. Кўкрагига ўқ теккан экан. «Боғлаб кўяй» десам, «керакмас» деди.

– “Мени Фарруҳ отди. Фотоаппаратимни олиб, расмларини куйдириб ташлади”, деди...

Йигит истехзоли жилмайди.

– Хўп, хўп?! – деди маъноли қилиб. – Кейин-чи?

– Уйга кетдим. Маслаҳат қилгани Жўраканикига бордим...

– Нега айнан Жўра чўпонникига бордингиз?

– Онам ўша ерда экан. Мендан хавотир олиб, Жўраканикига борибди. Шунга уни олиб келгани борувдим. Уларга ҳам Рустамни кўрганимни айтдим... Мен аввал ҳам гувоҳлик берганман. Уни Фарруҳ отганини айтувдим...

– Далил қани, бунга? Далилингиз борми?

Фарҳодбек каловланиб қолди. Кейин терговчига қулоғини никтаб кўрсатди:

– Мана, далил!

– Тушунмадим?

– Қулоғим далил бўлолмайдимми? – илжайганча деди Фарҳодбек. – Фарруҳнинг овозини ўз қулоғим билан эшитдим. У Рустамнинг фотоаппаратини тортволди, ўзини отди. Яна неча марта такрорлай?

– Ёлғон? – секин, аммо қатъий оҳангда деди терговчи. – Чунки сиз Рустамни кўролмасдингиз! Биринчидан, уни яқиндан отишган. Ўқ кўкракка тегиб, у тил тортмай ўлган. Иккинчидан, жинойт изини йўқотиш ниятида уни шу заҳоти ўрмон ичига кўмиб кетишган...

Буни эшитиб Фарҳодбек ўрnidан туриб кетди.

– Қанақасига? Мен уни сизни кўргандай кўрдим-ку? Гаплашдим ҳам...

– Яна ёлғон гувоҳлик беряпсиз, Агзамов! Сиз уни кўролмасдингиз!

– ...

Фарҳодбек ўйланиб қолди. Терговчи гапида давом этди:

– Жўрақанинг милтиғи ўша атрофдан топилди. Сиз бўлса, Фарруҳ отди, дейсиз. Шу куни Назаров Тошкентга учиб кетган... Биз буни аниқладик!

– Балки чўпон сизни излаб боргандир, ўрмонга? Шунда билмай Рустамни отиб қўйган!

– У Рустамни отмаган. Ўша куни у Рустамни кўрмаган ҳам...

– Ўзи тан оляпти-ку! Фарҳодбекни излаб боргандим, билмай отдим, деяпти-ку!

– А?!

– Отдим деяпти! Сиз балки, овозларни ажрата олмагандирсиз?! Ахир уларни кўзингиз билан кўрмагансиз-ку?!

Фарҳодбекнинг энсаси қотди. Терговчининг ботик, ҳиссиз кўзларига тикилганча «неча пулга сотиб олишди экан, бу лўттибозни» деб ўйлади.

– Мен уларни кўрмадим. Аммо Рустамни кўрдим. «Фарруҳ отди» деб ўзи айтди?

– Янами... – тутақиб ўрнидан туриб кетди терговчи. – Яна алжияпсизми? Ўлган одам қандай қилиб, «Фарруҳ отди», дейди? Арвоҳини кўрдингизми, нима бало?!

– Балки шундайдир...

– Аммо бу далилга ўтмайди, ёш бола эмассиз-ку, Фарҳодбек. Қонун-қонидани билсангиз керак?

– Ҳаётда ҳамма нарсани қонун-қонидани билан ўлчаб бўлмайди. Чекланишлар доим бўлган...

– Ҳих...

Терговчи бошини қашлаганча ўйланиб қолди. «Буни

жинни дейишганича бор экан... Шундай деб қоғоз тўғирлаш керак тамом. Шунда унинг гапларини ҳеч ким жиддий қабул қилмайди».

– Бўпти, сиз бораверинг! – деди терговчи.

– Жўрака билан кўришсам бўлмайдими?

– Бўлмайди! – қатъий деди йигит. – Ўтирволиб яна ёлғон тўқийсизларми?

– Қанақа ёлғон... Ёлғонни сиз тўқибсиз, шекилли?! Рустамни отишганини Жўрака мендан эшитди, билсайиз! Гувоҳларим бор. Қилмаган ишини бўйнига кўйган сизу, ёлғонни биз тўқирканмиз-да?! Сиз ўйлаганингизчалик «лох» эмасман менам... Бўпти, кўришамиз, хали...

Терговчи тилини ютгандай жим, ковок уйганча, Фарҳодбекнинг рухсатномасига имзо чекиб берди. У ҳам кийналиб кетганди... Энди-да, бўлмаган ишни бўлди, дейиш осонмиди?! Шунга кийналди, виждони чарчаб кетди...

Фарҳодбек энди тушунди. Унга кўп нарса аён бўлди. Демак, у Рустамнинг арвоҳини кўрган. Шунинг учун у ўрмонга кириб кетган экан-да?! Мана гап қаерда?!

Фарҳодбек бир кўнгли Жўрака билан ўрмончининг уйига ўтмоқчи бўлди. Аммо отасини ўйлаб изига кайтди.

Мелисахона шаҳар марказида жойлашган эди. Бу ерда у анча ушланиб қолди. «Автобус бўлармикин?» Фарҳодбек кўлини автобус йўлига тутди. Шунда кафти юзасига илик тўлқин урилди.

– Ана келяпти! деди у ўзига ўзи. Чиндан ҳам орадан ўн беш дақиқа ўтмай, автобус келиб тўхтади.

Кеч бўлиб қолгани учун салонда одам сийрак эди. Фарҳодбек автобус бекатга етгунича далаларга тикилиб, ўйланиб кетди. «Қотилни айтган арвоҳ, далилни ҳам топиб беради! – деб ўйлади у. – Кўрамиз хали, айбни бегуноҳ одамга тўнкаш қанақа бўлишини?!»

Фарҳодбек автобусдан тушиб кўчасига бурилди.

Шунда унинг ортидан гурс-гурс қилиб биров келаётгандай туйилди.

Фарҳодбек ортига ўгирилганини биледи, биров томоғидан бўғганча уни деворга қапиштирди.

Бошдан оёқ кора кийинган бу йигитнинг ёнида гумашталари ҳам бор эди. Илкис, бу Фарруҳ эканини таниб, ғазабдан кўзлари чакнаб кетди. Фарруҳ бармоқлари билан Фарҳодбекнинг юзини чангаллади!

– Твою мать падараза! – сўкинди у аввалига. – Қанақа тухмат гапларни тарқатиб юрибсан, ит! Яна эшитсам, биласанми нима қиламан? – у Фарҳодбекнинг юзини қаттиқроқ қисди. – Биласанми, нима қиламан?!

– Қўлингдан келганини қил! – унинг кўзларига тик караганча деди Фарҳодбек. – Бировдан кўрққанимни эшитувмидинг?!

Фарруҳнинг шериклари муштига темир тақиб, Фарҳодбекнинг корнига туширди. У оғриқдан энкайиб қолди.

– Осилсанг, кучинг етадиганига осил, тушундингми? Гапир... тушундим де...

– Тўнғиз... – Фарҳодбек қон тупурди.

– Тушунмаяпти, а бу? – Фарруҳ ёнидаги гумашталарига қараб тиржайди. – Жўрака «и то умний» чикди. Дарров гапга тушунди. Сен шунчалик гўлмисан? Отаннинг ахволини кўрибам, хулоса чиқармадингми?...

Фарҳодбек индамади. Фарруҳнинг башарасига қараб тупурди.

Йигит ёнидан оппоқ дастрўмолча олдида, пешанасидаги тупукни эринмай артди. Аммо сиёҳи ўзгармади, ёқимсиз тиржайганча, тиканли нигоҳини унга қадади:

– Ким билан ўйнашаётганингни билмабсан, бола! – деди. Бироз ўйланиб тургач:

– Синглинг... – деди маъноли қилиб. – Роса етилибдими?!

– “Шест на девит” бўпти! – кўшиб кўйди. Фарруҳнинг гумашталари унга кўшилиб қиҳ-қиҳлаб кулишди. Наҳс босган кўзлари ёнди.

Гапга кўнмасанг, биласанми, синглингни нима қиламиз... Ҳаммамиз галма-галдан?!

Фарҳодбекнинг миясига қон тепди. Муштини қаттиқ қисганидан тирноқлари кафтига ботиб, қонатиб юборди.

– Кўлингни теккизиб кўрчи?! – деди Фарҳодбек ғазаб билан. – Дунёга келганингга пушаймон қилдираман...

– А? Нима дединг, эшитмадим?

– Эшитдинг... тўнка?

– Яна битта қайтар? Сени дунёйингни бежаб кўймайин яна?! Урларинг уни!

Фарруҳнинг гумашталари Фарҳодбекни ургани кўл кўтаришди. Аммо кўллари ҳавода муаллақ қолди. Чунки қандайдир куч, уларни девор томонга шундай улоқтирдик... Биринчи бўлиб Фарруҳнинг ўзи, ундан кейин гумашталари деворга бориб қарсиллаб урилишди. Оқибатда улар орқага қарамай қочишга мажбур бўлишди.

Фарҳодбек улар ортидан тантана қилиб бакирди: “Хе шашвар, ҳолинг шу экан-ку, керилиб нима қилардинг!” – деди тупуриб. Кейин энгил бошини қоқиб, ёқасини тўғирлади. Бир нарса ёдига тушгандай кўлларига ҳайратланиб қараб кўйди.

– Ток ургандай бўлдимиз?! Тавба?

Бу ҳолат ўзи учун ҳам янгилик эди. Фақат жаҳли чиққанида танаси чўғдай кизиб кетишини ҳис қилди.

– Сенлар ким билан ўйнашаётганингни билмабсан?! – уларнинг ортидан қичқирди Фарҳодбек. Аммо улар буни эшитишмади. Чунки қочоқлар бу пайтда газни босиб, Фарҳодбекнинг қишлоғидан анча олислаб кетишганди...

ЧАМАНГУЛ

Фарходбек онасидан яшириниб, кийим алмаштир-мокчи эди, улгурмади. Ўғлини ёкавайрон, кўйлагига кон сачраган бир аҳволда кўриб, аяси кўркиб кетди.

– Нима бўлди? Қийнашдимми!?! – Ҳафиза ая Фарходбекнинг юзларини силади. – Кўли синсин, илоё... Фарходбек онасининг соддалигидан кулди.

– Қизикмисиз, ая, қийнашгани йўқ! Терговда қийнамайди... Фаррух бор-ку, шу кўча бошида кутиб ўтирган экан. Менга тухмат қиляпсан, дейди... Рустамни Жўрака отган, деяпти, Жўрака изимдан кидириб бориб, Рустамни билмай отиб кўйганмиш, қаранг! Шунга... ёка бўғишиб кетдик.

Аяси индамади, ўйланиб қолди.

– Ҳанифа, чой дамла, аканг келди! – деб бақирди ошхона тарафга қараб.

– Бу кизни нима қилса бўлади-а? Чамангул келган. Боядан бери валаклашиб ўтирибди... Дадангга овқат олиб кир, деганимга бир соат бўлди!

– Дадам яхшими? – сўради Фарходбек хавотирланиб. Онаси унинг елкаларини силаб деди:

– Анча тузук, болам. Бугун бир оз тотинди.

Орага жимлик чўкди. Фарходбек кийимларини алмаштириб чиқди-да, хона ўртасидаги тўрт томонига бир хил духоба кўрпача ташланган хонтахта ёнига келиб ўтирди.

– Ўзимам хайрон бўлиб қолдим. Терговчи “сиз уни кўролмасдингиз” дейди. Рустам ўша заҳоти ўлган экан. Уни ўрмон ичига кўмиб кетишибди. Мен уни кейин кўрганман... Ғалатими, ая?

– Астафируллоҳ... – аяси ёкасини тишлади. Ўғлига хавотирли назар ташлади.

– Терговчи “Рустамнинг арвоҳини кўрибсан-да”, деб кесатди.

– Овозларни чалкаштириб юборгансиз, – дейди.

Онаси унга саволомуз қаради.

– Балки ростдан уни Жўрака отгандир... Сендан яширган...

– Билмайман, ўзимнинг ҳам бошим қотиб қолди...

Ичкарига патнис кўтарган Ҳанифа кириб келди, кетидан Чамангул кирди. Чамангул Фарҳодбекнинг синфдоши, Ҳанифага дугона... У китоб-дафтарларини кўлтиғига қистириб олганди.

Синфдошлар кўл беришиб сўрашишди.

Дугоналар бир-бирига “им” қоқишиб кулишди.

– Отангга қара! – деди Ҳафиза ая кизини койигандай. Кейин Чамангул билан сўрашган бўлди.

– Фарҳодбек ҳам дарслардан қолиб кетди. Урушмаяптими? – деб сўради Чамангулдан.

– Раҳбаримиз сўраётувди, дарсга қатнашсин, деди...

– Менга ҳам тайинловди. Боради-боради...

Хонада Фарҳодбек билан Чамангулнинг ўзи қолди.

– Чаман... Эшитгандирсан, Рустамни! – деди Фарҳодбек.

Чамангул бошини ҳам қилди.

– Азага борувдик... Ҳамма йиғлади!

– Ёмон бўлди? Яна анави олифта тилини бермайди...

«Эшак!»

– Ким? Кимни айтяпсан?

– Фарруҳни-да, кимни бўларди?!

Чамангул унга савол назари билан қаради.

– Фарруҳ... бу ишда Фарруҳнинг қўли борми?

– Ҳих, – кулди Фарҳодбек. – Шу олифта бошлайди-да, бунақа ишларни. Сен нима деб ўйловдинг?!

Ниҳоят, Чамангул ёнидан дафтар-китобларини чиқарди. Фарҳодбекка уй вазифаларини тушунтирди. Кейин

уйига кетди. Кетаётиб эртага албатта, мактабга бориши кераклигини тайинлади.

Чамангул Қосимбойнинг катта кизи. Кўнғироқ, тим кора сочларини майда килиб ўриб юради. Чарос кўз, киприклари жингала – кошгача тегиб туради. Фарходбек уни «махмадона» деб жиғига тегади. Шу киз доим бунинг ташвишини қилади. Билади, унинг отаси Фарходбекни унча ҳушламайди. Аслида Фарходбекни эмас, Азизбек Аъзамбековични ёқтирмайди... ва балки тузумдан энасаси қотар...

– Ваъзхонлик қилмай, ишлаш керак! – дейди у. – “Шўролар ҳукумати қоғозда ишлайди, оғзи билан юради”, дейди.

Аслида ўзини шундай туггани билан ичида раиснинг жўмардлигига тан беради. «Шамолга ўхшайди бу одам» дейди.

Аммо коммунистлар борасида фикри бўлакча. Уларни «хомхаёллар» деб атайди. Аёли Гулжамол ая урушгани урушган: «Эҳтиёт бўлинг, тилингизга эрк берманг!», дейди. «Мана... ўки, – дейди у хотинига китобни шапатилаб кўрсатиб. – Социалистик тузумни «утопия» деб ёзиб кўйибди. «Утопия» – хомхаёл деганими? Бунини мен тўқимадим, китобдан олиб гапиряпман, хотин!» дейди.

Ҳар доим бой-камбағал бўлган. Илгариги замонларда «ким камбағал, дангаса камбағал» дейиларди. Ҳамма қачон тенг бўлган? Шунча яшаб, Қосимбой бунини кўрганни йўқ. Ҳамма ўзимга бўлсин, дейди, уйига ташмалайди. “Итнинг олдига суяк ташланса қараб ўтирадимми ёки бу хамманинг «мулки» дейдими? Ейди! Бу жуда оддий-ку! Булар телевизорга чиқволиб коммунизм ҳақида эртак айтади. Шунга-да, телевизорда «Ахборот» бераётган бўлса, у «мана!» деб кетига бир уради-ю, чикиб кетади. Болалари кикирлашади. Фақат Чамангул лабини буради. Синфида комсомол секретари: – «Дада нега унақа қиласиз?» дейди танбех бергандай.

– «Коммунизм» жаннатда бўлади, онаш! – дейди отаси кулиб. – «Партиям – отам» деб оғзингни очиб қолма, тагин?!

Қосимбой миришкор, ишнинг кўзини биладиган одам. Жун фабрикасининг директори. Колхоздан каттагина ер ҳам олган. Уни бунга ёпиштириб боплайди. Ерниям ишчиларнинг ўзлари уддалашади. Хўл мева, картошка-пиёз, тушлик – йил ўн икки ой буларга текин. Бунинг ишчилари ҳам «министр»дай юради. Агар биров «қаерда ишлайсиз?» деб сўраса, булар «жун фабрикасида!» деб керилиб жавоб қилишади. Бу ёкдагилар ҳам уларнинг маоши катта эканини билиб: «ўў!» деб қўйишади ҳавас билан.

Қосимбой ҳар йили «туристик йўлланма» билан Европага боради, буюртма олиб келади. Шунга-да, буларнинг маоши катта. Асосийси, унинг қоғоз ишлари жойида, ҳеч ким «мик» этолмайди. Ўзи-ку, тим кора «Зим»да юради, энди кўл остидаги ишчилари ҳам бирин-сирин мошин миняпти, иморат қиляпти. Қосимбой бундан факат яйрайди.

– Бойдан бой чиқса, у ҳақиқий бой бўлади! – дейди. – Бой кўп бўлса, камбағалга қайишади, камбағал кўп бўлса, ким-кимга қайишади?! – Қосимбойнинг шиори шунақа!

Унинг ота-боболари ҳам бой бўлган, дейишади. «Бизни томирда оксуяклар қони оқади!» дейди керилиб. Асосийси, ерни, кишлоғини яхши кўради.

Аммо бир кам дунё деганларидай, Қосимбой – келишгангина эркак, топармон-тутармон бўлгандан кейин, кизлар ҳам унга сузилиб қарагандан кейин... (бири бўлмаса бирининг белидан кучади-да?!) Бир йили уни вилоят марказкўмига чақиртиришди. Сухбат бўлди. Директорликдан олди. Бирок... бир йилга қолмай фабрика «тўкилиб тушди». Ишчилар жанжал қилиб, Қосимбой-

ни «қайтариб олишди». Унинг тили аччик, ўшанда ҳам катталарга: «личний» ҳаётимга аралашмаларинг!» деб чиккан. Шунга-да, Чамангулнинг кўзларида бир мунг бор.

Дадаси ҳақидаги гап-сўзлар туфайли уни ҳам комсомол секретарлигидан олиб ташлашди. Ўшанда киз шўрлик роса йиғлади, отаси уни овутган бўлиб деди.

– Одамларга ёрдам қилишчун секратар бўлиш шартмас. Мана мендан ўрнак ол, онаш!

Чамангул индамади. Ер остидан дадасига хўмрайиб караб кўйди.

– Сиздан ўрнак олсам, нимталаб ташламасмидингиз?! – деди у алам билан, кейин йиғлаганча ҳовлига чиқиб кетди. Қосимбой унинг ортидан бобиллаб қолди.

– Гапни бурма, бола! Гапни тушундинг... – кизининг айтганлари оғир ботиб энди аёлига ўшқирди:

– Мана, тарбиянгиз, хоним! Отанинг юзига сапчийди, булар. Бунингизга тушунтириб кўйинг, йўкса бир кун заҳар тилларини суғуриб оламан! Феълимни биласиз-а!

– «Тўйғазганнинг қорнига...» деган гап бор. Нимаси кам-а буларнинг, нимаси кам?! – Қосимбой шундай деб ёзғирганча чиқиб кетди.

Гулжамол ая болаларининг нимаси кам эканини биларди. Боши эгик эди, уларнинг. Ота меҳри бўлингани етмагандай, ҳамқишлоқларнинг висир-висир гаплари, ўртаниб карашлари, юракка наштардай ботмасмиди?! Албатта, у Чамангулни қойийди. «У барибир отанг!» дейди. Яна нима десин, яна нима қилсин?! Бу бола кўзига ғилт-ғилт ёш олса, қандай урушсин?! Гулжамол ая ҳам ўз пайтида эри билан роса «олишди», бўлмади-да!

“Ажрашаман”, деди, аммо, Қосимбой аёл кишига паст келадиганлардан эмасди.

Бу гапни эшитиб, хонумони куйди-ку...

– Агар ажрашсанг, – деди у важоҳат билан, – бирин-

чидан, болаларни олиб кўяман, иккинчидан, ўзингни сўйиб кетаман! Бу иш кўлимдан келишини биласан-а! – деди таъкидлаб. Шундан кейин Гулжамол ая бу гапни оғзига олмай кўйди. Чунки эри бой эди, кўли узун эди...

Аммо бир кун келиб, унинг хурмача қилиқлари фарзандлари ҳаётига ҳам оғу солишини билмабди... Бунга қандай чидайдим?!

Аслида у ҳам зиёли, ўзига тўқ оиланинг фарзанди эди, университетни битирди, аммо бир йил ҳам ишламади. Қосимбой – у кезлари Қосимжон эди, факультетнинг олди йигити бўлган. Шўх, кувнок, йўқ нарсани йўндирадиган қора қош бўз йигитга қанча кизлар ошиқ эди. У эса Гулжамолни танлади. Ўн йил кўнгил кўнгилга пайванд яшашди... Кейин пул буни бузди. Балки пул эмасдир, пулга шайдо аёллардир? Пулга ўч «тулкилар»-дир! Ўзиям шу эрининг қош-қовоғига қараб яшади. Кўлларига, бўйнига тилладан «кишан»лар тақилиб, тўрт девор ичига зиндонбанд қилинди... Аёллар Гулжамол аяни «димоғдоргина эканми?!» дейишади киноя билан. Албатта-да, Қосимбойга бас келиш осонмиди?! Бу пешана нималарни кўрмади, дейсиз. Бойликни ҳам, унинг ортидан келадиган хўрлигу маломатни ҳам кўрди.

Топармон-тутармон эркакнинг захар тили-ю, омбурдай кўллари бўлишини ўша аёллар билишармикин? Қайси эр топганини миннат қилмайди?! Бошқа аёллар билан шакаргуфторлик қилгувчи қайси эри хотинини силталамайди?!

Қариндош аёллар билан гап ўйнаб, тоғда зиёфат қилишарди. Бу битта ниятда борарди, ўша ёққа – шаршарага бориб дод солиб йиғлагани! Майли, у кунлар ўтиб кетди. Қосимбой анча тийилди, босилди, урилди, аммо «принципи» ўзгармади. «Шалок» аёллар унинг кўнглида қандай доғ из қолдиришган эканки, кизининг бўйи чўзилгани сайин, бу қафасга тушган кушдай потирлайди,

бесаранжом бўлади. Дарди-фикри уни узатиш. Энди ўн олтига кирди-я, шўрлик! Бу ўқийман дейди, отаси жиғибийрон:

– Гули, сен ўкиб шаҳар обердинг-ку, отанга! – дейди кесатиб. – Йиғиштир карам шўрвангни! – деб бакиради. Хотинига сўзи ўтганди, аммо кизига... Мана бугун шу индамас қиз отасининг қилгуликларини юзига солди! Қосимбой деганлари тутаб кетди, аммо ҳеч нима қилолмади. Бу қиз айтганини қилади, шекилли.

* * *

Қарангки, кариндошлик муносабатларидан ташқари ҳозир ота-она билан фарзандлар ўртасида ижтимоий муносабатлар ҳам бор экан.

Чамангул комсомол, отаси эса партиясиз, шўро тузумини унчалик ҳушламайди. Бошқа томондан, Чамангул отасида «буржуйлар»га хос кўп иллатлар борлигини биледи. Ёки нотўғрими? Отаси уни узатиб, бирон-бир бойвачча куёв билан битим тузиш пайида... аммо у ҳам одам-ку! Унинг ҳам ўзига яраша орзулари бор, ахир! У фақат бўйига етган қиз эмас, инсон ҳам.

Отаси буни тушунмайди. Ўқигунча, пишир-куйдирни ўрган, дейди. Пишир-куйдир ҳам иш бўлибдими?! У масалан, мисол ишлагиси келади, кимёни яхши кўради. Онасига ўхшаб кимёгар бўлмоқчи. Бултур олимпиадада диплом олди. Отаси эса ҳиринглаб, яна кетига шапатилади. Бу сафар Чамангул кулмади. Отасидан ростмана аразлади. Шунгами, бугун унга терс гапирди. Шу боис дадасига жаҳл қилиб мактабга ўзи кетди, шофёрни кутмади. Аслида у доим шундай қиларди. Аммо комсомол секретарлигидан олиб ташлашганидан кейин мактабга машинада бораётганди. Зўр ўқийди, зўр кийиниб юради, ҳамма унга хавас қилсин! Барибир «буржуй»нинг қизи дейишганидан кейин.

«Фарходбек бугун келса керак? – деб ўйлади у. – Кеча ваъда берган. Аммо:.. дадаси тузукмикин? Бу болаям кўп қийналди...»

Дадаси қаттиққўл, ҳалол одам. Анави кинодаги «коммунист»га ўхшайди. Бошқаларнинг ўрнига ҳам ўзи ишлайди, ишламаганига қўймайди. Ёмон ҳам гапирди, ялинади, керак бўлса уради ҳам, деб эшитган. Шунга Фарходбек билан Чамангул бир-бировини яхши тушунишди. Раисга отилган тош фарзандларини ҳам ялаб ўтади-да...

Хаёлга берилиб, Чамангул изма-из келаётган қора Волгани пайқамай қолди.

Машина мактабга яқин жойда тўхтади. Ундан бошини бинт билан бойлаб олган Фарруҳ тушди.

– Салом бердиик! – деди у Чамангулга безрайиб қараганча. Кўлида муҳр босилган қандайдир қоғозни ўйнатиб турарди.

– Маслаҳатли иш бор – гаплашиб олсак дегандим...

– Хўш! – деди Чамангул чимирилиб. – Эшитаман?! Фарруҳ ёқимсиз тиржайди, кўзлари ўйнаб деди:

– Ширин-ой... бу Парҳодингиз гапга кирмаяпти-ку! Муни кўринг... – пешанасига танғилган бинтга ишора қилди у.

Чамангулнинг жаҳли чиқди.

– Биринчидан у менинг Парҳодим эмас. Иккинчидан, – Чамангул пешанасига имо қилди. – Уриб боплабди!

Фарруҳ хиринглаб кулди.

– Ўзи ғалатирок эканми, бу бола?! Жинниси тутиб қолди... Шунга... Хуллас, сен ақлли қизсан-ку, унга тушунтир, манавинга имзо чекиб берсин! Аммо шоғоллигим тутса, ёмон бўлади, – шундай дея Фарруҳнинг туси ўзгарди, – Фарходбекни ўлигиниям тополмайсизлар. Ёки “технична”, йўқ қиламиз...

Чамангул лабини бурди. Кўзларида қаҳр йилтираб кетди.

– Шантажми бу? Мелисага айтишимдан кўркмайсизми?

Фаррух бошмалдоғига туфлаб, даҳанига суртди.

– Билиб келдим. Бир «им» қоксам, мелисаси, туфлийимни артиб кўяди! Бу... – Фаррух қоғозни шикирлатди. – Расмиятчилик учун керак...

– Ростданми? – энсаси қотиб лабини бурди Чамангул. – Мелисанинг бошқа иши йўқ экан-да! Мелисадан кўркмасанг, олдимга пилдираб келармидинг? Қилғиликни килиб кўйиб... Жўрака-чи, у нима бўлади? Бола-чақаси бор, ахир...

– Ўв... ўчир! – вишиллади Фаррух. – Билмаган нарсангни гапирма, эшитдингми? Айтганни қил, тамом. Ма! – у қоғозни кизнинг қўлига тутқазиб кўйди-да, ялтоқланиб деди:

–«Красавица», сени эртага, шу ерда кутаман...! Бай, бай! – Фаррух кафтини юмиб очиб хайрлашди. Кейин бармоқ учини тугиб ўпди-да, Чамангул томонга пуфлади. Унинг бачкана қилиғидан кизнинг энсаси котди. «Савил!» деди ичида уни койиб.

– Сурбет! Фарходбекка бу гапни айтиб бўладими?! У қоғознимас, нақ ўзини парча-парча килиб ташлайди-ку!

* * *

Фарида Ҳафизовна шаҳар касалхонасининг бош шифокори этиб тайинланганига кўп бўлмади. Аслида бўш-баёв эркаларнинг аёллари мансаб шохсупасидан тез кўтарилишади. Фарида Ҳафизовна ҳам бундан мустасно эмасди.

Чиройликкина, гап-сўзи шахдам-шахдам бу аёл тез назарга тушди. Айниқса, унинг «тушунадиган аёл экани» баъзи-бироларга жуда қўл келди. Шу даражада маъкул келдики, улар пана-пасткамда учрашадиган, бир-бирларига совға берадиган, баъзида «сафарга» деб, «Олтин

қум»ми, Ялтагами ишқилиб, дунёнинг номдор сиҳат-гоҳларидан бирига жўнаб қоладиган бўлишди. Аммо... ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидай, улар атрофида ивирсик гаплар айланиб қолди. Шунга Фаридида Ҳафизовнанинг оиласи нотинч... Унинг бўш-баёв, тил-жағи йўқ эри ҳам минғир-минғир қиладиган одат чиқарди. Эринг топармон-тутармон бўлиб, сўзини ўтказса, бошқа-ю, аммо, олахуржунни аёлга юклаб, яна денг «минғир-минғир» қилса оғир ботаркан? «Мен эр-какман!», дейди мўлтиллаб, овози ҳам сурнайдай бўлиб чиқади. Эркак бўлсанг рўзғорни гуллатиб қўй, ана кейин кўкрагингга ур! Бир файласуф аёлнинг насихатомуз гапларидан Фариданинг энсаси қотади. Агар эркак пул топмаса, аёл буни яшириб, «сиз ҳожамсиз, сиз тўрамсиз», деб уни папалаши керакмиш... Бунақада ўша эркак баттардан баттар бўлмайдими?! Эркак ёки оила бошлиғи деган мавқега меҳнат билан тер тўкиб эришилади, рўзғорни, оилани эпламаган одамни қандай қилиб ҳурмат қиласан. Яна денг, топганингни еб ётса?! Шунгами, «сизни эрингиз ташлаб кетади» деганида Фарҳодбек кўзига балодай кўринди. Аслида эри кетса, унинг чап қовоғи ҳам учмайди-ку-я, аммо мансабдан кўтарилиш учун «намунали» оила бекаси бўлиши шарт-да!

Эри ҳам шуни билгандай ҳар икки гапнинг бирида «ажрашаман» деб кўркитишни ўрганиб олди. Энди унга дўқ-пўписа ҳам қор қилмай қўйди. Шундагина Фаридида Ҳафизовна «эрим битта-яримтасини топдимикин» деган шубҳага борди. “Унга ҳам вақт ажратиш керак”, деган тўхтамга келди. Керак бўлса, у эрини бир кунда ийдириб олади... Аммо Фарҳодбек улар учун катта тўсиқ эканини у яхши англаётганди. Мишиқи! Унинг нимага ҳам ақли етарди.

Фарида Ҳафизовна пардоз-андоз қилиб, шофёрини чақиртирди. Оқ Волгага минаркан:

– Обкомга! – деди буйрук охангида.

Обком раиси Фотиҳ Насимовичнинг столи устида бронзадан ясалган Лениннинг кичкина ҳайкалчаси, хонанинг чап томонида политбюро аъзолари суратлари, тўрда эса бароқ қош Леонид Ильвич Брежневнинг сурати турарди.

Хонага пардозни ўрнига қўйган, баланд шпилька пошнали этикда Фарида Ҳафизовна кириб келди. У кириши билан хона ёқимли атир исига тўлди.

– Воҳ-воҳ, гўзалсиз Фарида хоним, доимгидан ҳам гўзалсиз! Ўрнингизда бўлганимда, пешанамни тириштириб дўхтир бўлгунча, артистка бўлардим...– деди. Кайфияти яхши эмаслигига карамай, аёлга бу хушомад ёқиб жилмайди.

– Ўтирсинлар! – деди Фотиҳ Насимович ўрнидан туриб аёлга илтифот кўрсатаркан.

– Туриш-турмуш, бола-чака дегандай? Яхшими, ҳаммаси? Акамулло калайлар? – Фарида Ҳафизовна бурнини жийирди.

– Қандай бўларди? Офтобда тобланиб, хотини топганини еб ётибди! – деди.

Фотиҳ Насимович қаҳ-қаҳ отиб яйраб кулди.

– Қўймайсиз Фаридахоним, қўймайсиз! Сиз борсиз, унинг нима ғами бор... Ишдан гапиринг, беморингиз қалай?

– Ўзим ҳам шу масалада келувдим. Уни олиб чиқиб кетишди!

Фотиҳ Насимович жиддийлашди.

– Қачон?

– Уч кун бўлди.

– Индамадингизми?

– Тилхат ёзди, нима ҳам дейман. Қўрқяпман... – аёл кутилмаганда ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушди.

– Э-э қўйсангиз-чи, бош шифокор ҳам йиғлайдими?

– Фотих Насимович ўрнидан туриб, уни юпатмоққа тутинди.

– Чарчадим, ахир аёлман мен ҳам, кейинги пайтда асабларим дош бермаяпти...

– Ҳозир сиз билан бир жойга овкатлангани борамиз. «Тандир» буюриб кўйганман! Бафуржа гаплашамиз, маъкулми?

Фотих Насимович тугмачани босиб, котибага буюрди.

– Маҳкам акангизни чакиринг, зарур иш бор. Бир жойга “ғиз” этиб ўтиб келамиз...

Фотих Насимович аёлга хавотирли қараб кўйди. «Деворнинг ҳам қулоғи бор» дегандай, атрофга олазарак қараб, кўрсаткич бармоғини лабига босди, кейин бошини сараклатди.

Фарида Ҳафизовна иродаси бўшлиқ қилиб, кўз ёши қилганидан уялди.

– Кечирасиз... – деди синик товушда.

Икковлари машинада ҳам мик этмай кетишди... Фарида Ҳафизовна илк бор бу одам уни зиғирча ҳам севмаслигини тушунди. У шунчаки аёлдан фойдаланган. Худо кўрсатмасин, бир фалокат бўлиб, манави ишнинг иси чикса, бу сувдан курук чикади. Бунинг номи тилга ҳам олинмайди. Агар... унгача гумашталари аёлни бир ёқлик қилишмаса...

Илғор колхозлардан бирида Фотих Насимовичнинг киши билмас меҳмонхонаси-ю, ошхоналари бор. Бари маҳсулот шу ернинг ўзида етиштирилади, йўқлари хориждан келтирилади. Фотих Насимович «нозик меҳмонлари»ни шу ерда кутади.

Фарида ҳам бу ерга бир неча бор келган. Ишбилармон, оғзидан чикканини мухайё қиладиган бу эркак бир қарашда уни ийдирганди.

«Мана, эркак канака бўлиши керак?!» деб ўйлаганди у, Фотих Насимовични латтачайналар эрига солиштириб.

Мана энди бу эркакнинг кўрқинчли ишлари борлигини ҳам билаяпти.

Аввал-бошда касаллик тарихини, ташҳисни ўзгартириш каби «оддий» нарсаларни илтимос қилишди. Кейин эса...

Улар хонага киришганида икки кишилик стол башанг қилиб безатиб қўйилганди. Қани энди аёлнинг томоғидан бир лукма ўтса?!

Фотих Насимович қадахларга ичимлик қўйди.

– Олинг, қани? – деди у. – Енгил тортасиз! Олинг, олинг...

Фарида Ҳафизовна беҳафсалалик билан қадахни кўлига олди. Аммо яна йиғлаб юборди.

– Эээ! – бошини сараклатди Фотих Насимович. – Ёш бола экансиз-ку, ҳалиям. Бу нимасси?!

– Эрим... – йиғлаб гапирди Фарида Ҳафизовна. – Эрим қўймаяпти...

– Ҳа, туғилган кун бўлди, денг. «Испирт» ўзимизда бўлса, денг!

– Ажрашаман деяпти! – унга мўлтираб қаради Фарида Ҳафизовна. Фотих Насимович «так» этказиб қадахни столга қўйди.

– Шу етишмай турувди, энди... Унга яна нима керак?

– Билмадим...

– Оббо!!! – асабийлашди Фотих Насимович.

– Хўп, энди ишдан гаплашайлик. Нима гап ўзи?

– Фарходбекни айтаман, у ниманидир биладиганга ўхшайди. Менга шундай кўполлик қилдики...

– Босар-тусарини билмай қолди, бу бола. Фарруҳга ҳам тухмат қилиб юрибди. Ўша куни тунда у ўрмонда бўлган экан. Фарруҳнинг овозини эшитган, отишмани эшитган. Яхшики, кўзи билан кўрмаган. Ўра ичига тушиб кетган экан. Рустам билан гаплашдим дермиш... Шунга... Шу болага ҳалиганақа «испарапка» тўғирласангиз, девдим.

Фарида Ҳафизовна бош чайкади.

– Справка билан битадиган иш эмас бу. Биз раисга ўзингиз айтганингиздай дори бергандик. Бу бола хирапашшадай отасига ёпишволди... Дориларни итга берибди!

– Итга?! – Фотих Насимович санчкига илган гўштни қайта ликобга кўйди ва аёлга савол назари билан каради.

– Ростдан жинними, дейман.

Аёл асабий елка учирди.

– Билмайман... энг ёмони ўша ит ўлган! Фарходбек буни билади...

– Дайди ит ўлса ўлибди-да, бу билан нимани исботлайди? Итнинг лошини йўкотинг-кўйинг! Исбот йўқ, гувоҳ йўқ. Бирам ваҳимачисиз-ей, Пари... олинг, қани тандирдан! Фотих Насимович кулди.

– Нима бўпти дебман-а! Итга аза очибмидингиз? – ҳазил килди у.

– Барибир... Фарходбек дадасини даволаяпти. Касалхонага комада олиб келишганди, ўзи юриб чиқиб кетди. Агар Азизбек Аъзамбекович ўзига келса, тамом. У одам аҳмоқ эмас. Фарходбекни раисдан узоклаштириш керак. Буни устига гувоҳлар ҳам бор...

Фотих Насимович санчкини шарақлатиб ликобга ташлади. Кўлини иягига тираб ўйга толди.

– Қанақа гувоҳ?

– Фарходбек итга дори бериб юрганини ишчилар кўришган? Итнинг ўлигини ҳам шулар топган.

– Хўп... – деди Фотих Насимович ўрнидан туриб, у ёқдан бу ёққа юраркан. – Ишчиларни ишдан бўшатинг, тез! Итни ўлигини ёқиб юбордингизми?

Фарида бош силкиди.

– Хўш... Фарходбекни менга кўйиб беринг шу! Иннайкаин анови «испарапка»ни тайёрлаб кўйинг... Ҳар эҳтимолга қарши-да, энди. Қалай маъкулми?

Фотих Насимович жойига келиб ўтирди. Фариданинг кип-қизил лак суртилган нозик бармоқларини силади.

– Шуни ўйлаб ҳеч нима емадингиз-а, Пари! Олинг, олинг...

Фарида яна ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушди. Фотих Насимович аёлнинг нозик бармоқларини қаттиқ қисди.

– Худо хоҳласа, охири баҳайр бўлади, – деди. Кейин қўйинини титкилаб, кичкина кип-қизил духоба қутича олди.

– Сизга аталган совғачамиз бор эди, – деди томоқ қириб. – Қаранг...

Аёл кўз ёшларини артиб, қутичани қўлига олди. Секин очди-ю «ох» уриб юборди. Олмос жилосидан кўзлари тинди.

– Войй, бриллиант-ку! – юраги қалқиб Фотих Насимовичга нозли боқди.

– Овора бўлиб нима килардингиз!

– Тақинг, тақинг... сиз бунданам қимматига арзийсиз!

Фарида Ҳафизовна узукни тақиб, кўз-кўз қилди. «Вой!» деб хитоб қилганча қўлини қучоқлади.

– Кўзи бирам қатта эканки!

Фотих Насимович аёлни бир оз истехзо билан кузатиб турди-да, унга яқинлашди.

– Буёғига ҳам «аклли киз» бўлсангиз, комплектини олиб бераман! – деди маъноли қилиб.

Фарида буни ўзича тушунди. Булут қуёшни тўсгани каби юзидаги чароғонлик бир зумда сўнди.

– Керакмас! – деди у жиддий.

– Сизни тушундим, аҳмоқлик қилмайман...

Фарида узукни сумкачасига солиб қўйди.

– Такмайсизми?

Аёл бурнини жийирди.

– Эрим гингшийди. Қаердан олдинг, деб қистовга олади. Жонимга тегиб кетди...

– Беморим берди, денг.

– Кўйинг, тинчлик керак...

Фотих Насимович аёлнинг белидан кучиб, ўзига тортди.

– Бошқа пайт бўлганида, ух! – деди эҳтирос билан. Аёл унга кинояли қаради-да, юлқиниб бағридан чикди.

– Кайфиятим йўқ. Шу ишлар тинчиб олсин...

– «Олтин қум»га, Болгарияга кетамиз, – деди Фотих Насимович.

Фарида лабини чўччайтирди.

– Сиз эркакларнинг ўйлаганингиз шу! Билмайман, бундан кейин нима бўлишини?!

– Эркак билан аёлнинг фарқи ҳам шунда-да, – деди Фотих Насимович файласуфлик қилиб. – Мен эса билман!

– Сиз ҳам билмайсиз, – деди киноя билан аёл. – Худо билади!

Икковлари пастга тушишди ва қора Волгага ўтиришди.

* * *

Фарходбек ғалати туш кўрди. Тушига оппоқ оҳорли чакмон кийган қаеридир отасига ўхшаб кетадиган бир нуроний чол кирди. Ўша одам улуг ёшда эмишу, аммо, оппоқ юзи, қоп-қора тийрак кўзлари одамни сеҳрлаб кўярмиш. Унинг уст-бошидан, кўйингки бутун вужудидан нур таралиб турармиш. Уни кўриб Фарходбекнинг юраги ҳапқирди, ғалати бўлиб кетди. У теграсида турган одам бу дунёнинг одами эмаслигини дарров англади.

– Косага сув солиб, кафтингизни тутинг! – деди у. – Шуни отангизга беринг, «банияти шифо» деб ичсин!

Аммо кутилмаганда унинг чехраси тундлашди. Атрофни туман коплаб, у бутунлай кўринмай қолди.

– Анавилардан эҳтиёт бўлинг! – чолнинг овози йўқлик аро акс садо берди.

Туман куюклашиб, Фарҳодбек ҳеч нимани кўролмай қолди. Шамол юз-кўзларини ялаб кетди, атрофдан шоғолларнинг ёқимсиз увиллагани эшитилди... Бойкуш ху-хулаб ёмон кулди. Қараса, Фарҳодбек ўрмонда юрганмиш, хув четда кора-кура шоғоллар бир нимани ғажиб ётганмиш. Бориб бундок қараса, у дадасимиш... Фарҳодбек додлаб юборди.

– Дадаа! – ўз овозидан ўзи уйғониб кетди. Туриб ўтирди. Шунда жикқа терга ботганини ҳис қилди. Пешанасидаги реза-реза оққан терни кўли билан сидириб ташлади. «Шунақаям жиннича туш бўладими? – ўйлади у, – касалга ўхшаб қолибман-ми!» – деди у.

Ҳаво совуклигига қарамай, душхонага кирди-ю, челақдаги совук сувни устидан «шар» этиб қуйиб юборди. Сув танасини бир чакди-ю, у сесканиб ўзига келди. Терисини кўли билан ишқалаб қизитган бўлди... Ғалати туш кўрди, ёмон туш кўрди.

Одам нохуш туш кўрса, кечгача эзилиб юради. Аммо Фарҳодбек ундай эмас. Яна ҳам совук сув танасидаги барика губорларни ювиб кетгандай бўлди.

Биринчи қилган иши косага сув солиб кафтини тутди. Сувга жон кирган каби юзида пуфакчалар ўйнади. Бунга ўзи ҳам ҳайрон қолди. Худди газли сувга ўхшаб, беҳисоб пуфакчалар бижир-бижир тепага кўтариларди. Уни пиёлага қўйди-да, дадасига олиб кирди. Бемор уни хўплаб ичди. Дадаси пиёладаги сувни ичиб бўлгач, Фарҳодбек унинг лабини сочиқ билан артиб қўйди.

– Дада буни кечгача ичинг, хўпми? – тайинлади у.

– Қанақа сув бу? Газсувми, дейман! – деди тамшаниб.

– Газсув эмас, шифобахш сув! Ичатуриб, «банияти шифо» дейиш керак...

Отаси кулди.

– Буванг ҳам шунақа эди. Овқат ейсалар ҳам, чой ичсалар ҳам «шифо бўлсин» дердилар.

Дадасининг анча тетикланиб қолганини кўриб Фарходбек суюнди, шунданми, дадилланди.

– Қани, ўзингизни бўш кўйиб ётинг-чи! – деди дўхтирлардай. Кейин кўрпани очиб ташлаб, иккала кафтини дадасининг танаси устидан юргазди.

– Нима сездингиз! – қизиксиниб сўради у. Отаси ҳали жавоб ҳам қилмаганди, хонага онаси кирди.

– Бўлмайсанми? Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Ўқишингга кеч қоласан, болам!

Кейин эрининг устидаги кўрпаси олиб ташланганига ажабланиб қаради.

– Нима қиляпсизлар?

– Э, – кулди отаси. – Ўғлинг мени «куф-суф» қиляпти...

Онаси ҳайрон бўлиб Фарходбекка қаради.

– Нимани сездингиз-а? – саволини такрорлади Фарходбек.

Отаси ўйланиб тургач, жавоб қилди.

– Жимир-жимир қилдими – чумоли ўрмалаганга ўхшаб...

Буни эшитиб йигит тиржайди.

– Ана, шунақа! – деди у мактанган кўйи. – Ҳали отдек қилиб юбораман сизни...

Фарходбек хонадан чиққач, онаси эри томон ўгирилиб, «нима гап» дегандай имо қилди.

– Ҳа, энди кўнгли учун айтдим-да, лекин... Рост кўлида бир балоси борми, дейман. Кафти иссиқ...

Онаси елка қисди.

– У ўқишини қилсин. Уни чалғитманг!

Фарходбек апил-тапил чой ичди-ю, папкасига бир бурда нон солиб, кўчага отилди.

Мактабга яқинлашиб қолганди. Узоқдан Чамангулни кўриб, шошилди. Қиз кўлидаги бир парча қоғозни ўқиб турарди. Чамангулга анграйиб, рўпарасидан шошиб келаётган йигитни кўрмай, бехосдан унга туртилиб кетди.

– Кўз борми? – деди ҳалиги бола пўнғиллаб. У Фарходбекни елкаси билан туртди-да, йўлига кетди. Фарходбекка унинг ўйноқи кўзлари ёкмади.

– Узр... – деди секин унинг ортидан.

Чамангул кўлидаги қоғозни шу қадар берилиб ўқиётгандики, Фарходбекнинг яқинлашиб қолганини ҳам сезмади.

Синфдоши унинг сочидан тортди-ю, «нима экан» дегандай қоғозга кўз ташлади. Шу заҳоти Чамангул уни ортига яширди.

– Ўкима!

– Нима экан?

– Ҳеч нима! – Чамангул қоғозни буклаб папкасига солиб қўйди. Бу эса унинг китик-патига тегди. Қизнинг папкасини силталаб тортди.

– Ишқий мактуб шекилли... – бунга ғаши келиб деди Фарходбек.

– Қанақа мактуб? Эсинг борми?

– Айтдим-қўйдим-да, бўлмаса яширмасдинг-ку!

Чамангул индамади, ковоғини солиб, мик этмай тураверди.

– Тинчликми? – сўради Фарходбек. – Ким хафа қилди?

– ...

– Нега индамайсан?

Шу пайт дарсга кўнғироқ чалинди. Унинг чинкирок овози кулоқларни батанг қилди. Аммо синф хонасига ошиққан болаларнинг шовқини ундан ҳам ўтиб тушди.

Болалар гувиллаб мактабга кириб кетишди-ю, атроф сув қўйгандай жимиб қолди...

– Кейин... кейин айтаман, – деди Чамангул шошиб. – Дарсга кеч қолмайлик...

Аммо Фарходбек мактаб ичига қадам қўйиши билан оғайнилари, ҳатто дадасининг дўсти бўлган муаллим-

лар ҳам у билан кучоклашиб кўришишди, раиснинг соғлиғини сўрашди. Фарходбек биларди, халк отасини яхши кўрарди...

Аммо «кейин айтаман...» деган Чамангул дарс мобайнида ҳам чурк этиб оғиз очмади, дарсни ҳам тингламади... У қандайдир паришон эди, ичини бир дард кемираётгани аниқ.

Наилож, танаффус бўлишини кутарди. Танаффусда гап нимада эканини билиб олади.

Чиндан ҳам Фарходбек кизнинг папкаси устидан кафтини юргизди-ю, унга ҳаммаси аён бўлди. Унинг ичидаги муҳр босилган қоғоз айнан Фарходбекка тегишли эди. «Яна нима гап бўлди экан?», ўйлади Фарходбек, гавдаси оғирлашгандай, вазмин бориб партасига ўтирди. Дугоналари билан гаплашиб турган Чамангулни имлаб чақирди.

– Бу ерда менга тегишли қоғоз бор! – деди Фарходбек кизнинг папкасига ишора қилиб. – Тўғриси айт, менадан нимани яширяпсан?

Чамангул айб иш қилган боладай ерга каради.

– Барибир билиб оламан-ку! – деди Фарходбек кизнинг кўзларига қаттиқ тикилганча. – Гапир...

– Эрталаб Фарруҳ келганди! – деди киз биров тайсалланиб тургач.

– Шу қоғозни бериб кетди. Қўл кўйиб берсин, шунда «тиха-тиха» ажрашамиз, ҳамма ўз йўлига кетади, деди...

Фарходбекнинг ковоғи уйилди. Қоғозни олиб, уни жиддий ўқий бошлади. Билганди, шундай иш бўлишини кўнгли сезганди. Бу қоғозда у берган гувоҳлик ўзгартириб ёзилганди. Бунда Фарруҳнинг номи умуман тилга олинмаган...

Қоғозни ўқиб бўлгач, Фарходбек жаҳлдан қорайиб кетди, чакка томирлари бўртиб чиқди.

– Ит! – деди у ғазаб билан. Қоғозни бурда-бурда килиб йиртаркан. – Бунақа қоғозни нега олиб коласан? Ғирт тухмат-ку, бу!

– Олмайман, десам мажбур килди. Қўрқитди!

– Қўрқитди?!

– Фарходбекни «технична» йўқ киламиз, деди. Изиниям тополмайсан, деди...

– Ҳих! – ёкимсиз кулди Фарходбек. – Қара-я! Эртага бориб бир жиғини эзмасамми?!

Чамангул унга ялт этиб каради.

– Қўйсанг-чи, ўчакишма у билан. У ёмон одам!..

– Индамай кетайми? У кўнглига келганини килиб юраверсин экан-да?!

– Отасининг кимлигини биласан-ку!

– Каттакон бўлса, ўзига? Мениям дадам раис! Аммо дадамни оркасида ялтоқланиб юрмаганман?! – Фарходбек муштини каттик қисди. Чорасизликдан яна жикка терга ботди.

– Кўради хали!

– Худодан кайтсин! – деди Чамангул.

Улар шу ерда хайрлашишди.

* * *

Чамангул ўйга толиб, ортидан биров чакирганини эшитмади. Шунда кулоғининг тагида машина бибибласа бўлдимми?! Қиз хуркиб ортига ўгирилди. Қараса, Фаррух кора Волгасига суянганча иршайиб турарди.

– Ҳой, асал, биз томонга бир карай демайсиз? – деди ўпкалангандай. Аслида у кесатдими ё чинданам хушомад килдими, билиб бўлмасди.

– Биззи иш нима бўлди? – сўради у.

– Бало бўлди! – бобиллади Чамангул ҳам. «Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди, бу без» ўйлади киз. Кейин йигитга кинояли қараганча:

– Фарходбек қоғозингизни бурда-бурда қилиб ташлади, – деди. Буни айтаётиб ўзи ҳам яйраб кетди.

– Янаям бўғиб қўймади мени...

Фарруҳ хи-хилаб хунук кулди.

– Эпложмабсиз-да, ойимқиз! Энди ўзидан кўрсин! Мен у тўнғизга «шанс» бердим! – бир зумда унинг туси ўзгарди. Кўзлари совуқ йилтираб кетди.

– Тиз чўктираман, ҳали! Ит қиламан! – шундай дея бошмалдоғига туфлаб, даҳанига суртди-да, жаҳл билан машинасига минди. Газни босдики, машина шиналари зўриқиб, чинқириб юборди. Қора Волга ўқдай учиб кетди...

– Фу, искирт? – унинг қилиғидан Чамангулнинг кўнгли айнади.

“Разил! Бировнинг боласини гўрга тикиб, яна мана-виндай без бўлиб юраришини кўринг...” Чамангул бошини сараклатди. “Фарходбекка нима бўлади энди? Бу ярамас ниятидан қайтмайдиган! Фарходбек ҳам ёмон қайсар-да, битта гапда турволган. Бошига бир машмаша орттирмаса эди, бу бола?! Яна онасини куйдирадими?”. Чамангул шу ўйлар билан уйига етиб келганини сезмай қолди. Уни кўриб, онаси уни имлаб чақирди.

– Меҳмонлар бор! – деди Гулжамол ая. – Дадангнинг ўртоғи хотини билан кепти. София холанг-чи?!

– Ҳа, анави танноз хотинми?

– Ўчир... – кўлини сермади Гулжамол ая. – Эсинг борми? Ўғиллари Абдуғани билан келишган. Ўтиришибди...

– Чой пойлаб? – ҳиринглаб кулганча деди Чамангул.

– Ўғлига нима бор экан, бу ерда? – ғашланиб деди қиз, – пишириб қўйибдимми?

– Сени кўргани кепти...

– Мени?! Мени кўриб нима қиларкан?

– Ёқтирса, уйланади!

– Оййии!!! – Чамангулнинг кошлари чимирилди. – Ўқимаган, оми эмассиз-ку! Ҳеч бўлмаса мактабни битириб олай, ўқишга кирай...

– Улар... ўқитамиз дейишяпти! Бу одам шундай боймишки, уйда хизматкорлари бормиш... София холангни қават-қават занжир, узукларини кара. Бу аёл уйда кўлини совук сувгаям урмайди. Шундай замонавий оила...

Чамангул онасига норизо караб қўйди. Молпарастлиги бор-да, онасининг... Шуларнинг таққан темир-терсагига кўзи ўйнаб ўтирибди.

– Бола ёмон эмасга ўхшаяпти. «Отвод» беришга доим улгурасан. Олдин бир кўр... Менга ўхшаб кишлокни тупроғини яламагин, дейман-да, қизим. Ўқийсан, чиройли кийиниб, институтга ишга борасан... Мол-хол ичида сасиб юрмайсан!

– Но... – деди қиз бурнини жийириб, бир кўли билан юрагини ушларкан, – дадаси... роса ичади! Биззи дадамиз уни олдида «золотой» билсайиз!

– Бўпти, кўп гапирма, ундан кўраси, формангни ечиб, тузукроқ кўйлак кийиб чик. Кейин манави патнисдаги қахва билан пишириқларни олиб кирасан. Бошингни эгиб “салом” бергин. Кипригинг ердан узилмасин, билдингми? Ҳунар кўрсатсанг ўзингга жабр...

– Ҳўп мўмингина, қобилгина бола бўламан! – деди у буни кулгига олиб.

– Тиллаларингни ҳам тақвол!

– Ҳаммасиними?

– Қанча тилланг бор ўзи?!

Чамангул индамади, ичкарида кийинаётиб деди:

– Ойи, Зита-Гитага ўхшаб кетяптими?! – деди у окшим, қизил кофтасини кийиб, ўзини ойнага солар экан. Кейин онасидан сўради.

– Мен Зитаманми ёки Гитаманми?

Чамангул кийиниб чиқиб, модель қизларга ўхшаб қадам ташлади.

– Қалай?!

Онасининг ковоғи уйилди.

– Сенга нима дедим? Кўйлагингни кий!

– София хола уйида шортикда юради-ку! Ўзим кўрганман...

– Уни уйига келин бўлсанг, сен ҳам балки, «шорти» киярсан, лекин, бу... мени уйим, айтганимни қил!

Чамангул чўғдай товланиб турган атлас кўйлагини кийди, бошига дуррача боғлади.

– Бу бошқа гап! – онаси мамнун жилмайди. – Патнисни ол...

– Тўчна индийски кино бу! – истар-истамас у эгилиб патнисни олди. Болалигига бориб, у бу ишларни ўйин билди.

Ичкарига кириб, София опа билан кучоклашиб кўришди. Эркакларга салом берди. Аёл унга суқ билан бошдан оёк қаради. Чамангул дадасининг ёнида ўтирган йигитга ер остидан қараб, эшитилар-эшитилмас:

– Яхшимисиз! – деб кўйди. Котмагина, оппоқ чўзинчоқ юзли йигит унга қаттиқ тикилиб турарди. “Мен танийдиган сурбетлар рўйхати яна биттага кўпайди!”, ўзича ўйлади қиз. Бу рўйхатда Фарҳодбек ҳам бор эди, албатта. Қачон карама, у Чамангулнинг бурнини чимдир, юзини чимчилаб оларди ёки сочидан тортиб қочарди... Бошига кафтини кўйиб, ичида шипшиб, қандайдир дуоларни ўқирди.

Чамангул жиғибийрон бўларди.

– Нима қилаяпсан? – деганча унинг кўлини бошидан олиб ташларди.

– Нима қилардим, куф-суф қиляпман... – куларди Фарҳодбек.

– Бундай қилиш гуноҳ, дуоларингни қайтариб ол! – дерди Чамангул астойдил жаҳли чиқиб.

– Қанақа дуо, абра-кадабра, фикус-микус! – деяпман.

Буни эшитиб, Чамангул кип-қизариб кетарди. Дарсликни икки кўллаб ушлаганча Фарҳодбекни қувлаб қоларди.

– Жинни, эси паст! Абро-кадабрамиш...

Аммо ўша куни шанбалик эди. Қизлар боғдаги дарахтларни оқлашди, йигитлар дарахт тагини чопиб юмшатишди.

Ҳамма тушликка кетди. Боғда Фарҳодбек билан Чамангул иккиси ёлғиз қолди. Фарҳодбек яна эски қилиғини бошлади. Бир қизнинг сочидан тортди, бир бурнини чимдиди... Шунда Чамангул уни қаттиқ силтаб юборди. Фарҳодбекнинг жаҳли чиқиб кетди. У қизга яқин келди-ю, билагидан қаттиқ қисди.

– Биласан-а, сени ёмон кўраман! – деди у ўқрайиб. – Ҳеч қачон севмаганман! – Фарҳодбек Чамангулнинг белидан кучиб, ўзига тортди ва қизнинг кўзларига қаттиқ тикилди.

– Ёмон кўраман сени, эшитдингми!

Чамангул кўрқиб кетди.

Фарҳодбекнинг бағридан юлқиниб чиқди-ю, қочди.

– Тентак! – деди қиз йиғламсираб, – тентаксан! – деди у.

Шу куни Чамангул хонасига қамалиб олиб, тонггача йиғлаб чиқди. Фарҳодбек атайлаб шундай деганди... У шунақа, қуюшқонга сиғмайдиган бола, ҳамма ишнинг тескарисини қилиб юради. Важоҳат билан бўрондай ёпирилиб келади. Фарҳодбек унга шу сўзлардан бошқа ҳеч нарса демаган, айтмайди ҳам. У айтмаган бўлса-да, буни бутун мактаб биларди... Отаси ётиб қолгач, Фарҳодбек ўзгарди, ўзига ўхшамай қолди. Қувнок, ҳазилкаш боладан, бир кунда жиддий, ўйчан йигитга айланди. Балки бир кун келиб, у яна ўзлигига қайтар, аммо ҳаёт уни ўз гирдобига тортиб кетди, писта пўчоғидай ўйнатди. Чамангул унга ачинарди, хаёлида фақат у эди.

Шуларни ўйлаб, қиз совчиларга мутлако эътибор қилмаётганди. Фақат:

– Бу ўзимни кизим-ку! – дея София опа Чамангулнинг бошини силагандагина ўзига келди. – Жуда чиройли киз бўпти, кўз тегмасин!

Абдуғани ҳам киздан сузик кўзларини узмасди. Шундагина Чамангул бу воқеалар ҳазил эмаслигини тушуниб қолди. Ўзи учун қандайдир нохуш ҳодиса юз бераётганини англади. Юраги гуп-гуп уриб кетди. Қандайдир ички овоз, «чикиб кет, бу хонадан чикиб кет» деётганга ўхшарди. Бу ерда узокрок қолгани сайин, юраги томоғига тикилгундай урарди. Ахийри Чамангул шартта ўрнидан турди.

– Мен ҳозир... – деганча чикиб кетди. Кетидан онаси чиқди.

– Бу нимасси! Одобсизлик қилма!

– Ойи... ғалати бўп кетяпман... – Чамангулнинг кўзлари ёшланди, у кафти билан оғзини тўсиб, хонасига кириб кетди. Гулжамол ая ҳайрон бўлганча қолди. Меҳмонхонага кириб узр сўради:

– Қиз бола-да, уялади! – деди – Одатда қиз бола совчиларнинг олдида ўтирмайди.

– Майли, майли, иболи-хаёли бўлгани яхши. Кўзи чакчайган кизлардан ўзи асрасин! – деди йигитнинг даси Абдусаттор ака.

Овқат сузилди, меҳмонлар кетишди ҳам Чамангул хонасидан чиқмади. Онаси олдига кирмокчи эди, Қосимбой уни тўхтатди.

– Индама! Ўйлаб олсин...

У нимани ҳам ўйларди. Унга адолатсизлик қилишганиними? Ундан бир оғиз сўрамай, тақдирини хал қилишаётганиними? Бу ёқда битирув имтиҳонлари, уларнинг бўлса, дарди-фикри уни узатиш. Ўқимишли одамларнинг иши бу.

Чамангул кўз ёшларини артиб, кўрпани бошигача буркаб олди. Унга куёвнинг кўзи ёкмади. Беҳаё... кўришиб турибди-ку! Наҳот, отаси буни сезмаган.

Эрталаб синикиб, ковоклари шишиб уйғонди. Уйдагиларга араз қилиб, нонушта қилмай, мактабга жўнаб қолди.

Аммо бу ерга келиб ҳам кўнгли ёришмади. Ҳамма имтиҳон, институтга кириш дардида, у бўлса куёвни ўйлаши керак? Етмаганига Фарҳодбек яна йўқ. Нима қилса бўлади, бу болани! Ўзи отаси касал бўлганидан бери ёлчителиб дарсга қатнамади. Уйдагилари ҳам Фарҳодбекни ўйламас экан-да, акалари ҳам бор-ку... Йўқ, отасига бу қараяпти... Фарҳодбекнинг ҳам ўзига яраша феъли бор, лекин тўғри сўз, мард бола... Чамангул шунисига беш кетади.

Қиз танаффусда Ҳанифанинг синфига ҳам кириб чиқди. У ҳам дарсга келмаган... Чамангул бирдан ҳавотирга тушиб қолди. Юраги гуп-гуп уриб кетди. Бир нарса бўлган-ов. Йўқса, нега иккаласи ҳам дарсга келмаган?

Чамангул энди чидолмади. Китоб-дафтарини йиғиб, кўчага чиқди. Қараса, кўчада бир йигит гул кўтариб турибди, хайкалга ўхшаб қотиб қолган. Мактаб битмай, бу даргоҳга куёвлар серкатнов...

Куёв нақ оққуш мисол Волга ёнида турарди. «Қайси кизга келибди, бу бойвачча?» Чамангул бурнини жийриб куёвнинг ёнидан ўтиб кетди, кейин кетаётган жойида такка тўхтади... «Вой, тавба, кечаги болами бу? Кеча уларникига келган сурбет-чи? Ўзиям Чамангулдан кўз узмади. Катталардан ҳам уялмади?» отаси шуни куёв қилармишми? Айтишади-ку, қайнота билан куёвнинг тупроғини бир жойдан олади, деб”.

Чамангул унга ер остидан қаради, ичида кикирлаб қулди-да, ура қочиб қолди. Яхшиямки, у Чамангулни танимади. Мактаб формасида танимади, шекилли. Ҳалитдан хотира кетган?! Кеча кўзини лўқ қилиб ўтиришига қараганда эслаб қолиши керак эди. Чамангул ерга қараб ўтирганига уни меров киз деб ўйлаган. Ҳих, ўзини билсин?! Чамангул Қосимбойнинг кизи, ахир...

«Яхши бўлди!», енгил тортиб ўйлади киз. Яна кулди. «Ажаб бўпти!» ўзига ўзи деди у.

Фарходбекларникига яқинлашгани сайин юраги каттикрок ура бошлади.

Ховлига кириб, Ҳанифани чақирди.

Унинг ўрнига онаси Ҳафиза ая чиқди.

– Вой, қизим-ей, ичкарига киравермайсанми? – у киз билан кўришди.

– Катта ўғлим, Аҳмаджон келган, шунга ҳеч қайсиси дарсга бормади, – деди аёл қизни уйга бошларкан. Буни эшитиб Чамангул бўшашди...

– Фарходбекни биласан-ку! – деди аёл уни ўтиришга таклиф қиларкан. Орада «Ҳанифалаб» кизини чақирди.

– Отасига коровул. Жамол амакинг келганди. Колхозда бўлаётган ишларни айтиб, Раис бовангни ховликтирди. Бованг ўзи касал бўлса... машинага ўтиришиб кетди, ҳаммаси. Карим бригад уруғликка олиб кўйилган чигитни зовутга берворибди... Шунга жиғибийрон, касал одамниям ётгани кўймайди, булар... – аёл шундай деб жавраганча чиқиб кетди.

Ҳанифа дугонаси билан кучоклашиб кўришди.

– Нечук? – деди Ҳанифа чиройли кўзларини пирпиратиб. – Қайси шамоллар учирди?

– Шамол эмас, бўрон бўп колди, – жиддий деди Чамангул. – Кеча дадамнинг ўртоғи хотини минам совчи бўп келган.

– Войй?! – ҳаяжонланиб кетди Ҳанифа ҳам.

– Йигит ҳам келган, сўлжайиб...

– Чиройли эканми? Нима бўлди?

Қизлар шарақлаб кулиб юборишди. Чамангул жиддийлашди.

– Дадам менга бир оғиз айтмай, ўртоқларини бошлаб кептилар, қара? Олди имтихон бўлса... Аразладим...

Ҳанифа дугонасига овқат олиб кирди.

– Овқат томоқдан ўтармиди, ҳозир. У дафтарларини олди. Аммо ҳеч нима ёзолмади. Кўзларига ёш қуйилди.

– Менам одамман-ку! – деди у йиғламсираб.

– Қўй, Чаман йиғлама! Совчилар киз бор уйга келаверади-да... Бу ҳали тўй бўлади дегани эмас-ку!

– Қараб тур, шу қилишганига Тошкентга қочиб кетман...

Ҳанифа кўркиб кетди.

– Жиннимисан? Нега қочасан?

– Мени билишмас экан. Бугун мактабдан чиқаётсам, куёвтўра гул кўтариб турибди. Мени формада танимади... Энди кечгача туради ўшатда, ҳайкал бўп, – Чамангул ёшли кўзлари билан кулди.

– Бу Фарҳодбек кўринмайди. Марғилонга кетганми, ё? – ҳазил қилди Чамангул.

– Марғилонда нима қилади, Кумуш шу ерда бўлгандан кейин...

Чамангул ялт этиб дугонасига қаради. Ҳанифа акасининг шу кизда кўнгли борлигини биларди.

– Э, қўйсанг-чи, аканг мени ёмон кўради-ку!

Ҳанифа дугонасига маъноли қараб қўйди.

– Жуда ишондим-да гапингга...

– Ростдан! Боғда кўлимни қайириб, «сени ёмон кўраман» деса, эс-хонам чиқиб кетган...

Ҳанифа яна кулди. Чамангул қип-қизариб кетди.

– Демак, ўшанда севги изҳор қилган экан-да!

– Шунақаям севги изҳор қиладими, одам? Кўлимни қайириб... Бугунги куёв бошқа гап. Гули сўлип қоладиган бўлди-да... – ачингандай деди у.

– Мен барибир ўқийман. Жуда тўй кўргилиги келаетган бўлса, ана акамни уйлантиришсин. Келин ҳам тайёр...

– Вой акангнинг яхши кўргани борми?

– Бордир-да, Тошкентдан бери келмай қўйди-ку! Да-

дам ҳам «уйланиб олганмисан, қисталоқ» деб сўкади. Охирги сафар байрамга ҳам келмади. «Думим бор...» деб баҳона қилди...

– Ўша «дум» Тошкентнинг нозанин маликаси бўлмасин, яна?!

– Акамдан ҳар нарсани кутса бўлади. От изини той босади, дейишади-ку!

Шу пайт ташқари эшик очилиб, Жамол ака билан раис кўринди. У раисни қўлтиклаб олганди. Беморни аста уйга олиб киришди. Чамангул раисни бетоб бўлганидан бери энди кўриши эди. Анча мазаси йўқ, шекилли. Бу аҳволни кўриб, Чамангул яна ҳомуш тортиб қолди. Касали жиддийга ўхшайди.

“Фарруҳ дағдаға қилиб кетганини айтиш керакдир, балки...” ўйлади киз.

Ҳанифа дадасидан хабар олиб қайтди.

– Фарҳодбек чўпонникига кетибди! – деди у.

– Жўракани айтяпсанми? Уникида нима қилади?

– Акам ноҳақликка чидолмаяпти. Онам «Худо жазосини беради» десалар ҳам кўнмаяпти.

– Шунақа терс, бу Фарҳодбек, нимани исбот қилади энди? Ундан кўраси ўкишини ўйласин, армияни ўйласин...

– У ўйламайди. Шунақа...

Чамангул уйга отланди.

– Ҳеч уйга боргим йўқ, – деди киз беҳафсала. – ўз уйим ўзимга бегона бўлиб қолди. Борсам, юрагим хувиллайди...

Ҳанифа индамади. Нима ҳам дерди. Дугонасига ачинди.

– Кўнглингга якин олма-да, сен

– Ҳа, майли, аканг келса, уни излаётганимни айтарсан? – деди киз. Ҳанифа жилмайди.

– Куёвдан қочиб кетганингизни айтасизми?

– Ҳанифа! – унга танбеҳ берди киз. – Акангга айтсанг, кўрасан!

Ҳанифа «айтмайман» дегандай, кўрсаткич бармоғини лабига босди.

– Бизни шиорни биласан-ку! Мактабимизнинг тўрига, кўрга ҳасса килиб ёзиб кўйилган: «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!»

Қизлар кулишди.

* * *

Фарҳодбек уйга келганида меҳмон бор экан. Отаси муовини Жамол ака билан гаплашиб ўтирарди. Отасини тетик-тетик гапираётганини эшитиб хурсанд бўлди. Кириб меҳмон билан сўрашди.

– Катта йигит бўп копти-ку буям! – деди Жамол ака йигитнинг бўй-бастига, энди сабза урган мўйлабига ҳавас билан қараркан.

– Эрта-индин “уйлайман”, десангизам “йўк” демайди булар, сизни ётишингизни қаранг. Э, э... Колхоздаям сулаймон ўлиб, девлар кутилди. Ҳаммаёк «торт-торт» бўп ётибди. Фақат сиздан кўрқаркан, бу қисталоклар. Анави «жинқарча» ҳаммага хўжайин бўп олган. Бирон кўрсатма берганмидингиз, унга? «Раис айтган» деб ҳамманинг оғзига уряпти... Уруғликка об кўйилган чигитни зовутга топширворибди.

– А?! – отасининг туси ўзагрди. Кўзлари қаҳрли ялтиради. Буни кўриб, Фарҳодбек сергак тортди. Меҳмонга қараб, «отамга бундай гапларни гапирманг» дегандай бошини сараклатди.

– Сиз айтганмишсиз...

– Шунга ишондингизми, Жамолжон? Баҳорда уруғлик қаҳат бўлишини биласиз-ку, иним! Шуям гапми, энди!

Жамол ака айбдорона бош эгди. Бу пайтда Фарҳод-

бек курка гўшти босилган, буғи чиқиб турган паловни ўртага қўяётганди. Отасига косада шўрва узатди.

– Тепадан озик-овқат “программаси”ни бажарсин, деганмиш-ку...

– Э, э! – пешанасига бир урди раис. – Бугун “программа” дейди, эртага “пахта” дейди. Пахта муҳим-ку, Жамолжон!

– Ҳай, майли қўйинг бу гапларни, ошдан олинг! Аммо уруғликни қайтиб олмасак, эртага обкомда расво қилади! – асабийлашганидан Азизбек ака жикқа терга ботди.

Фарҳодбек яна Жамол акага қараб бошини сараклатди. Жамол ака қишлоқ одами, содда. Кутилмаганда Фарҳодбекка қараб, «сен бола нега бошингни сараклатасан» деса бўладими?!

– Отангга айтмасам, кимга айтаман дардимни? Худди атайлаб қилгандай қўшни колхоз иккита тракторни обкетди. Бултур таъмирлатиб, баҳорга шай қилиб қўйгандик...

Раис шўрва ичаётган жойида, қошиқни косага жингиллатиб урди.

– Нимага обкетади! – бўғилиб деди раис. – Ўзиники-чи?!

– Фотиҳ Насимович, “Азизбек, керак бўлса, игнанинг тешигидан ҳам ўтиб кетади, амаллайди”, деганмиш...

– Оббо..., – раис қўлини сочикка артди.

– Бунга обкет, болам! – деди косага имо қилиб.

– Ичмайсизми?

– Э, шилдир шўрваём жонга тегди. Бунақада қачон оёққа тураман?

– Жамолжон, зовутга ўтайлик бўлмаса? Машинада келганмисиз?

Улар ўринларидан туришди. Фарҳодбек ҳеч нима қилолмади. Отасини қўлтиклаб, унга ҳамроҳ бўлишдан бошқа иложиси қолмаганди. Онаси ҳам остонада турган-

ча, муовинга норизо қараб қўйди... Ичкаридан раиснинг катта ўғли Аҳмаджон чиқди.

– Дада, қаёққа кетяпсиз? – деди у ҳам отасини урушгандай қилиб.

– Иш бор... – деди раис. Аммо унга қайрилиб қарамади. Гўё қараса, ўғли уни тўхтатиб қоладигандай...

– Кўрдингми аҳволни? – деди онаси ёзгириб. – Ҳар куни шу! Уйимиз колхоз идораси бўп қолган. Отанг бирам қайсарки, гапга кирса қани?!

Улар машинага ўтириб кетишди. Бу ишларни ҳал қилгунча раис анча асабийлашди. Завод директори билан «сан-манга» борди. Карим бригадга «аризангни ёз» деб бақирди. Унга бақрайиб қараб турган колхозчиларга ҳам бақирди.

– Мен ўлмаганман, ҳали! – деди.

Улар Жамол ака билан уйга қайтишди. Фарҳодбек Жўраканинг уйига кетди.

* * *

Февраль кириб, чилла чиққанига анча бўлди, аммо совуқ изиллатяпти. Шундай бўлса-да, баҳор нафаси сезилиб қолган. Бундай пайтда қорнинг юзи қотиб, тагидан эриб, пасаяверади. Тангадай очилган жойдан чучмўмалар унади. Шамол эсиб, титраб-титраб кетади. Гиёҳ ҳам худди совуқдан қалтираётганга ўхшайди.

Далада сув бўйларида бинафшалар қийғос очилиб, атридан киши сарҳуш тортади.

Ҳозир шундай давр эди, кишу баҳор кўришган пайт. Фасллар бири-бирига ўрин бергиси келмай талашаётганга ўхшайди, бир қуёш чарақлаб, баҳор шамоллари эсиб қолади, бир қарасангиз паға-паға қор ёғиб беради.

Фарҳодбек далаларга зеҳн солиб кетди. Илгарилари акалари билан Жўраканинг уйига борар бўлса, неча муштлашиб, бир-бирини қувлаб кетишарди. Жўрттага

қорга йиқилишиб, ўмбалок ошишарди. Энди-чи, Фарходбек ёлғиз ўзи, ғамгин ўй суриб кетяпти. Бу ёлғизоёқ йўл ўша нохуш ҳодисаларни ёдига солди. Тилсиз табиат оппоқ сукутга чўмган. Бош эгиб жим турган мўйсафидга ўхшайди... Балки ҳаётда шу тоғларга ўхшаш керакдир... Воқеаларни жим кузатиб, унинг қандай яқун топишини кутиш керакдир... Бувиси унга шуни ўргатган, вазмин бўлишни. Аммо, у чидолмайди, ичидаги бир куч қўймайди. Саволлар ёғилаверади. Нимага Жўрака жиноятни бўйнига олди? Уни мажбур қилишганмикин? Қийнашгандир... Онаси: «Ақлинг етмаган ишларга аралашма, ёш умрингни жувормаг килма!» деганига карамай, буёққа келишга қарор килди. Акс ҳолда чидолмасди, ўзини ҳам ҳурмат килмасди. У барибир бу ишнинг тагига етади!

Терговнинг чўзилганини кўринг, кузда очилган иш, киш тугаяпти, ёпилмади. Бу ерда бир ғаламислик борлигига шу ҳам исбот эмасми?!

Отаси билан овора бўлиб қолди. Жўракадан хабар ололмади. Иш чаппасига айланиб кетди. Шунга ҳеч курса, Карима ая билан гаплашай, ҳол сўрай деганди. Шу хаёллар билан кетаётганди, олдидан Қора Волга ғизиллаб ўтди. Машина тўғри бориб Жўра аканинг эшиги олдида тўхтасами?! Фарходбек хайрон бўлганча ўзини панага олди. Аслида Қора Волгалар фақат вилоят марказида юрарди, бу йўлдан трактордан бошқаси ўтганмиди? Баъзи-баъзида Фарруҳга ўхшаганлар шикорга чикса, шунанганги машиналар кўриниб қоларди.

Шу пайт ғалати ҳодиса рўй берди. Қора Волгадан тушган одам, юкхонадан иккита қопни амаллаб туширди. «Янгов, янгов»лаб чақирганча қопларни «эшик» аталмиш жойдан ичкарига киритди. Қисик кўз, ингичка мўйлов кўйган бу одам Фарходбекка таниш туйилди. Ҳа, ҳа, уни дарров эслади. Бу Фотих Насимовичнинг шофёри Маҳкам ака эди. Уни колхоз правленияси олдида кўп уч-

ратган. Бир-икки шифохонада ҳам кўрди. Шифокордан кўра, артистларга ўхшайдиган бош врач аёлни машинасида олиб кетгани келган... Нечук буларникига коп ташийди у. Кўли кўксида. Унинг кетидан Карима хола чикди. Нак етти букилиб уни кузатди. Бунга Фарходбекнинг ғаши келди. Эрини камокка тиккан шулар бўлса-да, бу аёл улар олдида таъзим килса? Шуям адолатданми? Қишлоқнинг аёллари содда бўлади-да, бундан ҳали ғурурланиб юради, эшигимга қора Волга келди, деб. Фарходбек шу аёлнинг ўрнида бўлганида, тош билан уриб, Волганинг пачоғини чиқарган бўларди. Анави коптаги нарсаларни буларнинг устидан сочарди. Аммо шундаям аламдан чикмаган бўларди.

Қора Волга бурилиб кетгач, Фарходбек «пистирма»дан чикиб, Жўра аканинг ҳовлисига кирди. Ҳеч бўлмаса, девор ҳам олинмаган ҳовли ўртасида турганча:

– Ким бор! – деб чакирди у. Бояги иккита катта коп, пастаккина, тўртта устуну устига тўл ёпилган ошхонага тираб кўйилибди. Карима ая ўчоққа ўт ёккан, жаз-жуз килиб ғўшт-пиёзни ковуларди.

– Ким у, кираверинг! – ўчоқ бошидан овоз берди у. Фарходбек ҳам шу томонга йўналди, аёлга салом берди.

– Ҳа, сенмидинг! – деди аёл беписанд.

– Кел, Фарходбек, уйга кир... ичкарида болалар чувур-чувур дарс тайёрлашяпти...

– Тинчликми ая, уйингизнинг олдида Волга кўрдим? – бу холдан ғашланганини яширолмаёй сўради Фарходбек. Аёл: «Сени нима ишинг бор?» дегандай унга ола қаради.

– Бундан баттар тинчлик бўладими, Фарходбек? Фотих аканинг шўпири-ку, келган. Копда ун билан гуруч ташлаб кетди. Уч-тўрт сўм пулданам ёрдам киляпти, қора қозон қайнаяпти, – деди. Аёл қозонга кип-кизил томат солиб, яна жазиллатиб ковуларди, устидан тўғралган

сабзини ташлади. Бироз ковургач, “шар” этиб қозонга сув куйди. Фарходбек аёлга «шуларнинг нарсасини олиб нима қилардингиз?» дегандай норизо қараб қўйди. Аёл буни тушунди. «Бола-да, ҳали, – деб ўйлади аёл. – Нонни «нанна» деб юрибди. Бунга ниманиям тушунтирсин». Аёл «иложим қанча», дегандай елка учирди. Фарходбекни уйга бошлаб кирди. Жўраканнинг тўртта боласи бор эди. Икки ўғил, икки қиз, каттаси Одилжон кўринмасди, қолганлари танчага бикиниб, талашиб-тортишиб дарс қилишарди. Аёл танчанинг бўш томонига кўрпача солди.

– Китоб-дафтарингни йиғиштир, пастда қил, дарсингни! – бир-бири билан ручка талашаётган болаларини ая тинчлантирди.

– Тушимга ҳам кирмаган ишлар бўп кетди, болам. Жўракангни уйдан қўлига кишан солиб обкетди. Бўриниям «отсамми-отмасамми» деб ўйлайдиган чўпон одам, болани отганига ким ишонади? Амаллаб бўйнига қўйди... Милтиғи ўшатдан чикқанмиш, «опечаткаси» бормиш. «Милтик ўлгур, уйда эди-ку, дейман, қандай қилиб ўрмондан чиқади бу?!»

– Шунақа болам, кўлимдан нимаям келарди, ўқимаган, оми хотин бўлсам. Бу ёқда даданг касал, арз минам борсам..., – аёл ўйга толди. Кейин жимликни бузиб сўради. – Раис бова тузукми, ўзи?

– Яхшилар, – деди Фарходбек ҳафсаласиз. Кейин гапни яна ўша мавзуга бурди. – Нега бўйниларига олдилар? – жаҳли чиқиб деди Фарходбек. – Эндиям кечмас. Судда “мен қилмадим, терговчи мажбурлади”, десинлар! Мени Жўраканнинг олдига қўйса қани?! Қўймайди, сиз уктиринг...

Аёл умидсиз бош эгди. Ўйланди, кейин деди.

– Бурноғи ҳафтада Жўраканнинг олдига борувдим. Бир ҳол, бир аҳвол бўп қолибди, кўрсанг танимайсан. Йиғлаб, «тепага арз қиламан», дедим. Жўраканг унама-

ди. «Жим ўтир!» деб сўкиб берди. “Уч-тўрт йилда чиқаман”, дейди. Катталар аралашганмиш. Ундай демади-ю, лекин қоши билан тепага имо килиб кўйди. «Иссиқ уйда, иссиқ овкатиғни ичиб ўтиравер!» деди, кўзига милт-милт ёш келиб кетди. Ўзига колса, уйга қайтишни хохламайдами, болам! «Ортикча гап гапирма, чурқ этсанг, «мен кетаман» деди. Ғалати бўп кетдим. Кўкрдим, – Карима ая яна йиғлади. Дарс тайёрлаётган болалари унга қараб-қараб кўйишди. Кичик кизи келиб аясининг бўйнидан кучоклади.

– Шуларга овуниб ўтирибман-да! – аёл қизининг кичкина кўлчаларидан ўпди.

– Комила кизим, картошкани қозонга солиб кел! – иш буюрди аёл катта қизига.

– Бу ҳам етмагандай, шу гап чиққандан бери иккита хотиннинг ичига киролмайман. Ўтган куни Санобар холангни кўрувдим. Мен минам кўришмай, терс бурилиб кетсамми? Ҳамманинг олдида ер ёрилмади, ерга кирмадим. Ундан олдин Рустамнинг тоғаси хўп қиёмат қилди, уйимда. «Тухмат бу!» десамам, унамайди... Ана сенга одамлар! Ўзи ичим ёниб ётгани етмагандай, буларнинг тўполони ортикча.

– Ўзидаям айб борми, ахир! – аёл кўз ёшларини рўмоли учига артиб давом этди. – Ёш болани ким ўрмонга ёлғиз юборади. Яна дадаси “браконьерларнинг сурадини ол”, деганмиш. Анавиларнинг ким эканини бугун биляптими?! Мана Одилжоним, ўн учга кирди, кош қорайгач, кўчага чиқармайман... Ўрмонга-ку, оёқ босмаган. Фақат кўй йўқолса, ўртоқлари билан кидиргани боради. Энди обком деганларининг «пахта» кўйишини кўр: қопда ун, қопда гуруч... Шулар менга татийди, дейсанми?! Болаларни кўр, бўйни эгилиб қолди, шуларни деб мажбур «жим» ўтирибман. Жўраканг чиқиб олсин, ҳақиқат қиламан, хали...

– Сенам жим ўтир, болам. Ёш бошингга бир балони орттирма. Бу ёқда отанг касал... Энди шулар тинч бўлсин, ўзинг тинч бўл!

– Сиз ҳам онамнинг гапини гапиряпсизми? Худога шукр, адолатли мамлакатда яшаяпмиз. Қайта куриш кўпчиликнинг кўзини очиб кўйди. Бунақалар энди кўп турмайди! – деди Фарходбек кизишиб. Аёл кулди. «Ҳали болалиги бор...» деди ичида меҳр билан. «Соддалиги яхши-ю, оғзи куйиб қолмаса эди, шўрликнинг».

Карима ая шўрва олиб кирди. Фарходбек аёлнинг раъйини қайтаргиси келмай, овқатга қолди ва унинг болалари билан ҳазил-ҳузул қилиб, яйраб овқатланишди.

Йигитни кузатиб чиққан аёл:

– Ҳеч ёққа карамай, тўғри уйингга бор! – деб тайинлади.

Фарходбек йўлга чиққанида куёш бота бошлаганди. Қизил шафақ бунда ялтир-юлтир қилаётган қорни ҳам шу тусга бўяганди. Бундай эртакнамо манзара кишини моддий ҳаётдан узиб, руҳият оламига етаклайди. Гўзал, ажиб дунё... у кўзга кўринмайди, аммо баҳор каби гуллар атридай уни ҳис қилса бўлади. Шунда одамнинг яшагиси келиб кетади. Негаки, ҳаёт туганмас, у абадий. Ҳаёт абадий эканини билган одам умидсизликка тушмайди.

Эриб яхмалакка айланган қорни карсиллатиб босиб кетаётган Фарходбек ортида пайдо бўлган бир шарпага эътибор қилди. У Фарходбек билан изма-из келаётганди... Йигит ортига ўгирилса, қочади, юрса-юради... Тўхта-таса, тек қотади. Қизик, оёқ товуши сезилмайдими?! Йигитнинг кўнглига бир иштибоҳ оралади. Бўри бўлса-чи?! Фарходбек юриб кетаётиб, шартта ортига ўгирилди. Қараса, одам шарпаси, ўзини яйдоқ далага кўккайиб ўсган бир бута панасига олди. Гавдасидан кичкина болага ўхшайдими?! Фарходбек бута томонга тикилиб қаради, кейин шу томонга юриб кела бошлади.

– Кимсан, хой чик! Мен сени кўряпман...

Буталар шитирлаб кетди. У ердан оппок кийимда ўша Рустам чикиб келса бўладими?! Уни кўриб ҳеч нимадан кўркмайдиган Фарҳодбекнинг ҳам тили айланмай қолди.

– Р... Р... Рустам!!! – хайратини яширолмади. – Сен... Бу... бу ерда нима қияпсан?

Рустамнинг чехраси ўзгармаган. Қуёш шафағида, рангпар кўринарди. Кўзларида бир ҳорғинлик бор эди.

– Сизларни соғиняпман, – қисиниб деди у ва ортига хавотир билан қараб қўйди. – Ўрмон атрофида ёлғиз тентираб юрибман. Бу жудаям зерикарли, кунлаб, ойлаб шундай юрсанг... Зерикиб ўляпман. Бу... буям кийноққа ўхшайди. Шунга сени кўриб, гаплашай, дедим. Чунки факат сенгина мени кўра оласан...

Фарҳодбек унга тикилганча қотиб турарди. Нима дейишни, нима қилишни билмасди. У «култ» этиб ютинди. Шу арвоҳ нега бунга ёпишиб қолди? Нукул таъкиб қилади, кутилмаганда олдидан чиқади. Унга нима керак ўзи?

Рустамни жаноза ўқиб, ювиб-тараб, кишлок қабристонига кўмишди. Бу бўлса, яна безовта юрибди. Яна ўша қотиллик содир этилган жойда... Ҳақиқат юзага чиқмагунича бу шунақа саросар кезаверадими?! Кўриниши ғалатими унинг, умуман, ўликлар билан гаплашиш ҳам ғалати.

– Уйинггача бирга борсам майлими?

Фарҳодбек индамади. Кейин:

– Боравер... – деди рўйхушлик бермай.

Бошқа томондан Рустам жумбоқли қилиб, маъжозий тилда сўзларди, уни тушуниш кийин эди.

– Гувоҳлигим судда ўтмади. Менга ишонишмади. Қайтага кулгига қолдим. Жўракани камаб қўйишди...

– Биламан, – деди Рустам. Кейин хаёлчан қўшимча

қилди. – Бойўғли тунда овга чиқади. Тунда кулиши ҳам хунук.

Фарходбек унга қараб анграйди. «Бойўғлининг бунга нима алоқаси бор экан?» хайрон бўлди. Аммо Рустамнинг кўзларида аксланган кўрқувни кўриб унга ачинди. «Марҳумлик ҳам бир касалликка ўхшаркан-да! Айникса, руҳ чин дунёсига кета олмай, манавиндай кимсасиз жойда дарбадар юрса...»

– Кетолмаяпман, – унинг фикрини ўкигандай деди Рустам. – Мени нимадир ушлаб турибди. Қаттиқ ушлаб турибди. Онамга айт, кўп йиғламасинлар... – зорланди у.

– Кейин... тўртбурчак кути ичида тўртбурчак буюм бор. Сен уни топишинг керак... Балки шунда бу лаънати ўрмондан кутуларман...

Орага жимлик чўкди. Рустам бирдан сергак тортди.

– Ана, ана..., – деди у кўзлари олайиб. – Бойкуш ҳухулаб куляпти. Устимиздан куляпти...

– Мен бунга чидолмайман, чидолмайман... – Рустам бошини чангаллаган кўйи ортига тисарилди. Фарходбек унга ўгирилиб қаради, хайрон бўлди. Бола эса яна ўрмон томонга сузиб кетди...

– Эҳтиёт бўл! – уни огоҳлантирди бола. – Бойкушлардан эҳтиёт бўлиш керак. Фарходбек..., – унинг охириги жумлалари узоқдан эшитилди.

Фарходбек шу ерда чўккалаб ўтирди. Юраги гуп-гуп ураётганига қарамай, билган сураларини айтиб, Курьон тиловат қилди.

Ниҳоят, у катта йўлга чикиб олди. Аммо йўл бўм-бўш эди, на бир йўловчи, на бир машина кўринарди.

Кўп ўтмай узоқдан фараларини ёкиб, атрофни ёритганча келаётган бир машина кўринди. Машина худди Фарходбекнинг оёғи тагига келиб тўхтаса бўладими?!

Ундан бир нотаниш йигит тушиб келди-да, сўради:

– Тошкентдан келувдик, кеч колиб кетдик. Меҳмонхона излаб юрибмиз...

Фарходбек хайрон бўлди. Келувчилар олдиндан жой буюртириб қўйишади ёки қишлоқ кишилари меҳмонларни уйига олиб кетади. Қишлоққа ташриф буюрган ҳеч ким шу пайтгача кўчада қолмаган.

– Меҳмонхонами? – ўйланди Фарходбек. Кейин район марказига қандай боришни тушунтира бошлади.

– Келинг йигит, вақтингиз бўлса, машинага ўтириб, йўлни кўрсатиб юборинг...

Нотаниш йигит Фарходбекни орқа ўриндикка таклиф қилди, ўзи унинг ёнидан жой олди.

Фарходбек ўтириши билан машина ичидаги одам унинг томоғига пичок тиради:

– Гинг десанг, ўласан!

Шундагина Фарходбек машинадаги одамлар юзига никоб тақиб олганига эътибор қилди. Ҳозиргина ундан жилмайиб йўл сўраган йигитнинг ҳам туси ўзгарди.

У шошганича ёнидан дастрўмолча олди. Унга шиша идишдан аллақандай суюқлик қуйиб, Фарходбекнинг юзига босди...

ГОР ИЧИДА ЎН КУН

Бу ёқларда қор эриб, ер юзи очилгани билан тоғ-тошда қор сероб эди. Тоғлар қорга бурканиб, ухлаб ётарди, ҳали.

Машина тоғ ён бағрига келиб тўхтади.

Кун ёришиб қолганди. Улар қишлоқдан қанчалик олислаб кетишганини тасаввур қилаверинг энди. Уч барзанги беҳуш ётган Фарходбекни машинадан олиб тушишди. Унинг қўл-оғи ўликникидай шалпайиб ётарди.

– Дозани кўп бердингми, ит! Бола ўлмаслиги керак, дейишмаганмиди?! Бир нарса бўлса, бошинг билан жавоб берасан! Мен билан ўйнашма бола...

– Шуюм дозами, хих! Ўзига кеп қолса, нима бўлишини тасаввур қиялсанми? Фаррух айтди, тутолмайсанлар, деди. Уч йигитни бир қарашда деворга қапиштириб кўйибди-ку!

– Ола, опқоч-а! – хи-хилаб кулиб юборди никоб таққан. – Шу юрак билан «овга» чиқдингми?

– Нигоҳи билан деворга урганмиш. Шунақа зўр бўлса, ҳозир манавиндай шалпайиб ётармиди?! Калланг, ишлайдими сен “дуп”нинг!

– Бўпти-бўпти галма-галдан судраб чикамиз, тепага!

Қорда тоғда юриш осон эмасди. Айникса, қор таги юмшаб, эрий бошлагач, бу ёқда қор кўчкиси таҳдид соларди.

– Никобни ечсак бўлармикин? Ёмон сиқилиб кетдим, – деди шофёр зорланиб.

– Бирпас чида энди, кўпи кетиб, ози қолди. Доллар олганингдан кейин, бундан баттарига ҳам чидайсан, ука... Қани олдик...

Уч барзанги қорда сирғаниб, тийғониб, йигитни бир судраб, бир опичлаб, тоғнинг учига чиқишди. Нақ тошли, бургутлар уя курадиган баланд қояга... Улар баландлагани сайин юриш ҳам қийинлашгандан қийинлашди. Чунки қор тагидаги тошчалар силжиб, оёқ баттар тойиб кетаверарди.

Улар амал-тақал килиб картада кўрсатилган ғорни топишди. Тепада, оппок қор босган тоғ ёнбағрида ғор оғзи қоп-қорайиб кўринарди.

– Ана, ана ўша ғор! – хитоб қилди Фарходбекни опичлаб олган йигит. Шу тоб у мувозанатини йўқотди-ю, Фарходбек иккиси гуп этиб қорга кулади ва қорда узун из қолдирганча пастга юмалаб кетди.

– Ит! – ғазаб билан бакирди никоб такқанлардан бири. Уларни қор дарасидан тепага олиб чиқишнинг ўзи бўлмади.

Улар ғор оғзига яқин келишди.

Никоб такқан йўлбошчи ғор ичини фонар билан ёритди. Шунда ғор пештокида осилиб турган бир гала кўршапалаклар «гурра» ўзини ташқарига урди. Никоб такқан бошини эгиб, ўзини пана қилишга аранг улгурди.

– Тфу, падараза! – сўқинди у.

Ичкарига киришди. Ичкарида қуёш кўрмаган тошлар пўпанак босиб ётарди... Ғордан зах ҳиди анкирди. Яна, яна бу ерда асрлар оша бизгача етиб келган минг йиллик бир ис кезинарди. Ахир бу тоғлар дунё аввалида бунёд бўлган, ўшандан бери шу туриши.

Ҳалигилар қўлларини ишкаб, ўзларича исинган бўлишди. Улардан бири ерга, аниқроғи тош устига қўй терисини тўшаб, Фарҳодбекни ётқизди. Ғор оғзига қоп тутишди.

– Вў, «нормалний» уй бўлди! – деди у ва Фарҳодбекнинг қулоғига:

– Яхши тушлар кўринг, бек бола! – дея масхаромуз шивирлаб қўйди.

– Кетдик, қочдик!

Улар ғордан чикқанларида қуёш тиккага келиб қолганди. Қуёш нурида қор ажабтовур йилтирар, баъзида каттагина қор уюми кўчиб, лопиллаб пастга қулар ёки уюрмага айланиб, аллабир ваҳима билан гувиллаб, бўрон кўтариб пастга тушарди.

– Эсон-омон пастга тушиб олсак ҳам гўрга! – деди йўлбошчи никобини ечиб чўнтагига тикаркан...

* * *

Фарҳодбек аввалига нималар бўлаётганини тушунолмади. Кўнглида фақат қувонч, фақат хотиржамлик

бор эди. У кенг самоватда, оппоқ булутлар орасида учиб юрарди. Учгани сайин рохат туярди.

Бу олам ўзи билган оламдан минг, миллион марта катта эди. Коинот қадар кенг дунёда у ўзини ҳам шундай катта ҳис этарди. Қизик, ложувард осмонда, парку булутлар орасида парвоз қилиш бу қадар ёқимли бўлишини у билмаган экан.

Илкис, у атрофида учиб юрган нур ҳилқатларга эътибор қилди.

Улар на фаришта ва на қушларга ўхшарди. Фарходбек уларни Ерда мавжуд ҳеч нарсага қиёслай олмади. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Бу олий мавжудотлар ўзга дунё, ўзга макон вакиллари эди. Нурдай ҳарир шаффоф тана, шунга монанд нурли қанотлар кўзни қамаштирарди. Ўзлари қанчалар гўзал ва нафис бўлсалар, ана шундай жонга бахш бир оҳанг, куй каби овоз чиқарардилар.

Кенг самоватда улар ўзларидан из қолдириб учишарди. Пардай енгил бу ҳилқатларни шамол бемалол учириб кета оларди, аммо улар бир жойда собит турар, истаган ерларига бемалол парвоз қилишарди.

Нурли ҳилқатлардан бири Фарходбекка яқин келди ва унинг учун йўлбошчига айланди. У йигитни чексиз коинот бўйлаб саёҳат қилдирди.

Улар сўзларсиз, оғиз жуфтламай «сўзлашишди». Чунки Фарходбекнинг ўзи ҳам шамолга ўхшаб қолган эди. Маълумотлар ҳам шамол каби унинг бағридан ўтиб кетаётганди. Бу ҳолат ҳам ҳузурбахш эди.

Фаришта қиёфали аёл ложувард осмондай кўмкўк, нурли кўзларини унга қадади ва жилмайди. Унинг ана шу жилвакор табассуми бутун Коинотга татиди. Бағридан шамоллар ўтаётган Фарходбек эриб, самоватга сингиб кетгандай бўлди. Қанийди, Фарходбек ҳам заррин нурга айланиб, шу самоватда қололсайди... Афсуски, бунинг иложи йўқлигини у биларди, яна у

зиммасига юклатилган илоҳий вазифаси борлигини ҳам биларди.

– Сен фақат эзгуликка хизмат қилишинг керак! – деди у. Атрофни яна ёқимли оҳанг тутди. Фарҳодбек учди... Аммо бу куй кутилмаганда қандайдир гувиллаш билан коришиб кетди. Гувиллаш кучайиб, у шамолнинг чинкириғига айланди.

Шамол увиллаб бўрон турди. Бу уюрма Фарҳодбекни ҳам ўз домига тортиб кетди. У йигитни хас-чўпдай чир-пиратиб ўйнатди-ю, охир-оқибатда муздек тош устига олиб келиб урди...

ШАМОЛЛАР ЎҒЛИ

Фарҳодбек ўзига келганида аллақачон тун кириб улгурганди. Ғор ичи қоп-қоронғи, ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Ташқарида гувиллаб, чийиллаб шамол эсарди.

Фарҳодбек аввалига қаерда ётганини тушунолмади. Илкис тим-тирс, зулмат ютган жойда эканини англаб, юраги ғалати увишди. «Ўлибман, гўрда ётибман, шекилли!» деб ўйлади у. Ахир самоларда парвоз қилгани бунинг исботи эмасми?! Аммо энди пароканда бўлган ақли ўзига қайтиб, тагидаги пўстин тўшамага, ташқарида гувраётган шамолга эътибор килди.

Лаҳад ичида пўстин нима килади?! Ташқарида шамол увиллар, ғор оғзига ёпилган қалин қопни лопиллатиб очиб ёпарди... Шундан бўлак тириклик аломати йўқ эди, бу ерда...

У туриб ўтирди, боши айланиб кўнгли беҳузур бўлди. Бошини чангаллаб, сўнгги воқеаларни эслашга тиришди. Ғор оғзигача аранг судралиб борди-да, қоп-ёпқични очиб, ташқарига мўралади. Қаради-ю қотиб қолди...

Тун оппок эди. Ҳу, пастда қорли водий ястаниб ётарди. Юлдузлар чароғон, ҳар биттаси нақ олмадай келарди. Ой-юлдузлар нурида қор қимматбаҳо тош каби ялтирар, жилोलаниб, кўзни камаштирарди. Шундандир, йигит афсонавий оламга тушиб қолгандай ҳис қилди ўзини. Фақат боши айланиб, кўнгли айнаётганини айтмаса... Шу ҳолатгина бу ерда бир ғаламислик борлигига ишора қиларди.

Кейин Жўра аканикига борганини, Карима хола билан гаплашганини, ҳатто йўлда марҳум Рустамни учратганигача эслади.

Катта йўлга чиқиб олганди. Олдига машина келиб тўхтагани, бир йигит ниманидир сўрагани ёдига тушди. Ҳа, йўл сўради. «Йўлни кўрсатиб юборинг» деб, уни машинага ўтказишди. У ёғини эслай олмайди. Демак... унга нимадир қилишган. Ҳушидан кетказиб, манави гадоё топмас ерга келтириб ташлашган. У кимга ҳалал берди экан?! Қап-катта одамлар шу муштдай боладан кўркиб ўтирса...

Қанча беҳуш ётганини ҳам билмайди. Совуқдан суюқлари қақшаб кетяпти.

Ғор ичи анча салқин, ахир ташқарида киш, ҳали. Март ойи ҳам тоғу тошда кишдай ўтади. Фарҳодбек куншиб ўтирди, оёқларини кучоклади. Шундагина ғор бурчагида унга тикилиб қараб турган чолга кўзи тушиб, сесканиб кетди. Яхшилаб қаради. Йўқ, уни илғаш қийин эди, шарпага ўхшарди. Боз устига ғор ичи қоронғи эди. Ярим тунда, ғор ичида чол нима қилиб юрибди? Оқ салла ўраганига қарамай, унинг кўзлари ғалати йилтирарди, эчкиникидай бир тутам соқоли-чи?! Фарҳодбек ҳайрон бўлди. Рўёмикин... Анавиларнинг қароматидир буям. Балки унга гиёҳванд дори беришгандир... Шунга мана кўзига ҳар балолар кўриняпти. У ўртоқларидан эшитган, буни. Томирга “опий” урса, шунақа бўларкан?! Фарҳод-

бек кўзини юмиб-очди, аммо шарпа йўқолмади. Ҳалиги одам кулди. Овозиям эчкиникига ўхшаб чикди.

– Туш кўрмаяпсан, Фарҳодбек болам! – деди у. Шарпа унинг исмини айтганидан йигит янада ҳайратланди.

– Юр, мен билан! – мулойимлик билан чақирди шарпа. – Ичкари иссиқроқ. Бу ерда тошдай музлаб қоласан...

Фарҳодбек инон-ихтиёрсиз унга эргашди. Негадир онги ўзига бўйсунмаётганди. Манави салла ўраган одам эса... кишида ноҳуш тассурот қолдирарди. Ундан қандайдир отхонанинг хиди келарди. Бундан Фарҳодбекнинг кўнгли баттар гум бўларди. Шундай эса-да, нега унга эргашиб кетаётганини ўзи билмасди.

Фарҳодбек илк марта назар солганида ғор ичи кичик бир хонақоҳга ўхшаб туйилганди. Йўқ, бу лаҳм анча чуқур ва катта эди.

Лаҳм ичи коп-қоронғи, тим-тирс. Фарҳодбек тош-деворни пайпаслаб, гоҳ қоқилиб, гоҳ мункиб кетиб ҳалиги одамнинг кетидан борарди.

– Эрталабгача чидасанг бўлди! – деди у йилтираган кўзларини йигитга қадаб. – Пастга тушиб олсанг, кетаверасан!

Фарҳодбек беихтиёр унга эргашаётган бўлса-да, аммо ичидаги нимадир бунга монелик қиларди: «Қоч, ортингга қоч!» дерди ўша куч. Бироқ қочишнинг иложи йўқ эди энди.

– Сиз кимсиз? – сўради Фарҳодбек.

– Орифхожи бувангга хизмат қилган жинман! – деди у бош эгиб кўлини кўксига кўяркан. – Келишингни кутаётгандик!

Фарҳодбек унга ғашланиб қараб кўйди. Бобоси эшитсами, шу гапни, гўрида тикка туради. Орифхожи бобосининг таърифини дадасидан, раҳматли Аъзамбек бувасидан эшитган. Бир назари билан сувларни тесқари оқизган авлиё буваси жинларга хизмат қилган эканми?!

Бобоси ораста, саришта одам бўлган. Унча-бунча довьюрак у билан юзма-юз бўлолмаган. Қўрқишган. Шундай пок, такво йўлида юрган бобоси манавиларни хизматига солган эканми?! Фарходбек шуларни ўйлади, аммо индамади. Болалигига борди. Бундай пайтда у нима қилиш кераклигини ҳам билмасди. Яна денг, боши карахт, маст одамдай гандираклаб кетаётганди. Аслида у чинданам маст эди. Анавилар ҳидлатган қора дори таъсири ҳали ҳам тарқамаганди. Балки шунинг учундир, манави жин уни ортидан осонгина эргаштириб кетаётганди. Аммо негадир, адолат кучларининг бариси манави тоғлар каби сукут сақларди. Негалигини ҳеч ким билмасди. Балки бу ҳам бир қонуниятдир...

– Юр, тезроқ юрақол! – даъват қиларди бояги шарпа.

Ҳа, энди билди. Ундан таппи ҳиди келаётганди...

Қоп-қоронғи лаҳм оғзида нур кўринди.

– Ана, ана яқин қолди! – жин суюниб ирғишлади, – кеп қолибмиз!

Сал юриб, икковлон кўз камашар даражада ёп-ёруғ, сарой каби безатилган кенг саҳнга кириб боришди. Тиллақош такқан аёллар ҳиромон айлаб рақс тушар, эркалар шаҳват тўла кўзларини улардан узмас, басма-бас бода сипқоришарди. Аёлларнинг ҳиринг-ҳиринг кулиши-ю, эркаларнинг кулоқ чидамайдиган хунук хушомадлари тинмас, Фарходбекни жонига ташна қиларди.

«Жундор, қора башара одамлар уни икки қўлтиғидан тутиб, “тахт”да ўтирган каламуш башара одамнинг қаршисига тиз чўқтирдилар.

Шу сонияда Фарходбекнинг ҳуши ўзига қайтди. Ва уни бу ерга бошлаб келган одамга ғазабланиб қараб қўйди.

– Қадамларига ҳасанот! – деди жинларнинг шоҳи. – Измимизга юрсанг, марра сеники!

Фарходбек индамади.

– Яхши, – сўзида давом этди у. – Аклли йигитга ўхшаяпсан! Аҳмоқ бўлганигда аллақачон гап қайтариб, асабга теккан бўлардинг. Демак... таклифимни ўйлаб кўряпсан?

– Мен ўйламаяпман, – деди Фарҳодбек саркашлик билан. – Ҳеч қачон сенларнинг измингга юрмайман. Буни сен ҳам биласан!

– Буни кўрамиз ҳали, – ишонч билан деди жинларнинг шоҳи. – Бизнинг шундай усулларимиз борки...

– Уни олиб кетинглар! – жин малайларига им коқди ва каламушсифат тумшуғини очиб кулди. Фарҳодни бу ердан судраб олиб чиқиб кетишди...

Бояги аёллар уни кўриб, яна хиринглашга тушишди.

– Уни бизга беринг! – деди раққоса аёллардан бири улама киприklarини пир-пиратиб. – Бирпасда эсини киритиб кўямиз.

Фарҳодбек жиддий йиит. Бунақа аёлларни жини суймасди.

– Бунча, калтирамасанг, йигит. Кўркма, еб кўймаймиз! – деди аёл қақиллаб куларкан.

– Асал йигит эканми? – алвастининг ёнида бошқаси пайдо бўлди. У Фарҳодбекнинг юзини силади, кейин унинг бўйнидан кучди, лабларини чўччайтирди. Аёлдан бундай ҳаракатни кутмаган Фарҳодбек гангиб колди, кўнгли айнади. У аёлнинг қўлларини бир силтаб бўйнидан узди-ю, итариб юборди. Шунда аёлнинг кўзлари совуқ йилтираб кетди. Кейин яна қақиллаб хунук кулди. Бошқа аёлларга караб “им” коқди.

– Тилла жомда бода келтиринг!

Икки аёл унинг оғзидан арок куйишди, Фарҳодбекнинг кўнгли айнади. Хона чирпирак бўлиб айлана бошлади. Бунда чалинаётган куй, аёлларнинг бемадор хиринг-хиринг кулишлари узокдан эшитилди. Бу овозлар тиш оғриғи каби асабларини қақшатди. Миясига ковок

ари ин кургандай ғувиллади. Ғувиллаш зўраяверди... Оғриқдан, азобдан у инграб юборди ва ҳушидан кетди.

Фарҳодбек ҳушига келганида яна ўша улама киприк такқан аёлларни кўрди. Қай биридир йигитнинг бошини тиззасига қўйиб олганди. Унинг оғзидан яна нимадир қуйишди. Бу захармиди, арокмиди, билмади. Факат бир нарсани ҳис қилди. Ҳалиги нарса унинг ичларини ўпириб юборди. Қорни-ю, кулоқларида биқир-биқир қайнади. Оғриқ азобидан Фарҳодбек яна ҳушидан кетди.

Шу таҳлит қанча ётганини ўзи билмайди. Кўп ўтмай эси ғира-шира ўзига қайта бошлади. Фарҳодбек сархуш бўлса-да, фикри тиниқ эди. Ичидаги нимадир исён қилди. Ортик бундай давом этиши мумкин эмаслигини у тушуниб турарди. У ичмаслиги керак...

– Ундан ҳам ўтқирроғини келтиринг! – аёлнинг овози узоқдан элас-элас эшитилди.

Фарҳодбек бор иродасини тўплаб, май солинган тилларанг жомга қаттиқ тикилди. Шундай тикилдики, унинг ичидаги май вақир-вукур қайнай бошлади. Жом тутган қиз чинқирганча уни ташлаб юборди. Шу баҳона атроф қий-чув, тўполон бўлиб кетди. Пайтдан фойдаланиб Фарҳодбек ҳам лаҳм оғзига қараб қочди. Оёқларини аранг судраб, гоҳ йиқилиб, гоҳ эмаклаб кочаверди... Аммо лаҳм оғзига етай деганида нимадир гулдиради, қарсиллади, тепадан шувиллаб кум тўкилди, гурсиллаб ҳарсанг тошлар қулади-ю, чиқиш ери беркилиб қолди. Уни тутиб олиб, яна жинлар шоҳининг олдига судраб келишди.

– Уни киздирилган дарралар билан уринг! Ўтга ташланг, аммо бўйсундилинг! – митти кўзларини ўйнатиб, чийиллаб бақирди у.

Фарҳодбекни катта харсангтошга занжирбанд этишди.

– Уларга бўйсунма, улар сени қанчалар азоблашма-

син, улар измига юрма! – деди ғойибий овоз. Бусиз ҳам у шундай килиш кераклигини биларди. У бу воқеалар хаёлида рўй бераётганини ҳам, чиндан юз бераётганини ҳам ажрата олмаётганди.

Кўп ўтмай, думли, итқулок нимарсалар чўғдай кизиган дарра билан уни савалай бошлашди. Ҳар дарра тушганида йигитнинг танаси пора-пора бўлиб кетарди. Охири танаси бўткага айланди, гўё. У энди оғрикни ҳам ҳис қилмай қўйди. Чунки суяқларигача майда-майда бўлиб кетганди. Аммо у чидади, охир-окибат калтак зарбидан танаси илвираб кетган Фарҳодбек жим бўлиб қолди. Шайтон малайлари ҳам қайгадир ғойиб бўлишди...

Хушига келганида у кун тиғида, тоғда, ҳарсанг тошлар орасида қисилиб ётарди. Қорлар эриб битганди.

Йигит тошлар орасидан аранг сирғалиб чиқди. Ҳатто бир-иккита ҳарсанг тош гумбурлаб пастга кулади. У майда тошларни ҳам шарқиллатиб ортидан эргаштириб кетди.

Шундагина Фарҳодбек чорёғи жарлик, тоғ учида турганини англади. Қоя тикка бўлгани учун у на орқага, на олдинга қадам боса оларди...

Шу пайт каердандир йўлбарснинг даҳшатли ўкириги эшитилди.

Ёллари офтоб нурида ялтираётган, бошининг ўзи манави ҳарсанг тошдай келадиган йўлбарс атрофга таҳдид солганча ларзон-ларзон юриб келарди...

Фарҳодбек йўлбарсни бу қадар яқиндан кўрмаганди. Бирам оғир бўларканки, бу хайвон. Йўлбарс бир сакрашда уни бўйбаравар йикитди.

Унинг ўткир, оппок тишлари куёшда ялтиради. Йигит бор кучи билан уни бўғишга, жағини йириб оғритишга уринди. У шундай қилсам йўлбарс қочади, деб ўйлади. Олишган кўйи иккиси ҳам тошдан тошга урилиб пастга кулади. Бир Фарҳодбекнинг қўли баланд келар, бир йўлбарс ханжардай тишларини унинг танасига бо-

тирар, ўкраб уни тилка-пора қилмоқчидай яна ва яна ҳужумга ўтарди. Олиша-олиша Фарҳодбекнинг тишланган, тирналган танаси жулдур кийим каби илвираб қолди. У қоядан пастга кулади. Аммо у ўлмаганиди. Абгар бир аҳволда кўзини очганида ўзини яна ўша жинлар маконида кўрди.

Каламушбашара жинлар шоҳи юм-юмалок кўзларини унга қадаганча жим турарди.

Бояги думли, итқулоқ нимарсалар Фарҳодбекнинг устидан шар этиб бир челак муздай сув қуйишди. Сув совуклигидан у нафас ололмай қолди... Ғазаб билан анави жинга қаради.

– Хўш... – салмокланиб деди жинлар шоҳи. – Бу ҳам таъсир қилмади, сенга! Аммо яна бир усулим бор...

Фарҳодбек унга истехзоли қаради, «хих» деб лабини бурди.

– Бекорга вақт кетказишнинг нима кераги бор?!

Каламушбашара узунчоқ тумшуғини очиб, чийиллаб кулди.

– Тўғри айтасан, – деди у кутилмаганда. – Яхшиси... жонга жон олиб, келган жойимизда тўхтаётган қолайлик.

– Биласанми, биз назаримиз тушган одамлардан нима сўраймиз? Жонга жон, қонга қон талаб қиламиз...

Фарҳодбек ҳайрон бўлди. У бу ҳақда эшитмаган экан. Унга буни ҳеч ким айтмаганиди. Буям бир фирромликдир?!

Каламушсифат жин унга синовчан тикилиб турди-да:

– Ҳаа! – деди чўзиб. – Бебош болалар ота-онасига доим ғалва орттириб юради. Энди ўзингдан кўр! – унинг юмалок кўзлари ёвуз йилтиради, малайларига қараб буюрди.

– Отасининг руҳини келтиринглар!

Буни эшитиб Фарҳодбек ўрнидан туриб кетди.

– Отамни... бунга унинг нима алоқаси бор? – уларга

жавдираб каради йигит. – У буни кўтаролмайди... У касал!

Жин индамади. Кейин дағдаға қилиб деди:

– Ўзинг шуни истамадингми?!

– Қанча гапинг бўлса, ўзимга гапир!!! – ғазабдан қип-қизариб кетган Фарҳодбек шундай деб вишиллади.

– Ҳмм, унда шартимизга кўн!

– Шартга ҳам кўнмайман, отамни ҳам тинч кўясанлар!

Жин кикирлаб кулди.

– Ростданми? Бирам кўрқиб кетдимки? – у жун босган кўкрагига туфлади.

– Туф, туф!

Улар кута бошлашди. Фарҳодбек не қиларини билмасди, жонга жон олиш нима эканини таҳминан тасаввур қилаётганди. Наҳотки, у тирик қолиши учун отасининг жонини олишса?!

У хаёлан бобосини чорлади.

– Бобожон, бобо! Қаердасиз жинлар жон талаб қиляпти. Отамни ўлдиришмоқчи! Бобо...

– Бунинг овозини ўчиринглар! – деди жин дарғазаб. – Уни ўчсин, эшиттиларингми?!

Фарҳодбекни шу ердаги тошга бойлаб, чўғ дарра билан яна савалай кетишди. Танасига тушган чўғ занжир, ҳар сафар ўзидан алвон из қолдирарди. Бир пайт шайтон малайлари каттагина, аммо кексайиб қолган шекилли, оёқларини аранг судраб босаётган бир итни етаклаб келишди. Буни кўриб оғриқдан инграб ётган Фарҳодбек анча тинчланди. «Ҳартугул, отасини тинч кўйишибди-ку».

Фарҳодбекни кўриб, ит негадир ангиллаб юборди. Қондан кўрқди, шекилли. Бетоқат ғингшиб йигитнинг оёқларига суйкалди. Фарҳодбек ҳайрон бўлди. Аммо итнинг кўзларига каради-ю, котиб қолди. Бу, бу... отасининг кўзлари эди. Ит унга ачинганча ноилож ғингшир эди.

– Дада, ота... Сизни нима қилиб қўйишди, дада?!

Чўғ дарра қирқ томирини куйдираётганига қарамай, чидаётган Фарҳодбек, бунда, отасини кўриб йиғлаб юборди.

Унинг руҳини ит қиёфасида олиб келишганди.

Жин унга мастона назар ташлади.

– Энди манави сурбет “розиман”, демагунча, итни саваланглар!

Шайтон малайлари Фарҳоднинг кўз ўнгтида бояги чўғ дарра билан итни савалай кетишди. Ҳар дарра тушганида итнинг кўзларидан ёш тиркирар, у синикқина инграб қўярди. Итни анча саваладилар. Калтак зарбидан танаси тилим-тилим бўлиб кетган ит охири бемадор йиқилиб қолди. Нам кўзлари юмилди. Фарҳодбек унга қарай олмасди...

– Тўхтанглар, тўхтатинглар! – чидай олмай бақириб юборди у. Шунда итнинг юмук кўзлари ногаҳонда очилиб кетди. Фарҳодбекка мулойим боқди.

– Мен чидайман, ўғлим. Буларнинг измига юриб, охиратингни куйдирма! – деди отаси. Итнинг ночор боққан кўзларини кўриб, Фарҳодбек ўртаниб кетди.

У тиз чўқди. Кўзларида ёш, хаёлан яна бобосини чорлади:

– Улар... улар отамни ўлдиришяпти! Улар отамни... – у гапиролмай қолди. Ноиложликдан йиғлаб юборди. Бунга жавобан ғойибдан овоз келди:

– Чидашинг керак, барига чида!!!

Айнан шу сўзлар сабр косасига тушган сўнгги томчи бўлди. У бор ғазабини ўзи бойланган занжирларга сочди... Қарангки, шу тобда мўъжиза юз берди. Занжирлар сарёғдай эриб, узилиб тушди. У кафтини шайтон малайларига қаратиб сермади ва яраланган шердай наъра тортиб юборди.

– Йўқолларинг! Даф бўл ҳамманг!!! – овозининг залворига тепадан қарсиллаб тошлар тушди, шувиллаб қум тўкилди...

Фарходбек ҳушига келганида худди ўша хонақоҳга ўхшаган ғорда ётарди. Шамолда ғор оғзига ёпилган қоп лопилларди...

ЧАМАНГУЛНИНГ КЎРСАТМАСИ

Гулжамол ая яхши ниятлар билан қизига атаб сару-пога матолар олиб қўйганди. Бугун опа-сингилларини чакириб, қизига атаб йикқанларини бир қур кўздан кечирмоқчи эди. Шунга жавондан тугунларни олиб, сархил матоларни олдига ёйиб ўтирганди, хонага Қосимбой кириб келди. Негадир авзойи бузук эди. «Анавиниси билан урушгандир-да.. ўйлади аёл. – Қизини узатай деб турибди, бу одам қуюлмади!».

– Қизингиз учрашувга чиқмабди! – деди у хотинига ўқрайиб қараб. – Бунча қайсар бўлмаса бу киз. Унга на-сихат қилсанг, ўласанми? Икки оғиз гапириб қўйиш шунчалик қийинми, хоним?! – Қосимбой унга еб юборгудай қаради. – Ё мен эркак одам гапирайми?!

Гулжамол ая индамай, лабини бурди.

– Гапга кирадиган киз бўлса экан?! Мен нима қилай, ахир, ўқийман деяпти...

– Шуми сабаб? Улар ўкитамиз деяпти-ку, яна нима десин!? Уйда “домработниса” бор, бизга хизмат қилишининг кераги йўқ, дейишди. Хўш? – хотинига савол назари билан қаради, Қосимбой.

Гулжамол ая ёйган матоларини тахлашга тушди. Бирини олиб, қўли билан силаган қўйи деди:

– Қизийиз... йигитни ёқтирмади, шекилли. Кўзи ёмонмиш...

– Оҳ-хо! – жаҳли чиқди Қосимбойнинг. – Шу жинқарчанинг нимага ақли ётарди?!

Аёл эрига таънали боқди.

– Ўзим ҳам кўрдим, – деди у аччик истехзо билан. – Без бўлиб қизийиздан кўз узмай ўтирди-ку! Катталар бор демади, уялмади!

Буни эшитиб Қосимбой қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Бу ёшда йигитлар қизларга қарамаса, ана унда айб-ситиш керак, касал-пасал эмасмикин, деб. Авжи кучга тўлган пайти, қарайди-да, вей!

– Қарашда ҳам қараш бор-да, дадаси. Кўзи беҳаё, чакчайган. Нима энди бой экан, деб битта сурбетга ойдайд кизимизни бериб юбораверамизми?! Эртага кизимнинг устига «юриб» кетса-чи?! Менга ўхшаб бир умр захар ютиб ўтадимми?!

– Янами?! Яна бошляяпсанми, дийдиёйингни! Қачон қараса, шу гап. Ўчирасанми-йўкми? – жаҳлдан олайиб деди Қосимбой. Гулжамол ая ерга бокди, йиғидан титраётган лабларини тишлади.

– Икки қулоғингга куйиб ол: кизинг шу уйдан ё келин бўп чиқади, ё ўлиги чиқади! – Қосимбой шундай деб бақирганча важоҳат билан эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. У кетгач, Гулжамол ая ўкраб йиғлаб юборди, хозиргина тахлаётган матоларни юзига босиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

Сиртига сув юктирмайди, бу одам. Айбини гапирса, баланд келиб, бақиришга тушади. Бунга зуғум қилганди, энди фарзандларини қийнаяпти. Ўғлини ҳам қўймайди. Пулни сассиғига ётолмайди-ю, кечагинда иссиқхона қилдириб, помидор эктирди. Газ йўк, иссиқхонани кўмир ёкиб иситишяпти. Қахрамонжон бурнидан тортса йиқилгудай бўлиб, уст-боши қоракуя, овқат емай ҳам ухлаб қоляпти.

Эрига одам олсангиз бўлмайдимми, деса, «буям пул топишни ўргансин» деб бобиллаб берди. Қахрамонни ўқишга ҳам юбормаяпти. Тунов куни айтганини қилмаган экан, кап-катта болани камар билан урибди. Мана

энди Чамангулга ёпишяпти. Ўша йигитга тегмаса, ўлиги чикади, дедими?! Нима ўша банкирдан қарзи бор эканми? Ёки... эрининг анави аёлдан бир киз, бир ўғли борлигини билади. Уларни роса папалармиш... Одамлардан эшитгани бу. Шаҳардан «дом» олиб берганмиш, тагида машинамиш. Қарзи бўлса бордир...

Аёл бир йиғлаб, бир овуниб саруполарни тахлади. Шу тобда телефон жиринглаб колди. Гўшакни кўтарди-ю, таниш овозни эшитиб туси ўзгарди. Бу Абдусаттор аканинг хотини Софияхон эди. Бўрини гапирсанг, кулоғи кўринади, деганларидай, мана буям «лаббай» деб турибди-да. У билан тил учида сўрашган бўлди. У аёл ҳам буни сийлаб ўтирмади, чакиб-чакиб олди.

– Қизийиз, учрашувга келмаганидан хабариз борми? – норози оҳангда деди у. – Ғани учрашувга соат ўнда борган, мактаб эшигида кутиб тураверибди, кизийиз бошка эшикдан кочиб кетибди. Кейин билсак, буни бошқача сабаби боракан?

– Қанақа сабаб? – хайрон бўлди Гулжамол ая. – Энди... киз бола уялади-да! Мактабда гап-сўз бўлмасин деган...

– Ааа! – тагдор килиб деди бўлғуси куда. – Фарход деган болани ҳимоя килиб, мелисага арз ёзишга уялмабди-ку! Фотих Насимовичнинг ўғли – Фаррухнинг устидан ёзиб берибди-ку?

– А?

– Биз ҳам хайрон бўп колдик. Унинг Фарход деган синфдоши бормиди?!

Гулжамол аянинг юраги «шув» этиб кетди.

– Раиснинг ўғлини айтяпсизми? – сўради у хавотир билан.

– Худди ўшани! У билан кизингизнинг ўртасида нима бор? Нега у болани ҳимоя қилади? Бизни Фотих Насимович билан борди-келдимиз борлигини билармидингиз?

– Қизингизга айтинг, аризасини қайтариб олсин! Кейин... Фарход билан нима «олди-берди»си борлигини суриштиринг! – амирона деди аёл.

– Қизикмисиз, киз бола нарсада канақа «олди-берди» бўлиши мумкин? Чамангул ақлли киз, ўқишга боради, уйга келади. Одамларнинг гапини гап, деб гапирманг. Кудда бўлай деб турибмиз-а, айланай?! Бу нимасси?

– Сиз ҳам онда-сонда қизийздан хабардор бўп туринг-да! Катталарнинг ишига аралашмасин! Майли, опа қолганини кейин гаплашамиз! – аёл шундай дея алоқани узиб қўйди. Гулжамол ая шу жойда ўтирганча ўтириб қолди. Опа-сингилларини бугунга чақиртирганди, уларга телефон қилиб, «келманглар, мазам йўқроқ» деб баҳона қилди. Ўзи пешанасини рўмол билан танғиб, ётиб олди. Нахотки, қизи ўша йигит билан «гаплашиб» юрса? «Ҳа» деса Ҳанифаникига чопади, дарс киламан, дейди. Бу бўлса, болам ўқишга кетди, кизим дарс қиляпти, деб хотиржам юраверибди. Қорнингдан тушсаям, дардини, нима ўй ўйлаётганини билмас экансан. Ярамас киз, қачон мелисага бориб, қачон ариза ёзди экан? Ота-онага бир оғиз айтмай-я?!

Отаси эшитса, сўйиб ташлайди. Шундоғам авзойи бузук. Бу гап қулоғига етсами, киргин қилади! Фотиҳ Насимовични жини суймайди, аммо манави гаплар-чи?

Аслида раиснинг ўғиллари ёмон йигитлар эмас, кизи ёмон! Ҳанифа баҳона, шекилли... Келсин, қани, расводини чиқаради. Шу-да, ёнини олсанг, кети кўтарилади, ҳозирги ёшларнинг! Қовок-тумшук қилса, куёв ёқмабди, дебди. Мана сири очилди!

Раиснинг Фарходбек деган ўғли йўқолиб қолганига бир ҳафтала бўп қолди. Ўша қуни Ҳанифа акаси билан буларникига келганди. Остонада туриб анча гаплашишди. Кейин Чаман тез кийиниб чиқди-ю, уларга қўшилиб кетди. Бу «хой, каёққа» деганча бакириб қолаверди.

Аризани ўшанда ёзгандир?! Ҳа, шу воқеадан кейин қизи ҳам ўзгарди-қолди! Кечкурун сузилиб овқатини кавлаб ўтиради, кейин хонасига гумм бўлади. Эрталаб яна шу аҳвол, хонасидан кўзлари қизариб чиқади. Демак... қизи ўша болани яхши кўрса-я! Кўркмай ариза ёзганини қаранг! Бу Фарруҳ деганлари ғирт каллакесар, киморбоз бола-ку! Қанча қизни қақшатган, дейишади.

Чамангул мактабдан қайтганида Гулжамол ая бошини бойлаб олганча, кечки овқатга уннаётганди. Шунгами, Чамангул куттирмади. Мактаб формасини алмаштириб, дарров пастга тушди, чой кўйиб, тушлик қилди. Унгача онаси индамади, жаз-биз килиб, қозонини кавлади. Кейин бошқа масалликларни ҳам солиб, қозоннинг тувоғини ёпди, қизининг ёнига келиб ўтирди.

– Ая, мазангиз йўқми? – сўради у онасига ачиниб. – Ўзим қилардим, овқатни...

– Сен дарсингни қил! – деди онаси киноя билан. Чамангул бошини эгди.

– Кейинги пайтда жа «ётволиб» дарс қиляпсан-ку! Ўзинг жуда ақллисан-ку, сен биз билан ҳисобла-шарминдинг?!

– Ота-онанинг обрўси бир тийин! Бугун София холанг телефон қилди. Учрашувга чикмабсан-ку, қизгина ўлгур! – гапида давом этди у.

Чамангул кўзларини олиб қочди.

– Бордим... – бўшашибгина деди у. – Аммо у... уни кўрмадим-да!..

– Ростини гапир. Бизга билдирмай, нима ишлар қилиб юрибсан?! Даданг билса, ўлдиради сени!

– Нима қилибмаан! – норизолик билан деди қиз.

– Билмайсан-а, нима қилганингни? – қизининг кўзларига қаттиқ тикилганча деди онаси. – Фарруҳнинг устидан ёзиб берибсан-ку!

– ...

– Фарходбек билан ўрталарингда нима бор? Нега уни ҳимоя қиласан?

– ...

– Гапир! Оғзингга сўк солволганмисан?

– Ўртамизда ҳеч нима йўқ, – деди Чамангул. – Фақат адолатсизлик қилишса, мен чидолмайман. Фарходбекнинг синглиси билан қалин дугона эканимизни биласиз-ку, ая?!

Чамангул бошини эгган кўйи бўлган ишларни гапириб берди.

– Фарходбек йўқолишидан бир кун олдин Фарруҳ менга бир коғоз олиб келди. Бу Фарходбек берган гувоҳлик эди. Фарруҳ уни ўз фойдасига ўзгартириб, адвокатига қайтадан ёздирибди. «Пархо шунга имзо чексин», деди, «Имзо кўймаса, ўзидан кўрсин!» деди. Фарходбекни биласиз-ку, ая, отасидан ўтадиган ўжар. Ўша коғозни парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Фарруҳга бор гапни айтувдим, у бир важоҳатда кетди. Эртасига Фарходбек йўқолиб қолди. Жўраканикига боргану қайтмаган. Мана бугун бешинчи кун... Отаси яна комага тушиб қолди. Ҳафиза аяни кеча касалхонага олиб кетишибди...

– Ёмон бўпти, – ўйланиб деди Гулжамол ая, аммо юмшамади.

– Бир нарсага ҳайронман, – деди аёл. – Фарруҳ нега ўша коғозни сенга беради? Раиснинг ўғли билан ўзи гаплашсин? Нима сен унинг қозисимисан?

– Иккаласи чиқишолмайди. Шунга... “Парҳони кўндир”, деди. Аммо менам уни кўндиролмадим...

– Хўп, бўлар иш бўпти. Нимага Фарруҳнинг устидан ёздинг? – кизини урушиб деди аёл. – Отасининг кимлигини биласанми? Мана энди гап-сўз кўпайди. София холанг мени чакиб-чакиб олди. «Фарход билан кизийзни ўртасида нима гап бор?» деб сўради. Ер ёрилмади, ерга кирмадим!

– Сени оқ ювиб, оқ тараб, шу гапни эшитдим қи-

зим, – аёлнинг кўзлари ёшланди. Чамангул онасини кучоклаб олди.

– Худо хоҳласа, сизларга гап теккизмайман. Аммо... Фаррухнинг устидан ёзмасам бўлмасди. Жуда куюшқондан чикиб кетди, бу бола...

– София холанг, аризасини қайтиб олсин, деди. Фотих Насимович билан борди-келдиси бормиш...

Чамангул онасига ялт этиб каради. Ҳалитдан шарт кўйяптими, у аёл?!

– Ая, бунинг иложи йўк. Агар қайтариб олсам, ўзимни қамайди...

– Нега қамар экан, айбсиз бўлсанг?

– Ариза бераётганимда мелиса шунақа деб огоҳлантирди...

Буни эшитиб Гулжамол аянинг юраги «зирқ» этди. Назаровнинг ҳам ўзига яраша душманлари бор-да! Муни кўли билан тушовлашмоқчи! Куён юраклар!!! Ёш бир кизни орқасига яшириниб...

– Нега биз билан маслаҳатлашмадинг. Шартта ариза ёздинг! Ота-онанг ўлганми, сенинг?!

Чамангул яна бошини ҳам қилди.

– Ҳанифа роса йиғлади. Чидолмадим...

– Ўзбошимча! Ўзингга зиён етса нима бўлади? Отанг келсинчи..?!

Шу куни кечкурун Қосимбой уйга келмади. Гулжамол ая эса тонггача мижджа қокмай чиқди. Юраги орқасига тортиб кетаверди. Эртасига кўркқанидан кизини ўқишга юбормади. Бир чеккаси анави отасидай ўжар Фарходдан ҳам ранжиди. Шундок имзо чекиб берса, нима киларкан? Мана энди кимга жабр, ўзига жабр. Отаси беҳуш, она балнисада, ҳамма тўзиган. Бу ишга кизининг ҳам аралашиб қолгани ёмон бўпти...

Чамангулни яхши ҳам ўқишга юбормагани, тушга яқин Қосимбой келди. Рангги кум ўчган, кўзи олайган.

– Қизингни чақир! – деди вишиллаб.

Гулжамол ая кизини чақирди. Чамангул кўрка-писа дадасига салом берди. Аммо отаси алиқ олиш ўрнига кизининг юзига шапалок тортиб юборса бўладими?!

Қутилмаган зарбадан Чамангул калкиб кетди ва икки кўли билан юзини чангаллади. Кўзларига ёш куйилди...

ФОТИХ НАСИМОВИЧНИНГ ТУШИ...

Фотих Насимович кечкурун уйга қайтганида соат ўн бирлар бўлиб колганди. «Фаррух келгандир...» деб ўйлаганди, аммо келмаганини кўриб, яна зик бўлди. Мана уч кундирки, дараги йўқ. Орада бир-икки шунака қилиғи тутиб коларди. Бир сафар ўзи келса, бошка сафар шофёри Маҳкам ака топиб келарди. Фотих Насимович «мен офисалний одамман», деб ўғли борадиган жойларга бормасди, ори келарди. Яна ҳам аниқроғи, тепадагиларнинг кулоғига етишидан чўчирди.

Хотини мана учинчи кун, туни билан ухламай чиқарди. Юзларига ажин тушиб, ковоклари салкиб кетибди. «Ёшлигида “гаҳ деса кўлга кўнадиган», майингина аёл эди. Ёши ўтиб, бунинг ҳам тили чикиб қолди. Унча-бунчага асаби чидамаяпти. Келиши билан бошлайди жанжални, бу даҳанаки жанг ярим тунгача давом этади.

Фарида билан Ялтага борганини билиб қолибди. «Бир гуруҳ делегация симпозиумга кетганмиз!» десаям унамади.

«Шармандангни чиқараман, Цэкага ёзаман», деди. У маънавий бузук одаммиш. Бунинг касри ўғлига урганмиш...

Охири «кани товушингни чиқариб кўрчи, сени нима қиларкинман!» деб дағдаға қилиб кутулди. Ўйлаб қараса, умри шу ноқобил ўғилнинг қилғиликларини хаспўшлаш билан ўтибди. Охири нима бўлди, одам ўлдирди

бу ярамас! «Ҳали ёш, билмай қолган» деб ўзини овутди. Шўрлик чўпон бунинг айбини бўйнига олди. Бу итболага неча марта уқтирди, ўзбошимчалик қилма, деб. Ана аҳвол энди. Буни ҳам оёғидан тортиб кетмаса эди!

Фотиҳ Насимович шундан хавотирда.

У ухладими, хаёл сурдими, билолмади. Фаррух чемоданларга нарсасини солиб чиқиб кетаётганмиш... У ўғлига: «ҳеч каёкка бормайсан», деб дағдаға қилибди. Кўлидаги чемоданга ёпишибди. Бир маҳал чемодан очилиб кетиб, унинг ичидан қон юқи кўйлак билан фотоаппарат тушганмиш. У Фаррухнинг бошига бир урибди.

– Жиннимисан! Буларни ҳалигача саклаб ўтирибсанми! Ҳозирок йўқот! – дебди. У ёқаман, деб гугурт излармиш, тополмас эмиш. Биров кўриб қолмаса эди, деб юраги така-пука бўлармиш. Аксига олиб шунинг устига раис кеп қолибди. Фотиҳ Насимович кийимларни чемодан ичига яширмоқчи бўлармиш. Аммо қон юқи кийимлар ҳадеганда сочилиб кетаверармиш...

Раис унга ўқрайиб каради, сўкинди. Кейин бўғзидан олиб деворга қисиб қўйди.

– Қўйвор! – деди у. – Ким билан ўйнашаётганингни билипсанми? – деди унга дўқ уриб. Раис истехзоли кулди. Яна ўша қараши, кўзини чакчайтириб. Нигоҳи билан уни ер қилиб деди:

– Ҳаммаси тамом бўлди!

Кейин индамай кетди. Йўқликка сингиб кетди...

У чўчиб уйғонганида тонг ёришиб қолганди. Дилором эса бошини танғиб олган, пешанасини чангаллаб, столга тиралиб ўтирарди... «Ҳали эрта шекилли...» ўйлади Фотиҳ Насимович ва бошқа ёнбошига ўтирилиб ётди. Қанча ётди билмайди. Аммо кўзига уйқу келса қани?! Кўнгли бир нимани сезаётганди. Шунақа, одам узокдан туриб бўлсаям, ўзи ҳақида нима ишлар бўлаётганини билиб туради, дилдан сезади. Ҳеч бир сабабсиз оғир босиб

юраверади. Ҳақиқат аён бўлгач, «шунга зик бўлган эканман-да» деб хулоса қилади. Нима бўлган тақдирда ҳам одам шу ҳолат тезроқ ўтиб кетишини истайди... У ёғи билан иши йўк.

Ишхонага келди-ю, қабулхонада ўтирган майор Ботировни кўриб, диққат бўлди. Боши билан «киринг» ишорасини қилди. Уни ўтиришга таклиф этди. Ботиров ҳали муддаога ўтиб ҳам улгурмаганди, телефон жиринглади. «Ким экан бу бесабр?» ўйлади у ўзича. Ҳали иш куни бошланмай туриб, эрталабдан кўнғирок. У истамайгина гўшакни кўтарди. Аммо Фариданинг йиғлаётган овозини эшитиб шошиб қолди.

– Тинчликми? – деди у довдираб.

Аввалига аёлнинг тутилиб, дудукланиб айтган гапларидан ҳеч нима тушунмади.

– Ҳой, тушунтириброк гапиринг, инсон! – деди асабий.

– У... у... ўзини осиб кўйди! – деди аёл ва яна изиллаб йиғлаб юборди. Унинг йиғлаётган овози гўшакдан буёққа ҳам эшитилиб турарди. Политбюро аъзолари суратини томоша қилиб ўтирган майор ялт этиб унга қаради.

– Ким? Кимни айтяпсиз? – сўради Фотиҳ Насимович.

– Эрим ўзини осибди! – аёл яна йиғлади.

– А?!

– Хат ёзиб қолдирибди!

Фотиҳ Насимович тамом бўлди. Гўшак тутган бармоқлари билинар-билиномас қалтирай бошлади. Майорнинг олдида «ўзи омонми?» деб сўрай олмади.

– Яхшиямки, кайним келиб қолибди! Шу заҳоти арқонни узиб юборган...

– Ўзи... яхшими? – юрак ютиб сўради Фотиҳ Насимович.

Жавоб қилиш ўрнига аёл яна йиғлади.

– Нимадир бўптими? – сўради майор ўнғайсизланиб.

– Э, падарига лаънат ҳаммасининг! Шунақа аҳмоқлар ҳам бор-да, орамизда! – деди у асабий. Кейин яна гўшакка гапира бошлади.

– Фарида хоним... Гапимни эшитинг олдин! Ўзингни босиб олинг! Асосийси омон экан-ку, нега йиғлайсиз? Ҳозир керакли муолажаларни қилинг, ўзига келсин, кейин бафуржа гаплашиб оламиз.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас! – деди аёл ҳиқ-ҳиқ йиғлаб. – Уйимизга имзосиз хат келган. Унда Ялтадаги «саргузашт»ларимизни ёзиб юборишибди! – буни эшитиб, Фотиҳ Насимович, майорга хавотир билан қараб қўйди.

– Олдимда Ботиров бор. Муҳим иш билан келган! – аёлни огоҳлантирмоқчи бўлди у. Аммо Фарида ўзини идора этадиган аҳволда эмасди.

– Ўқисангиз чидолмайсиз...

– Фарида... гапимни эшитинг аввал. Тинчлансангиз-чи! Имзосиз хат ҳужжатга ўтмайди, ҳали. Бу тухмат! Шундайми, Акмалжон! – Фотиҳ Насимович майорга юзланди. У боши билан унинг гапини тасдиқлади.

– Ана, Акмалжон ҳам тасдиқлаяпти. Э, аҳлатга ташлаб юборинг, бунақа ифлос нарсани!

Майор сергак тортди.

– Зинҳор ташламасинлар! – деди у жиддий. – Ахир бу далил-ку! Дактилоскопия қилиш керак. Имзони текшириб, уни ким ёзганини аниқласа бўлади. Ахир ким шантаж қилаётганини билиш керак-ку!

Фотиҳ Насимович бу гапни Фаридага айтишдан олдин бироз тараддудланиб қолди.

– Тўғри айтасиз. Чиндан ҳам бунақаларнинг танобини тортиб қўйиш керак. Кўрқсанг баттар қилади!

– Фарида Ҳафизовна, – майорнинг олдида унга расмий мурожаат қилди Назаров. – Уни йўқотманг. Ме-

лисага топширинг. Ўша шантажчини топамиз. Йиғламанг, э! Эрингиз тузалиб кетади...

Аммо аёл овунмади, шекилли, Фотиҳ Насимович, диққат бўлиб, «оббо!» деб юборди.

– Майли, синглим, гўшакни кўйяпман. Эрингизга каранг. Ҳозир унга кераксиз. Ҳадеб ишни ўйлайвермай, эрга ҳам эътибор қилиш керак-да! Тузалиб кетсин! – шундай дея Фотиҳ Насимович гўшакни кўйди ва енгил тин олди. Кейин чўнтагидан дастрўмолчасини олиб пешанасини, бўйнини артаётиб, бошини сараклатди.

– Буларнинг машмашаси тугамади-ей... – аммо нима фалокат юз берганини айтиб ўтирмади.

– Хўш? – деди у майорга юзланиб. – Бизни ишқалчи яна нима хунар кўрсатди? – сир бой бермай деди у.

Майор папкасини очиб, ичидан бир қоғоз олди-да, Назаровнинг олдига кўйди.

– Устидан шикоят тушган. Раиснинг кенжа ўғли Аъзамов Фарход йўқолган. Унинг синфдоши Калонхонова ариза ёзиб кетди. Аъзамов йўқолишидан бир кун олдин ўғлингиз унга пўписа қилган экан. Бу ўша аризадан кўчирма...

Фотиҳ Насимович ичидан келган титрокни босишга уринди. Кўз ойнагини такиб, тунд қиёфада уни ўқишга тутинди. Унда ҳаммаси очик-ойдин ёзилганди. Чамангул Фарруҳнинг: «Бу қоғоз расмиятчилик учун керак, истасам, мелисаси туфлийимни артиб кўяди!» деганигача ёзганди. Фотиҳ Насимович аризани ўқиди-ю, газаб билан столга мушт туширди. Унинг залворидан стол устидаги Лениннинг ҳайқалчаси зириллаб кетди.

– Кўппак! Ит эмган! – сўкинди у.

– Буни нима қилсам бўлади, а, Акмалжон! Жуда ўзидан кетди-ку, бу бола! Мени бутун вилоятга шарманда қилди!

Назаров “ух” тортди, ўрнидан туриб, уёқдан бу ёкка юрди.

– Истеъдоди тирнокча, кибр-ҳавоси тоғча! – деди у дикқат бўлиб. – Қўлидан балони иши келмайди-ю, мелиса туфлисини артармишми?! Хайвон...

– Онаси ёмон бунинг! – деди у айбни кимга тўнкаш-ни билмай. – Бир нарса бўлса, дарров ёнига тушади... Ана оқибат!

Фотих Насимович жойига келиб ўтирди. Бир муддат столни чертиб турди-да, майорга юзланди.

– Аммо... бир нарсага тушунмадим. Бунинг Аъзамовнинг йўқолишига нима алоқаси бор? Оғзаки пўписа қилган бўлса қилгандир, лекин... Буни ҳали исботлаш керак.

– Қўлимизда далиллар бор, Фотих Насимович! – босиклик билан деди майор. – Аъзамов чикқан машина рақамини аниқладик...

– Хўш... – деди Назаров унга норизо қарар экан.

– Яна бир нохуш хабар бор, – майор айтсамми-айтмасамми, дегандай унга савол назари билан қаради.

– Гапиринг! Бугун ўзи шунақа кун экан. Эрталабдан хунук хабар эшитяпман.

– Марҳум Парпиевнинг фотоаппарати топилди!

Буни эшитиб шу сониягача қилт этмай ўтирган Фотих Насимович бўшашиб тушди. Бошини чангиллаб қолди.

– Ким у Парпиев? Ҳамманинг фамилиясини ёддан билмайман!

Майор «жуда яхши билсангиз керак» дегандай унга таънали қараб қўйди.

– Ўрмончининг ўғли Рустамнинг фотоаппарати? – деди вазминлик билан. – Ҳозир бармоқ изларини оляпмиз...

Фотих Насимович ўйланиб қолди:

– Яхши бўпти, – деди у синик товушда. – Шу пайтгача қайси гўрда ётган экан, бу матоҳ! – Фотих Насимович бугун кўрган тушини эслади. Бежизга эмас экан-да!

Майор Ботиров унга голибона караб кўйди. Фотих Насимович оғир ўйга толди. Бу Ботиров деганлари ундан нима истайди? Нега бу гапларни унга айтяпти? Бир нарса таъма қилмаяптимикин? Балки у билан келишса бўлар?!

Ўғлини деб энди, генералнинг кетини артиб кўяди, ноқобил фарзанд ота-она учун жазо, деганларича бор экан-да. Шунини деб эртага мансабидан туширсалар ҳам хайрон бўлмаслик керак. Манави йигит билан келишишга бир уриниб кўрсамикин? Ётиб қолгунча, отиб қол дейишган-ку!

– Акмалжон, гап бндай ука! – деди у катъий. – Сиз бу аризани йўкотинг. Экспертиза хулосасини ҳам бир маслаҳат қилармиз. Бу яхшилигингиз биздаям қолиб кетмайди, ука. Фарруҳни ўн кунга сизларга берай! Резина қопингизга солиб, бир эсини киритиб кўйинглар! Мелиса кимлигини билиб олади, шунда. Бу отасининг даврида даврон суряпти. Эртага курсидан тушсам, нима бўлади?! Итдай ўлиб кетадими? – бошини сараклатди у.

Ботировнинг энсаси қотди. У бунинг учун келмаганди. Назаровнинг курсиси лиқиллаб қолгани аллақачон ҳаммага аён бўлганди. Ботировнинг келиши шундан бир дарак эди.

– Мен бу қоғозни йўкотомайман! – деди у ғазабини яширмай. – Кейин экспертиза хулосаси ҳам ўйинчок эмас, шартга ўзгартириб кўйсангиз!

– Сиз йўқотмасангиз, мана мен йўкотаман! – деди Фотих Насимович ҳам жаҳл билан. – Генералингиз буйруқ бериши шартми?

– Генерал Фарруҳни қамокқа олишга санкция берган! – шундай дея майор эшикка йўналди ва:

– Омон бўлинг! – деди истехзо билан. – Ўғлингизга айтинг, қочиб юришдан фойда йўк!

Назаров ўтирган жойида чап кўкрагини укалади. Олдидаги тугмачани босиб, котибага буюрди.

– Нафиса... дори билан сув олиб кириг!

У дорини энди ичганди ҳам телефон жиринглади. Назаров котибага «телефонни кўтаринг-чи», дегандай имо қилди. Котиба «алё!» деди-ю, хавотир билан раҳбарга қаради. Гўшакни кўли билан ёпиб пичирлади.

– Президиумдан! Обидовнинг ўзлари!

Фотих Насимович шу заҳоти гўшакни олди ва жангга шай аскардай ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум Анвар Собитович! – деди.

– Салом! – совуккина сўрашди бошлиқ. Гапни «Нима ишлар қилиб юрибсиз?» дан бошлаб, «бир ўғлига кучи етмаган одам, вилоятни қандай бошқаради?» деган каттиқ-курум гаплар билан тугатди.

– Сиз ҳақингиздаги «ивирсиқ гаплар Тошкентгача етиб келди-я!» деди норози оҳангда.

– Эртага шошилиш мажлиси чақиряпмиз. Етиб келинг! – гапни қисқа қилди у.

– Мажлисида... қандай масала кўрилади! – билмагандай сўради Назаров.

– Мавсум бошланяпти. Бу ёғи баҳор, – деди Обидов саволга ғаши келиб. – Биринчи йил ишламаяпсиз-ку! Умуман... нима масала кўрилишини келганда биласиз! – деди. Гап оҳангидан қандай масала кўрилиши кундай равшан бўлиб қолди...

ШАМОЛЛАР ЎҒЛИ

Фарход туриб ўтирди. Аввалига бутун танасини кўздан кечириб чиқди. Аммо бояги калтакардан ақалли тирноқдай из қолмаганди. Шу тобда отасининг кўзлари билан қараган итни эслади-ю, ўрнидан туриб кетди. Ахир у тошлар остида қолиб кетди-ку!

Фарход ўрнидан туриб ғор деворларини пайпаслаш-

га тушди. Бироқ қанча изламасин, ўша лаҳм оғзини топа олмади...

– Синовлардан ёмон ўтмадинг, чироғим! – деди биров ортидан. – Омонат дунёда омонат нарсаларни излама...

Фарҳод ғор деворини пайпаслаётган жойида такқа тўхтади. Ортига ўгирилиб, овоз келган томонга қаради. У ерда кўлига тасбеҳ тутган бир нуроний чол турарди. Унинг қаеридир Фарҳодбекка таниш туйилди. Аммо барибир унга ишанолмади. Жинларнинг яна бир нағмасидир, деб ўйлади. Ичидан зил кетди. Шу пайтда ундан нима керак, бу одамга? У ҳозир отасидан бошқа ҳеч нимани ўйлай олмайди. Усиз отасининг ҳоли нима кечди экан? У ростдан ҳам ўлган бўлса-чи? Шуни ўйлаб юраги хапқирди. Ҳозироқ кетгиси келди...

Аммо чол уни ўтиришга ундади.

– Кечмишни ўзгартириб бўлмайди. Сен борсанг ҳам, бормасанг ҳам ўша нарса содир бўлади. Шу боис икки оғиз ўғит берай дегандим... – деди.

Фарҳод унга савол назари билан қаради. “Шу пайтда нимани ўқитар экан, бу чол”, деб ўйлади.

– Улар жон талаб қилишди. Отам ўладими? – ўзини ташвишлантирган саволни берди у.

– Билмайман. Буни фақат Яратган биледи. Мард бўл, ўғлим. Мардлик тақдир зарбаларини писанд этмайди. Бахтда бахтсизлик, бахтсизликда бахт мужассам. Аммо бу икки ҳолат ҳам ўткинчи эканини унутма!

– Дунё асли бўшлиқдан иборат, қолган бари нарсалар фақат тасаввурда мавжуддир. Кўзларинг алдамчи эканини тушунгандирсан. Кўрганларинг, ҳис қилганинг бир рўё эди. Аммо ана шу рўё, фикр бизни бошқармадими?!

– Уларнинг жон талаб қилгани ҳам ёлғонмиди?

– Синов эди. Иродангни синадилар, холос. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, биз ўзлигимиздан кечишга мажбур бўламиз. Ўзимиз билган ва кўниккан қои-

далар бизга бегона бўлиб қолади. Шундай ҳолатларда одам фақат иродасига таянади. Ўзини енгган одам иродалидир. Бир донишманд дунёни англаш учун кўзларини атайлабдан кўр қилган экан. У мисдан ясалган ялтироқ қалқонни куёшга тутиб қараган ва кўзларини кўр қилган. У қалб кўзини очиш учун кўзларини қурбонлик қилган. У дунёни кўзи билан эмас, қалби билан англаш учун шундай йўл тутган. Доно аввал ўзини англайди, ўзини ўрганайди. Кейин дуёни англайди. Дунёни билган одам ҳаётда янглишмайди.

– Сенга жуда катта куч берилди. Энди уни ақл билан ишлатиш керак. Нотўғри қўлланган малҳам оғуга айлангани каби бу мўъжизакор куч ҳам, агар уни нотўғри қўлласанг, одамларга ҳалокат келтиради.

– Сен одамлар учун нажоткорга айлан! Бояги итнинг кўзларини эслаб қолдингми?! Уни унутма! Сендан нажот истаб келган ҳар бир одам отанг ёки онанг кабилдир. Сен улар учун шамга айлан! Борлигини ёқиб, уларнинг зимистон қалбларини ёрит! Унутма сен таслим бўлмаслигинг керак. Қудратингни фақат яхшилик учун сарфла!

Бу дунёнинг қонуниятини кўрки, ёмонлар сени бу ерга келтириб ташладилар. Бу билан улар сенга яхшилик келтирдилар. Энди фикр қил: Ерда, бу оламда ҳар бир ишнинг интиҳоси эзгулик! Ёмонларнинг ёмонлиги ўз бошини ейди. Олам эса шу таҳлит улардан ҳалос бўлади. Бу ҳам эзгулик эмасми, асли! Шунини ёдингда тут ва янглишма! Бошингга бир иш тушса, сен шу ғорга кел! Истасанг ўзинг кел, истасанг ҳаёлан кел! Мен маслаҳатларимни сендан аямайман. Яна бир нарсани унутма: сен ўзингга даҳлдор эмассан! Улус қатори яшай олмайсан. Шунинг учун тақдирдан кўп нарса кутма! Сен шамоллар ўғлисан... Булутлар сени қайга етакласа, шу ёққа учасан...

Унинг охириги сўзлари олисдан эшитилди ва акс-садо берди.

Фарҳодбек чол айтганларининг бирини тушунса, бирини тушунмади. Ўзида қандайдир илохий куч борлигига ҳам ишонмади. Буларнинг ҳаммаси дорининг таъсирида, хаёлимда рўй берди, деб ўйлади.

У энди бу ерда ортик қололмасди.

Фарҳод ғор оғзига келди-да, бу ерга илинган қопни юлиб ерга ташлади.

Илик шамол эсиб, у эриган қор ва гиёҳлар иссини келтирди. Ёқимли ифорлардан Фарҳодбекнинг ғашланган юраги пича ёзилди. Мана қорлар ҳам эриб, тоғ ёнбағри энди ниш урган кўм-кўк майсалар билан қопланибди. Қор фақат тоғ тепасида қолибди.

Фарҳод орадан қанча вақт ўтганини билмасди. Ота-онаси, яқинлари қай аҳволга тушди экан? Унинг ўлганини ҳам, тирик эканини ҳам билолмай жони ҳалакдир?! У тезроқ қайтиши керак. Бу олам бўшлиқ бўладими, воқеалар хаёлида юз берадими, унга фарқи йўқ... Уйига имкон қадар тезроқ қайтишни истайди.

Фарҳод ғордан чиқди. Бир лой кечиб, бир эриган қорларни босиб, пастга туша бошлади. Кўз ўнггида қадрдон қишлоғи, уйи намоён бўлди. Қалбан ўша ёққа талпинди... Бир сония атрофини туман қоплади. Худди булутлар ичида сузиб юргандай ҳис қилди ўзини...

Бир пайт кўй-кўзининг маърашидан ўзига келди. Не кўз билан кўрсинки, у ўзининг кўчасида, муъолишда турар, чор-атрофидан маъраганча кўй-кўзилар ўтиб борарди.

Дабдурустдан у нима ходиса рўй берганини англай олмади. Ён-атрофига, ўзига ажабланиб қараб кўйди. Қутилмаган ходисадан кўркиб бир ютиниб олди-да, бўшашибгина уйлари томон йўл олди.

Дарвоза ёпиқ, ичкарида жим-житлик. Ҳартугул! Фарҳодбек енгил тин олди. Чунки боя тоғда ҳам уйини эслаганида, кўзига эшик олдида бел бойлаб турган одамлар кўринаверди. “Тинчлик экан”, деб ўйлади у. Ҳовлига

кирди-ю, тугун кўтариб чиқаётган Ҳанифага дуч келди. Уни кўриб синглисининг кўлидаги тугуни тушиб кетди. У «акалаб» хўнграб юборди ва Фарҳодбекнинг бўйнига осилиб олди.

– Тирикмисиз, бормисиз... акажон!

Унинг йиғисини эшитиб, ичкаридан Ботир акаси, кеннойиси, амма, тоғалари чиқишди. Ҳамма у билан йиғлаб кўришди. Аввалига «нега уларнинг ҳаммаси бизникида?» деб хайрон бўлди. Кейин бир нохушликни сезиб, юраги шувиллаб кетди. Одамлар орасидан биринчи бўлиб аясини излади, аммо у кўринмади.

Қарангки, Ботирбек акаси ҳам у билан йиғлаб кўришди.

– Қаерларда юрибсан, ярамас! – деди у кулгига олиб.
– Ҳавотирдан ўлдирдинг-ку, ҳаммани!

– Дадам яхшимилар? Аям канилар? – сўради Фарҳодбек атрофга олазarak қараб. Ҳаммалари жим бўлиб қолишди.

У жавобни ҳам кутмай чопганча отаси ётган уйга кириб кетди. Отаси хона ўртасига ётқизиб қўйилган, атрофига кўрпачалар тўшалганди. Дадасининг кўзлари юмук ғар-ғар нафас олиб ётарди. Атрофида ўтирганлар саловат айтишарди.

Фарҳодбек шу турганча қотиб қолди. Ичидан бир нима узилиб тушди. Илкис қандай фожеа юз берганини англади.

Томоғига тошдек нарса қадалиб ютинишга қийналди. Кўзлари ёшланиб кетди. «Ўлмаган одамга нега саловат айтасизлар! Ҳозирок бас қилинглар!» деб хайқиргиси келди. Аммо...

– Ана, ака, Фарҳодбегингиз ҳам келди! – деди катта аммаси йиғлаб.

– Ке, болам, отанг билан рози-ризолик тилаш. У сени эшитади! – деди.

Фарҳодбек кўз ёшларини кўли билан сидираркан, отасининг бош томонига ўтди.

– Дада, дада! – чақирди у йиғламсираб. – Мен Фарҳодман! Мен келдим, дада! – у дадасининг пешанасига кафтини босди.

– Мендан рози бўлинг, дадажон!

Шу пайт дадасининг кўзлари очилиб кетди. Ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Фарҳодбекка бир муддат тикилиб турди-да, «ух» дегандай чуқур хўрсинди. Жилмайди. Шу алпозда отасининг жони узилди...

– Ўғлингизга илҳақ бўлиб ётган экансиз-да, акажон! – овоз чиқариб йиғлади аммаси.

– Аслзода жигарим! – деди кимдир. – Қайтмас йўлга кетдингизми-ей...

– Раис бова... Суянган тоғамиздан айрилиб қолдик...

Лоғон қишлоғининг сардори, улуснинг суянгани, ҳимоячиси 53 ёшида вафот этди. Бу ҳамқишлоқлар учун чинакам фожеа бўлди...

Шунинг учун тонготар раиснинг уйига одам ёғилди.

Жаноза пешинга тайинланди. Катталар яқин-йироқдан одамлар етиб келишини ўйлаб, шундай маслаҳат қилишганди.

Тонггача хат-ҳужжат, бари расмиятчиликлар қилиб бўлинди. Катта кўча-ю, ичкари кўчаларга одамлар сиғмай кетди. Фарғонанинг ҳар бурчагидан одамлар дарёдай оқиб кела бошлади...

* * *

Жанозага шахсан Обидовнинг ўзи келди. Аммо... раиснинг кенжа ўғли Фарҳодбек кўринмасди. Жанозага Фотих Насимович ҳам келмаганди. Раис билан доим ораси тесқари бўлгани учунми ёки бўлган ишлардан уялибми, ишқилиб у жанозада кўринмади. Балки ўзича дард чекиб ётгандир у ҳам. Ахир баланддан «йиқилишнинг» ўзи бўладими?!

Аслида Фарҳодбек тонг саҳардан бел бойлаб турган-

ди. Аммо чидолмади. Йиғласа-да, юрагида ёнган олов пасаймади. Бариси, гордаги кўрган-кечирганлари ҳам бемаъниликдай туйилди, унга. Анави чол «кечмишни ўзгартиролмайсан!» деганига қарамай, бу ҳолатга сабр қилолмади. Бунга сабр қилиб ҳам бўлмасди. Оқибатда Фарходбек ўзидан чиқди.

У ўзи-ўзига ўхшамай, кўчаларда тентираб юрди, қаёкка кетаётганини ўзи билмасди.

Кўп ўтмай, у ўзини Фотиҳ Насимовичнинг дарвозаси олдида кўрди. Дарвозани кўли билан баданглатиб урди, кўнғирокни чалишга сабри чидамади. Аммо ичкарида одам ўлгандай ҳеч ким садо бермади.

– Очларинг, хой маразлар! Оч эшикни! – бақирди у. Жимжитлик. Эшик очишни ҳеч ким ўйламаётганди ҳам.

Фарходбек узоқдан чоғиб келиб, дарвозани бузиб кирмокчи бўлди. Кутилмаганда дарвоза ғийк этиб ўз-ўзидан очилиб кетди. Йигит ичкарига кирди. Эшикни уй эгалари очишди, деб ўйлаганди. Аммо ҳовлида ҳеч ким йўқлигини кўриб, ҳайрон бўлди... Аммо буни ўйлайдиган аҳволда эмасди, ҳозир.

Булар шунақа тоифадаги одам, ифлос ишларини киши билмас қилади, шу расвогарчиликни улар қилганини ҳеч ким билмайди. Қонун олдида-ку, жавоб бермади, қонундан қочиб юрибди. Бирок худо бор-ку! Худонинг олдида жавоб беради, ҳали. Аммо бунақалар худога ишонармикин? Ишонса, пана-пасткамда киши билмас ғаламслик қилиб юрармиди?!

У ҳеч ким ичкарига таклиф қилмаганидан орланмади ҳам. Ҳеч бир ҳижолат чекмай ичкари уйга бостириб кирди.

Қараса, Фотиҳ Насимович аёли билан нонушта қилиб ўтирган экан. Олдида шишачада дорилар ҳам турарди. Унинг вазоҳатини кўриб аёл кичкириб юборди.

– Томоғингдан овқат ўтяптими? – деди вишиллаб Фарходбек. – Сендайларни ер қандай кўтараркин?!

Назаров ўзини йўқотмади. Бошқа пайт бўлганида бу мишики билан пачакилашиб ўтирмасди, аммо отаси ўлгани учун уни аяди. Ҳали бола бу, аччиқ устида келган-да, деб ўйлади.

– Фарход, ўғлим, кел, ўтир аввал! – деди Фотих Насимович сохта меҳрибончилик қилиб. – Бандалик экан! Отанг ўзига қарамади, кеча-кундуз ишлади... Айтардим, соғлиққа қаранг, дердим...

Унинг тилёғламалик қилаётганини билиб, Фарходбек баттар тутақиб кетди. У «бас қилинг» дегандай столга тарақлатиб мушт туширди. Мушт зарбидан дастурхондаги чиннилар шақирлаб кетди.

– Ўзингни босвол йигит! – столини четга суриб ўрнидан турди Назаров. – Отанг ўлган бўлса, менда нима айб? Куни битган, ўлган. Бунга менинг нима даҳлим бор...

Фарход унинг ёқасига ёпишди.

– Худо бор! Нима қилганингни ўзинг биласан! – деди у пишқириб.

– Худо урмаса, рози эмасман! – шундай дея у Фотих Насимовичнинг ёқасини кўйиб юборди.

Қуюндай бостириб келиб, шамолдай чиқиб кетди. Эр-хотин бир-бирига бақрайиб қараб қолди.

– Тирмизак! – ёқасини тўғирлаб деди Фотих Насимович. – На катгани билади, бу ёшлар, на кичикни! Отаси ўлса, айб мендами?! Замонга қараб иш қилиш керак эди. Раҳбар одам тепадагиларга эгилишни ҳам билиши керак. Бу Азизбек одам бўлмади. «Фармон муҳокама қилиш учун эмас, бажариш учун чиқарилади», дердим, унамасди. Биров «али» деса, «бали» деб турсанг, кимга ёқасан...

– Эгилишни билган сизми? Ўзингиз нима бўлдингиз? Сизниям олиб ташлади-ку! – таънали оҳангда деди хотини.

– Яна асабимга тегяпсанми? Тилимни кичитма,

мени! Эрка ўғлингни деб бўлди! Эшак! Қандай хунар кўрсатганини биласан-ку!

– Сизнингча мен аҳмоқ хотинман. Ҳеч нимага ақлим етмайди-а, менинг? Анави мегажинни, деб бўлди! – буни алоҳида таъкидлаб деди аёл. – Сизни “маънавий бузук” деб ишдан олди!

– Ўчирасанми-йўкми! – Фотиҳ Насимович қизариб кетди. Эшикни жаҳл билан тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Дилором ая пиқ-пиқ йиғлаганча, дастурхонни йиғишга тушди...

«Бу одам эмас ўзи, – деб ўйлади у. – Лоақал жанозага бормади!»

* * *

Тобут кўтарилиб, одамлар денгизи қабристонга қараб оқди. Қабристонгача тобут кўлма-кўл ўтиб борди. Тириги азиз бўлганнинг, ўлиги ҳам азиз бўлар экан-да!

Қабр бошида Обидов нутқ сўзлади.

– У чинакам халқ фидойиси эди! – деди. – Бундайлар юз йилда бир туғилади...

Одам кўп бўлса-да, Фарходбекка уйлар, кўчалар хувиллаб қолгандай туйилди. Уй ҳам майлига, бутун қишлоқ хувиллаб қолди.

Жанозадан қайтгач, Қосимбой Фарходбек билан ҳам кўл олишиб кўришди. Аммо Ҳанифага қарашиб юрган Чамангулни чакириб олди.

– Чаман, Чамангул! Қани олдимга туш-чи?!

Чамангул бир отасига, бир йиғидан кўзлари қизариб кетган Ҳанифага қаради. Дугонасининг бўйнидан қучоқлаб хайрлашди.

Қосимбой чиқиб кетаётиб, Фарходга бошдан-оёқ разм солди. Аммо индамади. «Ёмон болага ўхшамайди, – деб ўйлади ичида. – Чаманнинг ўзида айб!»

Фарҳодбек Чамангул тарафга қарамади, ҳам. Чунки ўз ўйлари билан банд эди. Отасининг жанозаси куни ис-сиқ уйида қаймоқ еб ўтирган Фотиҳ Насимович кўз ўн-гидан кетмасди. Зотан, атрофда, турганлар ҳам Назаров-ни гапиришаётганди.

– Одамгарчилик қолмабди, унда! Жанозага келма-ди-я! – деди Фарҳодбекнинг ёнида турган амакиси. Иш-дан олинганига юзи чидамагандир. Марҳум билан ҳам доим тескари эди, – деди Жамол ака.

– Бунақа пайтда бир умр юз кўрмас бўлганлар ҳам ярашишади. Одамнинг ўзида қолган гап.

– Назаровни билмагандай гапирасизлар. Азалдан маълум эди кимлиги! – Жамол ака шундай дея мавзуга хотима ясади.

Ҳамма жим қолди. Фақат ичкари уйдан аёлларнинг ҳазин йиғиси эшитилиб турарди.

* * *

Онасининг йўқлиги жуда билинди. Бу хунук хабар-ни унга қандай етказишни ҳеч ким билмасди. Боз устига юраги чатоқ бўлса...

Фарҳодбек ҳам бу ишлар билан овора бўлиб, онаси-ни кўргани боролмади. Кеннойиси бориб келди, Ҳанифа борди. Фарҳодбекнинг дарагини айтишди-ю, аммо мана-ви мусибатни сир тутишди.

Онаси албатта, Фарҳодбекнинг келмаганига ҳайрон бўлган. Унга «отаси билан овора, раис оғирлашиб қол-ди!» дейишибди. Шунга Ботир акаси эрталаб уни им-лаб чақирди. Ҳанифа билан онамни кўргани бориб кел, деди. Фарҳодбекнинг нигоҳидаги савол жавобсиз қолди. Отасининг вафотини айтиш керакдир... Бу ахир ноҳак-лик-ку! Онаси билса, ўкинади, армон қилади. Султони-ни сўнгги йўлга кузатолмагани онаси учун бир умрлик дардга айланмайдими?!

Таниш-нотаниш одамлар марҳумнинг ҳакига дуо қилиб, фотиҳа ўқиди, унинг энг яқин кишиси эса олисда бўлди! Олисда... Буни билса, онасининг жонидан ўтмайдами?!

Улар палатага киришганида онаси ухлаётган экан, чўчиб уйғониб кетди. Фарҳодбекни кўрди-ю, йиғлаб юборди. Ҳолсизликдан овози ҳам чиқмади.

Фарҳодбек онаси билан кўришди. Сарғимтир юзларидан силади. Онаси уни кучоқлаб олди-ю, анчагача бағридан узгиси келмади.

– Қасд қилганлар паст бўлсин, илоё! – деди йиғламсираб. – Ким экан, у нокаслар! Биров машинага босиб олиб кетди, деди. Мен ҳам, даданг ҳам адо бўлдик, – онаси ёшли кўзлари билан Ҳанифага каради.

– Отанг яхшими, ўзи. Ғалати тушлар кўриб юрибман...

Ҳанифа бошини сараклатди. Кўзларидан ёш оқиб тушди. Буни кўриб онаси безовталанди.

– Мендан яширманглар, болам, – деди Ҳафиза ая йиғламсираб. – Даданг билан ўттиз йил бир ёстикка бош кўйдик. Кўнгил сезади, барибир... – у бир оз жим колди, кейин сўзида давом этди.

– Кеча тонгга яқин даданг тушимга кирди. Уйғокманми, ухлоқманми, билмайман. Худди шу эшик олдида турибдилар, келиб кароватимга омонатгина ўтирдилар. «Вой, дадаси юриб кетдингизми?», дейман суюниб.

– Қара, соппа-соғман! – дедилар жилмайиб. – Энди хафа бўлмайсан-да, онаси, – дедилар айб қилган боладай бош эгиб. – Кетадиганман...

– Вой, ўзи энди оёкка турдингиз-ку, каёкка кетасиз? – дедим хайрон бўлиб. – Мен бу аҳволда ётган бўлсам...

– Чакиргандан кейин бормаса бўлмас экан-да, хотин! Нимаям дердим, болаларга кўз-кулоқ бўл. Йўқлигимни билдирма! – дедилар. Кейин эшик олдига етгач, мен томонга ўгирилиб жилмайдилар.

– Яхши-ёмон гапирган бўлсам, мендан рози бўл! – дедилару хираланиб йўқ бўлиб қолдилар. Худди хавода эриб кетгандай...

Эрталаб кўнглим ҳувиллаб уйғондим. Бир йиғи келди, болам... «Оҳ!» дедим ўзимга, кўрган тушимни ўйлаб. – Дадаси узилди-ёв...»

Эрталаб ҳамшира кирди. Йўлакда биров билан гаплашди.

– Раисни эшитдингизми? – деди у. «Юрагим зирк этди. Ҳамшира «жим» дегандай бармоғини лабига босди. Уколини қилиб, индамай чиқиб кетди.

Бу пайтда Ҳанифа сув келтириб чой кўйди.

– Мени олиб кет, болам, – онаси Фарходбекка қараб ялинди. – Отанг у ёқда жон талашиб ётибди, мен бу ёқда тинч ўтираманми, ўғлим. Хавотирдан баттар бўламан-ку!

– Агар олиб кетмасанг, ўзим кетаман! – деди у аразлагандай.

– Кўчага чиқиб машина тўхтатаман. Шу қийинми?

Фарходбек ўйланиб қолди. Аввал бошда янглишишди, буни онага айтмай. Ахир отаси оддий одам бўлса экан, ўлганини биров билмаса?! Орқаваротдан эшитса ҳам ёмон-ку! Онаси куйиб кетмайдими?!

– Ҳанифа! – синглисини чақирди у. – Онаминг нарсаларини йиғ. Мен ҳужжатларни тўғирлаб, машина олиб келаман!

– Ака! – таънали оҳангда деди синглиси. – Ахир...

– Айтганимни қил!

Фарходбек тилхат ёзиб, бош врачга қўл кўйдиргани олди. Чирди. Аммо Фариди Ҳафизовна жойида йўқ экан.

– Ортидан чопинг, улгурасиз. Эрини кузатаётганди! – дейишди ҳамширалар. Айтишларича, унинг эри шу касалхонада даволанибди.

Чиндан ҳам бош врач кўлида катта сумка кўтарган бир эркак билан касалхона дарвозаси тамон кетаётга-

нини кўрди. Уларнинг ёнига Тез ёрдам машинаси келиб тўхтади. Бош шифокор эрини шу машинага чиқишга ундади. Аммо эркак уни силтаб ташлади.

– Сени кўришни ҳам истамайман! – деди у. Бундан кейин кўзимга кўринма!

– Болалар-чи, ҳеч бўлмаса уларни ўйланг...

– Шуларни сен гапиряпсанми?! Нега сен ўйламадинг! – унинг кўзларига ғазаб билан тикилганча деди эркак. – Ахир сен онасан-ку! Онамиш?! – истехзо билан кўшимча қилди у. – Мендан буни талаб қилишга ҳақкинг йўқ. Қоч йўлимдан! – у аёлни итариб юборди ва дарвоза томон мағрур кета бошлади...

Фарходбек ҳам нима воқеа юз берганини тушунди. Аёл ўкраб йиғлаб юбормаслик учун кўли билан оғзини маҳкам қисди. Кўзларидан дув-дув ёш оқди. Аммо Фарходбекни кўриб такка тўхтаб қолди. Кўз ёшларини тез-тез сидириб ташлади-да, унга ажабланиб қаради. Доим бошига бир кулфат тушганида оёқ остидан чиқади бу. Шумкадам. Эри кўрсатган томошага буям гувоҳ бўлди. Бир пайтлар «Эрингиз ташлаб кетади!» деб ачитганди, мана исботини ҳам кўрди.

– Энди хурсандмисан? – деди аёл захархандалик билан. – Фолинг тўғри чиқди...

– Буни айтиш учун, – Фарходбек кўли билан дарвоза томонга ишора қилди. – Фолбин бўлиш шарт эмас! Бунинг учун ўша «суянган тоғингиздан» ўпкаланг! – деди Фарходбек ҳам аччиқ истехзо билан. – Эшитдингизми, «тоғингиз» ҳам кулабди-ку!

Тилхатни кўраётиб, аёл унга ўкрайиб қаради.

– Ўзингдан ўзинг нималар деб валдираяпсан, – беадаб! Яна ҳам отаси ўлган, деб индамаяпман! “Ер юткур...” – Фарида Ҳафизовна буни пичирлаб айтди.

– Афсуски, – деди Фарходбек киноя билан. – Ер кимни ютиши кераклигини ўзи билади. Энди буни сиз ҳал қилмайсиз...

Фарида Ҳафизовна унга еб юборгудай қаради.

– Онангни олиб кетавер! – деди совуққина қилиб. Кейин тез-тез юриб ичкарига кириб кетди.

Улар машинада кетаётиб, Фотих Насимовичнинг дарвозаси тагида турган Тез ёрдамни кўришди.

– Қаранг, ака, Тез ёрдам-ку? Фарҳодбек ҳам шу томонга хавотир билан қараб турганди. Улар машина дарвоза олдидан анча ўтиб кетса-да, шу томондан кўз узишмади. Шу пайт ичкаридан Фотих Насимович чиқди. Шифокор аёл билан шошиб ичкарига кириб кетишди. Буни кўриб, Фарҳодбекнинг юраги ғашланди. «Нима бўлди экан-а?» ўйлади у. Аммо дамба-дам кўчалари томон жавдираб қараётган онаси фикрини бўлди. Бир чеккаси Ҳанифа ҳам отаси ўлганини билса, онаси қай аҳволга тушишини ўйлаб юрак ҳовучлаб ўтирарди.

– Ая... – гап бошлади Фарҳодбек секин. – Дарвозамиз олдида турганларни кўрсангиз, кўркманг!

Аяси дабдурустдан ўғли нимага ишора қилганини тушунмади.

– Бу нима деганинг! – ўғлига ҳайрон бўлиб қаради у. Кейин нима гаплигини тушунди-ю, рўмоли учини кўзларига босди, қўллари титраб кетди.

– Отанг «ўтдимми?» – деди ҳазин товушда. – Ўзим ҳам билгандим... – унинг овози жуда секин эшитилди. У буни шу қадар умидсизлик билан айтдики, бу билан «бу менинг ҳам ўлганим», дегандай бўлди, ҳаммалари тек қолишди...

ЎРМОНДАН ТОПИЛГАН ЖАСАД

Санобар ая эрига милициядан келган шапалокдек қоғозни тутқазганида, Ўлмас ўрмончининг юраги зирк этди. Дарди энди ариганди... Чойхонада биров шу ҳақда гап очса, шартта ўрнидан туриб кетарди. Хотини га-

пирса, бобиллаб берарди. Бу қоғоз эса ўглини бағридан юлиб кетган ўша мусибатни яна ёдига солди. Терговлар, текширувлар тугади. Жўра ака окланди. «Буларга яна нима керак?! – деб ўйлади у. – Нега чақирди экан?» Унга савол назари билан тикилиб турган хотинига «Э!» деди кўл силтаб.

– Мўлтирама, менга! Нима бўларди... Шу Фаррухни сўраса керак-да! Қочиб юрибдимиз...

– Қочмай, ўлсин илоё, барибир тутиб олади-ку, ҳукумат? Шундок кўярмиди! – норизо оҳангда деди аёл.

Ўлмас ўрмончи ичкаридан оҳорли деб тўйга киядиган кўйлаги билан шляпасини кийиб чиқди.

– Ҳавотир олма, хотин. Тез келаман! – деди у. Ўрмончи Ботировнинг хонасига кириб, стол устида турган фотоаппаратни кўрди-ю, ҳаммасига тушунди.

– Узр, безовта қилдик! – деди у ва шахдам юриб келиб у билан кўришди.

– Бу... – стол устидаги фотоаппаратга имо қилди майор. – Ўғлингизникими? Бошқа эмасми?

Ўлмас ака фотоаппаратни кўлига олиб, уёк-буёғини айлантириб кўрди, лаблари титраб кетди. Аммо ўзини тутди. «Ҳа» дегандай бош силкиб тасдиқлади.

– Қаердан топдинглар?

Аммо майор дарров жавоб қилмади.

– Ҳозирча айтолмаймиз. Тергов кетяпти! – деди у. Бу бизда туриб туради. Тергов тугагач, олиб кетасиз, – деди Ботиров кейин қандайдир қоғозларга имзо чектирди.

– Расмиятчилик учун! – деди у хижолатпаз жилмайиб, Ўлмас ака унга савол назари билан қаради.

– Анави ярамас топилмадимми?

– Топилмади! – деди майор хўрсиниб. – Биз ҳам ҳайрон бўп қолдик. Ахир тирик одам бугланиб кетмайди-ку! – шундай дея икки ёнига шапатилади у.

– Сир... онаси ётиб қолган. Кўргани ҳам келмади...

Ўлмас ака «нимасини айтасиз» дегандай қўл силтади.

– Шу аблахни деб, боламни жони увол кетди! – йиғламсираб гапирди ўрмончи. – Худо бор, Акмалжон! – ўзини овутгандай деди у. – Бу иш бундоғ қолмайди...

Ўрмончи марҳум ўғлининг фотоаппаратига бир каради-ю, Ботиров билан хайрлашди.

Хонадан чикди. Аммо ичидан бир дард айқириб келди. Эркак одам кўча-кўйда йиғлаб юрса, ғалати бўларкан. Одамлардан уялиб панага ўтди. Шу аҳволда уйга боргиси келмади. Хотиним эзилмасин, деди. Негадир... ўрмон йўлига бурилди.

Аслида анчадан бери ўрмонга келмай кўйганди. Ярам янгиланади, деб юраги дов бермасди.

Ҳар куни «ишга» деб ошиқиб келадиган жойи эди. Энди эса ҳаммаси ўзгариб кетди. У ўт-ўланлари, ерга тушиб ётган майда шохларни ғарч-ғурч босиб ўрмон кезди.

Дарахтзор ичига киргач, кулай жой топиб ўтирди. Шу жойда ўрмончи ўғли хақидаги миш-миш гапларни эслади. Айтишларича, ўғлининг арвоҳи ўрмон атрофида кезиб юрармиш. Баъзида кимларнидир чўчитармиш, кимларгадир йўл кўрсатармиш... Бироқ у бирон марта бўлсин, уни учратмади.

Ўрмончи ўрнидан турди, атрофга олазарак каради. Аммо кўзига шубҳали ҳеч нима кўринмади. У ўғли ўлдирилган, деб тахмин килинган жойни топиб борди. Шу ерда чўккалаб ўтириб, куръон тиловат қилди.

– Мени кечир, болам! – деди у йиғлаб. – Нега ўша тунда ўзим келмадим? Нега? Пешанада ёзилган бўлса, бандаси шунака ғафлатда қолармикин?! Ҳа, ғафлатда қолди...

Ўрмончи кўз ёшларини артиб кўзгалди. Шу пайт орқада “қарс” этиб шох синганини ва қушлар безовта сайраганини эшитди. Назарида кимдир-бирова «дада»

деб чақиргандай бўлди. У шахд билан ортига ўгирилди. Шарпа ўзини дарахт панасига олгандай туйилди. Ўрмончи сергак тортди:

– Рустам! – у паст томондаги дарахтларга тикилиб қаради. Юраги гуп-гуп уриб кетди.

– Болам... сенмисан?

Аммо жавоб бўлмади. Назарида биров хиринглаб кулгандай бўлди. Йўқ, кулган одам эмас экан. Қуш-ку бу!

Мана ўғлининг ҳам ўлганига олти ой бўлибди. Шу вақтгача нахот руҳи ором топмаган бўлса?! Ҳалигача безовта ўрмон кезади. Нега? У нимадан безовта?

– Рустам? – яна чақирди у. Жимжитлик. Сукунатни кушларнинг чағ-чағи-ю, хайвонларнинг ўкириги бузди.

Кун тушдан оғиб, ўрмон анча қоронғилашиб қолди.

Ўрмончи илгари сира кўркмасди. Аммо энди мана негадир безовталаниб қолди, кетгиси келди. У марҳум ўғли билан юзма-юз бўлишдан чўчиётганини тушунди. Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлгани яхши. Марҳумлар бако оламида, тириклар фано дунёсида, ҳамманинг ўз жойи бор, ахир. Бошқача бўлса, ақл зўриқади, руҳ дош бермайди. Ўғли бўлса-да, у энди марҳум, бошқа оламга тегишли... Нима қилсин, ҳақиқат шу, кўнмай илож йўқ. Шу вақтгача безовта юришининг сабаби бордир... Нимадир қилиш керак?! Муллалардан сўраб кўради. У шундай ўйлар билан гурс-гурс ортига юрди. Ғира-ширада, хув нарида, уккими, кузғунми, бир нимани титкилаб, торткилаб еётганини кўрди. Хайвоннинг кўзлари ёнди.

Ўлмас ака бунақа нарсалардан кўркмасди. Ҳаётида ба-рига гувоҳ бўлган. У бўри ғажиб кетган болаларнинг жасадини ҳам кўрган... Ўрмончи ердан таёқ олиб, силкиди:

– Кишт-э, кишт!

Кузғун дегани без бўлади, бепарво ўлжасини ямлашда давом этди. Ўрмончи уларга яқин бориб, таёғини сермади.

– Кишт!

Қизғунлар «кий-а, кий-а» қилиб, хунук сайради. Безовта потирлаб, канот қокди-ю, беш-олтита кузғун дарахт шохига бориб кўнди. Улар ўлжасини ташлаб кетишни истамаётганди.

Ўрмончи кузғунлар ёпирилган жойни таёғи билан титкилади. Дарахт барги-ю, ўт-ўланларни таёқ билан суриб очди. Шу пайт бир жағи очилиб қолган майитни кўриб сесканиб кетди. Қўланса ҳид келиб, у бурнини қисиб олди. Майитнинг бир кўзи чўкилган, курт-кумурсқа вижиллаб ётарди. Унинг эғнидаги қора куртка йиртилган, жинси шими билан пойабзали лой бўлиб ётарди...

– Қайси шўрпешона экан бу? – ўйлади ўрмончи. – Қап-катта одам шоғолга ем бўптими? Ёки биров ўлдириб, ўрмонга ташлаб кетганмикин?!

Ўлмас ака шошиб ўрмондан чикди-ю, яқин-ўртадаги милиция маҳкамасига мурожаат қилди.

Кўп ўтмай ўрмон йўлини милиция машинаси-ю, Тез ёрдам босди. Бир зумда осуда ўрмон ари уясидай гувиллаб қолди.

Фонар кўтарган милиционерлар ўрмонга шўнғишди ва дам ўтмай у ердан майитни замбилга солиб олиб чиқишди...

Тап-тап, қилиб машина эшиклари ёпилди. Милиция машинаси кўк чироғини ёқиб, хайқирганча учиб кетди.

Ўрмон... у яна сукутга чўмди. Яна бир сирни бағрига яширганча тек қолди. Аксинча, “дунё билан менинг ишим йўқ” дегандай, дарахтлар шамолда шовуллади, бепарво, беғам, шалдираб кўшиқ айтди...

БУ ҲАМ БИР КЎРГУЛИКДА...

Тез ёрдам келганида Фотиҳ Насимович телефонда гаплашаётганди.

– Кейин... ўзим телефон киламан, – деди у секин. – Тез ёрдам келди...

Шифокор беморни кўриб бош чайқади.

– Кўни-кўшнида, ҳамшира йўкми? Қон босими жуда баланд! Шу аҳволга келгунча қараб ўтирдингизми? – Фотиҳ Насимовичга чакчайиб деди шифокор. Бемор аёлнинг кўзларидан ёш оқиб тушди.

– Бунақа критик ҳолатда қон босимини тез-тез ўлчаб туриш керак... Парвариш керак...

– Эртага сингисини чакиртираман...

Шифокор беморнинг биллагига укол килди.

– Ўғлимиз йўқолган... эшитгандирсиз, – унга синовчан тикилганча деди Фотиҳ Насимович. – Шунга сиқилляпти. Қандай овутишни билмаяпман...

Аслида у яқинда уйга келган, хотинининг бу аҳволда ётганини кўриб, «Тез ёрдам» чакиртирганди.

Шу кунларда Фарида Ҳафизовна ҳам унга ёпишиб олган. Эри кетиб қолиб, бу аёл ҳам аламзада бўлиб қолди. Ҳар икки гапнинг бирида уни айблайди, дам ўтмай телефон қилади. Мана ҳозиргина олдидан келди, секунд ўтмай телефон килиб ўтирибди-да... Эътибор қилмай деса, «сиз учун эрмак бўлган эканман»дан бошлайди, кейин дўк-пўписага ўтади, бу жанжал «шармандангни чиқараман...» деган таҳдидлар билан яқунланади. Шу Фариданинг бунчалик «лўли»лигини билмаган экан. «Кўй», дейди, ўзини оғир олади. Ҳозир шунинг лўлилигини кўтарадиган аҳволдами?! Хотинининг қон босими тушмаяпти, Фарруҳ мана, бир ой бўлди, йўк... Обком секретарлигидан олиб ташлади, техникумга директор килиб қўйди.

Биров илгаригидай «ака, ака» қилади, бошқаси, юзини терс буради, кўл бериб кўришишга ҳам ярамайди. Нима қилсин энди, «дод» солсинми, ўзини оссинми, буларнинг дастидан. Охирги сафар аламини кимдан олишни билмай, хотинига «бола эмас, ит тукқан экансан», деб юборди... Шу, шу, хотини касал... Тил югурги бошга... Тинчгина ўтирганди, «техникум»ни беришган бўлсаям, режалари катта эди. Энди жониҳалак бунисини овутади, ҳакиллаб бориб унисига парвона бўлади, «ўла, аҳмоқ» дейдиган одам йўқ.

Ҳа, нима ҳам дерди, хотини яхши, барибир. Анави гапни айтгунига қадар, «адаси, адаси» қилиб кўнглига караётганди. «Дорингизни ичинг, овкатингизни енг» деб турганди. Анави «лўли»нинг дарди-фикри каёққадир кетиш. Болаларини ҳам ўйламайди, лоакал. Илгарилари ёмон бўлсаям, болаларини ўша эри олиб ўтирарди. Энди-чи, кимга ташлаб кетмокчи, бу, ҳайрон. «Ўн кунга бўлса ҳам кетайлик», дейди. Дилоромни бу аҳволда ташлаб, қандай кетади?! «Ёмон кунларини унутиши керакмиш...». Маъшуқа хотин бўлмас экан-да! Дилором бошқа гап. Ола караса ҳам, дорисини ичганмикин, деб ўйлайди, унга ичи ачийди. Бу... худо асрасин, ундан! Яратганнинг ўзи бас келмаса, бандаси бас келолмайди.

Фотих Насимович шуларни кўнглидан ўтказаркан, хотини ётган диван ёнига стул суриб ўтирди.

– Онаси... яхши бўп қолдингми? – сўради у меҳр билан. Хотинининг бошини силади. Аёли унга жавоб бериш ўрнига курукшаб қолган лабларини ялади, юзини терс бурди, кўзларидан дув-дув ёш оқди.

– Янами, вей! Топилади, ўша дайди ўғлинг! Бу биринчи марта эмас-ку! Юргандир-да, ўртоқлари билан... Темболи мелиса қидиряпти. Бу занғар аҳмоқ эмас, биларди нима қилишни?

– Дилор... Парух Тошкентга кетганмикин? Зоҳид амакингникига...а?

Аёл ялт этиб эрига қаради, кўз ёшларини артди. Фотих Насимович унга чой қуйиб узатди.

– Ўша ердадир? Телепони бормиди?!

– Дафтарни кўринг-чи?! – умидланиб деди аёл. – Аммо овози заиф чиқди.

Фотих Насимович зипиллаб бориб, телефон китобчасини топди. У ердан «З» ҳарфини очиб қаради.

– Мана, боракан, хотин? – Шундай дея у «ғир-ғир» қилиб, рақам тера бошлади.

– Гапиришасанми ёки ўзим...

Хотини «ўзингиз гаплашаверинг», дегандай имо килди.

– Фақат... амакимнинг кулоқлари оғиррок, каттиқрок гапириш керак ёки ўғиллари Зикриллани чақиринг, – деди аёл синик товушда.

Фотих Насимович, қўлини нуқиб, «жим бўл» ишорасини килди. Ким биландир куюк сўрашди, каттиқ-каттиқ гапирганидан маълум, бу амакиси бўлса керак?! Эри «мен Фотихман, куёвингиз» деб уч-тўрт марта такрорлади, сўрашиб бўлгач:

– Фаррух сизларникида эмасми? – деб сўради. У ёқдан:

– Ҳаммалари тўйга кетишган, уйда ҳеч ким йўқ! – деган жавоб бўлди.

– Тўйга кетишибди! – хотинига қараб деди Фотих Насимович. – Ана, ўғлингизни ўша ерда демадимми? Калламизга келмаганини қара?

– Болалар яхшими? Ўзи соғми? – сўради Фотих Насимович.

– Ҳаммаси соғ-саломат! Жиянимга айт, хавотир олмасин! – улар хайрлашишди. Чунки кулоғи оғир одам билан телефонда гаплашиш азоб эди.

– “Хавотир олмасин!” дедилар!

Дилором ая туриб ўтирди. Чойнакдан чой қуйиб ичди.

– Шукр, ўзингга шукр! – деди у. Рангпар юзларига қон югуриб, чиройи очилди.

– Аччиққина мастава бор, деётгандингиз, ярим косагина олиб келинг! – деди у. – Эртагаёк Тошкентга жўнаймиз...

– А, дадаси, эрта-мандан йўлга чиқамиз-а?! – гина-кудуратларни унутиб деди аёл.

– Аҳмоққина-я! – деди у, ошхона томонга қараб гапираркан. Шундоқ телефон қилса, бўлади-ку!

Аммо Фотиҳ Насимович негадир безовта эди.

– Ҳа, энди, мелиса қидираётганини билган, шунга телпон қилмаган...

Шундай деди-ю, ўз фикридан ўзи хавотирга тушиб қолди. Уларнинг телефонини яширинча эшитаётган бўлишса-чи?! Фарруҳни сўраб бекор қилди-да! Улардан олдин Тошкентга мелиса етиб борса-чи?! Аммо буни хотинига билдирмади, кайфиятини бузгиси келмади. Ўзи энди юзига ранг кирди. Мана, неча кундан бери туз тотмаган одам, овқат сўради.

У ярим коса мастава сузиб, устига қошиқ учида катик, кўкат солиб хонага олиб кирди. Хотини бир йиғлаб, бир кулиб маставани ичиб олди. Ғаров-ғаров терлади.

– Эртагача яхши бўп қоламан! Анча енгилман, дадаси, – уни овутгандай деди у.

– Мен Маҳкам акага айтай! Биринчи рейс билан учамиз!

– Яхши, – аёли секин кўзғалди.

– Нарсаларни тайёрлай бўлмаса?!

– Ўзим! – Фотиҳ Насимович хотинини ўрнига ётқизиб кўйди.

– Сиз билмайсиз, – деди у лабини буриб.

– Нега билмас эканман, салкам эллик йилдан бери бирга яшайман. – Анави, гилам нусха сумкангни оласан-да...

Дилором ая жилмайди. Эр-хотин ўртасига совуқчилик тушсаям, йиллар, кадрдон ўтган йиллар барибир бирлаштириб туради. Бир-бирининг одати, кўникмалари ёд бўлиб кетади, кўзларидан биласан нима демокчи эканини...

Шу топда яна телефон жиринглади.

– Балки ўғлингдир! – деди Фотих Насимович хавотир билан.

Дилором ая ўрнидан турди, телефонда гаплашаётган эрининг ёнига келди. Аммо... эри «алло» деди-ю, рангги бўзарди. Хотинига «нари тур» дегандай кўлини сермади. Пешанаси тиришди.

– Ҳали ухламадингизми? – гўшакдан Фарида Ҳафизовнанинг овози эшитилди. Дилором ая гап нимадалигини тушунди, маъюсланиб нари кетди ва нарсаларини ўзи йиға бошлади...

– Соат неча бўлганини биласизми? – зарда килди Назаров. – Нима энди, ухлолмаётган бўлсангиз, алла айтиб беришим керакми? Йиғиштиринг майнавозчиликни!

– Мен сизга ҳеч қанақа ваъда бермаганман! Умидли ҳам қилмаганман! – гўшакка қараб ўшқирди Фотих Насимович. Аммо Фарида Ҳафизовна унга бўш келадиганлардан эмасди.

– Ҳали шунаками?! – алам билан деди аёл. – “Анави сўтак билан ажраш, уй олиб бераман, болаларингга ҳам қарайман”, деган ким эди? Мени индамай кетади, деб ўйлаяпсизми?! Бекорларни айтибсиз! – вишиллади у. – Анави препарат кимда синаб кўрилгани, синовга рухсат бериб, чеккан имзоларингиз – ҳаммасини асраб кўйганман.

Буни эшитиб Фотих Насимович жикка терга ботди. Олдидаги меҳмон сочикка юзларини, бўйнини артди.

– Йўқотинг дегандим-ку, у хужжатларни, йўқотмаганминдигиз?!

– Нега йўкотар эканман, ахир у кўлингизга солинадиган кишан-ку! – аёл яйраб кулди. – Эркакларнинг эхтироси шунақа ўткинчи бўлади. Бирон кун яраб қолар, деб асраб кўйгандим. Ахир сизни ушлаб турадиган бошқа куролим йўк-ку!

– Моччағар! – Назаров столга мушт туширди. – Минг лаънат ҳаммасига!

Аёл қаҳ-қаҳ отиб кулди. «Аламзада аёлдан кўркинчли маҳлук йўк дунёда, – деб ўйлади Назаров. – Ҳозир паст тушмаса, эртага ўзини панжара ортида кўради. Демак, керак бўлса, бу аёлга эртак ҳам айтиб беради, олдида рақсга ҳам тушади...»

Аммо улгуролмади Фариди Ҳафизовна «шак» этиб гўшакни кўйиб кўйди. Фотиҳ Насимович унга қайта-қайта кўнғироқ қилди. Бирок Фариди Ҳафизовна телефонни кўтармади. У ичкари уйдан бўшашиб, абгор аҳволда чиқди. Хотини сергак тортди.

– Ҳа, тинчликми, ким экан?

– У... анави хужжатларни йўқотмаган экан. Ҳозир келмасанг, эртага милицияга топшираман, деб дағдаға қиляпти.

Дилором ая гап ким ҳақида кетаётганини дарров тушунди. Назаровнинг баъзи ишларидан хабари бор эди. Шундан ўзини кўлга олди.

– Унда бора қолинг! Ўғлингизга куйгандим, энди сизга қяманми? – деди хотини.

Фотиҳ Насимович “шилк” этиб стулга ўтириб қолди. Бир кўли билан пешанасини чангаллади.

– Менга бу ҳам бормиди! – деди секин.

– Хато қилганман, тўғри, – деди у синик товушда. – Аммо ҳаммаси ҳам факат менга боғлиқ эмасди. Тепага чиққанинг сари одамларнинг нағмасини кўраверар экансан, хотин. Қайтага заводда инженер бўлиб юрганымда, бу машмашалар йўк эди...

Дилором ая индамади. Ўшанда ҳам эри бир мастер қизга илакишиб қолиб гап-сўз бўлганди, кейин комсомолга ўтиб кетди. Комсомолдан обкомга!

– Нега ўтирибсиз, чақираётган бўлса, боринг! – Эрини тезлатди у. Фотих Насимович тиззасига шапатилади.

– Падарига лаънат, энди Фаррух топилганида... бу муаммо чикяпти!

– Гап бундок, – деди Назаров жиддий. – Сени самолётга кузатиб, кейин ўтаман. Унгача, маҳкама ҳам ишламайди-ку!

– Мендан хавотир қилманг, дадаси. Аэропортдан Зикрилла кутиб олади. Телпон қилиб кўярсиз, – деди аёли.

Фотих Насимович унга ҳайратланиб қаради. Наҳотки, у эрини маъшуқасининг кўлига индамай топшириб кетса?! Демак, ўғлидан сиқилиб, жанжал қилаётган экан-да! Йўқ, йўқ, уям эзилади. Факат у оқила, аёл бўлгани учун вазиятни тушуняпти. Агар унинг ўрнида анави мочағар бўлганида «Илоё, турмада чириб кет!» деган бўларди. Ҳа, у шу фариштадай аёлининг ҳам кадрига етмади, бир умр қон қакшатди. Фотих Насимович илк марта ўзини айбдор ҳис қилди. Аслида доим “буни кийиб олган кўйлагини кўр, қилган пардозини кўр! Зиғирча фаросат йўқ» деб ғижинарди. Хотинини зиёфатларга олиб боришдан уяларди. Аммо олгани олтин экан. Артганинг сари ялтирайди.

– Факат... сен сиқилма! – хотинини юпатди Фотих Насимович. – Аслида... кўнглимнинг тўрида фақат ўзинг бўлгансан!

Дилором ая ялт этиб эрига қаради.

– Биламан! – деди у жилмайиб. Буни эшитиб Назаров янада ҳайрон қолди.

– Қаёқдан биласан?

– Мастлигингизда доим шундай деб йиғлар эдингиз!
– Дилором ая қулди. Фотих Насимович оғир «ух» тортди.

Эртасига эрталаб у хотинини аэропортга кузатиб кўйди. Рейсни ёзиб олиб, уйдан Тошкентга кўнғирок килди. Ҳартугул уни кутиб оладиган бўлишди.

Фотих Насимович нарсаларини олиб, энди эшикни кулфлаётган эди, телефон жиринглади. У эшикни қайта очди-ю, шошиб гўшакни кўтарди.

– Эшитаман!

– Майор Ботировман! Эсингиздами, олдингизга борган эдим!

– Ҳа, ҳа, – деди Фотих Насимович чуқур-чуқур нафас оларкан. Ҳаяжонланганидан кўллари қалтираб кетди. «Наҳотки, анави элбурутдан ҳужжатларни олиб бориб берган бўлса?!»

– Фотих Насимович, маҳкамага тезда етиб келинг! Кўрсатма беришингиз керак! – деди у. Аммо нима гаплигини телефонда айтгиси келмади. Келса, секин тушунтиради...

Фотих Насимовичнинг юраги нақ миясида урди. Дори ичди. Кейин Фарида Ҳафизовнага телефон килди. Телефон узок дут-дутлади, аммо гўшакни ҳеч ким кўтармади. «Уйдамикин ёки Ботировнинг олдида уни кутиб ўтирганмикин? Бошқа қиладиган иши йўқ экан-да, бу аёлнинг?!»

Назаров милиция маҳкамасига етиб келди-ю, нигоҳи билан Фарида Ҳафизовнани излади. Негадир у шу ерда бўлса керак, деб ўйлаётганди. Майорга айтадиган гапларини олдиндан ўйлаб олганди. Бу препарат тинчлантирувчи дорилар рўйхатида борлигини айтмокчи эди... Ҳа, Фарида Ҳафизовнанинг ўзи шундай демаганмиди?! Шунини ўйлаб яна кўнгли ғашланди.

Фақат Фарруҳнинг топилгани кўнглининг бир чеккасини ёритиб турарди.

Шу вақтгача қанча чигал ишларни ҳал қилди, қалтис вазиятлардан чикди. Бу ёғига буни ҳам амаллайди. У

захар эмас, расман тасдиқланган дори бўлса?! Энди у аёл алам устида бир жаҳл қилди-да, эй!

– Мумкинми? – эшикни икки марта қоқди-ю, ичкарига кирди. Юриши ўша-ўша. У майор билан шахдам юриб бориб, қўл олишиб кўришди. «Ҳали ҳам ўзгармабди, – ўйлади Ботиров. – Туриши, қарашлари ўша Назаров. Ўтирганда ҳам обком хонасида ўтиргандай қалондимоғ. Гўёки Ботиров унинг югурдаги...»

Ботиров у билан сўрашди.

– Фаррухнинг дараги бўлмадими? – Фотих Насимовичдан сўради майор. Майор бундай саволни кутмагани учун аввалига каловланиб қолди. Нима дейишни билмай, елка қисди.

– Дараги йўқ... – у майорга ҳақиқатни айтгиси келмади. Ботировнинг қовоғи уйилди. Кўрсаткич бармоғи билан столни чертиб, биров ўйланиб қолди.

– Фотих Насимович, уни анчадан бери излаяпмиз. Бирок бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Яқинда гуруҳдаги йигитлар ўрмондан бир майитни топиб келишди. Бизда “у Фаррух Назаров бўлиши мумкин”, деган таҳмин бор! – Ботиров энг оғир хабарни айтиб бўлгач, чуқур хўрсинди, кейин яна сўзида давом этди.

– Балки у эмасдир?! Аммо майитнинг ёши, ташки белгилари Назаровни эслатапти... Шунга сизни майит шахсини аниқлаш учун чакиртирдик...

Фотих Насимович кутилмаган хабардан гангиб қолди. «Балки Фаррух амакисиникида эмасдир?!» деган фикр хонумонини куйдирди, ўйлагани, ниятлари шу бир сонияда пароканда бўлди. Шундай эса-да, у ўзини қўлга олди. Йўқ, Фаррух амакисиникида, аммо бунини Ботировга айтмайди. Майитни бир кўриб, «у менинг ўғлим эмас» деса бўлгани! «Эй Худо, илоҳим Фаррух бўлмасин-да!» ўйлади у.

– Кўркмайсизми? – Ботиров ўрнидан турди. – Дорингиз бўлса, ичиб олинг.

Назаров унга савол назари билан қаради.

– Афсуски, – деди Ботиров кўлларини ёйиб. – Бу жуда нохуш иш. Чунки... майитни шоғол ғажиган!

Фотих Насимович Ботировга ялт этиб қаради, юраги бир кўнгилсизликни сезгандай ғижимлади. У чап кўкрагини кўли билан силади, тили тагига дори ташлади.

Улар анча юришди ва «Тиббий экспертиза хонаси» деб ёзилган эшик олдида тўхташди.

– Юзини кўрсатмаймиз, пойабзалидан танирсиз...

«Балки Фарруҳ амакисиникига бормагандир?!» деган фикр яна Назаровни киймалади. Гавдасини қанчалар адл тутишга уринмасин, барибир чўкди.

Ботировнинг орқасидан хонага кирди-ю, оёғидан мадор кочди.

Майитнинг коп-қора узун сочлари оқ чойшаб тагидан кўриниб турарди.

– Уғлингизнинг танасида бирон белгиси бормиди?!

– Ҳа, – деди Назаров ўйлаб ўтирмай. – Чап билагига татиуровкаси бор, денгизчилар лангари тасвирини игна билан чиздирган эди. Буни кўриб, роса койганман, “қамокда ўтирганлар чиздиради, бунақа суратларни”, деб. Ботиров майитнинг чап томонига ўтди ва ҳеч тап тортмай мурданинг чап билагини очиб кўрсатди. Назаров майитга яқин келди. Билакдаги суратни кўриб, чап кўкрагини маҳкам қисди-ю, кўзларини чирт юмиб олди.

– Болам... – деди пичирлаб. – Ахир... бу мени болам-ку! – алаҳсирагандай деди у. – Қандай қилиб? Ахир у кетганди-ку... Амакисиникида эди...

Назаров чайқалганча эшик томон йўналди. Аммо эшикни тополмай, деразани пайпаслади.

– Фарруҳ! Болам... Онангга нима дейман, буни қандай айтаман...

Шу тобда кўз олдига лоп этиб Фарходбек келди. Унинг алам билан «Худо урмаса, рози эмасман!» деганини эслади...

– Уни Фарходбек ўлдирди! – деди у дабдурустдан. – Бу ўшанинг иши... У бола эмас, касофат...

Ботиров индамади. Ахир у аламдан шундай де-япти-ку! Аммо барибир кўшимча қилди:

– Назаровни ҳеч ким ўлдирмаган! Танасида зўравон-лик излари йўқ. Ўлиmidан сал олдин у гиёҳванд дори ка-бул қилган. Ҳушсиз ётганида уни бўри ёриб кетган...

– Бўри... Бўримиш! Ўйлаб гапиряпсизми, майор?! Кап-катта одамни бўри ёриб кетадими?!

– Ишни қўл учида кўриб, ёпсангиз-кутулсангиз! Ҳамманг шунақасанлар! – майорга ўдағайлади у.

– Яхшилаб текшириб, ўзимга «даложит» қиласанлар!

Ботиров жим қолди. Фотиҳ Насимовичнинг гаплари-га ғашланаётган бўлса-да, индамади. Энди ўғлидан айри-либ, аччиқ-алам устида гапиряпти, деб ўйлади. Боз усти-га буйрук беришга ўрганиб қолган. Ахир у хотинига ҳам «ўртоқ хотин» деб мурожаат қиладиганлар хилидан-ку!

– Сиз энсангизни қотирманг, майор. Ишдан кетган бўлсамам, вақтида ёрдам қилиб, «ўтказиб» қўйган одам-ларим бор! Шуларни ишга соламан. Энди ҳеч кимдан кўрқадиган жойим йўқ. Бу ишнинг тагига етмай қўймай-ман! Мен энди тепадагиларнинг олдида жилпанглайдиган Назаров эмасман. Мен қафасдан қутилган шерман!

– Ботиров уни эшиккача кузатиб қўйди. «Шермиш..., – ичида ғижиниб ўйлади у. – Кексайиб, гилдираб қолган шер де!» Бўри қариса, итга кулги бўларкан! Қанчалар но-тавон эканини сезмаяпти, шекилли. Нима эксанг, шуни ўрасан, деб бежизга айтишмаган.

Майор одамгарчилик юзасидан уни навбатчи маши-нада уйига ташлаб қўйди. Икки кундан кейин майит эга-ларига берилишини тайинлади.

– Уни олиб кетишингиз учун ҳужжатларни тахт қи-либ қўяман! – деди у. Назаров эшикни очиб уйга кирди. Хон саройидай безатилган катта-катта хоналар бўм-бўш,

хувиллаб ётарди. Шу уйлар ҳам торайиб кетгандай туйилди, унга. Ҳа, қабр осийни қисгани каби қиса бошлади. Унга ҳаво етишмай, ютоқиб нафас олди. Боз устига телефон басма-бас жиринглади. Йўқ, у боласи ўлган аёлдай чинқирди, гўё. Шу тобда у телефонни уриб синдиргиси келди. Аммо... бу Дилором бўлиши мумкин, деган ўйда гўшакни кўтарди.

– Алло? – деди ҳиссиз товушда. У ёқда аёл йиғлади:

– Дадаси, Фаррух амакимникига бормабди! У йўқ?!

– Биламан, – синик товушда деди у.

– Ҳаммаларингиз Фарғонага учинглар...

– А?!

– Дилор... онаси, – йиғламсираб деди эркак. – Энди Фаррух йўқ!!!

Одамлар Фаррухнинг ҳам жанозасига оқиб келишди.

– Ёш кетди! – дейишди унга ачиниб. – Балки худо умр берганида, инсофга келармиди, ёмон йўлдан қайтармиди?! Афсуски, у қандай бўлса, шундайлигича кетди.

Раис вафотидан бир ҳафта ўтиб, қизил духоба ўралган Фаррухнинг тобути кўтарилди...

МЕЗОН

Фарҳод кечагина Назаровнинг бошига болалар ёғлишини истаётганди. Юракдаги захар-зардоб кўзини кўр, қулоғини қар қилиб қўйганди. Шу аҳволда у нималар деганини фаҳмлай олармиди?!

Фаррухнинг мурдаси ўрмондан топилганини эшитиб, ўша кунги машмашани, Фотих Насимовичнинг уйига борганини эслади. У пишқириб Назаровнинг ёқасига ёпишди: «Худо урмаса, рози эмасман!» деди. Кап-катта кишини сенлаб ташлади. Мана энди оқибат. Яна боши шишган, яна юраги сиқилган. Кўнглига қил ҳам сиғмаяпти.

Тунов куни Ҳанифа билан Чамангул келган экан. Пичир-пичир тинмади.

– Бор, ташқарида гаплаш! – деб уларни ҳам ҳайдаб солди. Чамангул хафа бўлгандир?! Қачондан бери Фарходнинг оғзини пойлайди, гоҳ маъюс, гоҳ жилмайиб қараб кўяди. Фарход эса ўз қобиғига ўралиб олган. Форда нималарни кўрганини ҳам ҳеч кимга айтмади. Гунг-соқов бўлиб олди. Етмаганига мана, Фарруҳ ҳам ўлиб берди. Ўрмонда шоғол ғажиб кетибди. Шунчалик ҳам аҳмакона ўлим бўладими?! Мана Худо урди уларни. Аммо Фарход бундан енгил тортмади. Аксинча, багтар эзилди. Ўз-ўзини еб ётибди. Фарруҳ ҳам худонинг бандаси эди, ахир. Фарход буни тан оладими-йўқми, барибир шундай бўлиб қолади. Ота-она ноқобил фарзандини ҳам яхши кўради...

Кечагина ғазабдан ўзига сиғмай кетган Фарход бугун айбдорлик ҳиссини туйди. Ёмон ният ижобат бўлганини энди кўриши. Ахир бунинг тўлови ҳам бўлиши керак. Унинг қай кўриниш ва даражада бўлишини ҳеч ким билмайди.

Аввал отасининг ноҳақликдан эзилганларини кўриб, бу дунёда адолат йўқ экан, ҳаётда фақат ўғри муттаҳамларнинг омади чопар экан, деб ўйларди. Йўқ, ундай бўлиб чикмади. Дунё асли адолат мезонига қурилган экан. Фақат буни англаш учун вақт керак эди...

Кўлдан берганга қуш тўймас, ётиб еганга тоғ чидамас, деганларидай, отасидан қолган пул ҳам, Аҳмад ақаси ташлаб кетгани ҳам урвоқ бўлмади. Шунинг учун Фарход ҳали уникида, ҳали буникида иморат ишларига қарашиб, лой қориб, ғишт қуйиб уч-тўрт сўм пул топа бошлади.

Онасига «рўзғорга» деб пул берган эди, Ҳафиза аянинг кўзлари ёшланди.

– Пул топганинг яхши-ку-я, болам, барибир бир хунар ўрган! – деди. Фарход ерга қаради.

– Фақат ҳозир эмас! – деди-ю, чиқиб кетди.

Энди мана Қахҳор деган ҳамқишлоқ йигит билан Нишонбой аканикида ғишт куйишяпти. У киши Қосимбой билан кўшни, уям бой. Аммо зикна бойлардан. Бир тийини ерга тушса, тили билан ялаб олади, дейишарди, одамлар у ҳақида. Аввалбош уникида ишлашни хохламаганди. Бунинг иккита сабаби бор эди. Биринчидан, Чамангул кўриб қолиши мумкин. Иккинчидан, бу одамдан ҳақини олишнинг ўзи бўлмайди.

Шундай бўлса-да, Қахҳор кўймади, чиқди.

Ўша нохуш воқеа биринчи иш бошлаган кунда юз берди. У шалварини химариб, лой тепаётган пайтда Чамангул кириб келди. Фарҳодни лой ичида кўриб анграйиб қолди.

– Нима одам кўрмаганмисан? Анқаймай ишингни қил! – тўнғиллади Фарҳодбек.

– Хормасинлар! – ўзига келиб деди Чамангул. – Ҳайрон қолдим, лой қоряпсанми?

– Нима бўпти, лой қорсам...

Қахҳор кизга еб юборгудай, иржайиб қараётганини кўриб ғаши келди.

– Бор ишингга! – Чамангулни жеркди йигит. Қахҳор бошмалдоғини кериб, «зўр киз эканми?» дегандай «им» қокди. Фарҳод «оғзингни юм, пашша киради» дегандай унинг даҳанига лой суртиб, оғзини ёпди.

– Бор гаплаш... – уни туртди Қахҳор. – Буни чиройлилигини кўр, бай-бай...

Фарҳод жаҳл билан уни итариб юборганди, шўрлик чалқанчасига шалоп этиб лойга йиқилди.

Чамангул қайтаётганида у устидаги лойни сидириб, ювингани кетди.

– Жим-житсиз, синфдош? – ўпкалангандай деди Чамангул.

– Дунё тинч, мен ҳам тинч!

Чамангул лабини бурди. “Тушуниб турибди, нима демокчилигини, атайин қияпти”, ўйлади у.

– Эрта-индин Тошкентга кетяпман. Ўқишга кираман! – деди қиз мақтангандай. Фарҳодбек кетмон билан лойни пишитишда давом этди.

– Яхши бориб ке! Кўрганларга салом айт.

Чамангул унга бир муддат тикилиб турди.

– Менга айтадиган бошқа гапинг йўқми? – у ҳафа бўлгандай эди.

– Ҳув, боғда айтиб бўлганман! Яна нима дей?

– Шунақами? – Чамангул жимиб қолди. Кейин тутақиб деди: – Нега бунақа қилаётганингни билмайди, деб ўйлайсанми? Ўшангами? Ҳанифа айтдимми?

Фарҳод қизга ҳайрон бўлиб қаради.

– Ҳанифа ҳеч нарса дегани йўқ. Тинчликми, Чаман?

– Менга совчи келганини айтмадимми?

– А?! – буни эшитиб Фарҳод ғалати бўлиб кетди.

Кейин тиржайиб деди:

– Ростданми? Яхши-ку! – майнавозчилик қилди у.

– Ким экан у шўрпешона? – шундай дейиши билан Чамангул унинг елкасига бир урди.

– Жинни? Нега калака қиласан? Мана сенга! – Чамангул уни яна урди.

– Эсим курсин, тилим – душманам! Аслида ким экан у бахтли йигит, демокчи эдим...

– Сен!!! – Чамангул шундай деди-ю чирт бурилиб чиқиб кетди.

Фарҳоднинг сувга тушган мушукдай шалвираб қолганини кўриб, Қаҳҳор ҳаҳолаб кулиб юборди.

– Боплади-ку, маладес! Биру нол! – деди.

– Э, йиғиштир! Давай ишла! – деди Фарҳод. Қаҳҳор қанчалик ялтоқланмасин, йигит очилмади.

Мум тишлагандай, жим ишлайверди...

Эртасига ишга келаётиб, Фарҳод яна Чамангулни уч-

ратди. Балки Чамангул уни атай кутиб тургандир, ким билади...

– Фарход нега бунақа қилаётганигни тушунмаяпман. Мен совчиларни рад этдим. Энди ўқишга кетаяпман. Сен негадир ўзингни олиб қочиб юрибсан?

– Отангдан кўркмайсанми? – сўради Фарход. – Бизни бирга кўрса, жаҳли чиқади...

Чамангул кўл силтади.

– Ҳозир мен билан гаплашмаяптилар. Совчиларни рад этганим ёқмади. Уйга келмай, онамни қийнаяптилар, – Чамангулнинг кўзлари ёшланди, бириси оқиб, ёноғига тушди-ю, қиз нозик бармоқлари билан уни тез сидириб ташлади.

– Мен билан ўчакишса, шунақа қилади. Онамни қийнайверадилар. Онам мен тараф... Ўқишга кир, деяптилар...

– Тошкент бир қадам экан-ку, келиб турарсан? – деди Фарход ичи узилиб, қизнинг кўзларига ички армон, алам билан боқаркан. Иккиси айрилаётганидан у ҳам қайғуда эди. Чамангул буни тушунди. Қиз кетгач, Фарход анчагача кўчада туриб қолди. Ҳа, Фарход бу қизнинг остонасига ҳам қадам босолмайди, уни орзу ҳам қилолмайди. Ўрталарида катта жарлик бор. Буни Чамангул ҳам тушунса қанийди?! Тушумайди. Ахир Фарход ноилож-ку! Бир-икки йил ичида Чамангулни узатишади. Фарходнинг бошида отаси йўқ, энди қачон уйланади, билмайди. Шунинг учун Чамангулга ваъда бериб, кўнглини пуч ёнғоққа тўлдиролмайди. Аммо нафақат, Чаман, юраги ҳам буни тушунишни истамаяпти... Ҳа, бир кун келиб у ҳам бойиб кетади, лекин бунга йиллар керак, унгача Чамангул икки-учта фарзанднинг онасига айланади. Кейин бўлса, «шу тентакни қандай севган эканман» деб ўйлаб юради... Шунақа... Фарход буларнинг барини олдиндан сезади, Чаман эса билмайди. Лекин севган кишингни рад этиш

қийин бўларкан. Ҳатто у тошни кемириб, сувни симириб чикқан бўлса ҳам...

* * * .

Орадан бир йил ўтди. Чамангул Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. У энди дугонаси Ҳанифа билан кўришгани уларнинг уйига бормасди. Мактабга келарди. Ҳаммасига ўша воқеа сабаб бўлди.

Ўтган йили отаси жаҳл қилиб, уйга келмаётган пайт эди. У шаҳодатномасини олгани мактабга борди. Кутилмаганда София холанинг ўғли Абдуғанини учратиб қолди. Мактабда иши борми, деса, у институтни ҳам аллақачон битириб кетганди. Абдусаттор акадай бойваччанинг ўғли икки дунёда ҳам мактабда ишламайди. Чамангул йигит уни атайлаб излаб келганини кейин тушунди. Қиз унга салом бериб, тез ўтиб кетмоқчи эди, у қизнинг биллагидан тутиб қолди.

– Ўша томи кетган Фарҳоддан қаерим кам? – деди у қизнинг билагини маҳкам қисаркан. – Гапир, қаерим кам?

Кутилмаган ҳаракатдан Чамангул кўрқиб кетди. Нима дейишини билмай, зорланди:

– Оғриди! Кўйиб юборинг!

Абдуғани қизнинг кўзларига қаҳр билан тикилди.

– Саволимга жавоб бер!

Қиз ҳам унга нафратланиб каради-да:

– Сизга ҳисоб беришга мажбур эмасман! – деди.

– Ўҳ-хў, тилинг бурро-ку! Комсомолда ишлаган кизлар шунақа бўлади, деб айтишганди. Аммо аччиқ тилларингни калта қилиб кўйиш кўлимиздан келади! «Йўк», дедингиз кетдингиз экан-да! Менга «отвод» берган киз топилмаган, ҳали! Мен «йўк» десам кетасан, тушундингми? Икки қулоғингга қуйиб ол, сен барибир меники

бўласан?! – йигит кизни ўзига тортиб, маҳкам бағрига босди-ю, итариб юборди...

– Шанақа!!!

Чамангул қотиб қолди. Йигит ўзидан мамнун машина калитини қўлида айлантриб ўйнатганича кетди.

– Тўй қилиб, хурматингни жойига қўйиб олмоқчи эдим, энди ўзингдан кўр! – ўз-ўзига гапирди йигит.

Чамангулнинг томоғига нимадир қадалди, аммо йиғламади.

– Аблах! – деди у титраб. Отасининг амалига ишониб кутуряпти...

Аммо уйга якинлашгач, Чамангул ўзини тутиб туролмади.

– Ая, аяжон! – остонадан йиғлаб кирди у, аммо отасини кўриб тўхтаб қолди. Кўз ёшларини артиб, унга хўмрайиб қаради. Шу куни отаси уйга қайтган эди.

– Чаман? – онаси унга пешвоз чиқди. – Нима бўлди, вой шўрим?

– У... анави мактабга келди. Менга дағдаға қилиб кетди! – ҳик-ҳик йиғлаганча деди киз.

– Ким экан, у даюс, Қосимбойнинг кизига дағдаға қиладиган? – отаси ҳам оғир кўзгалди.

– Абдусаттор аканинг ўғли! – киз шундай дея отасига бир қараб қўйди. Кейин нима қилиқ қилганини айтиб берди.

– Ҳеч қайси киз унга йўқ демаган экан! «Сен барибир меники бўласан», деб кетди!

– Вой ит! – отасининг мушти тугилди. – Ким билан ўйнашаётганини билмабди!

Отаси телефон гўшагига ёпишди. У дўсти билан анча гижиллашди.

– Ўғлингга айт, қадамини билиб боссин! Жа, ўзидан кетмасин, жўра, – қаттиқ-қаттиқ гапирди Қосимбой. – Сал қолса куёв қилмоқчийдим, фикримдан қайтмаган-

дим. Аммо энди Чаман тегаман деса ҳам, мени рози қилмайсизлар...

Эртасига эрталаб ҳужжат ишлари билан чиқиб кетаётган Чамангулни отаси тўхтатди:

– Мен Абдусаттор амакинг билан гаплашдим. «Ўғлим ўша атрофда изғиганини билсам, оёғини уриб синдираман» деди. Аммо сенам эсингни йиғиб ол, бола! Фарходни миянгдан чиқариб ташла. Агар ўша билан учрашганингни билсам, каллангни оламан! – деди.

Чамангул отасига норизо қараб кўйди. Яна бир кайсарлиги тутди.

– Йигитларга қарамайман, оила ҳам қурмайман! – деди.

– Бекорларни айтибсан! – унинг ортидан бобиллади отаси.

Уни ҳеч ким тушунмайди. Фарход ҳам тушунмайди. У эса Фарходдан бошқа нарсани ўйлай олмайди. У ҳам Чамангулни хафа қилади. Гаплашмайди, ўзини олиб қочади. Ҳатто ўтган йили Нишонбой аканинг уйида ишлаётганида «ҳамма гапни айтиб бўлганман!» деб уни куйдирди. Ҳа, шу бола ўзгарди, сабабини билмайди. Ҳанифа акам уйда ҳам шунақа, ҳеч гапирмайди, дейди. Кечкурун тахта каравотда кафтларини ёзиб, юлдузларга тикилиб ўтирармиш... Бекоргамасдир?! Нишонбой аканинг Баҳодир деган ўғлини нақ ажал оғзидан тортиб олганмиш. Тошкентдан келди-ю, шу гапни эшитди. Бечорани касалхонадан қайтариб беришган экан. Отасига: «Ўлгим келмаяпти, дада! Нима қилсангиз ҳам мени олиб қолинг, олиб қолинг» деб йиғлаганмиш. Ёш йигитнинг кўз ёшига чидолмай Фарход уни даволабди. Комада хир-хираб ётган одамни даволабди. Мана Баҳодир акани кеча кўчада кўрди, соппа-соғ!

Фарход Чамангулни ҳам кийнаб юборди. Узоқдан кўриб қолса, тикилиб қараб тураверади. Якин келди, де-

гунча терс бурилиб кетади! Агар имкони бўлганида Чамангулдан воз кечиб кўя қоларди, аммо юрагига буюролмайдди. Унинг ёмон одатларини эслашга уринади, аммо барибир севаверади, худди онасига ўхшаб, отаси хафталаб уйга келмайдди. Ёш хотини билан яшайдди. Онаси қийналади. Хонасига кирганида кўпинча онасининг йиғлаб ўтирганини кўради, эзилади. Акасининг ҳам жаҳли чиқади. Лекин онаси барибир отасини кечираверади...

Фарход келишган, гавдали йигит. Бирок Абдуғанидай қош-кўзлари чиройли эмас. Шунга карамай, қишлоқда уни туш кўрадиган қизлар беш-ўнта топилади. Унинг нигоҳлари бошқача, оҳанграбоси борга ўхшайдди. Бир карашда истаган кишисини ўзига ром қилиб кўядди. У-чи, унинг ҳам танлагани бормикин? У ҳеч қачон буни очиқ айтмаган. Билволгани ўша ибора: «Сени ёмон кўраман!»

Шунинг учун Чамангул Ҳанифани кўргани Фарходларникига бормайдиган бўлди. Дугонасини кўргани мактабга келади. Фарход армияга кетаётганини, Нишонбой ака Фарходга иш ҳаққини бермаганини ҳам Ҳанифа айтиб берди. У курумсок: «Машинамни ўғирлаб кетишди, жиян! Ҳали пулидан кутулмагандим», – дебди. Орадан бир ҳафта ўтмай Волгасидан айрилди. Пулини бермагани етмагандай «ўғирликни ўзинг уюштиргансан?!» деб Фарходга тухмат қилибди.

Чамангул Ҳанифа билан узоқ гаплашади. Баъзида бу ерга Фарход ҳам келади. Фақат келганини билдирмайди. Уларни дарахт ёки буталар орқасидан кузатади. Аммо Фарходнинг бу қилиғини ҳеч ким билмайди. Ҳатто онаси ҳам. Шундай кунларнинг бирида Абдуғани яна келди. Уни кўриб Ҳанифа Чамангул билан хайрлашиб кўя қолди.

– Хўш? – деди Чамангул унга норизо қараркан.

– Ваъдам кучида турибди! – деди у ҳам безрайиб.

– Ваъдами, пўписами?

– Бунинг нима фарқи бор? Мен бошқалардай ялтоқланиб ўтирмайман, шартга ҳал қиламан, қўяман.

– Яна-чи? – кесатди Чамангул.

– Янами? – ўйланиб қолди йигит. – Бўлғуси эрингиз обкомга ишга ўтяти. Шунини айтиб, хурсанд қилай дегандим.

– Вой-ей яйраб кетдим-ей... – қўлларини икки ёнга ёзиб деди Чамангул. Кейин жиддийлашди. – Қап-катта одамсиз, ортимдан илашиб юрманг. Ўйлаганингиз бўлмайди, барибир! – шундай дея қиз йўлига кета бошлади. Аммо Абдуғани унинг йўлини тўсиб чиқди. Кутилмаганда кизни бағрига тортиб, юзидан ўпди. Чамангул ўйлаб ўтирмай унинг башарасига бир тарсаки туширди.

– Уятсиз! – Чамангул йиғлаганча чопиб кетди.

Абдуғани Фарходнинг дарахт панасида туриб, уни кузатаётганидан беҳабар, мамнунликдан кўзлари сузилиб машина эшигини очди.

Осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, қаршисида пайдо бўлиб қолган Фарходбек машина эшигини қаттиқ ушлаб олди ва қаҳрли кўзларини унга ботирди.

– Агар Чаманга яна қўл теккизганингни кўрсам... ўлдираман!

Абдуғани эшикни қўйиб, четга ўтди. Қўлларини бе-лига тиради.

– Ўлдирасан? Ростданми? Бирам кўрқиб кетдимки! Нима, Чамангул хотинингми?

– У синглимнинг дугонаси, менга ҳам сингил...

– Менга эса яқинда хотин бўлади!

Абдуғани шундай дейиши билан Фарходбек унинг лунжига бир туширди. Буни кутмаган Абдуғани чалқанчасига йиқилди, уст-боши чангга беланди. У ўрнидан туриб ҳезланиб келаётгани, қандайдир кўринмас куч уни

яна ерга қапиштириб қўйди. Кутилмаган ҳолатдан Абдуғанининг кўзлари олайиб кетди. Фарҳодбек уни ўрнидан турғазиб ёқасига ёпишди.

– Гапимни тушундингми?! – ғазаб билан деди у.

– Қўйвор! – Абдуғани йигитнинг қўлига ёпишди. – Бу кизда нима ишинг бор, гапир! Лична мен унга совчи қўйганман!

Фарҳод кўлини қўйиб юборса-да, унга каттиқ қаради.

– Сен совчини Тамарангга юбор, хўпми?! – буни эшитиб Абдуғани Фарҳодга ялт этиб қаради.

– Болангга оталик қил! Бир кизнинг умрини ҳазон қилма!

– Жинними бу? – кўрсаткич бармоғини чеккасига тиради у. – Қанақа бола? Қанақа Тамара...

– Қанакалигини ўзинг яхши биласан! Буни ҳаммадан яширсанг ҳам, мендан яширолмайсан!

Абдуғани каловланиб қолди.

– Алжима сен бола! – деди. Аммо овози ғалати, синик чиқди.

– Тамарани булғаганинг ёлғонми? Энди «оппок» бўлиб, Чаманга уйланмоқчимисан? Ёлғон бўлса айт?! Кўзларимга қараб гапир!

– Мен эркакман! – ниҳоят қилмишини тан олди у. – Тамара билан ишинг бўлмасин!

– Эркак бўлсанг, эркакча иш қил! Чаманни тинч қўй... – шундай деди-ю, Фарҳод «гап тамом» дегандай йўлига кета бошлади, аммо, Абдуғани нимани кўнглидан ўтказганини сезиб, ортига ўгирилди.

– Армияга кетсам ҳам, битта кўзим Чамангулда бўлади! – деди.

Абдуғани кийимини қокиб, машинасига ўтирди-ю, бутун кўчани чангга ботириб хайдаб кетди.

Фарҳод унинг ортидан ғазаб билан қараб қолди.

«Эшак одам бўлмайди, деб тўғри айтиш экан», деб ўйлади у.

Билади, Фарҳодбек тақдир измини ўзгартира олмайди. У бундан ожиз. Аммо келгусида нималар бўлишини билмаса қанийди?!

Дунёда бир адолат мезони бор. У буни Фарруҳ билан бўлган воқеа сабаб тушуниб олди.

Ҳа, кези келса одамзот «бу дунёда адолат йўқ, ҳақиқат осмонда» деб ёзғиради. Аммо аслида, бу дунёнинг адолатидан кўркмоқ керак. Дунёнинг қасоси даҳшатли бўлишини у ўз кўзлари билан кўрмадими?! Наҳот, энди Чамангул отасининг қилмишлари учун жавоб берса?!

* * *

Фотиҳ Насимович вилоятдан техникумларнинг бирида директор бўлиб ишлай бошлади. Аммо анча чўкиб қолди. Дилором ая ҳам ўзини тутиб олди. Яхшики, таътил пайтида қизи ёнида бўлди. Неваралари бағрини тўлдирди.

Бўлиб ўтган воқеалардан кейин Фарида Ҳафизовнани касалхона бош шифокорлигидан олиб ташлашди. У фарзандларини олиб, Тошкентга кетди. Миш-мишларга караганда, у эри билан ажрашибди.

Ҳафиза ая мактабдаги ишини давом эттирди. Ўғли Ботирбек ер олиб, деҳқончилик қила бошлади. Фарҳодбек мажбурий ҳарбий хизматга чакирилди.

У хизматга жўнаб кетишига бир ҳафта қолганида Тошкентдан Чамангул келди.

Мана энди улар чиндан ҳам айрилишади. Энди ҳеч нима илгаригидай бўлмайди. Чамангул ҳам мана ўзгарди. Соч турмаги-ю, кўйлак бичими ўзгариб, унга шаҳарлик қизларнинг нуҳси уриб қолганди. Фарҳодбек ҳам сочини кирдириб олдирган, кўзлари маъюс ва ўйчан боқар-

ди. Сочи олингани учун юзи очилиб, қора қоши, янада кўзга ташланарди. У ўз ҳолидан иймангандай дамба-дам бошини силаб кўярди.

– Мен энди нима қиламан? – кўзлари жавдираб деди Чамангул.

– Нима қилардинг, эрга тегасан-да! – шарақлаб кулганча деди Фарходбек.

– Ҳазил қиладиган пайтми, ҳозир! Мен жиддий гапираяпман.

– Бу ҳазил эмас. Сени ёмон кўраман, деб неча марта айтишим керак?!

– Фарход!!! – бас қил дегандай таънали оҳангда деди Чамангул. – Ахир... мен? – у ёғини айтолмади.

Фарходбек унга яқинлашди. Қизнинг юзларига кафтини босиб, унинг чарос кўзларига қаттиқ тикилди.

– Тўғрисини айтсам, ўламан! – деди у ўкинч билан. – Нима қилай ахир, эрким ўзимда эмас. Мен шамоллар ўғлиман, биласан-ку! – Фарходбек кизнинг пешанасидан ўпди.

– Илоҳим, бахтли бўл!

Қиз йиғлаб юборди ва Фарходнинг бағрига сингиб кетди.

– Мен «шамоллар ўғли»сиз бахтли бўлолмайман. Фарход бир нарса де?! Гапир...

Фарходбек кизни бағридан бўшатди. Унга ўкинч, армон билан қаради.

– Мени кутма!

– Мен барибир кутавераман, барибир, эшитаяпсанми?

– Мен сени ёмон кўраман, Чаман. Мени кийнаганинг учун ёмон кўраман...

Улар айрилишди.

ОППОҚ АТИРГУЛЛАР

Ипак уйга хориб қайтди. Аммо эшиги тагида ётган оппоқ атиргулларни кўриб, кокилиб тушай деди. Гулни олди-ю хайрон бўлганча атрофга аланглади. Ҳеч зоғ йўқ. Эшикни очиб балконга чопди. Синиқ кўзи елимлаб кўйилган деразадан пастга қаради. У ерда бир тўда бола кўчани бошига кўтарганча тўп тепарди. Гул келтириши мумкин бўлган бирон кимса кўзга ташланмади. “Қизиқ...”, деди у елка қисиб. Барибир юраги ёкимли қалқиб кўйди. Атиргулларни гулдонга солиб, хонага йўналди. Дахлизнинг поллари ғижирлади, “инграб” ғашига тегди. Бир хонали арзон-гаров ижара уйнинг аҳволи шу-да!. Уйнинг деворлари қўшнилар сув оқизавериб, “йиғлагандан” баттар бўлиб кетганди. Оппоқ атиргуллар ана шу хилвираган уйга бир нур, қувонч олиб киргандай бўлди. Шу сабабми, Ипак гулларни узок томоша қилиб ўтирди. Ўша сирли қахрамонни ўзича тасаввур қилиб кўрди. Ким экан-а, у? Ким бўлса ҳам Ипакнинг кўнглини тўғри топибди. У оқ атиргулларни яхши кўради...

Бу йил мана йигирма саккизга тўлади. У тенгилар икки-учта болали бўлиб кетишди. У эса ҳамон ёлғиз. Сабаби тушуниксиз. Мовий кўз, ўрта бўй, хушрўйгина... Лекин, балки онасиз улғайгани учун шундайдир?!

Онаси ўлганида у 10 яшар жамалак соч қизалоқ эди. У ўшанда жуда кўрқиб кетганди. Кичкина юракчаси дукурлаб тез-тез урган. У юзига рўмолча тортиб кўйилган онасига ҳадик ва хайронлик билан қараб турарди. Қандайдир ёмон, мудҳиш воқеа юз берганини тушунган, билган эди. Кейин одамлар денгизи онасининг тобутини лопиллатиб қабристонга олиб кетишди. У йиғлаганча одамлар ортидан қараб қолди. Кейин кўниқолмади. Назарида онаси касалхонага кетгану кечга томон кириб

келадигандай. Уни ҳар куни кутди. Болаларидан баттар довдираб қолган отасидан ҳеч нарса сўролмади. У кутди, кутаверди, аммо онаси қайтмади... Бола бўлса-да, унинг ичини нимадир кемирарди. Фақат қочиб кетгиси келарди. Ўшанда у бир ой овқат емаган. Томга чиқиб кетарди. Қишлоқдаги лойсувоқ томлар баҳор келиб ўт-ўланга кўмилар, лолақизғалдоқлар чаман бўлиб очилиб ётарди. Ипак томда ўт-ўланлар устида ётганча осмонда оқиб юрган оппоқ, парку булутларни томоша қиларди. Улар гоҳ куш, гоҳ шер қиёфасига кириб қизчага им қоқарди. Бир-икки ўжарлик қилганида холаси “ана, ойинг осмондан қараб турибди!”, деб уни “инсофга” чақирарди. Шунга-да, у онамни кўриб қолармикинман, деган умидда томга кочарди. Осмонга тикиларди-ей...Қарангки, тасаввури жонланиб, у ҳам булут-кушга айланарди-да, осмон тоқига учиб кетарди ва албатта, бошига келинларнинг оппоқ тўр рўмолини ташлаган онасини кўрарди... Аммо пастдагилар уни чақириб, бари хаёлларини тўзитиб юборишарди.

– Ипак, хув Ипак... Ҳозирок пастга туш! Овқатингни емайсанми, болажон? – уни чақирарди, бувиси.

– Емайман!

Жавобни эшитиб дастурхон атрофида ўтирганларнинг боши эгиларди. Шу кичкина вужуд ҳам ўзи тушуниб-тушунмай исён қилаётганди. Шу йўл билан қизалок дунёга у бевафо эканини билдириб қўймоқчи эди. Дунё буни билармиди?! Билса ҳам онасини қайтариб берармиди?!

Ўшанга томдан тушар, аммо барибир овқат емасди. Ипак ниманинг ҳисобига, қаердан қувват олиб, яшаб юрганига ҳамма хайрон қоларди...

Ўшандаёқ дунёга қарши тура олган вужуд бир оддий шифокорга бас келолмайдими!?

У жамоага янги келган шифокор билан сира чиқиша

олмаяпти. Уни деб, ахир, тажрибали болалар шифокори Тўқсоновага ариза ёздиришди-ку! Тўғри, у пенсия ёшида эди, шунга карамай, у канча-канча боланинг хаётини саклаб қолганди... Афсуски, орадан кўп ўтмай Тўқсонова вафот этди. У болаларни жуда яхши кўрарди. Ишидан, жажжи болажонлардан айрилганига чидай олмади. У туғма шифокор эди! Агар манави олифта Фариди Ҳафизовна ҳам бармоқларидаги тилла узукларни томоша қилиш ўрнига, беморлар ҳақида қайғурганида эди, Адҳамов аллақачон кўзини очган, она учун тўхтаб қолган вақт ўз измига тушиб кетган бўларди. Энди вақт Ипак учун ҳам тўхтаб қолганди...Энди кутиш керак эди. Афсуски, манави оппоқ атиргуллар ҳам унинг нохуш хаёлларини қувиб юборолмасди.

Муборак исмли аёлнинг боласи оғир, кўзини очмай ётганди. Она шўрлик кунми-тунми, билмаётганди. Йиғламасди, атрофдагиларни ҳис қилмасди ҳам. Оилада кенжатай, ёлғиз ўғил шу бола экан. У эса, анави олифта, ўлим билан олишиб ётган болага эндокаротоминин ёзибди. Ёзмаган, оғзаки буюрган. Гулчеҳра “дорини дафтарга қайд қилмабсиз”, дебди. Диёрова бўлса, кейин расмийлаштириб кўяман, дебди. Шунинг учун Ипак иккиланиб қолди. “Бунда бир гап бор?”, деб ўйлади у.

– Бу уколни мен қилолмайман! – деди у шифокорга тик қараб. – Бола буни кўтаролмайди!

Фарида Ҳафизовнанинг лаблари қимтилни. Ипакка бироз кибрланиб қаради.

– Мен тушунолмай қолдим: сизми шифокор ёки менми? – ингичка қошларини учириб деди у.

– Бултур шу уколни деб бир бола комага тушиб қолган, аранг ўзига келтирганмиз...

– Тўқсонованинг давридами? Энди у аёл кекса эдида, янги усулларни билмаган. Гапни кўпайтирмай, айтганини қилинг! Ҳаммаси бирам ақллики, булар...

– Кириб ўзим текшираман! – унинг ортидан бакириб қолди шифокор.

Чиндан ҳам Ипак палатага кириши билан ортидан Фариди Ҳафизовна келди. Ипак шишадаги “захри қотил”ни шприцга тортди-ю, аммо игнани санчмай, дорини киши билмас пахтага оқизиб юборди. Буни беморнинг онасидан бўлак ҳеч ким сезмади. У кўзларини катта-катта очганча ҳайрат билан ҳамширага қаради. Ипак аёлга маъноли тикилганча, “шундай қилиш керак”, дегандай “им” қокди.

Палатадан чиққанида унинг оёк-қўллари қалтирарди. Кўнглида бир ҳадик, гумон бор эди. Тўғри қилдими-йўкми?

Эрталаб қиз вазадаги оқ атиргулларга бир қараб қўйди-ю, чиқиб кетди. Яна кўнгли алғов-далғов бўла бошлади. У касалхонага тезроқ етиб боришни истарди. Адҳамов нима бўлдийкин? Шу пайт ортидан бир шарпа илакишгандай туюлди. Ипак ортига ўгирилиб мовий, осмондай тиниқ кўзлари ила кимнидир излади. Тополмади. Хайрон, яна йўлига кетди. Кейинги пайтда шунга ўхшаш ғалати бир ҳолатни ҳис қиляпти. Биров ортидан эргашаётгандай туюлади. Ўгирилиб қараши билан у ўзини панага олади. Ёки у ишхонадаги ғиди-биди-ю, дод-додлар туфайли ақлдан озяпти ёки уни чиндан ҳам кимдир кузатяпти. Ҳа, бу бўлимда болалар нобуд бўлади. Шу ондаги оналар фарёдини тасаввур қила оласизми?! Йўк... охирги пайтда Ипак ҳам бунга чидолмаяпти. Шу туфайли эрталаб қаҳвага оз-моз конъяк қўшиб ичади. Шундагина ҳовури бир оз босилгандай бўлади. Кечкурун яна... Чунки ухлай олмайди. Болалар ингроғи-ю оналар ўкириги қулоғида акс- садо беради. Унинг кикиккина жуссаси бунга дош беролмайди.

Бу ярамас одат қандай оқибатларга олиб келишини у жуда яхши билади. Лекин барибир қутулолмаяпти...

У зинадан ютоқиб тепага кўтарилди ва бўлим бошлиғи хонаси ёнида тушиб қолган ташриф қоғозчасига кўзи тушди. У буни тўйга таклифнома бўлса керак, деб ўйлади ва тилла халли ёзувга кўз ташлади: “Нариманов Эркин Аббосович, фармацевт”. Ундан кейин шу одамнинг манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган эди. Пастда Адхамовга тавсия қилинган эндокаротомиянинг иловаси бор эди. Буни кўриб киз қотиб қолди. Юрагига ғулғула тушди. “Гап бу ёқда экан-да!”, ўйлади у қоғзчани чўнтагига яширар экан.

Бу аёл уларга яқинда ишга келди. Айтишларича, вилоятдаги шаҳар касалхонасида бош шифокор бўлиб ишлаган экан. Нега уни болалар бўлимига ўтказишган, ҳамма хайрон. Яна денг, бўлим бошлиғи лавозимига! Бу аёлнинг ўтмиши ҳам сир... Эри йўқ, учта боласи бор экан, дейишди. Аммо роса бой турар эмиш. Буни ҳар куни алмашадиган энгил-боши-ю, тилла такичокларидан ҳам билса бўларди. Яна денг, у кибор билан тим кора “Мерс” хайдаб келади.

Ипак Адхамовнинг палатаси ёнида Фариди Ҳафизовнага нақ урилиб кетай деди. У ҳамширага кинояли назар ташлади ва кутилмаганда:

– Тўғри айтган эканманми? – деди ичкарига имо қилиб. Кейин қизни нигоҳи билан ер қилганча бошқа палатага кириб кетди.

Чиндан ҳам кичкинтой онасининг бағрида ўйнаб ётарди. Буни кўриб Ипакнинг юраги хапқирди. Бу гигиенага тўғри келмаса-да, боланинг иккала юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Кичкинтой эса оқ халатлиларни кўриб, ғингшиб йиғлай бошлади. Ипак боланинг чириллашига қарамай, уколларини қилди. Боланинг онаси эса Ипакнинг кўзига балодай кўриниб қолган ўша қимматбаҳо дори қутисини олиб, ҳамширага берди.

– Бу-чи...?! – унга савол назари билан қаради аёл.

– Кейин... – кутини кўли билан яширди Ипак ва пала-тадан отилиб чиқиб кетди.

Муолажа хонасида кўл юваётган эди, дугонаси Гулчеҳра кириб келди.

Икки ҳамшира бир-бири билан сирдош. Ёши ҳам тенг, муаммоси ҳам ўхшаш, яъни Гулчеҳра ҳам турмушга чиқмаган. Шунинг учун икки дугона бир-бирини яхши тушунади.

– Эндокаротоминни мени касалимга ҳам ёзибди. Тавба, ҳаммага ёзаяптими? Бу уколни қилмайман, десам, онаси тўполон кип ташлади. Эри буни фалон пулга сотиб олган эмиш... Нима қилишимни билмаяпман. Шунини қилиб балого қолмасам эди...

– Анави касалинг нима бўлди? Азизамиди, исми? – сўради дугонаси. – Боксдан чиқаришдимми?

Болалар бўлимига Азиза исмли қизалок ҳам ётқизилганди. Унга зотилжам деб ташхис қўйилган, аммо кейин кутилмаганда унга кизамик тошиб кетди. Ими-жимиди унга “дорига аллергия”, деб хужжатлаштирилди-ю, боксга ётқизилди. Гап шундаки, кизамикнинг белгилари бошланиш даврида зотилжамга ўхшайди. Шов-шув қилмаслик учун шифокорлар уни боксга ётқизиш даволай бошлашди. Аммо қизалок жуда нимжон эди. Кундан кунга унинг яшаб кетишига умид камайиб борарди. Бунинг устига қизча юрак нуқсони билан туғилган экан...

Ипак шу қизчани яхши кўрар, доим ундан хабар оларди. Гулчеҳра шу қизни сўраётганди.

– Ётибди ҳали... Аҳволи яхши эмас. Опа уйдагиларига умид кам депти... – Ипак кетишга чоғланди. Кейин бир нима ёдига тушгандай ортига ўгирилди.

– Айтганча, Азизанинг тоғаси келиб турибдимми? – қувлик билан сўради Ипак. Чиндан ҳам бемор қизнинг Анвар исмли тоғаси бўлиб, у кунда-кун ора шу ерда пайдо бўлиб қолаётганди. Жияни учун келяпти, деб ўйлай-

сизми, аксинча. У Гулчехрани ёктириб қолганди ва ҳар сафар қизнинг навбатчилигини пойлаб келарди. Қиз эса буни ҳушламасди. Шу боис ҳам бугун Ипакнинг ўрнига навбатчиликка қолаётганди.

– Бекор қилаяпсан! – деди Ипак жилмайиб. – Яхши йигитга ўхшаяпти, топармон-тутармон...

– Яхши йигитларнинг хотини кетиб қолмайди, билсанг. Ажрашганми, демак, бир балоси бор! Мен барибир ўзимга ўхшаган уйланмаган йигитга тегаман!

– Кут, кутавер, уйланмаган йигитни! 28 яшар қизга уйланаман, деб ўлиб тургандир...

Гулчехра лабини бурди.

– Мендакасини топиб бўпти! – писанда қилди у.

– Аҳдингдан қайтсанг, айтарсан. Навбатчиликка ўзим қоламан.

– Аҳдимдан қайтганимни кўрганмидинг! Келишдик-ку, энди! – деди Ипакнинг ортидан дугонаси. – Навбатчиликка қоламан дедимми, қоламан! Шефиня билан бирга сузилишиб ўтирамиз. Унга ёқмоқчи бўлсанг, тиллаларини мақта, олам гулистон!

Ипак дугонасига маъноли қараб кўйди.

– Мен унга ёқмоқчи эмасман!

– Йўғ-э! Анави “палатний” Ботир ака бору, шу ҳам опанинг олдига кириб жилпанглагани-жилпанглаган. “Пахта кўйиб” ётибди...

Ипак чўнтагидаги бояги ташриф қоғозини олиб, унга кўрсатди. Ундаги ёзувларни ўқиб:

– Вой писмиғ-ей! – деб юборди Гулчехра ҳам. – Улар билан келишиб олганмикин?

– Бу ёғини худо биледи... – деди Ипак елка қисиб.

Ипак хорғин уйга қайтди. Аммо эшиги тагида турган бир даста оппок атиргулларни кўриб, яна эси оғиб қолаёзди. У кун бўйи бу воқеани эсламабди ҳам, дугоналарига айтмабди ҳам.

Қиз атрофга аланглади. Хайрон бўлганча гулни ердан олди-ю, ичкари кирди. Эшиги ғийқиллаб зорланиб очилди...

Йўқ, ҳеч нима ўзгармаган, пастда болакайлар тўп тепаяпти, гул тақдим этиши мумкин бўлган бирон зот кўринмасди. Ҳа, гулдаста олиш ҳамширалар учун одатий ҳол. Бирон бемори олиб келгандир...Беришга уялиб, эшик тагига ташлаб кетгандир...

Аммо барибир “у ким бўлиши мумкин?”, деган фикр хаёлида айланаверди. Овқат еётганида ҳам, телевизор кўраётганида ҳам шуни ўйлади. “Бўпти-да энди...”, дерди-ю, хаёли яна гулга кетарди. Унақанги ўзига ишонмайдиган танишнинг унга нима кераги бор?!

Ниҳоят, китоб ўкиб ётганча у ухлаб қолди. Аммо ярим тунда телефон чинқиритишдан уйғониб кетди. Гўшакнинг у томонида дугонаси Гулчехра йиғлар, гапиролмасди...

– Адҳамов, Адҳамов... – деди у пик-пик йиғла-ганча.

– Адҳамовга нима бўлди? – уйқули овозда сўради Ипак.

– Опа, тез етиб келсин, деяпти. Прокуратурадан одам келармиш?!

– Нима?!

Ипак гўшакни кўлида тутганча стулга ўтириб қолди, юраги гуп-гуп уриб кетди. Ҳардамхаёллик билан плашчини кийди-ю, икки-учта зинани битта қилиб босганча кўчага отилди.

Тун бўлишига карамай, ҳамма оёкка турганди. Дахлизда у Адҳамовнинг қариндошларига дуч келди. Улар орасидан боланинг онаси юлқиниб чиқди-ю, Ипакнинг сочларига ёпишди.

– Сен айбдорсан, сен... – деди у изиллаб йиғлаганча. – Сен дўхтир ёзган уколни қилмадинг! Боланг ўлсин илоё, боланг ўлсин...

Ипак йиғламоқдан бери бўлиб тўзиб кетган сочларини тўғирлади-да, муолажа хонасига кириб кетди. У ерда йиғидан кўзлари қизариб кетган Гулчеҳра майитнинг жағини боғлашга уринарди.

– Нима бўлди? – даҳшатдан кўзлари каттариб сўради Ипак. – Яхши эди-ку?!

– Эээ! – кўл силтади хамшира. Ипак энгашганча марҳум болани кўздан кечира бошлади. Унинг чап томони кўкариб қолганига эътибор қилди. У бошини кўтариб, дугонасига савол назари билан қаради:

– Бу нимаси?

– Сен кетгач, роса тўполон бўлди. Адхамовнинг онаси бўлим мудирининг олдига кириб, шикоят қилибди. “Анави кўккўз хамширангиз буюрган уқолингизни қилмаяпти”, дебди. Кейин болани муолажа хонасига олиб кириб кетишди. Онани киритишмади. Бола шундай биғилладики... Онаси эшикни тепгундай бўлди, очишмади. Кейин шалвираган болани онага тутқазишди. Нима бўлганини мен хам тушунолмай қолдим. Дод-дод бўп кетди. У...у ўлган экан. Боланинг онаси қутурган итдай ҳаммага ташланаяпти. Отаси опага “ҳаммангни қаматаман!”, деб чиқиб кетибди.

– Ҳозир милиция келармиш... унгача ўлик қотмасидан жағини бойлаб кўяй дегандим...

– Менга бер-чи! – Ипак боланинг иягини бойлаш учун энгашди, рўмолни энгагидан ўтказиб, бойламоқчи бўлиб турганида, марҳумнинг оғзидан қон отилди-ю, хамширанинг уст-бошини кип-қизил қонга беллади. Ипак сесканиб, ортига тисарилди. Милиция ходимлари муолажа хонасига кириб келганида хамширанинг уст-боши қон, бир аҳволда турарди...

Уларни кўриши билан Ипак багтар довдираб қолди. Кейин “мен ҳозир...” деганча хонадан отилиб чиқиб кетди. Орқадан милиционернинг ўдағайлагани эшитилди.

– Нега ўликка тегдингиз? – деди у ғазабланиб, гўё бу ҳамширалар тил бириктириб, жиноят изини ёпмоқчи бўлгандай. – Биз уни экспертиза қилишимиз керак!

– Иягини бойладик, холос. Тўсатдан қон отилиб кетди! – дугонасини окламоқчи бўлиб деди Гулчеҳра.

Ипак ювиниш хонасига бориб юзларини, қўлларини совунлаб ювди. Кейин ойнага қаради-ю, ахволига ачиниб, изиллаб йиғлаб юборди...

АРМИЯДА...

Фарҳодбек аскар формасини кийиб, ташқарига йўналди. Шапка ўрнига кўкондўпписини кўндирди. Йўкса, ҳамма козоқмисан, кирғизмисан”, деб сўрай-вериб, хит қилиб юборади. Ҳатто татармисан, деб ҳам сўрашди.

– Бугун кимнинг гали эди? – ортидан баҳайбат рус йигити Павелнинг дўриллаган овози эшитилди.

– Анавининг! – хи-хилаб кулганча Фарҳодни кўрсатди Ринат исмли аскар. – Келганидан бери у бирон марта пайпок ювмади, нима унинг шохи борми?!

– Шундайми?! – маъноли қилиб деди Павел. У “дед”ларнинг пайпоғини йиғиб, тоғорага солди-да:

– Агзамов!!! – деб чақирди таҳдидли овозда. – Манавиларни ювиб қўй, тез! Шундай ювгинки, атир хиди келсин!

Казармадаги аскарлар хи-хилаб кулишди.

Фарҳодбек аста ортига ўгирилди. Павелга яқин келди-да, кўзларига тик қаради:

– Керак бўлса, пайпоғингни ўзинг юв! Мен сенга ма-лай эмасман! – деди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кимга-кимга, нак казарманинг “зўри”га тик қараб гапиргани ҳаммага нашъа қил-

ди. Ахир йигитлар бу айикдай боладан командирдан баттар кўркишади-ку!

Павел кизариб кетди ва хамманинг олдида изза бўлмаслик учун пайпоқ солинган тоғорани Фарҳодбекнинг қўлига куч билан тутказиб қўйди.

– Қани ювмай кўр-чи?!

Фарҳодбек тоғорани ерга қўйиб бир тепди.

– Нима қилардинг ювмасам? – унинг кўзларига ғазаб билан тикилганча деди у.

– Мана бундай қиламан! – Павел тоғорадаги димоғни ёргудай сассик пайпоқларни олиб, Фарҳоднинг юзига босди. Босди-ю, кутилмаганда худди ток ургани каби бадани дириллаб кетди ва у деворга бориб шундай урилдики, бир муддат кўз олди қоронғилашиб, ўтириб қолди... Шу пайтгача кўркқанидан ўзини тийиб турган солдатлар гурра кулиб юборишди.

Павел кутуриб ўрнидан турди. Енгилган курашга тўймас, деганларидай вишиллаб келиб Фарҳодбекнинг ёқасига ёпишди. Йигит унинг бақувват қўлларини маҳкам ушлаб олди-да:

– Менга кучинг етмайди, барибир! – деди катъий. – Бундан кейин мендан узокрок юр! – шундай дея у Павелни бир силтаб юборди. Кутилмаган ҳаракатдан “дед” кети билан полга ўтириб қолди. Ҳамма жим. Бу сафар улар Павелнинг устидан кулгани кўркишди. Чунки у нақ кутурган буканинг ўзгинаси бўлиб қолганди. Биров бир нарса деса, унга қўшиб, казармани ҳам кўтариб ташлагундай пишқириб турарди.

– Ёмон-ку, бу ўзбек! Уни қара-я?! – бошини сараклатди Жамил. Ичида суюнди. Ўзи бу Павел деганлари жуда ҳаддидан ошаётганди. Юввош, янги келган аскарларни шундай хўрлардики... унга ҳам бас келадиган ота ўғиллар бор экан-ку, мана. Фарҳодбекни биринчи бор кўрганида, уни шунақа чапдаст деб сира ўйламаганди. Бу

йигит негадир осмонга тикилганча хаёл сургани-сурган эди.

Ўзини “экстрасенс”, деб эълон қилган белоруссиялик йигит Петро югуриб келиб, старшинанинг туришига ёрдамлашиб юборди.

– Буларни ўзинг ювиб кўй, Петруха! – деди у белини ушлаганча. Кейин бошини ушлаб кўрди. Кўлига кон юкиб, Фарходбекка караб муштини дўлайтирди:

– Фу, педараза! Дабдалангни чақармасамми, сени!

– Ўшанда ҳам худди шундай бўлади! – унинг сўзини чўрт кесди Фарходбек ва ёш солдатларга караб кўз қисиб кўйди. Уларнинг баъзилари оғзини ёпиб, пикирлаб кулди. Павел уларга ҳам еб юборгудай караб кўйди.

– Отставить! – тиши орасидан вишиллаб деди у. – Қани ҳамманг ишингга бор-чи!

Унинг ёнидан ўтиб кетаётган Фарходбекнинг кулоғига пичирлаб деди:

– Ўв, педараза, бу ишни бундай колдирмайман, эшитдингми?

– Кўлингдан келганини кил! – пинак бузмай деди Фарходбек.

Лаганбардор Петруха эса Павелни кароватига ўтқазиб кўйиб, ўзича даволай бошлади. Кафтини унинг бошига кўйиб, бир нарсалар деб дуо ўқиди.

– Вей, олдин бошни бойламайсанми, анқов!

– Ҳозир кон ўз-ўзидан тўхтаб қолади. Бойлаб ҳам улгурмайсиз...

Петруха канчалик терлаб ишламасин, кон барибир тўхтамади. Павел унинг бошига бир урди.

– Маҳарабоз!

Павел “дед”лар билан бирга тиббий бўлинмага йўл олди.

– Нега индамадинг! Эсини киритиб кўймайсанми, у

қораялоқнинг! – жиғилларди Михаил. – Шарманда қилди-ку, бизни!

Павел дўстига олайиб каради.

– Мени Паша эканимни биласан-а! – деди у жаҳл билан. – Онадан туғилганига пушаймон қилдирмасам, эркак эмасман. Сўзим сўз, эслаб кўясан, ҳали!

У ичкари кириб, бошини бойлатиб чиқди.

– Яна муштлашдиларингми? – деди шифокор. – Жў-жахўрозлар!

– Йиқилиб тушдим! – деди Паша жароҳатига йод суртаётган хамширага илжайиб қараркан.

– Биламан, сенларнинг қанақанги “йиқилишингни”...

Паша индамади. Ўшшайиб ўтирган оғайниларига қараб кўз қисиб кўйди. Ташқарига чиқишгач, Руслан уни тергади.

– Нега Фарходни айтмадинг? Нега йиқилдим, дединг!?

– Менда бир режа бор. Агар Фарходга бир кор-хол бўлса, мендан кўришмасин, дедим. Шунийчун сенларам “писта” қилиб юрларинг...

Улар йўлдан почтага кириб, бўлинмага тегишли хатларни олишди. Казармага киришлари билан уларни аскарлар кушларга дон сепилгандай талаб кетишди. Ҳамма ўзига тегишли хатни олиб, хилват жой қидириб қолди. Биров илжайиб, биров анграйиб, Петрога ўхшаганлар йиғлаб, хат ўқишга тушиб кетишди.

Фарходбекка доим иккита мактуб келарди. Бириси уйдан, иккинчиси Чамандан. У Чамангулдан келган хатни ўқиб ҳам ўтирмасди. Печга ташлар ёки йиртиб, майда-майда қилиб, чиқинди идишга итқитарди.

У уйдан келган хатни ўқиётганди, Жамил келиб ёнига ўтирди.

– Ҳар сафар кузатаман: хатнинг биттасини ўқийсан, иккинчисини печга ташлайсан. Яхши кўрган қизингдан келганми, у хат?

– Бу ҳақда сўрамаганинг яхши, – пўнғиллади Фарходбек.

– У сенга хиёнат қилганми?

– У унақа киз эмас. Шунча тушунтирсам ҳам тушунмаяпти.

– Бошқасини севасанми?

– Э, муаммолар кўп. Отаси бой одам. Уни менга бермайди.

– Шуми, муаммо? Унда кизни олиб коч!

– Эҳ, Жамил! – унинг елкасига уриб кўйди Фарходбек. – Гап бунда ҳам эмас, асли. Бундан ҳам жиддий муаммолар бор. Сен буни тушунмайсан. У ҳам шу. Уни бахтсиз қилгим келмайди.

– Манави ерда ёзилгани бўлади, – пешанасини сидириб кўрсатди Фарходбек.

– Ола, опқоч-а! Сен шунақа демагин, оғайни! Қанийди, мени Гульзираам ҳам хат ёзса?!

– Ташвиш чекма, ёзади!

– Э! – кўл силтади Жамил. – Петруха ҳаммаси тамом, деди. У бошқа йигит билан учрашиб юрганмиш...

Фарходбек Петрухага караб кулиб юборди.

– Бип-бинойидай фолбин экан-ку, бу бола! Ай да Петруха...

– У экстрасенс!

– Нима “сенс” дединг?

– Экстра!!!

– Арокнинг номланишига ўхшарканми? – лабини бурди Фарходбек. – Мен ҳеч қанақанги “сенс” эмасману, лекин Гульзиранг бу ёққа келаётгани аниқ!

– Калака қилаяпсанми? – деди Жамил жаҳли чиқиб. – Гульзира-я, шу ёққа келармишми?

– Мана кўрасан! – хотиржамлик билан деди Фарходбек. – Ахир унинг қариндошлари бор-ку, бу ёқда. Билармидинг?

Жамил елка қисди.

– Сўрамаган эканман...

– Кимидир бетоб унинг, шунга келаяпти?

– Ие, сенам фолбинмисан, аскар?

– Ўчир... Қанақа фолбин, шунчаки баъзи нарсаларни биламан.

Ташқарида аскар йигитлар гурса-гурс қадам ташлаб ўтишди.

– Ротаа, сафлан!!! – ташқаридан командирнинг овози эшитилди. – Ҳамма сочикларни олиб, ҳаммомга шагўўм марш! – аскарлар ҳарбий кўшиқни айтиб, ерни зириллатиб қадам ташлаб ўтишди.

Фарҳодбек негадир жим бўлиб қолди.

– Фалокат... – деди у секин. – Фалокат...

Фарҳодбек ташқарига учиб чикди.

– Ўртоқ командир... тўхтатинг уларни! Буйрукни бекор қилинг! Ўртоқ командир...

Командир ортига ўгирилди. Фарҳодбекка хайрон бўлиб қаради. Йигит унга чест берди.

– Нима дейсан? – кўполлик билан сўради у.

– Уларни тўхтатинг, ҳаммомнинг томи босиб қолиши мумкин? Бино таъмирталаб, авария ҳолатида!

– Оббо! – асабий кўл силтади бошлиқ. – Яна битта Петро етишмай турувди, бизга! Анави сафар “боеприпас”дан ёнғин чиқади, деб ҳаммани лақиллатди. Атай қиласанларми? Отставить! Жиддийроқ иш билан шуғуллан, солдат!

Аскарларнинг кўшиғи узоқдан эшитилди. Фарҳодбекнинг кўз ўнгида эса лопиллаб ҳаммомнинг томи босиб қолгани-ю, чанг тўзон билан бирга ёнғиннинг осмонга ўрлагани намоён бўлди. Энг ёмони улар орасида командирнинг ўспирин ўғли ҳам бор эди...

– У ўлади! – деб юборди Фарҳодбек. Аммо командир буни эшитмади.

ТАФТИШ...

Тафтиш ишлари аллақачон бошланганди. Адхамовнинг касаллик тарихи-ю, ҳамшираларнинг муолажа дафтари титкиланавериб хилвираб кетди...

Ҳамшира-ю шифокорлар кунда-шунда изғиб юрган кўзи кисик, қора костюм-шим кийган терговчига ғашланиб карашарди.

Фарида Ҳафизовна ҳам бунақаларни жини суймайди. Шунинг учун унинг ёнидан ўтиб кетаётиб:

– Бу ер касалхона, чет кишилар узок қолиши мумкин эмас! – дея писанда қилди.

У Ипакдан нега Тўксонова анави препаратдан воз кечганини суриштирди. Аммо гапи чала қолди. Дахлиздан Ипакнинг дугонаси Гулчеҳранинг:

– Ким боор, ёрдам беринглар! – деб чинқиргани эшитилди.

Ипак ҳам, Фарида Ҳафизовна ҳам чопганча йўлакка чиқишди.

– Бемор, янги келган... шайтонлаб қолди! – ўша палатага кўли билан ишора қилди у.

– Дексаметазон! Тез дексаметазон килинг!

Боланинг онаси дахлизда йиғлар, бўлим бошлиғи, палата шифокори бемор болани ўзига келтиришга уринишарди. Яхшики, тилини қошиқ билан ушлаб қолишди. Беморнинг ўзи эса ҳамон талвасада тўлганиб ётарди. Ярим соат беморнинг хаёти учун курашишди. Дори таъсир қилиб, бола ҳушига келди ва атрофини ўраб олган шифокорларни кўриб йиғлаб юборди.

Бола билан бирга ўлиб-тирилган шифокорлар бирин-бирин палатани тарк этишди.

“Жин урсин бунақа ишни!”, ўйлади Фарида Ҳафи-

зовна. Унинг онаси ҳамшира бўлиб ишлаган. Дадаси “қизимни дўхтир қиламан”, деганида бунга тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилганди.

– Аёлларнинг иши эмас бу! – деганди.

– Оқ халатлар кийиб, касалларга укол қилиш эркаларнинг иши экан-да, бўлмаса! – дерди отаси кесатиб. Онаси билган экан. Кўз ўнгингда кимнингдир ҳаёти сўнса, унинг охирги лаҳзаларига гувоҳ бўлаверсанг, ўзинг ҳам унга қўшилиб ўлар экансан. Юракдаги бўшлиқ одамни кийнаб ташлайди. Аммо Фариди Ҳафизовна буни билдирмасликка уринади. Ичида куйса ҳам сиртига чиқармайди.

– Ипак, хонамга киринг! – ҳиссиз товушда деди у.

Иккисининг ҳам чехрасида ҳали-ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа захри сезилиб турарди. Бўлим бошлиғи чаккасини уқалар, Ипакнинг мовий кўзларига бир маҳзунлик чўкканди...

– Эртага прокуратурага чақиришяпти, гапимиз бир жойдан чиқсин!

Ипак унга ялт этиб қаради. У палата шифокори билан бирга “ҳужжатлар”ни аллақачон тўғирлаб қўйишгандир, деб ўйлаганди. Чунки ўша куни даҳлизда дод-вой бўлиб ётганида, бу иккаласи хонага қамалиб олиб, роса бир нарсаларни ёзиб ётишганди.

– Нима бўлган тақдирда ҳам мен сизга бу уколни қилишни буюрмаганман!

Эндиги сафар Ипак бошлиғига ҳайрат ва ички бир исён билан қаради. “Очиқдан-очиқ юзингда кўзинг борми, демай, мунофиқлик қилишга уялмайдими?!”, деган фикр кўнглини тилиб ўтди.

– Унда ким буюрган бу уколни?

Фарида Ҳафизовна бир муддат нима дейишни билмай, сукутга толди. Кейин ачитиб деди:

– Сиз ҳаммангиз ўзбошимчасиз-ку! Айтган уколни

қилмайсиз, ўзингизча дозани қамайтирасиз... Ҳамма ўзи-ча дўхтир...

Ипак титраб кетди.

– Лекин мен ҳақ бўлиб чиқдим-ку! Нима энди дўппи тор келганда бизми, айбдор?

– Мен айбдорсиз, демадим, шекилли? Айбни сизга юкламоқчи эмасман.

– Юқлолмайсиз ҳам! – Ипак кетишга шайланди.

– Тилингиз бурроки... – аёлнинг энсаси қотди. – Бу уколни ҳавасга буюрдимми?! Бу ерда бир гап борга ўхшаяпти. Тагига етаман-ку, ҳали...

Қиз ортига ўгирилиб, опага ғашланиб қаради:

– Тўқсонованинг даврида ишимиз бирон марта бўлсин, прокуратурага тушмаганди! – деди.

– Гапингиз рост бўлса, Ботир акангизни чақириб юборинг! – деди у Ипакнинг гапларига парво қилмай. Яшаш учун кураш ҳеч қачон мантиққа бўйсунмаган. Бу мишиқи ҳамшира буни қаёқданам билсин! Буникидай болалари бормиди, унинг.

Эртасига ҳаммалари район милиция бўлинмасида учрашишди. Биринчи бўлиб Фариди Ҳафизовна сўрок қилинди. Назаровлар билан бирга катта ишларни қилган аёл булардан чўчирмиди?! У эгнига қора сирма кўйлак кийиб, елкасига қора ёпинчик ташлаган, буларга монанд, оқ марварид тақишни унутмаганди. Милиция ходимлари бу ерга шифокор эмас, гўё актриса келгандай унга ўгирилиб қарашди. Башанг кийинган, лобар аёлни кўрганида эркаклар ичидан “зил” кетишини у яхши биларди. Бу ҳам аслида бир руҳий зарба, хийла эди. Ипак содда эмасми, унинг зиёфатга кетаётгандай қуюқ пардоз қилиб олганини кўриб анграйиб қолди ва “бир бемаънилиги бор-да, бу аёлнинг” деб қўйди. Аммо опанинг “манёври” иш бермади, шекилли, прокурорнинг хонасида асабий отилиб чиқди ва Ипакка қараб деди:

– Гапингизни ўйлаб гапиринг! – у илтимос қилмади, балки буюрди.

Ичкарига Ипак кирди. Илгарилари бунақа жойларга сира келмаган. Бари ғалати эди, унинг учун. Хоналари совуқ, одамлари ҳам ҳиссиздай туйилди, унга. Аммо улар орасидаги узун бўйли, кўнғиз мўйлов йигит унга таниш эди. Ҳа, бу ўша эди, синфдоши Йўлдош. Катта кишиларнинг нуқси уриб қолибди-ку! Уйланган, битта боласи бор, деб эшитганди. Келиб-келиб, шунча йилдан кейин Тошкентда, яна манавиндай номи хунук жойда учрашишса-я!

Ипак мийиғида кулиб қўйди. Уни кишда, совуқда ҳовузга итариб юборганини эслади. У Ипакка ҳамманинг кўз ўнгида хат берган, ўғил болалар кийқиритиб хуштак чалиб юборишганди. Шунинг аламига Ипак уни музлаган ҳовузга итариб юборганди. Бола экан-да, совуқдан томири тортишиб, чўкиб кетса нима бўлади, деб ўйламабди ҳам.

Кўзи қисик терговчи уни ўтиришга таклиф этди.

– Беморга эндокаротомицин қилиш буюрилганмиди? Нега бу муолажа дафтарига қайд қилинмаган?

Ипак нима дейишни билмай ўйланиб қолди.

– Баъзида шундай ҳам бўлади. Дўхтир уколни буюради-ю, ёзишни унутади...

– Экспертиза хулосасини сизга ҳам ўқиб бераман: “Марҳум Б. Адҳамов икки томонлама зотилжам касаллиги билан шифохонага тушган. Унга антибиотик дорилар қилинган, кейин эндокаротомицин буюрилган...”

– Мен бу уколни қилмаганман.

– Жим туринг, рухсат берсам, кейин гапирасиз, ҳозир хулосани эшитинг! Қон тахлили болага ўша дори қилинганини тасдиқлади. Доридан бола талвасага тушиб қолган! – терговчи Ипакка гўё у айбдордай ўқрайиб қараб деди. – Етмаганига уни йикитиб юборибсиз-

лар-ку! Йирик қон томири ёрилиб кетган. Ўлим шунинг оқибатида юз берган. Онага ўлик болани тутқазишган...

Ипакнинг юраги орқасига тортиб кетди.

– Йўғ-э, наҳотки...

– Шунақа синглим. Ўша ерда бўлган ҳаммангиз айдорсиз! Хўш, ўша куни муолажа хонасида кимлар бўлган?

– Мен уйга кетгандим. Хонада кимлар бўлганини билмайман. Адҳамовга бу уколни қилишдан бош торганман.

– Ўша куни ким навбатчи эди?

– Навбатчими, Имомова бўлиши керак...

– Ёлғон! Ўша куни навбатчи сиз эдингиз!

Терговчи унинг кўзларига қаттиқ тикилди. Ипак айбдорона бош эгди.

– Мамадаминовамисиз, ахир?! Ўша куни сиз навбатчи бўлгансиз, мана рўйхат...

Ипак шошиб қолди, нима дейишни билмай ғўлдиради.

– Ҳалиги... тўғри рўйхат бўйича мен эдим, лекин дугонам билан алмашгандик. Ишонмасангиз, ўзидан сўранг, бироқ муолажа хонасида у ҳам бўлмаган.

– Наргиза талабами? – сўроқ қилишда давом этди терговчи.

Ипак милиционерлардан бири унга қаттиқ тикилиб турганини сезиб ўнғайсизланди. Бу ўша синфдоши Йўлдош эди. У ҳам қизни таниб қолган, шекилли. Йигит унга қараб жилмайди ва улар томонга қараб кела бошлади.

– Ипакмисан? – кўзларини катта-катта очиб сўради у.

– Йўлдош!?

Синфдошлар қўл беришиб кўришишди.

– Боядан бери қарайман, ўшами-ўшамасми, деб?

– Ўртоқ капитан, бунча қийнаманг, уни!

Терговчи унинг гапига парво қилмади, аксинча, танбеҳ берди.

– Лейтенант, терговга халақит бераяпсиз!

– Бўпти, кетдим, мана!

– Наргиза талабами? – саволини такрорлади терговчи.

– Ҳа, тўртинчи курсда ўқийди. Аммо мен аввал-бошдан огоҳлантиргандим, шу уколни қилманглар дегандим. Бироқ боланинг онаси бўлим мудирига мени устимдан шикоят қилган. Кейин ўша уколни ўзлари қилишган. Мана оқибати! Ўша уколни қилсак ҳам айбдормиз, қилмасак ҳам!

– Сизлар оппоқ экансизлар-да?! – кесатди терговчи. – Болани йикитиб юборишгани-чи, унинг ҳамма ёғи кўкариб ётибди-ку! Нега буни гапирмайсиз?

– Опангиз талаба қизни айблаяпти... Жа илонни ёғини ялаган кўринади, бу хотин. Биринчидан, у ҳали студент, иккинчидан қиз бола. Нар и борса, суд унга уч йил шартли жазо белгилайди ёки бадал тўлаб қутулади. Опанинг айби тасдиқланса, ўн йилга кетди, деяверинг. Етмаганига лицензиясидан айрилади.

Ипак бошини эгди. Нима дейишни билмай, тўтиқушдай яна ўша гапни такрорлади.

– Мен ўша куни уйга кетгандим дедим-ку! – аммо шу тобда гап нимада эканига тушуниб қолди. Демак, уколни Диёрованинг ўзи қилган.

– Синглим, бизни тўғри тушунинг! Бўлимнингизда жинойт содир бўлган, бола ўлган! Айбдорларни яширсангиз, сиз ҳам уларга шерик бўласиз!

– Буни... боланинг онаси билиши керак, – тутилиб-тутилиб деди Ипак. – Ахир у ўша ерда бўлган-ку!

– Ҳамма гап шунда-да! Боланинг шоҳ томирини тополмай, беморни қийнашган. Онаси бунга чидолмаган.

Шу боис уни хонадан чиқариб юборишган. Хонада палата шифокори, ўша талаба қиз ва Диёровангиз бўлган. Уколни шу учаласидан бири қилган. Бундан ташқари беморнинг касаллик тарихига унинг бош чанок босими бўлган, деб қайд этилибди. Бу ёзув касаллик тарихига кейин кўшиб кўйилган. Биз буни аниқладик.

Ипак индамади. Ҳа, баъзида шифокорлар шундай қилишади. Чунки шифокорни айблаш осон.

– Бу Худонинг иродаси. Одамнинг ўлимига у ниманидир сабаб қилиб қўяди...

– Худонинг иродаси бўлмаса-чи?!

– ...

– Индамайсиз! Шунакасизлар-да!

– Тиббиётда тушунарсиз ходисалар кўп учрайди. Касали енгил бола кутилмаганда нобуд бўлиши, оғир ётган гўдак бип-бинойи тузалиб кетиши мумкин. Шунда биз ҳеч нимани тушунолмай қоламиз. Манави стол, соат, машина – буларнинг касалини билиш ҳам, тузатиш ҳам осон. Чунки буларни одам яратган. Аммо инсонни биз яратмаганмиз. Ҳатто одамнинг қон таркиби ҳам ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Хужайра-ю, ички аъзолар ҳақида нима ҳам дейман. Лекин ўша болага бу уколни қилиш мумкин эмаслигини ич-ичимдан сезгандим. Афсуски, шифокорлар ички сезгига ишонишмайди.

– Ҳали ҳам ўша одатинг қолмабди-да! – узоқдан гап қотди, уларни тинглаб ўтирган Йўлдош. – Эсингдами, Сайёранинг касал бўлишини олдиндан сезгандинг! Даладан чиқаётганида оёғи ариққа тушиб кетишини тушингда кўргандинг. Кейин ростдан ҳам шунақа бўлган. Ўшанда уч ой юролмаган, эслайсанми?

Кўзи қисик терговчининг сал чиройи очилди.

– Ух, чёрт, ҳали шунақа қобилиятим ҳам бор, денг! Унда... уколни ким қилганини аниқ биласиз! – у ўз дардида яна хужумга ўтди.

– Биласиз! – таъкидлади у. – Айтиш-айтмаслик видонингизга ҳавола.

– Унга босим ўтказманг, ўртоқ капитан! Кўрмаган нарсасини у қандай тасдиқлайди. Кўнглим сезганди, дейдими?! Судга ҳам ўтмайди, бунақа гувоҳлик. Сиз яхши-си, анави учовини яхшилаб силкитинг...

– Нима сиз Мамадаминованинг адвокатимисиз? Сизнинг терговларингизга мен аралашмайман-ку!

– Мен сизнинг синфдошингизни тергов қилмаганман-да! Буни устига сиз гўё Мамадаминова айбдордай тергов қилаяпсиз!

– У айбдор! Чунки жинойтчиларни хаспўшляяпти...

– Хўп бўпти! – деди норизо оҳангда капитан. – Мамадаминова, кетишингиз мумкин!

Йўлдош уни йўлаккача кузатиб чиқди. У қизнинг мовий кўзлари-ю, калта кесиб, чиройли турмакланган сочларига ҳавасланиб қараркан деди:

– Чиройли қиз бўп кетибсан!

Ипак унга қараб жилмайди.

– Ҳушомад қилма, худди кеннойимга айтиб бераман, – деди қиз қувлик билан унинг никоҳ узугига ишора қиларкан.

– Э, буми... Бу, – кафтини ёзиб узукка имо қилди йигит. – Хира қизларни чалғитиш учун! Аслида кеннойинг кетиб қолган...Кетганига бир йил бўляяпти, қизимни ҳам кўрсатмаяпти. Шунақа гаплар...

Ипак ҳайрон бўлди. Охирги сафар уйга борганида бунақа гап йўқ эди, йўқса акаси айтган бўларди.

– Ёмон бўпти! – унга ҳамдардлик билдирди Ипак. – Мен эшитмаган эканман, кечир...

– Қайтиб келади, ҳали, – синфдошини юпатди қиз. – Бола билан қаёққа ҳам борарди...

– Ким билсин? – елкасини учуриб деди Йўлдош. – Бу аёлларни тушуниш қийин экан. Қизимни ўзи кўрсатмай-

ди-да, ҳаммага боласидан ҳам хабар олмайди, деб мени ёмонлайди!

– Демак, ҳали умидвор, сени кутаяпти. Бу аламдан...

– Аммо у билан уч дақиқа ҳам хотиржам гаплашолмайман. Дарров игнасини санчади!

Бир оз сукутдан сўнг у кўшиб кўйди.

– Йўқ, у билан бир том остида яшаш қийин!

– Энди, уни ҳам тушун! Сен бу ёқда, у Наманганда... Уларни ҳам олиб келиш керак.

– Шунга сабр керакми?! – кўлларини ёзиб деди у. – Ўзинг-чи, Ипак ўзингдан гапир? Турмушга чикмадингми?

– Йўқ... – Ипак ер чизди, уялди. Бир пайтлар Йўлдош унга совчи кўйганди.

– Ўшанда янглишгансан. Менга тегишинг керак эди!

– Э, бор-э! – Ипак кулиб юборди. Кейин кетишга изн сўради. – Мени кутишяпти...

Улар хайрлашишди.

Ипак касалхонага кириб келганида, бу ерда жанжал бўлаётганди. Талаба қиз Наргизанинг ота-онаси келиб, Диёрованинг хонасида нақ қирғин қилаётганди.

– Ким сенга оқ халат бериб, бу столга ўтказиб кўйди! Падарига минг лаънат ўшаларнинг! Сатанглигингни кара, бўёқ тегмаган жойинг қолмабди-ку! Сен ўзи дўхтирмисан ё артисмисан? Сен яхшиси, артислик қил хўпми, жуда қойиллатар экансан! Қилғиликни қилиб кўйиб, буни ёш болага тўнкагани уялмадингми?! – бақираётган Наргизанинг отаси эди.

– Ўйлаб қилдингми, шу ишни! Ахир бу қиз бола-ку, “ўтириб чикқан” деган тамға босилсинми, пешанасига! Ўз қизингга шунақа килармидинг! Эркак бўлганинда-ку, дабдалангни чиқарардим-а... Ҳе онангни...

– Уколни сен қилганингни “доказат” қиб бераман!

Уколдан кейин бола шайтонлаб қолиб, йиқилиб кетибди-ку! Бировнинг боласи-я, эссиз-а?!

– Бунга ҳам боққан бало бордир! – деди кизнинг онаси. Эр-хотин иккови жаҳлдан кип-қизариб, бўлим бошлиғининг хонасидан чиқишди. Қизнинг отаси яна жиғибиг қилиб, бир нарсалар деб бақирди. Бироқ Ипак уларга эътибор қилмади. Қиз ичкарига мўралади. Негадир у опа йиғлаётган бўлса керак, деб ўйлаганди. Аммо у жаҳлдан гезарганча ким биландир телефонда гаплашарди. Диёрова Ипакни кўриши билан уни кўли билан имлаб чақирди, ўтиришга таклиф қилди. Аммо унинг суҳбати ҳали тугамаганди.

– Нахотки, эндокаротоминин ишлаб чиқаришдан олиб ташланганини билмаган бўлсангиз, Эркин Аббосович! Ким ишонади, шу гапингизга! Ишимиз прокуратурага тушиб қолди. Бир бола ўлди, бошқаси комада ётибди...– Диёрованинг кўзлари ёшланди.

– Менда нима хусуматингиз бор эди?! – йиғлам-сираб гапирди у. – Учта боламнинг уволи тутсин, илоё! Агар бир нарса бўлса, сизни ҳам оёғингиздан тортиб кетаман, эшитиб олинг! Жим ўтирмайман! – аёл шундай дея қарс этиб гўшакни жойига қўйди. Кейин ўз-ўзига гапиргандай деди:

– Расволар!

– Кўрдингизми, буларнинг қилган ишини. Аслида ҳамма балони шу фармацевтлар бошлайди, ўзи. Дори ясаш ўйин бўп қолган! – Ипакка қараб гапирди у.

– Хўш, – деди у ниҳоят, мақсадга ўтиб. – Терговчига нима дедингиз?

– Мен уйда эдим, билмайман, дедим. Тўғриси ҳам шу-да! – деди Ипак. Шу тобда негадир у Диёровага ачинди. Чиндан ҳам у аёл, у она. Учта боласи бор, ахир... агар у камалиб кетса, болалари нима бўлади?!

Эртасига Ипак ишга барвақтроқ келди. Аммо оёғи

тортмай аранг келди. Келса, атроф сув куйгандай жимжит. Шунданми, юрагига гул-гула тушди. Муолажа хонасига кирди-ю, ўртадаги курсида яна бир гўдакнинг жасади чўзилиб ётганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Бу боксда ётган ўша кизалок эди. Унинг тепасида дугонаси Гулчеҳра йиғлаб ўтирарди.

– Охири бўлмабди-да! – синиқ товушда деди Ипак. Қизалок жуда нимжон эди. Бунинг устига у юрак нуқсонни билан туғилганди. Бу ҳам етмагандай у кизамик касаллигига чалинган. Аслида кизни “икки ёқлама зотилжам” деган ташҳис билан уларнинг бўлимига олиб келишганди. Чиндан ҳам кизамикнинг дастлабки белгилари зотилжамга ўхшаб кетади. Улар кизни янглишиб олиб келишганди. Аммо раҳбарлар билиб қолса, инфекция касаллик туфайли текшир-текшир бошланиб кетиши мумкин эди. Роса жанжал бўларди. Шу боис Диёрова уни боксга олиб, ўзи даволамоқчи бўлганди. Оқибати бу бўлди. Ахир кизамикдан унинг ўлиб қолишини ким билибди, дейсиз. Ўзи прокуратура текшираётган бир пайтда бу ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Боланинг яқинлари тушунса тушунди, тушунмаса, яна жанжал бошланади.

– Онаси... унга нима деймиз, энди?! Қандай айтаямиз?

Ипак бинт олиб, ширт этиб йиртди-ю, марҳуманинг энгагини боғлашга киришди. Аммо шу пайт худди тунов кунгидай, марҳуманинг оғзидан қон отилиб кетса бўладими?! Ипакнинг ёноклари, халати қип-қизил қонга бўялди. Ипакнинг ўзи ҳам кутилмаган ҳодисадан жуда кўрқиб кетди ва жон ҳолатда қаттиқ қичқириб юборди...

ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК

Фарходбекнинг сўзларига ҳеч ким кулок солмади. Аммо айтгани бўлди, ҳаммомнинг томи босиб колди. Энг ёмони у ерда взвод командирининг ўғли ҳам бўлган. Оғир устун боланинг устига тушиб, бошини мажаклаб юборган. Солдатлар ҳам тан жароҳати олиб, госпиталга ётқизилди. Командирнинг ўғли эса шу халокат туфайли нобуд бўлди.

Фарходбекнинг взводи вайронани йиғиштиришга сафарбар этилди. Капитан баланд бўйли, елкадор солдатни дарров таниди. Ўша куни у «аскарларни тўхтатинг», деб роса ялинганди. Афсуски...

Капитан ундан кўз узмади. Шу пайт старшина, белоруссиялик Павел деган йигит уни атайлаб туртиб юборганини ва Фарходбек шундоқ кум-тош устига йиқилганини кўрди. Павел ўзига анча бино кўйганди. Гавдаси нақ девни эслатарди. Унга аскарлик формасини атайлаб буюртиришган. Аммо гавдали бўлгани билан калласи ишламасди, ҳасадгўй эди. Нияти кимдандир ўч олиш, кимнидир эсини киритиб кўйиш бўларди. Командирлар бу болани отнинг кашкасидай таниб қолишган. Аммо Фарходбек...

Фарходбек индамай ўрнидан туриб, кийимларини коқди.

– Яна шундай қилсанг, аяб ўтирмайман! – деди у Павелга қаттиқ тикилганча.

– Сен-а? Кулгимни кистатма! – деди Павел хир-хираб кулиб.

– Отставит! – капитан уларга танбеҳ берди. Негадир ўзи сезмаган ҳолда Фарходбекни мулзам қилгиси келди.

– Аскар старшинага нега гап қайтараяпсан? Уставни билмайсанми? Кўполлик қилганинг учун старшинадан кечирим сўра! – деди. Фарходбек каловланиб колди,

бир капитанга, бир старшинага қаради. Ичида бир олов гувраб кетди. Бироқ айб унинг ўзида-ку, дейёлмади. Бунинг ўрнига «мени кечиринг ўртоқ старшина» деди. Бу сўзлар томоғини ачитдики...

– Ишингизни давом эттиринг! – курукқина қилиб деди капитан. Ноҳақликни кўриб, кўрмасликка олганининг аслида бошқа сабаби бор эди. Фарходбек ҳақида кечагина генерал ҳузурида гаплашишганди. Негадир баъзи командирлар ундан чўчиб қолишган. Бир марта бу Фарходбек деганлари Власовга:

– Сизнинг иккита болангиз бор! Иккиси ҳам икки хил аёлдан! – дебди. Капитан командирнинг олдида ўсал бўлиб қолибди. Яхшики бошлиқ:

– Нотўғри айтдинг аскар, Власовнинг битта қизи бор! – деб жонига оро кирибди.

Аслида Власов шу қишлоқдаги бир бева аёл билан дон олишиб юришини, бу аёл яқинда унга ўғил туғиб берганини ҳамма биларди.

Шундан бери Власов Фарходбекни ёмон кўради. «Бу қораялоқ, атайин қилди» дейди, шунга командирлар Фарходбекдан қутулиш, уни ўзларидан нари қилиш пайига тушиб қолишди.

– Келганига қанча бўлди? – сўради генерал.

– Уч ой!

– Уч ой?! – энсаси қотди генералнинг. – Ҳали мишиқи экан-ку! Оз-моз чиниқсин, ҳарбий билимини оширсин... Бу мишиқи қанақасига разведкага ўтади? Ёки... бунинг бошқа сабаби борми?

– Йўқ, ўртоқ генерал! У раиснинг ўғли экан, яхши тарбия кўрган.

– Унда муаммо нимада?

– Шу қобилияти туфайли аскарлар ўртасида низо чиқаяпти, – капитан аввалги сафар казармада содир бўлган тўполонни гапириб берди.

Вокеа кечкурун содир бўлганди. Кимдир этигини то-залади, кимдир ювган ёқасини тикди, яна бир аскар уйи-га хат ёзди.

Петро эса столни ўртага қўйиб, хат-жилдларини тахлаб чикди. Усти бир хил, ичи хар хил. Бирига Жулия Робертснинг сурати, бошқаларига геометрик шакллар солинган-ди. Шошилишда Петро севган кизи Анядан келган хат-ни ҳам билмай, шу хат-жилдлар ичига қўшиб юборибди.

Петруханинг ўзи кўзига кора латта бойлаб, конверт-ларни очиб, бирма-бир кўрсата бошлади. Бироқ ҳамма-сини адаштириб юбориб, аскарларга тоза кулги бўлди. Квадратни айлана деди, айланани куб деди, хуллас дов-дираб, ҳамманинг ичагини узди. Кейин Фарходбекни чакирди. У қўл силтаб:

– Қўйинглар-э! – деди. – Бу нима майнавозчилик! – Фарходбек терс бурилиб кета бошлади. Шу пайт унга еб юборгудай тикилиб турган Павелни кўрди-ю, фикридан кайтди. Манави айикқа бир ўзини кўрсатиб қўйгиси кел-ди. Унга маъноли тикилганча Петруханинг жойини эгал-лади. Петро хурсанд, жилпанглаб бориб, унинг кўзини бойлади.

– Яхшилаб бойладингми? – сўради Фарходбек. Пе-труха бу ёқдагиларга «зўр» дегандай бошмалдоғини ке-риб кўрсатди.

– Унда бошладик! – Фарходбек жиддийлашди. Хат-жилдлар узра бир бор кафтини юргазди-да, бирини олиб деди:

– Манави Жулия Робертснинг сурати! «Соҳибжамол» киносида чикқан киз! – Петро хатжилд ичидан Жулия-нинг суратини олиб, аскарларга кўрсатди, улар кийкири-шиб чапак чалишди.

– Бу квадрат! Манавиниси доира! Буниси Анянинг хати! – Фарходбек ҳеч бир тутилмай, бари хатжилд ичи-даги шаклларни тўғри айтди.

– Хатниям ўкиб берайми? – ҳазиллашди Фарҳодбек ва хатни очмай, кўзи бойлок ҳолда уни “ўқишга” тушди: «Петро сени соғинаман, деб ўйламагандим. Аммо ғалати-ғалати, телба-тескари гапларингни ҳам соғинаяпман» – шу ерга келганда аскарлар ҳуштак чалиб юборишди.

– “Анави Колька кетимдан соядек эргашиб юрибди, – хатни “ўқиш”да давом этди Фарҳодбек. – У Петродан воз кеч, дейди. Бир чорасини кўрмасанг, мендан курук коласан... Петро бир иложини қил. Сен бунақа нарсаларга устасан-ку!” – аскарлар яна ер депсиниб, думалаб кулишди.

– Ўчир..., – кутилмаганда Петронинг жаҳли чиқиб кетди. – Нега бировнинг хатини ўқийсан?! Ўзингникини очмай ҳам печга ташлайсан-ку!

Фарҳодбек кўзидаги рўмолни ечиб, Петрога ажабланиб каради. У хатда айнан шу сўзлар ёзилганини билмасди.

– Жиннимисан! Кўзим бойлок бўлса, қандай ўқийман? Бу ҳазил-ку, оғайни...

– Ҳали ҳазилми, бу? Мени ҳаммага майна қилдинг-ку! – Петро хатни жаҳл билан тортиб олди ва столни бир тепиб кулатди-да, жойига кетди. Худди шу пайт казармага капитан кириб келса бўладими?! Уни кўриб Павел сапчиб ўрнидан турди ва аскарларга «сафлан!» деб буйруқ берди. Аскарлар лоакал ўртада ағанаб ётган столни тургазиб ҳам улгуришмади.

– Бу нима ахвол? Ким қилди буни? Якинингиздан келган хатни шунақа қиласизларми?

– Старшина, бу кимнинг иши? – уни сиқувга олди капитан. Павел ўйлаб ўтирмай:

– Фарҳодбекнинг! – деб жвоб берди. Капитан ялт этиб Фарҳодбекка каради.

– Буни кейин ҳал қиламиз. Ҳозир ҳамма харобани тозалашга боради. Ҳаммомни томи босиб қолибди! –

шундай дея у ер остидан Фарходбекка қараб кўйди. Ахир уни том босиб қолишидан шу аскар огоҳ этганди-да.

Хуллас, капитан генералга ўша воқеани гапириб берди. Генерал ўйланиб қолди.

– Казармада қанақа низо чиққан, тушунмадим? – қайта сўради генерал.

– Шу... оддий аскар Агзамов кўзи бойлоқ ҳолда бировнинг хатини ўқиган!..

– Кўзи бойлоқ ҳолда, дейсизми? Ўйлаб гапиряпсизми, капитан? Шунга гап деб менга айтяпсизми?! – генералнинг кўзлари олайиб кетди.

– Йиғиштиринг майнавозчиликни! Агзамовга имкон беринглар, ҳақиқий солдат бўлсин! Агар шунчалик қобилиятли бўлса, разведкани кейин ўйлаб кўрамиз! Энди бўшсиз капитан, ишингизга бораверинг. Аскар ҳақида шахсан менга “доложить” қиласиз! Қобилиятли болага ўхшаяпти. Агар бошидан бир тола сочи тўкилса, сизни жавобгар қиламан, тушундингизми?!

Власов индамади. Генералнинг феълени биледи-ку. Мана қаёқдаги бир мишиқини қаноти остига олиб ўтирибди. Шу сабаб капитан уни жазолай олмади. Аксинча, унга “Харобани тозалашда жонбозлик кўрсатгани учун” бир кунга шаҳарга чиқишга “уволнение” берилди. У билан бирга анави озарбайжонлик йигит Жамилга ҳам руҳсат тегди. Икки аскар қанот чиқариб учиб кетишди.

Шарқий Сибирдаги кичик шаҳарларнинг ўзига яраша жозибаси бор. Ҳа, бу ердаги алланима Фарходбекка Ўзбекистонни эслатади. Одамлари қора соч, қора кўз, содда ва тўпори. Балки шу томони ўхшар...

– Гулзира дорига рецепт берган. Шу дорини топиб беринг, деганди, – Жамил коғозни очиб дўстига кўрсатди.

– Сени Гулзира билан таништирамоқчиман. Мен би-

лан бирга борасан. – Фарходбекнинг елкасига уриб деди йигит. – Кавказча кабоб пиширамиз!

Фарходбекнинг кўзлари ғилайланди.

– Қўйсанг-чи, Жамиль, чақирилмаган меҳмон бўлиб, Гульзиранинг кўзига балодай кўринаманми? Эээ... Озиб-ёзиб бир рухсат текканида, ўртангизда қора ботир бўлиб нима қиламан. Мен бир оз айланиб, кейин казармага қайтаман.

– Бормасанг бўлмайди-да, “телепат дўстим бор”, деб мактаниб қўйганман. Ёлғончи қилма, мени...

– Жамиль! – Фарходбекнинг жаҳли чиқиб кетди. – Қанақа телепат! Қўйсанг-чи! Унда кизинг билан Петрони таништир... – икки дўст хаҳолаб мириқиб кулишди, кейин дорихонага кириб кетишди. У ерда бир соч-соқоли ўсик, шапка кийган қария дорихонадаги қизга бир нималар деб ялинарди. Шундай ялинардики, беихтиёр Фарходбек уларнинг гапларига кулоқ тутди.

– Қизим тенгги экансан, тушун болам, неварам касал. У расво касалга йўлиққан. Шу дорини ичмаса, кечкурун истмаси кўтарилиб, кийналади.

– Ота тушунтирдим-ку, сизга, бу дори рецептсиз сотилмайди. Ҳаққим йўқ, ахир!

– Э, болам-а, хотира чаток, уйда қолибди, шу қоғози ўлгур. Кексайгач, калланг ҳам кетар экан. Қайтгунимча кеч бўлиб қолади-да.

Фарходбек пештахтага яқинлашди. Боядан бери отага тихирлик қилиб, дори сотмаётган кизнинг кўзларига қаттиқ тикилди. Кейин мулойимлик билан деди:

– Ота рецептни эртагаёқ келтириб беради. Ахир тушунтирди-ку, аҳволни! Раҳмингиз келсин, сотинг шу дорингизни.

Қиз негадир Фарходбекка каршилиқ қилолмади. Аксинча, отага лозим бўлган дорини излаб топди-да, пештахта устига қўйди.

– 24 сўм 50 тийин! – бидирлади киз. Жамиль кулиб, “зўрсан, оғайни” дегандай Фарҳодбекнинг елкасига туртиб қўйди. Қариянинг эса пешанаси тиришди.

–Ие, қимматлашдим, бу дори? Ахир бунча пул олмагандим... – чол нима қилишни билмай, бўм-бўш киссасини кавлашга тушди.

– Шунча қисталанг қилгунча, олдин пулингизни санамайсизми, ота! – деди кулиб киз. Аммо айни чоғда бу кулгили эмасди. Қария йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Шу боис Фарҳодбек чўнтагини кавлаб, битта қизил ўн сўмликни чиқарди.

– Етадим, амаки? – қария Фарҳодбекнинг пул тутган кўлларини қайтарди. –Кўйсангчи, болам, ўзинг мусофир экансан, ўзингга керак бўлади.

Фарҳодбек қўлини қариянинг кафтига ташлади-ю, икки кўллаб қисиб олди.

– Кўяверинг! Неварангиз касал экан-ку, мен табибман. Уни бир кўриб қўяман. Кейин узилишиб кетамиз...

Ота пулни олиб, кўз ёшларини артди.

– У жуда касал! – деди йиғламсираб. – Кечкурун алангаи-оташ бўлиб ёнади. Бирор ёрдам кўлимдан келса, қани?! Уни бу аҳвол кўриб, ичим куяди, билдинг!

– Ноумид бўлманг, ота. Бораману кўриб қўяман. Уйингиз узоқ эмасми?

– Автобусда ярим соатлик йўл.

– Бўлақолинг, дориларингизни олинг...

Жамил Фарҳодбекни туртди.

– Эсинг жойидами, ғирт бегона одамникида нима қиласан?! Гулзира бизни кутаяпти, дедим-ку.

– Кўнглим бир нарсани сезмаса, гапирмайман. Тушун, дўстим, бормасам, қийналаман. Бу шунака нарса, бошига тушган биледи.

– Бўпти. – норизо кайфиятда деди Жамил. – Сени соат беш яримда шу ерда кутаман.

Фарҳодбек, отахонни етаклаб ташқарига йўналди. Кейин ортига ўгирилиб, Жамилга гап қотди.

– Аммо кавказча кабобдан менга ҳам олиб кўй!

Ҳамма ўз йўлига кетди. Кўп ўтмай, Фарҳодбеклар қариянинг ёғоч кулбасига етиб келишди. Улар келганида ит хуриди, катакдаги товуқлар қақағлади.

– Товуқ боқасизми?

– Бу ҳам Надька учун. Ҳар куни янги тухумни или-тиб бераман.

– Яхши...

Улар Ваня амаки билан қиз ётган хонага киришди. Оппоқ ўринда оппоқ юзли, қора қош, нозик бир қиз ётарди. Киприклари найзадай, кўзлари юмук. Уни кўриб Фарҳодбекнинг юраклари ҳапқирди. Унга ачинганидан эмас. Бу қиз унга “бировларни” эслатиб юборганди...

– Ухлаяпти...– пичирлади отахон.

– Бува, ухламаяпман. Ёнингиздаги одам ким?

– Бу Фарҳодбек, у табиб экан. Дорихонада учратиб қолдим. Неварангизни бир кўриб кўяман, деди...

– Бува! – таънали оҳангда деди қиз ва Фарҳодбекка шубҳаланиб қаради. – Ахир у солдат-ку, бува, қанақа табиб?

– У яхши бола экан, Надька, дорингга пул берди...

Бу пайтда Фарҳодбек қиз ичаётган дориларни кўздан кечирарди. Улар орасида бангидевонани кўриб тутакиб кетди.

– Ярамас дори-ку бу! Бу захар! – тушунтирди у қизга. – Буни отиб юбориш керак.

... з унга кинояли назар ташлади.

– Нима, сиз дўхтирмисиз?

– Қишлоқда фельдшер бўлганман, – ёлғон гапирди Фарҳодбек.

Қиз яна лабини бурди.

– Қачон ўқиб улгура қолдингиз? – кесатди бемор.

– Бу гиёҳни бир табиб берган, сизга ўхшаган. Баъзида дорилар ҳам оғрикни қолдирмайди, ўшанда шу ёрдам беради. Мен... оғриққа чидолмаяпман. Бунинг устига тунда ваража тутади. Томиримда кон виқирлаб қайнаётганга ўхшайди. Биров тагимдан олов ёқади-ю, мен қозонда вошиллаб қайнаб кетаман, шунда ўз-ўзимга дўзахдаман шекилли, дейман. Энди мени дўзах билан кўрқитиб бўпсиз! Мана сизга ўша дўзах!

Қизнинг кўз ёшлари ёстикка оқиб тушди. У қуруқшаб порс-порс ёрилган лабларини ялади.

Фарҳодбек унга бир зум тикилиб қолди. Ҳа, унинг қаеридир Чамангулга ўхшайди. Жингалак сочлари, қора кўзлари, маъсумалиги... Шу тобда Чамангулни қанчалар соғинганини ҳис қилди. Томоғига данакдай нимадир қадалди. Аслида у қиздан келган хатларни шунинг учун ўқимаётганди. Бу соғинчга чидаб бўлмаслигини биларди. Алами бор эди, унинг. Ўртадаги масофадан, қизнинг ундан йироқда эканидан. Ҳа, у Чаманга ишонади, лекин ёнидаги Абдуғанига ўхшаш аблахларга ишонмайди. Шунини ўйласа, аламидан ўлиб қолай дейди...

Фарҳодбек қизга ачинди. Унга худди бегона қиз эмас, балки Чамангули бетоб ётгандай туйилиб кетди...

Хонага чол кирди. Бирок Фарҳодбек унга қўлларини кўтариб силқиб, «чиқиб кетинг!» ишорасини қилди. Овоз чиқариб гапирмади. Чунки диққати бўлинишини истамаётганди.

Ўзи ҳам бундай ҳолатга илк марта дуч келиши, шунга карамай, нима қилиш кераклигини биларди. Фарҳоднинг бари миясига ғойибдан қуйиларди.

Фарҳодбек пастга пўстин тўшаб, чордона куриб ўтирди. Қўлларини ёнга, тепага, кўндалагига ёйиб, бу билан гўё, кўринмас деворларни суриб, маконни «кенгайтирди». Кейин диққатни тўплаш учун бошини қуйи

солиб, қўлларини тиззаси устига қўйиб ўтирди. Муруқабба ҳолатига чўмди. Энди хона деворлари йўқолган, улар гўё улкан шаффоф шар ичида, бепоён, ям-яшил ўтлок ўртасида ўтирардилар.

Фарҳодбек кафтларини бир неча бор бемор танаси узра юргазди. Айниқса, қўлини қизнинг жигари устидан юргазган пайт, кафтига минглаб муз игначалар санчилди. Ана шу игначалар чилпарчин бўлгунича Фарҳодбек қизнинг жигарига кафтини босиб тураверди. Шу аъзодан енгил илиқлик келгач, у қўлини олди ва беморнинг бош томонига ўтди. Шундагина кўрпани туртиб турган беморнинг қорнига эътибор қилди. Унинг қорни шишган эди. У жигар ҳам, ўпка ҳам сув йиққанини билди. Қизда жигар циррози касаллигининг сўнгги босқичлари кечаётганди. Кейин юраги атрофига сув йиғилади, юрак катталашади, ундан кейин эса...

– Мен барибир тузалмайман, солдат, уринма! – деди қиз синиқ товушда – Васият ҳам қилиб қўйганман. Фақат оғриқ... оғриққа чидолмаяпман, шуни енгиллат, аскар! Жуда қийналиб кетдим...

Не тонгки бу – Чамангулнинг овози эди. Буни эшитган Фарҳодбекнинг юраги шув этиб кетди... У ҳам касал бўлсачи?! Касал бўлсачи?! Нега бунақа бўляпти, нега? Уч ой тинч юрди ва бирдан...

У касални кўриб бўлгач, даҳлизга чиқди. Бу пайтда ота бинойидай дастурхон тузаб қўйганди.

– Картошка билан тухумни қовурдим! Аскарликда бўтқа еявериб жонинга тегиб кетгандир... Чучвара бор эди, шуни пиширдим. Қаймоқ қўшиб еб ол, болам! – деди у меҳри ийиб.

– Надьканинг ота-онаси хорижда, куёвим бошқа оила қурди, қизим бошқасига тегди. Надькани Марусия иккимиз катта қилганмиз. Жойи жаннатда бўлсин, икки йил олдин Надьканинг бувиси оламдан ўтди. Жажжигинам...

жуда қийналди. Бувисининг йўқлигига ҳалигача кўни-колмаяпти. Мен бир оми чол бўлсам..., – Ваня амаки ош-хонадаги шкаф тортмасини очиб, у ердан бир талай хат олди. Улар ичидан икки-учтасини ажратиб, Фарходбекнинг олдига ташлади.

– Бу... буни Надька ёзган, ҳаммага васият ёзиб қўйибди! – чол йиғлаб юборди. – У ўляпти... мен бунга жим қараб туrolмайман!

* * *

Кеч кирди, аскарлар ухлагани ётишди. Ёш, қони қайнаган вужудга уйқу келса қани?! Ивир-шивир бошланди. Фарходбек Чамангулга ўхшайдиган бемор қизни ўйлаб, беихтиёр қаттиқ хўрсиниб юборди. Кимдир унга таклидан масҳараомуз “уф” тортди, бирови пиқирлаб кўрпа ичига кулди. Старшина шарт бошини кўтарди-ю, уққи кушдай атрофга олазарак қаради.

– Жим бўл ҳамманг! – бақирди у. Фарходбек аскарлар унга “им” қоқиб, сирли қочиримлар қилаётганини пайқамади ҳам. Ўзи билан ўзи олишиб ётганди. Тўғри, у Чамангулга ҳеч қанақа ваъда бермаган. Аммо барибир... юрагида нохуш нимарсалар имир-ғимир қиларди. Айбдордай эди у. Ҳа-да, Чамангулнинг хатларини ёқдим, ёқди. Жавоб ёзмадим, ёзмади. Уни тақдир измига ташлаб қўйди. У кетгач, нима бўлганини, қизнинг ҳоли не кечганини у билмайди. Ҳа, у қийналган, жуда қийналган, яшагандир, лекин одамга ўхшаб эмас!

Фарходбек бир кун кўринмай қолса, чоғиб уйлари-га, Ҳанифанинг олдига келарди. Бу ёққа келолмаса, нима қилди экан, қиз шўрлик. Бу тошбағир бўлса...Йўқ, у тошбағир эмас, у ожиз! У нотавон! Изтироб чекмайин, деб ўзини асрайдиган одамни яна нима деб аташ мумкин?! Туйғуларини юрагининг тубига, эзиб-эзиб тикқанди. Мана, бош кўтарди-ку, барибир.

Фарходбек олов устида ётгандай куйиб, гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга ағдарилди. Шу кўйи анча кийналиб ётди. Ва ниҳоят, бир сония мудради. Назарида туши билан хаёллари аралашиб кетди. Қай бири туш, қай бири хаёл ажратолмай қолди ўзи ҳам.

Катта кўлмиш, кўл бўйида бир киз оёқларини сувга солиб ўтирганмиш. Бошида рўмол, эгнида пальто, оёқлари эса сув ичидамиш. Фарходбекнинг жони ҳалак, шу томонга чопибди. Қараса, бу ўша бемор кизмиш...

– Ахир шундоғам касалсиз-ку, ёзмидики, оёғингизни сувга солсангиз? – деб жеркиб берибди уни. Қизни опичлаб олиб чопармиш. “Оёғи музламасин-да, ишкилиб” – дермиш ичида. Хайрият, уни ўша ёғоч уйидаги тўшагига ётқизибди. Кўркиб оёқларига карабди. Қараса, кизнинг оёқлари конаб ётганмиш. Фарходбек кизнинг юзларини эгаллаган сочларини олиб ташлабди-ю, тўшакда Надя эмас, Чамангул ётганини кўрибди. Унинг ҳаммаёғи кон эмиш. Фарходбек сесканиб, ортига тисланибди.

– Чаман?! Сенга нима бўлди? – бақириб юборибди у.

Чамангул жилмайибди, аммо кўзлари жикка ёш эмиш.

– Нега хатларимга жавоб ёзмадингиз, нега жим бўлиб кетдингиз? – дермиш.

– Мен..., мен... энди ёзаман! – шошиб дебди у. Чамангул йиғлабди, унинг кўлларини ўпибди.

– Кеч бўлди, боринг! Анавига йўлиқиб юрманг... – дебди у. Фарходбекнинг юраги ғаш, хонадан чиқибди. Қараса, ўша атрофда Абдуғани юрганмиш. Фарходбек уни кўриб томоғидан бўғиб, деворга қисиб олибди.

– Мени хотинимда нима ишинг борийди? – дебди Абдуғани хириллаб.

– У сенинг хотининг эмас, шундай деган тилларингни суғуриб олмасамми?

Абдуғани унга караб безларча иршайибди.

– Сен билмайсан, у аллақачон менга хотин бўлган!

Кейин яна кўшиб кўйибди:

– Ўзи хоҳлади...

Фарҳодбекнинг ичида нимадир “тирс” узилди. Ичи сидирилиб тушди, гўё. Тош ютгандай бўлди. Ўша тош кўкрак кафасига қисилиб, нафас ололмай қолди.

– Аблах, мараз!

– Буни ҳаёт дейдилар, мишиқи! – Абдуғани шундай дейиши билан Фарҳодбек унга бир мушт туширди...

Шу пайт казармада, ёнгинасида нимадир “гурс” этиб полга кулади. Кароватлар ғийқиллаб сурилиб, карс-курс бир-бирига урилди. Бу шовқиндан бошқа аскарлар қатори Фарҳодбек ҳам уйғониб кетди. Бу пайтда нима бўлаётганига тушунмаган аскарлар:

– Тревога, тревога! – деб бакиришарди. Шошқич кийиниб, сафга ҳам тизилишди.

Старшина ўрнидан туриб чирокни ёқди. Уйқули кўзларини ишкалади.

– Нима гап? – деди хайрон бўлиб. У ўзини ўнглаб ҳам улгурмай, казармага капитан кириб келди.

– Ярим тунда нима шовқин? – Власов бир сафланиб турган аскарларга, бир майкачан аҳволда “чест” бераётган старшинага қаради. Кейин ҳаммаси аён бўлди. Боя Фарҳодбек тушимда муштлашаман деб, ёнида ётган Жамилни уриб юборганди. У шўрлик кароватдан ағанаб тушган, мушт зарбидан беш-олтита кароват силжиб, бир-бирига урилиб кетганди...

Фарҳодбекнинг кути ўчди. Айб иш қилганини тушунди. У инграб ётган Жамилни суяб турғазди.

– Кечир, оғайни, мени уйқуда билмай...

– Нима сен ойдинхаёлмисан, тунда изғийдиган?! – Власовнинг жаҳли чиқди.

– Эртага сени ё госпиталга жўнатаман ё губбага тикаман!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

– Отбооой! – буюрди капитан. Аскарлар қайтадан ечиниб ётишди.

– Уйқуни расво қилди! – тўнғиллади кимдир.

– Бунга бир бало бўлган!

– Ажина чалгандир?!

– Жим бўл ҳамманг, ухланглар! Уч соатдан кейин тонг отади.

Фарҳодбек шеригига ачиниб қаради.

– Жамил қаттиқ тегмадими? – пичирлаб сўради у.

Йигит “хих “ деди-ю, вой-войлаб қолди. Дўрдайган лабини кўли билан силади.

– Шунчалик ҳам урасанми, муштинг тошданми, нима бало? Инсоф билан-да, энди! – нолиди у.

Фарҳодбек индамади. “Қўрқоқ одамда инсоф нима қилади?!”, деб ўйлади у. Яна Чамангул ёдига тушиб, эзилди. Ҳамма уйқуга толди, аммо Фарҳодбек ухламади, қандай ухласин, ахир?

ТУНГИ МЕҲМОН

Ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди. Уст-бошига қон отилиб, Ипак ўзини ўнглаб ҳам улгурмаганди. Хонага сариқ сочли, тўладан келган аёл важоҳат билан кирди-ю, э йўк, бэ йўк Гулчехрага ёпишиб кетди. Юз-кўзи, бошларига муштлаб ташлади.

– Тўлаб бер! Жиянимни тўлаб берасан! – йиғламсираб бақирди у. – Болага укол килиш ўрнига кетингни бўяб ўтирганмидинг, манжалаки. Ўзи тўғри айтишган экан, ҳамширалар фоҳиша бўлади деб!

Жанжалнинг устига Диёрова кириб келди.

– Ҳозирок чиқиб кетинг! – буюрди у.

– Бу ер сизга бозор эмас, касалхона!

Сарик сочли аёл кўлини белига тиради.

– Ростданми? Касалхона дейсанми? Нега унда касалларинг ўлаверади. Чунки ҳамманг “тупой” сан. Дипломни пулга сотиб олгансан. Билмайди деб ўйлайсанми?

– Чикинг дедим ёки милиция чакирайми?

– Чакир! Сенлар билан бир “разбор” қилиб кўяй!

Диёрова аёлнинг кўлини қайириб, дахлизга олиб чиқиб ташлади. Бу томонга шошиб келаётган мархуманинг тоғасини кўриб, шифокорнинг юраги “шув” этиб кетди. Бу ҳам жанжал бошласа-я. Аксинча, у опасини маҳкам кучоклаб олиб, оркага тортди.

– Кўйинг опа, кўйсангизчи! Уларда нима айб? Ўзи Азизангиз оғир эди-ку!

– Кўйвор мени, анави ҳамшира маъшукангда-а? Шунга ёнини олаяпсанми, ҳайвонга ўхшаган. Буларнинг ҳаммаси суюкоёқ бўлади, ука. Оёғингни билиб бос, бола!

Анвар опасини аранг ҳовлига олиб чиқиб кетди. Жанжал қилаётган мархуманинг холаси эди. Она шўрлик ташқарида худ-бехуд бўлиб ўтирарди.

Диёрова боксга қайтиб кирди. Ипакнинг қон бўлиб ётган халатини кўриб, кўрқиб кетди.

– Бу нимасси, яна? Тез алмаштиринг!

Ипак чопганча чиқиб кетди.

Диёрова бояги гаплар таъсир қилиб, ҳали ҳам ҳик-ҳик йиғлаб ўтирган ҳамширани койиб берди:

– Бас қилинг йиғини! Бозорчи аёл-ку у! Шунга ҳам йиғлайдими?

– Хизматга тухматми бу! Менда нима айб! – йиғламосираб деди Гулчехра. – Ўзи жони илинибгина турганди шу кизнинг.

– Одамлар шунақа, синглим. Исо Масихники, ҳочга қоққан одамлардан нимани кутиш мумкин. Биз оддий

бир шифокор бўлсак... Болани ўзлари сулайтириб олиб келишади-да, тирилтиринг буни, дейишади. Нима, биз худомизми?!

Диёрова чиқиб кетаётиб ортига ўтирилди. Гулчеҳрага зимдан назар ташлади.

– Анави йигит билан... ўртангизда нима бор?

Ҳамшира кўз ёшларини артиб, Диёровага хайрон бўлиб қаради.

– Қайси йигитни айтаяпсиз?

– Азизанинг олдига келиб турарди-ку...

– Тоғасими? – Гулчеҳранинг пешанаси тиришди. – Ўлсин, хирапашша бўлмай. Ўзи келаверади...

Диёрова индамай чиқиб кетди. У жамоага янги келган, кимнинг канақалигини билмаса, ҳуда-беҳуда гапларга ишонади-да. Яхшиям суриштирди.

Бу пайтда Ипак бошқа хонада халатини алмаштирди, юзини икки-уч қайта совунлаб ювди. Шу тобда ойнага қараб йиғлаб ҳам олди. “Нега бунақа бўляпти, нега?”

Ипак кўз ёшларини артиб ташқарига чикди. Беморларнинг уколларини қилди, томчиловчи дориларини кўйди. Шунда ҳужжат расмийлаштириб юрган Анварга дуч келиб қолди. Унга ўқрайиб қараб кўйди. Аммо йигит унга бир нима демокчидай тайсалланиб туриб қолди.

– У хафами? – сўради у. – Ҳалиям йиғлаяптими?

– Сиз нима деб ўйлайсиз? – кинояли оҳангда деди Ипак.

– Энди...опам куйиб кетди-да!

– Ҳамма куйган бизни турткилаши керакми, энди. Ҳам хизмат, ҳам тухматми?

Анвар айбдорона бош эгди.

– Олдига кирсам бўлармикан? Узр сўрамоқчийдим...

– Жиннимисиз, юрагига ўт қалаб нима қиласиз?!

Кейин келарсиз... Умуман холангизни шаънимизга айт-

ган гапларидан кейин, келишга ҳожат бормикан, ўзи? Бечорани яна ҳақорат қиладимми?

– Холамини феъли чаток. Бир сафар ҳаётимга аралашди, энди бунга йўл қўймайман! – деди у. Йигит буни секин, аммо қатъий оҳангда айтди.

– Гулчеҳрага шуни айтиб қўйсангиз бўлди, – кетаётди деди у.

– Савил... – Ипакнинг энсаси қотди: “Гулининг кўзи учаётувди, сенга”, – ўз-ўзига деди у. Кейин боксга кириб дугонасидан хабар олди. Унинг чап кўзи кўқарган, лаби шишиб кетганди. У шу аҳволда уйга кетишга уялиб, кеч киришини кутаётганди.

– Тузукмисан? – сўради Ипак. У юзидаги шишларга имо қилиб, “кўриб турибсан-ку”, дегандай елкасини учирди.

– Анави кепти! – йигитнинг исмини айтгиси келмади. – Узр сўрагани кираман девди, йўлатмадим...

– Тўғри қилибсан! Афти курсин...

Ипак ер чизди.

– Гапи гап эмиш. Аҳдимда тураман, дегандай қилди. Холам ҳаётимга аралашолмайди, деди.

– Шу хотинми, шу аралашмасмиши? Кар бўлсам ҳам эшитдим, нима деганини! – Гулчеҳранинг кўзларига ғилт-ғилт ёш келди.

– Жиянига туни билан мишжа қокмай қараб чиқувдим. Ҳақорат қилишини кўр. Ҳамшираларнинг ҳаммаси суюқоёқ эмиш! Мени биров билан ушлаб олганмиди, гапиради?! Шунга 28га чиқиб, қари қиз бўлиб ўтирган эканман-да. Жияни умуман бу ёққа қадам босмасин? Шунақа демадингми?

– Айтдим, холам аралашмайди деяпти...

– Аралашадими-йўқми, менга барибир энди. Мен бир қарорга келиб бўлдим. Шуни ўзи менга етади! – юзидаги жароҳатларга имо қилди у.

– Аввал ҳам унга “повод” бермаганман. Ўзи-ку, хира-пашшадай ёпишиб олган. Боя Диёрова ҳам шуни сўради. Кўрдингми, миш-миш тез тарқалади. Ёшим катта бўлса ҳам шаънимга ёмон-ку, бунақа гап. Ҳали келсин, бир туз-лайки...

Ипак дугонасини юпатди. Бирпас гаплашиб ўтиргач, йўлга отланди.

Йўл бўйи шуни ўйлади. Дугонасининг калтак егани-ю, халатига қон сачраганини эслаб юраги музлаб қолаёзди.

“Дом”и олдида бола-бақра копток тепарди. Уларнинг шовқини кулоғига кирмади. Оғир-оғир қадам босиб, тепага кўтарилди. Қараса, эшиги тагида қип-қизил атиргуллар ётарди. Шошиб қолди. “Бу сафар қизилми? Нега қизил?”, деб ўйлади у, гулларни ердан олиб ҳидларкан. Ҳидлади-ю, гулларни бағрига босиб йиғлаб юборди.

– Гулларни бунчалик суюшингни билмас эканман! – овоз келди тепадан. Ўгирилиб каради-ю, Йўлдошни кўриб жаҳли чикди. Шу тобда унга гул ҳадя этаётган сирли шахзода оддийгина Йўлдош бўлиб чиққанидан ўкинди ҳам. Бироқ... у пайтда Йўлдош унинг Тошкентда яшашидан беҳабар эди.

– Гулларни сен олиб келганмидинг? – беҳафсала сўради киз.

– Бўлмасамчи! – керилиб деди Йўлдош. – Ёки бошқа гул олиб келадиганлар ҳам борми?

– Албатта, бўлади-да, ҳамшираман ахир! – жилмайди Ипак.

Йўлдош елим халтадаги ноз-неъматларни кўтариб пастга тушди.

– Салом бердек! – кўл ташлашиб кўришди у. – Бир шаҳарда яшаб, хабар олмасам уят бўлар, деб келдим...

Ипак ўйланиб қолди. У синфдошини ичкарига таклиф этишни ҳам, этмасликни ҳам билмасди.

– Тўғриси, хайрон бўлиб қолдим! – елка учириб деди Ипак. – Аслида уйга эркак бошлаб келадиган одатим йўқ. Бирок шу ергача келибсан, кирасан-да, энди.

– Ух, тилинг ўша-ўша захар-а? Исмингни ким Ипак деб қўйган хайронман, – улар кулиб юборишди.

Қиз қўлини кўксига қўйиб, меҳмонни ичкарига бошлади.

– Бугун оғир кун бўлди! – деди Ипак қизил гулларни оқ атиргулларга қўшиб қўяркан. Лекин кайфияти йўклигини билдирмади. Йўлдош олиб келган елим халталарни очиб кўрди-ю, яна жаҳли чикди. “Шуларни оиласига, ота-онасига олиб борса бўлмасмикан?!”, халладан ўтказди у. Бу пайтда Йўлдош хоналарни кўздан кечирарди. Оқ атиргуллар солинган гулдонга кизиқиб қаради. Кейин бир кўзига ойна ўрнига елим ёпиштирилган ромни, сув оқиб расво бўлган деворларни кўриб, бош чайқади.

– Ҳа, эркак йўқ-да, бу уйда! – деб қўйди ўзига-ўзи.

Ипак дастурхон тузади.

– Меҳмон атойи худо, лекин талтайма!

– Шунча нарса олиб келишни нима кераги бор эди?! Буларни оилангга, холамларга олиб борсанг бўлмайди-ми?

– Уларга ҳам олиб бораман. Аммо “раҳмат” ўрнига танбех эшитаман.

Ипак индамади. Аёлини ёмонлайдиган эркакларни ёқтирмасди. Шунинг учун “вой тавба, ростданми?” деб кerosинга сув пуркамади. Йўлдош шуни сезди шекилли, дарров гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Ипак ошни дамлаб, яна хонага қайтди.

– Эшитдиларингми, шприцни топишибди-ку! – дабдурустдан деди Йўлдош. Ипак мовий кўзларини унга қадади.

– Қайси шприцни?

– Адхамовнинг иши бўйича айбдорни топишибди!

Ипак ўрнидан туриб кетди.

– Йўғ-э?! Ким экан, айбдор? Диёрова эмасми?

– Фамилияси ёдимда йўқ, эркак киши экан-ку!

– Ростданми, Ботир аками? Бизда ўзи битта-ку, эркак.

Ипак ўйланиб қолди, кейин жаҳли чикиб деди:

– Ўлсин, аёлларнинг этагига беркинмай. Уялмаган!

– Сенга айтишга осон, боланг йўқ-да сенинг. Ўша кишининг тўртта боласи бор экан. Боланг учун керак бўлса, пасткашлик ҳам қиласан, дўстингни ҳам сотасан. Бола шунақа ширин бўлади, билсанг.

– Диёрованинг ҳам болалари бор-ку, аммо у беркинмади!

Йўлдошнинг энсаси котиб, кўзлари баттар қисилиб кетди.

– Уям талаба қизни айбдор қилмадимми-а?! Эй, ҳаммаси шунақа буларнинг. Болали одамни айбсйтиб бўлмайди, кейин... пул бўлгач, мард бўлиш ҳам осон-да.

– Ҳамма бойлар мардми, сенингча?

– Ҳар қалай нисбатан кўп.

– Курмсоқлар ҳам кўп деявер! – кулиб юборди Ипак.

– Илойим ўшаларнинг ҳолига тушмайлик, Ипак. Эртага нима бўлишини билмас экансан. Э, бунақаларни кўравериб, кўзларим пишиб кетди.

– Ке, кўй ўшаларни! – ош еб бўлгач, чиройи очилиб деди Йўлдош. – Ўзимиз ҳақимизда гаплашайлик...

Ипак унга хавотирли назар ташлади.

– Ўзимиз ҳақимизда? – унга савол назари билан қаради киз.

Йўлдош илжайди.

– Ёки ростдан ҳам гул ташийдиганинг борми? – у гулдонга имо қилди.

– Ҳа, бор! – деди Ипак сирли қилиб. – Аммо унинг кимлигини ҳалигача билмайман, балки бирон бемо-

римдир? Кун ора эшигим тагида ок атиргуллар пайдо бўлади.

– Қизик?! – кулди Йўлдош. – Буни аниқлашни менга кўйиб бер. “Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин”, дейишган...

Орага нокулай жимлик чўкди. Йўлдош Ипакнинг бармоқларидан тутди. Қиз сесканиб кўлини тортиб олди.

– Чиндан ҳам у-бу киминг борми, дейман?! – ўсмоқчилаб сўради Йўлдош.

– Нега сўраяпсан?

– Ўзим шунчаки.

– Бунақа саволлар шунчаки берилмайди.

– Тўғри, – тасдиқлади Йўлдош қиздан нигоҳини узмай.

– Биласан-ку, мактабда яхши кўрганман, сени. Биринчи муҳаббат, айрилмас бало экан, деганлари бор гап. Ичим ўртанади, билсанг. Янганг.. у кетиб қолган. Уни ҳеч қачон севмаганман. У.. боламнинг онаси, холос...

– Ипак, балки ҳаммасини бошқатдан бошлармиз?!

–

– Билмадим, – хижолатдан сочини текислаган бўлди қиз. – Мактаб, у бошқа давр эди. Ҳозир сен ҳам, мен ҳам ўзгарганмиз! Буни устига болалар ҳақида боя ўзинг гапирдинг.

– Илтимос, ҳозир ҳеч нарса дема! Дарров жавоб қилишинг шартмас. Ўйлаб кўр...

– Мен сени ёқтирмасдим, буни билардинг, – кулди Ипак. – Ўртамизда ҳеч нима бўлмаган.

– Бўлмаган бўлса, энди бўлади. У пайтда ахир ёш бола эдик...

– Кўйсангчи, – Ипак дастурхонни йиғиштиришга чоғланди. – Эртага барвақт туришим керак, – деди у.

– Жавобдан қочяпсанми? – писанда қилди йигит. –

Жавобдан кочиб, мени ҳайдаяпсан-а? Барибир турмушга чикишинг керак-ку!

– Биладан!

– Унда нега шошмаяпсан?

– Негадир доим ўхшамай қолади. Сабабини билмайман. Уйдагилар бир яхши одамни топишганди. Хотини ўлган экан. Фотиҳа бўладиган куни кирдикорлари очилиб қолди. Бошқа хотини бор экан. Биринчи хотини бу хўрликлардан куйиб ўлиб кетибди...

Кейин яна биттасини топишди. Тўй бўлай деб турувди, у автоҳалокатга учради. Шу-шу турмушга чикиш хақида ўйламай кўйдим. Кўркаман, жуда кўркаман.

– Бу ахир тасодиф-ку. Ўзинг ҳам биласан, бунини.

– Балки шундайдир?! Аммо тасодиф бўлмаса-чи? – Йўлдош кизнинг нигоҳига дош беролмай ерга қаради. – Ана кўрдингми?

Ипак Йўлдошни кузатаётди, деди.

– Сен яхшиси келинни олиб кел. Ўртада бола бор, ахир.

– Ўшаларни эслатма, менга. Гап улар хақида эмас, сен ҳақингда кетаяпти. Кейин... уларни ҳам ташлаб кўймайман!

Ипак индамади. Юрагига тиканлар санчилгандай бўлди. Уйга келиб ўтириб олгани етмагандай, маъшуқа бўлишни таклиф қиляптими, унга. Уларни ҳам ташлаб кўймас эмиш. Бу нима дегани?! Очик-ойдин иккинчи хотин бўлишни таклиф қилишми, бу.

Ипак унга жавоб қилмади.

– Яхши бор! – деди синик товушда ва ўзини мажбурлаб жилмайди. – Уйга борсанг, холамларга салом айт.

Йўлдош унга тикилганча бошини сараклатди.

– Қайсарсан! Ўша-ўша ўжарсан! – деди. – Факат илтимос, бу сафар мени музга итариб юборма, хўпми?!

У кетгач, Ипак баралла йиғлаб юборди. Қаҳва дамлаб, унга оз-моз коньяк кўшди. Ичди. Бошини чангаллаб столга мук тушиб ўтирди. Елкалари силкинди:

– Чарчадим! – деди у. – Чарчаб кетдим...

УМИДА СЕВИБ ҚОЛДИ

Имкон топди дегунча Фарходбек шаҳар ташқарисига, Ваня амакиникига жўнаб қоларди. Жамиль ҳам унга шерик. Бу иккита кеккайган аскар қаёққа гум бўлаётгани аскарларни қизиктирар, аммо улар буни билолмай халак эдилар.

Бир сафар Петро Фарходбек билан Надяни шаҳарда бирга кўрди-ю, оғзи очилиб қолди. Бунақа чиройли қизлар Фарходбекка ўхшаганларга қарайди, деб сира ўйламагани. Қизнинг қоматини айтмайсизми, бели тасмадеккина, нак Мерилин Монро, дейсиз.

Кунларнинг бирида старшина Петрони ёнига чақирди:

– Тинчликми?! – деди у маъноли қилиб.

– Анов, иккови жа шаҳарга серкатнов бўп қолдимми?! – тагдор қилиб деди у.

– У... жононларнинг зўрини топиб олган. Вў! – бошмалдоғини кериб кўрсатди Петруха. – Анави бор-ку, Мерилин Монро, ўшанинг ўзгинаси!

– Ростданми? – илжайди Павел. – Мерилинга ўхшагани шу тўпорига қарарканми?

Петро елка қисди.

– Билмасам... У телепат-ку, “айлантириб” олгандир-да.

Павел “бе” дегандай лабини бурди.

– Хм, – деди у ўйчан. Кейин ёқасини бўшатиб, томоғини қашиди.

– Қизик! – чўзиб деди у. – Бунга аниқлик киритиш керак, аскар! Ахир шундай қиз анавига увол эмасми? У бизни қизларни “айлантирса”, биз индамай томошабин бўп қараб ўтираемизми? Балони бештасини ебди ўша Фарходбегинг. Сенам экстрасенссан-ку, ўша қизга қармоқ ташлаб кўр?

– Анюта эшитса, мени осади!

– Анютани кўй оғайни, – Петронинг бошини силаб деди Павел. – Қаердан ҳам эшитарди у. Бунинг устига “Мерилин Монро” турганда Анютани бошингга урасанми?!

– Буни севги дейдилар...

– Севгимиш... Хих! – кулди Павел. – Бир марта ўпишсанг, севги пайдо бўлаверади, тентак.

Петро нима дейишни билмай, бир зум ўзини йўқотиб кўйди.

– Эндии... бунақа жонон сиздай алп йигитларга муносиб. Бунақаларни мен эплай олмайман.

Бу гап старшинага мойдек ёқди ва у қарсиллаб кулиб юборди. Унга кўшилиб Петро ҳам хиринглади.

– Оббо писмиғ-эй! Жа, нозик жойидан олдинг-ку, аблах.

– Хўп! – уни юпатгандай бўлди Павел. – Режа туз, қизнинг манзилени суриштир... Унга “Фарходбекнинг севгилиси бор”, деб шипшитиб кўй... У ёғини аканг қарағайга кўйиб берасан.

Аслида ҳам Фарходбек Умидаларникига тез-тез бо-радиган бўлиб қолди. Ҳатто қизга “Надежда” бизнинг тилда Умида бўлади, деб унга ўзбекча исм кўйиб олганди. Қиз ҳам у келиши билан гулдай очилиб кетарди. Ваня амаки шунисидан хавотирда эди. Бошқа томондан, “балки бу аскар йигит менинг Надькамга кўнгил кўйгандир, йўкса кунда-шунда бўлмасди-ку”, деб ўйларди. Муҳими, Умида тузалаётганди. Данилич учун ҳам, Фарходбек учун ҳам энг қувончлиси шу эди.

Фарходбек кела солиб: “Бизни беморнинг аҳволи қалай?”, деб сўрарди қариядан. Қария бирон юмуш қилаётган Надяни кўрсатарди. Қизнинг юмуш қилиб юргангани кўриб, йигитнинг жон-пони чиқиб кетарди.

– Янами! – дерди у дағдаға қилиб. – Ваня амаки, кулоғидан чўзиш керак, бунингизни. Умуман гапга кирмас экан-ку, бу қиз.

– Отставить! – деб бақирарди газ пачида овқат қилаётган Надькага қараб. – Бу нимасси, сенга газга яқин бориш мумкин эмас, демаганмидим?!

Фарходбек ичкарига кириб, уни ошхонадан ҳайдаб чиқарарди.

– Яна кўрсам, таъзирингни бераман! – бармоғини нуқиб пўписа қиларди у.

Албатта, йигитнинг бу тахлит меҳрибончиликлари Надяга ёқиб, у жилмаярди. Фарходбек эса кўрслик қиларди.

– Илжайма, сени деб жон куйдирмаяпман. Мен меҳнатим синган “экспонатимни” асрапман...

Қиз лабини бурар, бирпасда маъюсланиб қоларди. Фарходбек эса уни юпатиш ўрнига, аксини қиларди.

– Ўзича нималар деб ўйлади, бу довдир қиз, ҳайронман, – минғирларди у Умиданинг ўрнига қозон қовларкан. Бунун ҳам шундай бўлди.

– Аслида менга мана мунча ҳам ёкмайсан? – жимжилоғини чимдиб кўрсатди Фарходбек. – Тўғриси ҳам шу. Илгичга кийим осилгандай кўйлагинг сўррайиб турса, яна ёкамани, дейишингга ўлайми? Қиз бола деган сал дўмбокқина бўлса, кучоқлаганда кучоғинг тўлиб турса!

Гапи ўзига нашъа қилиб Фарходбек шарақлаб кулди. Умида ҳам унга қўшилиб кулди. Аммо кутилмаганда кафти билан юзини тўсди-ю, йиғлаб юборди.

– Бунга мен айбдор эмасман, – ҳиқ-ҳиқ йиғлаганча

деди у. – Бировнинг севгисига умид қиладиган ахволда ҳам эмасман. Тўғри айтдинг, мен “экспонат” бўлишдан бошқасига ярамайман!

Фарходбек бунақа бўлади деб сира ўйламаганди, шунинг учун не қиларини билмай шошиб қолди.

– Вой тавба, жинними бу қиз. Ахир ҳазиллашдим-ку, Умида. Хафа бўлма энди... – Фарходбек қизнинг кўлидан ушлаб силади.

– Албатта, сен бунга айбдор эмассан. Сен дунёдаги энг чиройли қизсан, шуни биласанми? Мен атайлаб, жиғингга тегиш учун ҳазиллашаман-да. Жаҳлинг чиқса, бошқача чиройли бўп кетасан. Мендай бир қишлоқи, сени орзу ҳам қилолмайман, эси паст. Мен табибман, холос.

– Мен учун... фақат табиб эмассан! Ҳамма гап ана шунда.

Аммо қиз кутилмаганда Фарходбекнинг елкасига шарақлатиб туширди.

– Фақат... чидаб бўлмайдиган даражада кўполсан!

– Ажаб бўпти, шунақаман! Зирапчаман! Қишлоқдаям мени ҳамма ёмон кўрарди...

– Ўзимам шунақа деб ўйловдим! Айниқса, қизлар ёмон кўрган бўлса керак-а ?!

– Мен уларни... ёмон кўрганман! Улар эса, поезд бўп ортимдан эргашиб юришарди...

– Жуда ишондим-да, гапингга! – кулди қиз. – Битта маънили гапинг йўқ-ку, фақат дўқ уришни қойиллатар экансан. Мендан багтар бировга ёкмайсан! Буни устига экстрасенс бўлсанг!

– Мен экстрасенс эмасман. Телепатман, тушундинг. Миянгдаги ҳамма гапни ўқиб тураман!

– Ростданми?

– Афсуски....

– Унда топ-чи, нимани ўйлаяпман!

Фарходбек кўзларни юмиб, кизнинг фикрларни ўқишга уринди, гўё.

Кейин:

– Вой, уятсиз-ей! – деди унинг юзидан чимдиб. Умида кизариб кетди. Лабини буриб йигитнинг елкасига бир урди :

– Ёлғончи!

Фарходбек хохолаб кулганча қочди. Бу пайтда Ваня амаки ёшларнинг шўхлигини завқланиб кузатарди.

Фарходбек Ваня амакининг томорқасини йиғиштириб берди, ўтинларни ёриб, тахлади. Экинларни чопиб чиқди. Кейин ҳаммалари бирга ўтириб овқатланишди.

Қиз ҳар сафар Фарходбекни бекатгача кузатиб кўярди. У кийингани кириб кетган пайт, қария Фарходбекни гапга солди.

– Юртингда қайлиғинг колгандир?! – ўсмоқчилаб сўради у. Фарходбек Даниличга савол назари билан қаради. Қария хижолат чекиб жилмайди.

– Мен бир оми чолман, ўғлим. Лекин... Надька ўзгариб қолди. Уни таниёлмай қоляпман. У сенга бефарқ эмас. Биламан, сизларнинг ота-онангиз каттиқ туради. Ўзга миллатга уйлангани қўймайди. Шунга... қиз шўрлик куйиб қолмасин, дейман. Сен уни умидвор қилма!

Фарходбек айбдорона бош эгди.

– Буни... мен ҳам сезяпман. Лекин... азбаройи кўнгли чўкмасин, деб ўзимни шундай тутяпман. Мен... табибман ахир! Унинг дилига озор етказолмайман. Амаки, мени тўғри тушунинг, унга ҳозир шу нарса керак!

Данилич бошини сараклатди. Кўзларига ёш қуюлди.

– Алдама уни! Ҳурсандлигини кўр! Қийналса ҳам майлига, лекин... алдама! Ёлғонинг жавобсиз муҳаббатдан ҳам оғир ботади. Унга тўғриси айт...

– Мен бундай қилолмайман! Бутунлай тузалсин, Ваня амаки... бироз сабр қилинг. Кейин...

Қиз чиқди, улар бирга кетишди. Чол уларнинг ортидан мўлтираб қараб қолди.

Умида аскарнинг ўзгариб қолганини дарров пайқади.

– Нима бўлди? Бувам бир нарса дедиларми? – сўради у ташвишланиб.

– Нима ҳам дерди, мактайди, “раҳмат” айтади. Унинг “раҳмат”ларини эшитавериб чарчаб ҳам кетдим.

Қиз тўхтади, Фарҳодбекнинг кўзларга тикилди.

– Алдаяпсан! Бувам сенга нимадир деган?

Иккиси ҳам жим қолди. Кейин Умида тилга кирди.

– Бувим казо қилганидан бери дарди-фикри мени куёвга бериш. Агар сени муносиб йигитга эрга бермасам, оёғимни бемалол узатолмайман, дейди. Шунга гапирдимми?

– Йўк... У мендан “кайлиғинг борми”, деб сўради.

– Сен нима дединг? – хавотирга тушиб сўради киз. Фарҳодбекнинг кулгиси қистади.

– Нима дердим, бор дедим!

Буни эшитиб қизнинг нафаси ичига тушиб кетди. Фарҳодбек кулиб юборди.

– Аввал касал эди, энди, тузалиб қолди, дедим...

Умида Фарҳодбекни кувишга тушди.

– Ўх-хў, тез чопадиган бўп копсанми?! – кулди аскар йигит.

– Алдама! – деди киз. – Сен жиддий жавоб қилдинг...

– Жиддий гапирмасам, Данилич ишонмасди-да.

– Ёлғончи! – Умида хаяжондан бўғриқиб кетди. Иккита қизил кулчадай бозиллаётган ёноқларига кафтини босиб совутмокка уринди. Чунки Фарҳодбекнинг бу ғалати ишораси дил изҳорига ўхшарди. Лекин ички бир туйғу “унга ишонма, ишонма” дерди.

– Биламан, сизларнинг ота-онангиз...

Қизнинг гапи оғзида қолди. Ҳозиргина кулиб турган Фарҳодбекнинг авзойи бузилди.

– Мени эрким ўзимда, тақдиримни ўзим ҳал қиламан! – деди. У буни жиддий, ҳатто жаҳл билан айтди.

Бу гап қизга: “Ота-онамга қараб ўтирмайман. Мен сенга уйланаман!”, дегандай эшитилди. Чини билан йигит шунга шаъма қиляпти, деб ўйлади ва гулгул очилиб кетди. Кета кетгунча жағи тинмади.

Бекатга етиб келгач, Фарҳодбек қиз билан хайрлашди.

– Бўпти! – деди у. – Экспонатимни асра! – у қизнинг бурнини чимдиб қўйди.

Йигит автобусга чиқди, машина юрди ҳамки, қиз ундан кўз узмади. Аммо Фарҳодбек бирон марта бўлсин, ортига ўгирилиб қарамади.

Бундан қизнинг кўнгли чўкиб қолди. “Ёқтирганида ўгирилиб қараган бўларди!” деб ўйлади у.

Ҳарбий қисмда амалий машғулотлар бошланди. Аскарларни икки ҳафтага ўрмонга олиб кетишди. Қиз Фарҳодбекнинг тўсатдан ном-нишонсиз ғойиб бўлиб қолганидан ташвишга тушиб қолди. Ўша куни йигитнинг бирдан ўзгариб қолганини эслади. Ҳатто “сиз унга бир нарса дегансиз!” деб буваси билан ҳам урушиб олди. Йиғлади. Унинг ахволини кўриб буваси ҳам сиқилди.

– Надюша, жажжигинам, сен ундан умидвор бўлма! – насиҳатомуз деди буваси. – У барибир юртига қайтиб кетади! – бу билан қария “Фарҳодбек барибир сенга уйланмайди”, демоқчи бўлди.

– У... у “эрким ўзимда” деди!

Ваня амакининг пешанаси тиришди.

– Тентаккинам, ахир бу “сенга уйланаман” дегани эмас-ку, болам!

– Сезиб юрибман, уни ёқтириб қолгансан! Барибир... унга ишонма!

– Биламан, бува, у мени ёқтирмайди. Лекин... у менинг ҳалоскорим! Сиз буни тушунмайсиз, бува. У мени

жаҳаннамдан олиб чиқди, ахир! Нима қилай, уни кўргим келаверади, худди анави Солярис киносида бор-ку, хотини фақат эрининг олдида мавжуд бўла олади. Мен ҳам шунақага ўхшайман. У ёнимда бўлсагина, тириклигимни ҳис қиламан. Йўқ, бўлса, бўш идишга ўхшаб қоламан...

Қария бошини ҳам қилди.

– Бу ёмон! – деди у бошини сараклатиб. – Унга боғланиб қолганинг ёмон бўпти. Ўзинг ақлли қизсан-ку, болам, тегингни топасан ҳали!

Надежда индамади, аммо ҳозиргина порлаб турган кўзлари сўниб қолди.

Қария оғир “ух” тортди. Неварасига айтмай қабирстонга борди. Хотинининг қабри тепасида узок йиғлади.

– У севиб қолибди, Маруся! Жажжигинамиз севиб қолган. Мен нима қилишни билмаяпман. Йигит уни ташлаб кетса, касали қайталаниб қолишидан кўрқаман! Нима қилай, Маруся!

* * *

Аскарлар гарнизонга нақ май байрами арафасида кайтишди. Доим байрам ҳарбийлар клубида ўтказилади. Раҳбарият, шу куни бу ерга таниш қизларни таклиф қилишга рухсат беришади. Фарҳодбек Умиданинг бу ерга келишини истамасди. Албатта-да, анави Павел деганлари уни бунақа чиройли қиз билан кўриб, ёрилиб ўлмайдими?! Лекин... Умиданинг ўзи бораман, деб туриб олди. Фарҳодбекнинг кўнгли ғашланди. Қиз биронта номард йигитнинг кўлига тушишини истамасди. Ахир шундай бўлса, шунча қилган ибодатлари бир пул бўлади. Худди Даниличга ўхшаб, у ҳам қизнинг касали қайталаниб қолишидан чўчирди.

Павел билан Петро ҳам имкон пойлаб ётишарди. Қизнинг бу ерга келиши улар учун айна муддао эди. Бир

чеккаси улар Фарходбекнинг қизи ҳам келса керак, деб таҳмин қилишаётганди.

– Қиз келса, уни танийсан-а! – сўради Павел. – Шу захоти Фарходбекни олиб чиқиб кетасан! Бирон баҳона топ. Взводний чақиряпти, дейсан! Яхшиси, командирга айт. Байрам куни Фарходбек ўзбекча ош дамлаб берсин! Шунда ошхонада ушланиб қолади...

Петро байрам куни ўзбекча ош ҳақидаги фикрни взвод командирига айтган эди, у буни маъқуллади.

– Балосан-ку, аскар! Бу яхши фикр! – деди у. – Ахир байрам куни карам шўрва ичмаймиз-ку! – шарақлаб кулди у. – Уларнинг паловини еганман, мазаси оғзимда қолган! – деди командир лабини ялаб.

Бу фикр катталарга ҳам маъқул келди. Бироз қимматга тушса ҳам, солдатлар бир яйрасин, дейишди улар.

Умида байрам кечасига бориш учун атайлаб янги кўйлак сотиб олди. Чунки анча тўлишиб қолган, бундан ўзи ҳам хурсанд эди. “Фарходбекнинг кўзи бир куйсин”, деб у бир ҳафта олдин тайёргарликни бошлаб юборганди.

Шу куни пардоз қилиб, чиройли кўйлагини кийди, сочларини оддий қилиб турмақлади. Бир-иккита толасини жингалак қилиб, ёноғига тушириб қўйди. Қиз шундай очилиб кетдики...

– Бува қаранг! – қиз “чир” айланиб бувасининг бўйнидан кучди.

– Сени бувинг кўрганидами?! – қария тўлиқиб йиғлаб юборди.

– Бува янами?! – норози оҳангда деди қиз. – Яхши ўтиринг! Йиғламанг, хўпми?

– Соат ўн бўлиши билан дарвоза ёнига келиб тур! Сени ўзим олиб кетаман. Фарходбекни овора қилма, болам! – Қизнинг ортидан бақириб қолди қария.

Шу куни базм жуда чиройли ўтди. Фарходбек Уми-

да билан роса рақсга тушди. Павел билан Петро пинак бузмай, ҳали у, ҳали бу кизга хиралик қилишди. Пайт пойлашди. Аммо кўп ўтмай, Фарҳодбек ош дамлаш учун зални тарк этди. Шу захоти Павел ишга киришди. Ялтоқланиб келиб қизни рақсга таклиф қилди...

– Фарҳодбек яхши йигит! – деди у қизнинг нозикки-на белидан кучиб, хунук иршаяр экан.

– Ҳожатбарор, хамманинг оғирини енгил қилади! – сирли жилмайганча деди йигит. Қизнинг ёнокларига қизиллик югурди, кўзлари порлаб кетди.

– Бунақа йигитни ким ҳам севмайди, дейсиз! – ўсмокчилаб деди у. – Лекин... юртида севгани бор экан! – пинак бузмай деди Павел, худди оддийгина бир гапни айтган кўйи.

Қиз сергак тортди. Манави айикдай кўпол, сап-сарик йигитга ишонқирамай қаради. Аммо бирпасда маъюс тортиб қолди.

– Фақат... битта ёмон одати бор унинг. Ичимдан топ! Биз ҳам яқинда билдик. Кечаси алаҳсираб, ўша қизнинг исмини айтиб бақирса бўладими?! Бутун казармани оёкка турғазди!..

Павел қиҳ-қиҳлаб ёқимсиз кулди. Қизнинг оёғидан мадор қочди. Ҳозиргина унга завқ бағишлаётган манави мусиқа-ю, чироклар, атрофдаги одамлар бир сонияда унга даҳлсиз бўлиб қолди. Куй ҳам, шовқин ҳам узоқдан эшитилаётгандай, одамлар эса секинлаштирилган кинодаги каби оҳиста ҳаракат қилишаётгандай туюлди. Бир зум қаерда эканини, нега бу ерга келганини унутди. Фақат бир нарса равшан эди. Бу ердан кетиши керак! Ҳозирок, шу ондаёк!

У билан рақс тушаётган, ўласси ичиб олган манави йигит ҳам кўзига жуда хунук кўринди.

– Кечирасиз..., – синик товушда деди у. – Кетишим керак...

– Ие, нега? – ўзини хайрон бўлгандай қилиб кўрсатди Павел. – Энг қизиғи энди бошланади, – хир-хираб кулди у яна. Ичида гапи кизга таъсир қилганидан, нишонни тўғри олганидан яйраб кетди. “Бу ҳали бошланиши, кизалок!” – ичида ўйлади у ва Петро билан пинҳона кўз уриштириб олди. “Иш битди...”, дегандай унга қараб кўз қисди-ю, қизнинг ортидан эшикка йўналди. Петро ҳам унга эргашди.

– Қўй, шу ишингни! – деди у старшинанинг қўлидан силтаб тортаркан. – Ахир у касал! Касал қиз!

Павел Петрога ўгирилиб қаради. Энсаси қотди.

– Эркакмисан, ўзи! Ўчирр овозингни! Педараза...

– Нима, касал хотинларнинг эри бўлмайдими?! – у яна ёқимсиз кулди. Барзанги сичкондай ҳамон қўлига ёпишиб ётган Петрони итариб юборди, ўзи эса қизнинг ортидан чопди...

ДИЁРОВАНИНГ ХАТОСИ...

Тонгга якин ғалати ходиса содир бўлди. Ипакнинг назарида туши эмасди. Ҳа, туш ҳам кўрди. Кимни денг? Ўша сўхтаси савуқ Йўлдошни.

Ипак келин кўйлагида, лекин негадир юраги ғашмиш. Оппок тўр юзларини тўсган, мовий кўзларидан из қолдириб кўз ёшлари оқиб тушармиш...

“Энди Йўлдошнинг хотини билан боласи нима бўлади? У мени алдади, алдади!!!”, деб ўйлармиш, шуни ўйлаб ўртанармиш-эй!

Йўлдошга шуни айтганди, у худди кечагидай: “Уларни гапирма менга!” деб уни силтаб ташлади.

– Уялмайсизми? Уларга ичингиз ачимайдими? – танали оҳангда дебди у. Тушида ҳозиргина кулиб турган Йўлдошнинг туси ўзгарди... У ғалати бир вайсаки кампирга,

аникроғи, кўчаларидаги Зиннол фолчига айланиб қолди. Кампир оғзини катта очиб, ғирт гўшт милкларини кўрса-тиб вақиллаб кулармиш...

– У сенинг куёвинг эмас. Сени куёвинг эмас, у бошка, бошка..., – дебди-ю ғойиб бўлибди.

Кутилмаганда қаршисида баланд бўйли, қора қош йигит пайдо бўлибди. Унга қараб жилмайибди. Кўзларини ерга тикиб, куёвлардай бош эгиб, ийманиб туришлари ўзига ярашармиш... Ёноқлари кумушранг, қирра бурун, катта-катта кўзларини тикандай қоп-қора киприклари яширган, лаблари йўниб ишлангандай чиройли эмиш. Ипак унга юрак ютиб қаролмасмиш... Қарамаса-да, ичлари алғов-далғов бўлиб кетаётганмиш...

– Мени ҳимоячим йўк! – дебди тўлиқиб Ипак – Ҳимоячим йўк! Отам... кексайиб қолган. – Энди у мени ҳимоя қилолмайди! – буни ўйлаб Ипак баттар йиғлаб юборибди.

Уни йиғлатсалар, отаси юз чандон азобланишини ўйлаб баттар эзилди.

Қизини ҳимоя қилолмаганидан, чорасизлигидан... Йигит эса буни ҳис қилгандай, чиройли кўзларини кизга қадабди, унинг ингичка, нозиккина бармоқларидан тутиб:

– Энди мен борман! – дебди ва оппоқ атиргулларни унга туткизиб. Ипак гулни кўриб, “оҳ” уриб юборибди.

“Ахир бу ўша гулдасталар-ку! Ҳар куни остонасида пайдо бўладиган ўша гуллар-ку!”, – дея Ипак уйғониб кетди. Атрофга аланглади. Чиндан ҳам хонасидан атиргул иси келарди. Назарида бир шарпа юргандай, лип этиб парда ортига ўтгандай бўлди...

Ипак кўркиб кетди. Уйқусираб, ўрнидан турди-ю, парда ортини очиб каради. У ерда элас-элас зоҳир бўлган йигит шарпасини кўриб, кўркқанидан додлаб юбораёзди... Кейин титроқ қўллари билан пардани очиб яна қа-

ради. У ерда ҳеч зоғ йўқ эди... “Менга шундай туюлгандир...”, деб ўйлади у.

Бундан кўнгли хотиржам бўлиб, ошхонага ўтди. Отасини ўйлаб эзилди.

Онаси вафотидан кейин отаси уйланмади. Уларни ҳам она, ҳам ота бўлиб катта қилди.

Қариндошлари эркакни ўртага олишди, болаларга «она» керак, дейишди. Аммо у:

– Бегона аёлларнинг ҳидини ёқтирмайман! – деб ҳаммани кулдирди.

– Болаларимни ўгай онага мўлтиратиб қўймайман! – деди.

Ипакнинг ҳалигача «шундоқ» юрганига отаси ичидан “зил” кетади. Онаси ҳаёт бўлганида буни аллақачон узатарди, тенгқурлари катори ҳозир у ҳам бешик кучиб ўтирган бўларди, деб ўртанади.

Баъзида отаси унга термулиб караб қолади. Кўзлари куруқ бўлса-да, ичидан нималар ўтишини ўзи билади. Ахир у, ота!

Шуни ўйлаб Ипак йиғлади. Танаси калқиб-калқиб йиғлади. Шу тобда биров у томон энгашгандай бўлди ва қулоғига пичирлаб :

– Энди мен борман! – деди. Ипак сесканиб, атрофга аланглади, кўз ёшларини тез-тез сидирди-ю :

– Ким бор? – деди овозини баландлатиб. – Бу ерда биров борми?

Жимжитлик. Унинг саволига ҳеч ким жовоб бермади.

«Жинни бўляпман! – деб ўйлади Ипак. – Эсим йўқ менинг! Кимга гапиряпман, ахир уйда ҳеч ким йўқ-ку!»

Кейин кўрган тушини эслади. Ўша йигитни! У чиндан ҳам мавжуддай, юраги ёқимли калқиб қўйди...

* * *

Ишхонага келса, дув-дув гап. Гулчехра ўша кундан бери энди ишга чиқканди.

Ботир аканинг қўлига кишан солиб олиб кетишганмиш... Опа унга, у эса опага бир қараб қўйибдиммиш... Улар бир-бирига нима демокчи бўлганини бу ёқдагилар ҳам тушунган.

Ипак ишга келганида Диёрова бош шифокор хонасида терлаб ўтирарди:

– Тинчликми, Фарида Ҳафизовна, нима тўполон? – вазминлик билан сўради бош шифокор. – Ғалати гаплар қулоғимга чалиняпти? Ишингизга прокуратура аралашганмиш...

Аёл бошини эгди.

– Нима қилиб “инфекцион” касални олиб ўтиргандингиз? Дарров чиқариб юбормайсизми, инсон? Буни устига юраги “порок” экан? Қонун-қоидалардан хабарингиз бордир, ахир?!

– Уни зотилжам деб ўйлабмиз? Икки кундан кейин қизамиқ тошиб кетди... Боксга олгандик. Зиёда Ҳалиловна айтгандилар: «Текширувчилар бошни оғритади, қизамиқ тузалиб кетади, боксга олинглар», деб.

Бош шифокор асабийлашиб, қулочини ёзиб туширди.

– Нима қилай энди, икковингизга ҳам ариза ёздирайми?! – дўқ қилди у. – Минздраф қўймайди, мени! гриббонимдан олади!

Диёрованинг томоғига нимадир кадалиб оғритди. Аранг ютинди-ю, кўзларига ёш қуйилди.

– Раҳмимни келтирмоқчимиз, йиғлаб?! Айбни қилиб қўйиб, эндимми, йиғлайсиз? Бизда тартиб-интизом қаттиқ. Одамларнинг ҳаёти учун жавобгармиз! “Анави ундай деди, манави бундай деди”, дейсиз? Қирмайсизми

олдимга, дардингизни айтмайсизми?! Наҳот, эндокаротомин «списат» қилинганини билмасангиз? Дорихонада йўқ дорини қаердан олдингиз? Ёки бирон чет эл фирмасига ишляпсизми?

Бундай айбловни эшитиб, Диёрова ўрнидан туриб кетди.

– Биладан, Эркин Аббосович деган «мошенник» бор. Ўтмас дориларни пуллаб юради. Ўшанинг қармоғига илинган бўлманг, яна?

– Мана “дело”нгиз! – у оқ папкага шарақлатиб урди. – Касалхонада бош шифокор бўп ишлаган экансиз, тажрибангиз бор!

– Фотиҳ Насимович илтимос килувди, «йўқ» деёлмадим, – сўзида давом этди у. – “Синглим”, деди, эри йўқ, уч боласи билан ёлғиз қолган” деди, тушундим. Яхши лавозимга қўйдим. Нима қилиб берай яна?! Шуми, энди “рахматингиз?!”.

– “История”ни олиб келинг, менам кўрай, кейин бир тўхтамга келамиз? Ботиралига айтинг, оғзига маҳкам бўлсин, кейин... амаллаб чиқариб оламиз, шунақа денг. Ўлгудай кўрқок, ўпка бола, у!

Диёрова эшикка йўналди, бош шифокор унинг ортидан бошини сарақлатиб қолди...

Фарида Ҳафизовнанинг юраги сиқилди. Кимдир уни оёғидан чалмоқчи бўляпти. Хўп, Эркин Аббосович фирибгар, қаллоб, дейлик. Бирон чет эл фармацевтлари билан ишлар... Лекин... у ҳам аҳмоқ эмас, ишлаб чиқаришдан олинган дорини унга тавсия қилиб. Демак, бу ишларнинг орқасида кимдир турибди. Хўш, унга «шундай, шундай қиласан» деб маслаҳат берган ким? Нега? Эримикин?! Ундан аламини олмоқчидир?! Чет элдан туриб-а?

Бошқа томондан болалар унинг ҳам фарзандлари-ку! Унга бир нима бўлса, болалар қаровсиз қолишини била-

ди-ку! Эри уни ўйламаса ҳам, ҳеч бўлмаса, болаларига ичи ачийди... Демак, у эмас!

Диёрова худди уни биров четдан кузатиб тургандай атрофга аланглади.

Ҳамма гап анави қари такада! У биледи, ҳаммасини билган! Бўлимга бориши билан унга кўнғирок қилади. Бироқ неча кундан бери бу шум чол телефон гўшагини кўтармайди. Ўрнига котибаси олади. «Йўқлар...» дейди-ю, шак этиб, телефон гўшагини кўйиб кўяди.

«Ҳой, қаёққа кетганлар?», деб сўраса, котибаси кибр билан “биз ҳам шуни билишни истардик» дейди ачитиб.

Ҳа, чолнинг олдига ўзи боради. Бошқа илож йўқ. Боради-ю, қолган яккам-дуккам сочиниям юлиб келади. Фотиҳ Насимовичга, Соколова деганларига бўш келмаган, бу тулкидан чўчийдимми?! Паразит!

Қандай қилиб бўлмасин, Диёрова бу ҳолатдан чиқиб кетиши керак. Агар камаладиган бўлса, болаларини олиб кўйишади?! Қайнота-қайнонаси уларни онасига душман қилиб тарбиялайди.

Аёлнинг кўзларидан ёш оқди. «Менга нима бўляпти ўзи? Қандай кунларга қолдим!? Пул ўлсин! Фотиҳ Насимович айтарди, шуни! “Долларнинг микроби борми”, дерди! “Ҳамма ғаламисликларнинг “уяси” дерди.

Ёки Фотиҳ Насимович айтганидай долларнинг юзасига одамни жинни қиладиган захар суртиб босишармикин?! Йўқса, Фотиҳ Насимовичдай, Эркин Аббосовичдай дунё кўрган одамлар эсдан оғиб, вос-вос бўлиб ўтирармиди ?!”

Бугуноқ Эркин Аббосовичнинг олдига боради. Фотиҳ Насимовични ҳам топади. “Болаларингга оталик қиламан, уй олиб бераман!” деган ким эди? Ҳали олмос кўз узук, ҳали тилла комплект... Энди мана эр ҳам йўқ,

ишонган тоғи “муллакаси” ҳам “окоп” да ўтирибди... Аслида аввал-бошдан «оила боқолмайди, сўтак, латтабазм», деб уни эридан айнитган шу чолмасмиди?! Туфлисини ялтиратиб, атир сепиб юргани билан чол-чолда, барибир! У билан бирга қолганларида кечаси алаҳлаб, “Дилор, Дилор...” деб чиқарди, хотинини чақириб. Оила боқаман, бола-чақам заҳмат чекмасин, деб шуни кўйнига кирди. У бўлса...

Вақтида фалончиларнинг оғзини «ёпган» Назаров, бунга бўш келармиди?!

Ишга жойлашга жойлаб, энди бу ердан кетказиш илинжида, шекилли...

Диёрова эшикдан заҳар босиб кирди. Кириши билан санитарка аёлларга шанғиллаб танбех берди. Адхамовнинг «историяси»ни олиб кирган Гулчехрани ҳам койиб ташлади. Кейин негадир:

– Беморларнинг қариндошлари билан ош-қатиқ бўлманглар! – деди ачитиб. – Кўрдийз-ку, оқибатини!

Гулчехра унга ўпқаланиб қаради.

– Мен... мен..., – деди-ю, унинг хонасидан йиғлаганча чиқиб кетди.

Кайфияти бўлмаса, Гулчехра доим боксга кириб, ўзига келиб оларди. Бу сафар ҳам шундай қилди. Ундан хавотир олиб, кетидан Ипак кирди.

– Яна ўша гапни кўзғаяпти, бу илон! – деди у йиғламсираб. – Кеча совчилар келишганди. Мен уларга “хўп” деб юбордим! – деди дугонасига. Ипак анграйиб қолди. Дугонасининг бармоқларини кафти орасига олиб силади.

– Бекор қипсан! Бировга жаҳл қилиб ҳам турмуш қурадими, одам. Гапирса гапираверсин!

Гулчехра яна йиғлади.

– Уйда ҳар куни жанжал. Сингилларимгача юзимга сапчийди. Мени деб улар ҳам «ўтириб» қолди. Ёмон

кўришади, мени! – Гулчеҳра тўлиқиб-тўлиқиб йиғлади.

– Қанийди, йўқ бўлиб қолсам эди, дейман. Совчилар кетгач, онам ёнларига ўтказиб, «сингилларингни ҳам ўйла!» дедилар. Мен «унда тўйни бошлайверинглар!» дедиму йиғлаб чиқиб кетдим. Онам ортимдан: «Куёвни кўрмайсанми?» деганча чирқиллаб қолдилар. Ипак, ўзинг ўйла, мени болали кишига беришмоқчи, хотини ўлган!

– Онам «энди бундан баттари келади», дейди. Бу шунга тегиб кетавер, деганларими?! Сингилларим ҳам «осмондаги ойсиз-ку, опа, кутаверинг, оқ отида шахзодангиз келади...» дейишади кесатиб. Уйда ҳам ҳеч ким билан гаплашгим йўқ. Аламимни йиғидан олаяпман. Бу ёққа келсам, бу гап... Ҳали куёвниям кўрасан, келса керак сўлжайиб, – норози оҳангда деди Гулчеҳра.

– Маслаҳатим, Анвар билан гаплаш. Битта олдидан ўтгин, ўртоқ! – дея ялинди Ипак. Гулчеҳра маъюсгина бош чайқади.

– Бўмайдиган иш! Одам ўзини ҳам ҳурмат қилиши керак!

Иш куни тугашига яқин Гулчеҳрани биров сўраб келганини айтишди. Икки дугона даҳлиздан ўтиб, аста ташқарига мўралашди. Эшик тагида 35-40 ёшлар атрофидаги, келишгангина, ўрта яшар бир одам турарди. Унинг гул кўтариб олгани Гулчеҳрага эриш туюлди. Шунинг учун лабини буриб, дугонасига маъноли қараб қўйди. Ипак эса “чакки эмас”, дегандай бошини сараклатди. Гулчеҳра учрашувга чиқиб кетган пайтда Ипакни телефонда сўрашди.

Қиз гўшакни кўтариб «алйў» деди-ю, таниш овозни эшитиб, ғижинди. Бу Йўлдош эди.

– Бир музқаймоқ емаймизми, синфдош! – деди у.

– Музқаймоқ ейдиган аҳволдаманми?! – саволга са-

вол билан жавоб берди у. – Иннайкейин, мен оилали одамлар билан музқаймоқ, емайман! – деди у. Йўлдош шарақлаб кулди.

– Бу шунчаки дўстона учрашув бўлади... Чакиб олмайман! – писанда килди йигит.

– Мен... чакишим мумкин. Ахир чаён буржида туғилганман-ку! – бўш келмади Ипак ҳам.

– Биламан, – кулди Йўлдош. – Лекин нишинг менга ўтмайди. Эртага яна телефон қиламан! – Ипак гўшакни кўйди.

Диёрова унинг гапларини эшитиб турган экан, бўялган қошларини чимирди.

– Шартта этагидан тутмайсизми, унинг! Хотини бўлса, сизга нима? Ажрашади-кўяди! – у “вой, бу кизлар бунча лапашанг бўлмаса-ей” дегандай калласини ликиллатди. Табиийки, унинг гапи Ипакка ёкмади. Жахли чикиб, мовий кўзлари қаҳрли йилтиради.

– Ёкмасдир-да, хотини! – деди Диёрова пинак бузмай. – Бу албатта, сизни ишингиз. Лекин... танлаш имконингиз кам қолган: уч фоиз, холос. Ҳаёт шафқатсиз, синглим. У ҳеч кимнинг бошини силамайди. Муттаҳамга ҳам, сиз каби ойимчаларга ҳам имтиёз йўқ! – деди.

– Фақат..., – кўшимча килди Фарида Ҳафизовна – сиз буни кеч тушунасиз, жудаям кеч тушунасиз...

Ипак унга ўкрайиб каради. «Бу хотинга бугун бир бало бўлганми !?», деб ўйлади у.

– Балки умуман тушунмасман, бир умр тушунмасман! – жавоб килди Ипак. Диёрова елка кисиб ташқинга йўналди. Ортига ўгирилиб деди:

– Айтдим кўйдим-да! – деди у лоқайд. – Мен кетяпман. Анави Аҳмедовадан хабардор бўп туринг, иситмаси бор! – буюрди у.

Кейин тунд киёфада эшикдан чикиб кетди.

У кетиши билан қизиқувчан санитарка-ю, ҳамширалар пастга мўралашди. Чунки кейинги пайтларда яраклаган Газ-24 минган, келишган, бир пўрим йигит Диёрованинг олдига тез-тез келадиган бўлиб қолганди. Унинг кимлигини ҳеч ким билмасди. Балки бирон бемор боланинг кариндошидир, балки жиянидир, ҳар қалай ўша йигит Диёровадан анча ёш кўринарди. Бундай олиб қаралганда улар ошиқ-маъшукқа ҳам ўхшамасдилар. Масалан, аёл уни бирон марта бўлсин, кулиб кутиб олганини ҳеч ким кўрмаганди.

Ота-она касал боласи учун нималар қилмайди, дейсиз. Баъзилари елимдай ёпишиб олади. Анави йигитга ўхшаб машинасида “хизмат” қилади. Афтидан, Диёрова бирон расмий учрашувга отланган, кўпинча, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам ўша йигит олиб кетарди.

Бироқ унинг боласими-танишими, шу бўлимда доволанаётгани номаълум эди, йўқса, булар кўрган, билган бўлишарди... Хуллас, санитаркалар лобар бошлиқларини ҳам ҳасад, ҳам ҳавас билан кузатиб қолишди, яна:

– Бунақа ҳурилиқо аёллар ёлғиз қолмайди! Бирпасда у-бу ким, илиб кетади! – лабларини буриб дейишди улар.

Гулчеҳра шу кетганича қайтиб келмади. Ипак ундан бирам хавотир бўлдики... “Жаҳл устида хато қилиб қўймасайди”, деб ўйлади у. Билади, дугонасининг феъли чатоқ. Бир нарсани айтдими, албатта, бажаради. Барибир... бирон чорасини топмаса, у нима қилиб дугона бўлиб юрибди. Ипак журнални титкилаб, ўша нобуд бўлган бемор қиз – Азизанинг манзилини, телефон рақамини топди. Улардан бир баҳона билан Анварнинг ишхонасининг телефонини сўраб олди-ю, ўйлаб ўтирмай, унга кўнғирок қилди. Бўлаётган ишларни тушунтириб деди:

– Гули аҳмоқлик қиляпти! – Ипак худди ҳозир дуго-

наси келиб қоладигандай тез-тез гапирди. – У совчиларга «хўп» депти!

– А?! – кутилмаган янгиликдан йигит каловланиб қолди. – Қанака совчи? Бу ҳақда ҳеч гап йўқ эди-ку?!

– Шунийчун пайсалга солиб юрганмидингиз? – Ипак ҳам уни гап билан узиб олди.

– Кеча уйларига совчи кепти. Онаси ёнига ўтказиб, шунга “хўп”, дейсан дегандай гапирибди. У ўша эркакни кўрмай ҳам, “тўйни бошлайверинглар”, депти.

– Эси борми, бу кизнинг? Менга бир оғиз айтмайди-ми?! – ўз ўрнида хафа бўлди Анвар ҳам. – Мен ўлмаган эдим-ку, туриб бераман деяпман-ку...

– У бўлмайдиган иш, деяпти...

– Ўзи қаерда, ҳозир?

– Ўша... билан учрашувга кетди...

Анвар жим бўлиб қолди.

– Ўзингиз айтинг Ипак, дугонангизнинг шу қилгани яхшими, энди?!

– У ҳаммага жаҳл қиляпти! Сиз ҳам қочиб юриб-сиз-ку!

– Нега қочар эканман! Жиянимнинг маъракалари билан юргандим..., – деди йигит. – Энди... холаларимни “босиб” олай-да, мен ҳам. Аза устига уйланаман, демайман-ку! Сал вақт ўтсин, яралари босилсин...

– Хуллас, у ёғи сизни ишингиз! – йигитнинг чайнаётгани Ипакка ёкмади. Майли, аза устига “уйланаман” демасин, лекин Гулчеҳрадан хабар олса бўларди-ку! Гули “йўқ” деб ер депсингани билан, ичида шунга мойил, Анварда кўнгли бор. У бўлса... юрибди, ана латта чайнаб.

– Фақат сизга телефон қилганимни Гули билмасин! У билан гаплашиб кўринг...

Шу сафар Ипак уйга кайфиятсиз қайтди. Эшик тагида ётган оқ атиргулларни кўрди-ю, шахд ўтирилиб юқо-

рига қаради. Ҳартугул, тепада ҳеч ким кўринмади. У аввалги сафаргидай, Йўлдош тепада беркиниб ўтирибдимикин, деб ўйлаб кўркиб кетди.

Яхшики, “музқаймоқ ейлик...”, деганича қолди. Ортиқ тихирлик қилмади.

Ипак уйга кириб кийимларини алмаштирди, чой кўйди. Шу пайт балконда шифтдай бўлиб биров турганини кўрди-ю, юраги товонига тушди... Шу томонга караганча котиб қолди...

ҲАЛОКАТ

Қиз йиғлар, жингалак сочлари шамолда учар, юргани сайин оёқлари майишиб-майишиб кетарди.

Зум ўтмай, ортидан биров гурс-гурс чопиб келаётганини ҳис қилди. Уни Фарҳодбек бўлса керак, мени қайтариб олиб кетгани келган, деб ўйлади. Шу боис ортига ўгирилиб қарамади ҳам. У йиғларди, кетма-кет оқиб тушаётган кўз ёшларини артиб улгурмасди. Фақат кимдир, ўша ортидан келаётган одам темир панжалари билан унинг оғзини маҳкам қисганида бу Фарҳодбек эмаслигини билди.

Бақирмоқчи эди, кўркиб кетганидан овози чикмади. Ўша темир панжалар уни ҳилватга судраб, деворга қапиштирганида ундан ароқ иси анкиб, кўнгли ағдарилди ва оғзини кафти билан қисиб турган бу одам ким эканини кўрди... Бу ҳозиргина у билан рақс тушган Павел эди.

– Бир кўришдаёқ сени ёқтириб қолдим? – ҳарс-ҳарс нафас оларкан, гўлдиради у. У айикникидай келадиган бошини қизга янада яқин келтирди. Сигарет ва ароқ иси гуркираб, қиз ўзини орқага тортди.

– Қўйиб юбор, мени! Қўйвор, дедим! – унинг темирдек бармоқлари орасидан аранг гапирди Надя.

– Ростданам сал ориқлигингни айтмаса, Мерилинга жуда ўхшар экансан! Қанчалар “иштаҳали” эканингни биласанми?!

– Ифлос, муттаҳам! – қиз ожиз кўллари билан йигитни ўзидан итаришга уринди. Унинг бошларига муштлади. Аммо Павел буни писанд этмади. Қизнинг бошига бошини тиради. Барзангининг дўрдоқ лаблари қизнинг ғунчамисол ёноқларини, дудокларини таҳқирлади. Йигитнинг бармоқлари унинг нозик жойларини тимирскилай бошлади. Қиз бунга чидолмади, йигитнинг юзига чанг солди. Ҳозир нима бўлишини англаб, даҳшатдан чинқириб юборди...

– Мараз... аблах...! – қиз уни дўппослай кетди. Йигит эса биров уни китиклагандай гулдираб кулар эди. Шу пайт бу олишув унинг жонига тегди, шекилли, қизнинг бошини гурс этиб деворга урди-ю, вишиллаб деди:

– Нима, унга мумкин-у, бизга мумкин эмасми? Намунча ўзингни тарозига солмасанг...

Надя унга жирканиб каради-ю, юзига қараб тупурди.

– Тфу!

Шундан кейин йигит пешанасига чўғ сукилган букадай пишкириб кетди. Қизни деворга баттар тираб, кутурган итдай бўйни, елкаларидан тишлаб ташлади... Қиз оғриқдан, кўркувдан қичқирар эди. Шу пайт гурса-гурс биров чошиб келди.

– Ундан кўлинггни торт, ифлос! – деган ҳукм янгради. Бу Фарходбек эди. У Павелнинг киздан четланишини кутиб ўтирмади Ғазаб билан унинг елкасидан силтаб тортди-ю, юзига бир-икки мушт туширди. Бир зумда Павелнинг оғзи-бурни кон бўлди. У оғзидаги синган тишларини тупуриб ташлади. Хунук сўкинди. Фарходбек хўнграб йиғлаганча чошиб кетаётган қизнинг ортидан югурди.

– Тўхта, Надя, тўхта деяпман!

Қиз тўхтамади, ортига ҳам ўгирилмади. Аммо Фарходбек уни қувиб етди-ю, кўлидан тортиб ўзига қаратди. Қизнинг лаблари шишган, юзидаги бўёқлари суркалиб кетган, сочлари тўзиб ётарди. У тинмай ҳикиллар, кўрқиб кетганидан бармоқлари қалтирарди...

– У сенга тегинмадими? – ташвишланиб сўради Фарходбек. – Ростини айт? Гапир?! – йигит қизнинг елкасидан ушлаб силкитди. Қиз унга ҳам нафратланиб қаради:

– Йўқол ҳамманг! Сени кўргани кўзим йўқ, эшитдингми?! Ҳамманг жирканчсанлар! – қиз шундай деб ўшқирди-ю, силтаниб Фарходбекнинг кўлидан чикди. Кетди. Фарходбек унга соядай эргашди.

– Надь, илтимос, юзингни ювиб ол, енгил тортасан. Ана чикишда кран бор!

– Кет дедим! – алам билан деди қиз. Аммо ҳик-ҳик йиғлаганча юзини ювди, тўзиган сочларини қайтадан турмаклади. Лабининг кўкаргани билинмаслиги учун бўёқ суртди. Кейин Фарходбекка қараб деди:

– Бувамга айтма!

– Надь, ўч оламан ўша эшакдан Мана кўрасан! Соғ қўймайман, уни! – кўлини мушт қилиб каттиқ қисганча деди Фарходбек. Қиз унинг гапларини эшитмаган кўйи деди:

– Севганинг борлигини нега яширдинг?

Кутилмаган саволдан Фарходбек довдираб қолди.

– Гап бу ёқда экан-да! – деди синиқ товушда. Демак анавилар буни ҳам чайнашган.

– Мен бу ҳақда умуман гапирмаганман! – деди Фарходбек жиддий – Гапиришни ҳам истамайман.

– Ўзингни мени севиб қолгандай қилиб кўрсатмадингми? – таънали оҳангда деди қиз. – Нега бунақа қилдинг?

– Сен... Сен бемор эдинг, мен эса табиб! Бор гап шу...

– Бор гап шу дегин?! – йиғлағудай бўлиб деди киз. – Тўғри, мен ўзим аҳмоқман, бувам айтган эди-я... – у шундай дея йигитга маънос қараб қўйди. – Сен боравер, менадан хавотир олма! Ана бувам келяптилар...

– Рухсат тегиши билан сизлардан хабар оламан, – деди Фарходбек.

Қиз индамади. Кейин жикқа ёш кўзларини Фарходбекка кадаб деди:

– Энди бизникига келма! Сен бурчингни бажардинг... – деди киз секин. Аммо Фарходбек шундай кетолмасди. Уни таҳқирланган, қалби пора-пора бўлган ахволда ташлаб кетолмасди. Шунинг учун кетаётиб, қизнинг ҳамон қалтираётган қўлларидан тутди :

– Сен унга жуда ўхшайсан, ўлай агар. Ўша кизга жуда ўхшайсан, – деди ва казарма томонга қараб кетди.

* * *

Павелни аскарлар ўраб олишган, уни қўлтиғидан тутиб лазаретга олиб кетишаётганди. Иккови бир-бири билан тўқнашди. Павел Фарходбекка еб юборғудай қаради :

– Пушаймон бўласан, хали! – синган тишлари орасидан вишиллаб гапирди у.

– Сенга айтадиган гапим йўқ! – деди Фарходбек. Аммо ортига ўгирилиб, қаҳр билан, аммо пичирлаб деди:

– Каламушларга ем бўл, илоё! – у товуш чиқармай гапирган бўлса-да, буни ҳамма эшитди.

Бундай ишлар учун аслида айб қилган солдат ҳарбий трибуналга топширилади. Аммо Павел жазодан қутулиб қолди. Аскарлар ҳам Павел генералнинг арзандаси эканини шу воқеа сабаб билишди. У чапани, чўрткесар генерал Красновнинг жияни бўлиб чиқди. Айтишларича, у Павелни хонасига олиб кириб роса тепкилабди. Власовни ҳам чақиртирган. У ҳам генералдан эшитадиганини эшитиб олган :

– Отасиз, бевош ўсган-да, бу! Нима қилган бўлсам, синглимни деб қилганман! Отангга ўхшамай ўл, тўнғиз кўпгур, ароқхўр! – генерал жаҳлдан қизариб кетди. Тепакал, ялтироқ бошини дастрўмолчаси билан артди.

– Сенга “терисини шилиб ол”, демаганмидим! – шундай дея у Павелга мушт туширди.

– Агар яна шунака қилганингни билсам, ўзим сени “бичиб” кўяман, итнинг боласи! Онангнинг оҳ-воҳига караб ўтирмайман. Ё одам бўласан, ё инвалид киламан, сени!

– Буни олиб кет. Бир ой губбада нон-сув ичиб ўтирсин! Юмшоқфёъллик қилма, яхши гапни тушунмайди, бу! Агар шуни одам қилолмасанг, сени ҳам тинч кўймайман, Власов! Анави козок болани, разведкага ўтказинглар!

– У козок эмас, ўзбек, ўртоқ генерал! – кўмондоннинг хатосини тузатган бўлди Власов.

– Нима фарқи бор? Осиёликда, барибир! Ишни ёпди-ёпди қил. Қозокнинг овозини ўчир! Чол билан ўзим гаплашаман.

– Энди кўзимдан йўколларинг! – деди жаҳлдор, тепакал генерал. У ялтироқ бошини чангаллаганча столга мук тушиб ўтирди...

* * *

Фарҳодбекни разведкага ўтказиш ишлари анча чўзилди. Бу ёқда Қозоғистон, у ёқда Болтиқ бўйи республикаларида норозиликлар бошланди. Шунинг учун Фарҳодбекни разведкага ўтказиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, Павел озиб-тўзиб, юзларида чўтиру чандиклар билан қайтиб келди. Уни бу аҳволда кўриб, ҳамма ҳайрон қолди. “Наҳотки, генерал

арзанда жиянини шу аҳволга солган бўлса?!”, деб ўйлашди улар.

Павел ўзгариб қолганди, букчайиб, кисиниб ўтирарди. Фарходбекка рўпара келмасликка ҳаракат қиларди. Фақат узоқдан мўлайиб қарар, “у жодугар, жодугар!”, дер эди ваҳима босиб. Павелнинг нега бундай қилаётганини аскарлар кейин тушунишди. Ҳаммомда унинг чандик босган танасини кўриб, аскарлар баттар таажжубланишди. Павел буни писанд қилмади, “яра тошди”, деб қўя қолди. Аслида нима бўлганини кейин Петрухага айтиб берибди.

– Анави қораялоқ ғирт жодугар бўп чикди. Мени каламушларга талатди! – дебди. Ўша куни Фарходбек уни “каламушларга ем бўл”, деб қарғаганини ҳамма эшитганди. У Петрога бўлган воқеани ҳам ҳайрат, ҳам кўрқув билан сўзлаб берибди.

– Каламушлар шундай каттаки... бирам ёқимсиз, бирам ёқимсиз! Тунда бир галаси келади. Урсанг ҳам қочмайди, без. Фақат мени талайди. Тишлаган жойини узди! Охири мени лазаретга жўнатишди, каламушлардан ҳам кутулишди.

– Эҳ, Петруха соддасан-да, дўстим! Сенам экстра-сенсман, деб юрган экансан. Мана сенга жодунинг кучи: уч кун каламуш боқдим... Лекин, – Павелнинг кўзлари хунук йилтираб кетди.

– Лекин, ўша “жодугар” ни ер тишлатмасам, одам эмасман!

Петрога унинг гапи ёкмади:

– Кўй, Павка, у билан ўчакишма! Бу ёқда тоғангни “қайнатиб” нима қиласан! Нак муштини тугиб, “нима бўларкин?”, деб кутиб ўтирибди-ку!

– Тоғам, у “аблах” нима қилганини билса, йўк қилиб юборади. Уйига темир тобут юбортиради! – хунук иршайиб деди йигит. – Лекин бу ишни ўзим қилгим келяпти...

Икки аскар бир муддат жим қолишди. Кейин Павел туйкус эслагандай сўради:

– Айтганча... анави қиз нима бўлди? Бир оз ориқ демаса, мацца қиладиган “нарса” экан-да! Анави ит халақит бериб қолди...

Петро индамади, оғир хўрсиниб кўйди. Ўзини айбдор ҳис қилди. Ўшанда ўзи ҳам «унақа сохибжамол сизга муносиб...», деб уни гиж-гижламадими!?

– Қизнинг касали қайталаб қолибдимми?!

– Сен билмайсан, ўша куннинг эртасига чол, қизнинг буваси, кўшотар милтиқ кўтариб келди. Ҳаммага ўктолсамми?! Ўртага туриб олиб, «чақир, ўша номардингни!» деб бўқирди. Уни олдида Власов деганлар “смирно” турди. Батъка “қарс-курс” осмонга карата ўк узса бўладими?! Кейин чолни ерга ағдариб, милтиғини олиб кўйишди. Шу-шу жимжит... Генерал тоғанг аралашгандир...

– Ҳа, у аралашади. Бунақа чоллар унга чўт эмас, – ёкимсиз ҳиринглади Павел.

Петро унга норози қараб кўйди, энсаси қотди. «Ўзи ҳақида гапирмайди, сўқим. Тоғасининг тепкисини еганини айтмайди. Чўт эмасмиш, бунақа чоллар... Балки шундай катта боши билан ўша чўчкабоқардан кечирим сўрагандир, шўрлик...» деб ўйлади Петро.

– Ҳмм..., – Петронинг авзойи бузилганини кўриб, у дағдаға қилишга ўтди. – Нега ўшшаясан, қиз болага ўхшаб? Гапинг бўлса гапир... эркакча гаплаш...

«Эркак бўлсанг, эркакча гаплашаман-да» дегиси келди, Петронинг. Аммо тилини тийди. Чунки ўзига бино кўйган ўша осиеликни у ҳам унча хушламасди. Шунга карамай, барибир адолат тараф эди.

– Невараси анча тузалиб қолган экан. Уни Фарҳодбек даволабди. Кейинги сафар борганида батъка уни уйига кўймабди. Ҳайдаб солибди. Жамиль айтди.

– Қасал, қасал, дейсан. Нима қасал экан, ўша қиз?

– У... рак бўлган!

Павелнинг пешанаси тиришди.

– Даа, чаток бўпти! – чўзиб деди у. – Шундок жонон эркак кўрмай, гўрга кирса ёмон-да...

– Ёмон бўлди. Ўша куни маст эдинг, гапга кирмадинг! Нима, шундан бошқа киз куриб колганмиди?!

Буни эшитиб, Павел бошини сараклатиб, масхаромиз кулди.

– Сен ўзи шунақа думбулмисан ёки ўзингни овсар қилиб кўрсатяпсанми?! – унга синчков тикиларкан деди старшина. – Ахир гап кизда эмас, Фарҳодбекда эканини наҳот тушунмаган бўлсанг?! У шўрлик ўша гердайганинг касрига қолди. Унақа катта кетмаслик керак, Петро! Ҳамманинг ҳам нозик жойи топилади. Буни ҳаёт дейдилар, ука! – кўлини нукиб деди Павел.

– Ўрган экстрасенс! Ўрганганинг ўзингга фойда. Бизни батъка ароқхўр бўлган. Кўчада катта бўлганман. Манавиндан яхшироқ «муомала» йўқ, дунёда! – гуваладай муштини дўлайтирди у.

– Бу ҳокимиятни беради, сенга! “Сенсориканг” нима ни беради? – беписанд гапирди Павел.

Петро у ўйлаганчалик думбул эмасди. У айёрона тиржайди, кўзлари қисилиб кетди.

– Кўп нарсани беради. Масалан... – ўйланиб қолди Петро. – Ҳар қандай муаммони “анависиз” ҳал қилиш имконини беради! – деди Павелнинг муштига имо қилиб.

– Ух, ёмонсан-ку, жинкарча. Жуда ошириб юбординг-да! Ахборотинг учун баъзи бировлар гапга тушунмайди. Тумшуғига битта қўйсанг, ҳаммаси тушунарли бўлади-қўяди. Ё нотўғрими?

– Мен куч ишлатиш тарафдори эмасман. Қаллани ишлатиш керак.

– Сенингча, мен қаллам билан эмас, бир жойим билан ўйлар эканман-да?

– Калланг ишлайди, сенинг, старшина, – деди босиклик билан Петро. – Бирок сенга ҳам “манавинақа» муомала керак-да! – Петро жинғиртдай муштини Павелнинг тумшуғига тиради. Павел гулдираб кулди.

– Вой, писмиғ-ей! Сени меров десам, роса айёр чикиб қолдинг-ку! Бешни ташла, шу бугундан эътиборан мени химоямдасан! – унинг елкасига қокиб қўйди Павел.

– Бошламасига Фарходбекнинг бир жиғини эзмаймизми? Биласан-ку, Маратларнинг калласи пуч, буни устига “сенсорика”ни тушунмайди, уларинг.

Петро индамади. Уни оғир бир юк босгандай эзилиб қолди.

– Ўша осиеликни сен ҳам ёқтирмайсан-ку! – уни ўзи томон оғдиришга уринди Павел. Аскар йигит индамади.

– Ҳамманинг олдида, Анянинг хатини ўкиб, сени мулзам қилмадимми? Нима, индамай кетаверасанми?! Сен авлиёмидинг одамларнинг гунохидан ўтадиган?! Биров айб қилдимми, вақтида жавобини беришга ўрган бола... Бунақа қилсанг, чўкиб қоласан!

– Чўкиб қоламан? Нега энди чўкар эканман?

– Нега дейди- я, галварс. “Ўшанга...” тушундингми, ўшанга! Генерал тоғам айтган. Бир паҳлавон йигитнинг бошига гурзи билан урушибди. У тиззасигача тупрокка ботибди. Ўша ботирнинг бошига яна гурзи билан уришибди. Бу сафар у белигача тупрокка ботибди. Учинчи мартасида у томоғигача тупрокка ботган. Тоғам ҳаёт зарбалари шунақа, вақтида жавоб қайтармасанг, ерга кирасан, деган! Мияннга қуйиб ол, Петруха, жавоб қилмасанг, бунақа зарбаларни еявериб чувалчангга айланиб қоласан.

– Мен... куч ишлатишга қаршиман, демадимми?

Старшина лабини бурди.

– Биз куч ишлатмаймиз. Ўзинг айтдинг-ку, бундан бошқача “имкониятларим бор”, деб. Тўғрими?

Петро индамади. “Йўк” деса, манави генералнинг эр-катоидан балога қолади, “ҳа” деса, у бир ишкални бо-шлайди. Боши қотди.

– Гапир, ўғил бола!

– Бўпти... – деди Петро истар-истамай, – ўйлаб кўрайлик-чи!

– Сен ўйлаб ўтирма, чўрт кес, тамом-вассалом! Яқинда отишмага шаҳар ташқарисига кетар эканмиз. Фарҳодбекнинг атрофида ўралашиб юрсанг бўлгани...

* * *

Надяни онкология касалхонасидан қайтариб бериш-ди. Мана шу бугун...

Данилич икки ўт орасида қолди. Надька “ўламан сат-тор, фақат Фарҳодбекни чақирманг”, дейди. Чол нима қилишини билмай гаранг.

– Ўзи шунақа бўлиши керак эди, бува, хафа бўл-манг! – дейди уни юпатиб. Кўркқаниданми, бобосининг кўлларида маҳкам ушлаб олади. Уни бир қадам ҳам жилдирмайди.

– Кейин кеч бўлиши мумкин-да, болам!

– Мен... Фарҳодбекдан хафа эмасман, лекин Худо-нинг хоҳиши бу! Шунинг учун келмасин! Кўйинг бува! Уни кўрсам... кетолмайман...

– Кетма Надька, ҳали жудаям ёшсан! Сенсиз мен нима қиламан? Қандай яшайман? – чол баралла йиғлаб юборди.

– Сиз буни... Ундан сўранг? Нега бундай қисмат бит-ганини Ўзидан сўранг? – осмонга ишора қилиб деди қиз. Чол жим қолди, бошини сараклатиб деди :

– Баъзида Унинг ишларига бандаси тушунмайди. Аммо сен ноумид бўлма!

Қиз озғин, бемажол кўллари билан бувасининг юзла-

рини силади. Кейин кўллари “шилк” этиб кўрпа устига тушди.

– Надька!!! – бакириб юборди чол. – Сенга нима бўлди, болам...

Чол ялангоёк кўшнисиникига чопди. Тез ёрдамга, кейин ҳарбий қисмга, Фарходбекларга кўнғирок килди.

«Тез ёрдам»дагилар муолажа қилаётган пайтда, хонага Фарходбек билан Жамиль кириб келишди. Шифокорлар беморга оғрик қолдирадиган укол килиб кетишди.

Фарходбек қорайиб кетган, ковоғи солиқ эди. Чолга қараб, «эх, аттанг» дегандай бошини сараклатди.

Чол йиғлади.

– Ёш боланинг гапига кирдингиз-а, Данилич? – деди Фарходбек уни койигандай. – Мени уйингизга киритмадингиз?! Сиздан хафа бўлдим...! – таънали оҳангда деди у. – У- ку бола, сизни нима жин урди?!

– Мени касримга қолди. Умри жувормаг бўлди..., – чол йиғлаган кўйи худ-бехуд ётган кизнинг юзларидан силади.

– У сендан хафа эмас, худонинг хоҳиши шу, деяпти.

– Худонинг хоҳишини у қаёқдан билибди? Курашиш керак! Курашмагани Худо ҳам суймайди! «Кетгинг келса, кетавер...», дейди.

– Бу киз жаҳл қияпти. Отасига, онасига жаҳл қияпти. Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз. Данилич? Кейин эса, мендан хафа бўлди. У аламзада эди, ота...

– Бир нима қил, Фарходбек. Бир уриниб кўр, болам! Ўтирма, бундок ўтирма! – титроқ кўллари билан уни туришга ундади чол. Аммо Фарходбек кимир этмади. Жаҳл билан бир кўзғалиб кўйди.

– Эндими, ёрдам сўрайсиз? Кеч, жудаям кеч...

Данилич унга илтижоли термулди.

Шундай бўлса-да, Фарходбек ўрнидан турди. Кафтларини кизнинг танаси узра юргазди. Беморга каттик ти-

килганча, пичирлаб дуо ўқиди. Жамиль ҳам, ота ҳам кимир этсалар, муолажа бузиладигандай қотиб ўтиришарди.

Фарҳодбек яна ишлади, дунёни унутди. Ҳарбийда юрганини, Даниличникида эканини – ҳамма-ҳаммасини унутди. У уч киши борлигини ҳис қиларди, холос. У, Худо ва бемор...

Нихоят, у қаро терга тушди. Беморнинг киприклари пирпиради.

Данилич кизга қараганча қотиб қолди. Суюнди. Аммо Фарҳодбекнинг туси ўзгармади. Ота унга «бемор қалай» дегандай ишора қилди. Фарҳодбек бош чайқади.

– Унинг танаси мендаги қувватни қабул қилмаяпти. Таъсирланмаяпти... – умидсизлик билан қўл силтади у.

Аммо киз кўзларини очди.

– Менга нима бўлди? – деб сўради у. Кейин оёқ томонида турган Фарҳодбекни кўриб хайрон бўлиб қолди.

– Фарҳодбек?! Ҳар қалай келибсан-да! – киз жилмайди. – Мен нурли жабҳани кўрдим. У худди қуёшга ўхшарди. Мени чорларди... Бу сенинг кароматинг экан-да! – синиқ товушда, деярли пичирлаб гапирди у.

– Кул, кулавер устимдан! – деди Фарҳодбек. – Сени Унга, ўша Ёруғ жабҳага бериб қўядиган аҳмоқ йўқ! Ишла, Надя, ишла! Сигналларимни қабул қил. Сени олиб қололмасам, канақа табиб бўлдим! Сен ўлсанг, мен ўзимни кечирмайман. Ахир... сен унга жуда ўхшайсан...

– Биламан! – кизнинг миждаларидан кўз ёшлари кетма-кет оқиб тушди. – Лекин мен у эмасман. Бундан жуда афсусдаман.

– Мени кечир Фарҳодбек, «экспонатингни» асрай олмадим...

Тун ярмида кизнинг жони узилди. Хориждан унинг ота-онаси етиб келишди.

Онасининг икки яшар ўғилчаси ҳам бор экан. Надя буни, ҳатто билмай ҳам кетди.

Бунда қиз орзикиб кутган, соғиниб яшаган одамларнинг ҳаммаси бор эди. Бирок энди улар орасида унинг ўзи йўқ...

Умиданинг ўлими Фарходбекка каттик таъсир қилди. Она тирик, ота тирик – етим ўсганди. Гўдаклигидан қарияларга ташлаб кетилган, тақдир измига иткитилганди. Кексалар қандай ҳам тарбия қилишарди, уни. Юмшоққўнгил, ишонувчан... Мана аҳвол энди...

Анави тўғиз эса аксинча, арокхўр отанинг калтагини еб, кўча безорилари билан муштлашиб-тишлашиб катта бўлганди. У ҳам аламзада эди, шундандир, феъли қабих. Аммо у каби тақдир тақозоси билан “қабих” бўлиб ўсганлар, вақти келиб бировларнинг ҳаётини заҳарлашди, умрига зомин бўлишади.

У, ўша ҳайвонфеъл Павел Надъканинг бошига етди. Энг азоблиси, у қизнинг касал эканини билганди. У қиздан эмас, Фарходбекдан касдини олмокчи бўлганди...

Пичоқ ишлатмади, милтик ўқталмади, лекин...барибир чинакам қотилдан қаери кам?! Генералга чолнинг кучи етармиди?! Ими-жимиди ишни босди-босди қилишди...

Фарходбек Умиданинг кўмиш маросимидан ўзгариб қайтди. Гунг бўлиб қайтди...

Ҳарбий бўлинма шаҳар чеккасига отишмага кетишга тайёргарлик кўраётганди. Ўчакишгандай Петро Фарходбекнинг ёнида ҳарбий куролини тозалар, бир нималар деб бетўхтов валакларди.

Фарходбек уни гириббонидан олиб, мажаклаб ташлагиси келди, аммо ўзини тутди.

– Ўчирасанми-йўқми? – асабдан гезариб деди Фарходбек. Ҳамма унга ялт этиб қаради. – Йўл пашшага ўхшаб гўнғиллайди, тепамда...

Жамиль дик этиб ўрнидан турди. «Кўйсанг-чи, Фарходбек» дегандай уни четга тортиб, тинчлантиришга уринди.

– Кўйвор мени! – у Жамилни ҳам силтаб ташлади.

– Аслида ҳаммасига шу писмиқ айбдор! Ўртада гап ташийди, тўққиз қайтганга ўхшаб! Ўралашма олдим-да, тушундингми?

Петро хўмрайиб олди.

– Қаердан юрай бўлмаса? Фарходбекнинг кайфияти йўқ, азадор деб олдингдан учиб ўтайми?! – Петро ҳам Фарходбекнинг жиғига тегадиган гап қилди. Бу эса йигитни баттар асабийлаштириб юборди.

– Ўртада одам ўлди! Бунда сени ҳам «хиссанг» бор, шекилли. Мазах қилгани худодан кўркмайсанми? – Фарходбек Петронинг бўйнидан қисиб, бир улоқтирганди, у нак Павелнинг оёғи остига келиб тушди.

– Ҳмм! – деди старшина муштини иягига тираб. – Шунака де! – писанда қилди у. – Ожизларни уриш ҳам гуноҳ шекилли, а? Кучинг кўпайиб кетган бўлса, мана мени ур! – кўкрагига шапатилаб деди Павел.

– Ўзбекча курашнинг «ҳалол» деган ишораси бор. Бизни халқ номард билан майдонга тушмайди!

– Ростданми? – жаҳлдан Пашанинг кўзлари қисилиб кетди. – Балки номард сендирсан?! Бир пайтда иккита қизнинг бошини айлангириб юрган сен марду биз номард бўлдикми, энди?!

– Қизингни битта ўпганимга осмон узилиб ерга тушмагандир?! Ўзинг-ку, уни авжи етилган буқаларнинг ичига олиб келган...

– Одам дебман сенларни! Ҳайвон эканингни билмабман!

– Нима-нима! Яна битта кайтар!!! – Павел Фарходбекнинг ёқасидан бўғиб олди.

Бирок Фарходбек чаптастлик билан унинг иккита

кўлини орқасига қайирди-ю, энкайтириб кўйди. Кейин унинг юзини қарсиллатиб деворга урди. Бу томошанинг устига командир келиб қолди.

– Агзамов! – шу захоти унга юзланди командир. – Ҳарбий трибуналга топширишимни, истаяпсанми?! Қачон қарама жанжал чиқарасан!

– Нега менга ёпишиб олдингиз? – жизиллаб кетди Фарҳодбек. – Бу ерда атайлабдан жанжал чиқарувчилар борлигини биласиз. Кўр ҳам, аҳмоқ ҳам эмасман. “Трибуналга бераман!”, деб кўрқитманг, мени. Ким нима қилиб юрганини кўриб турибман.

Капитан Фарҳодбекнинг тап тортмай гап қайтараётганидан шошиб қолди. Шошганда “лаббай” топилмайди, деганларидай, нима дейишини билмай:

– Тилингни тийсанг, ўзингга яхши бўлади! – деди тишлари орасидан вишиллаб.

Шу пайт ташқарида “взвод, сафлан!”, деган буйрук янгради. Аскарлар тапира-тупир куроллари олиб, йўл-йўлакай, ёқаларини қадаб, сафга тизилишди.

– Ҳамма машиналарга чиқсин!

Павел Петрони туртди. Петро унга зардаланиб қаради.

– Давай, давай тез бўл! – Павел уни кўтариб машина ичига отди.

– Жиннимисан! – чўлокланиб ўрнидан турди Петро. Кейин машинанинг бир бурчагида ўшшайиб ўтирган Фарҳодбекни кўриб, Павелнинг режасини уққандай бўлди.

«Намунча шу осиеликка ёпишиб қолди, бу. Ундан кучли эканига ичи куйяптими?».

Павел хунук иршайди

– Манавининг хўмрайган башарасини кўришга, менам орзуманда эмасман! – деди у. – Ёнида ўтириб бўлмайди! – бурнини қисди Паша.

– Ўв телепат, оёгингни ювиб юрсанг ўласанми? Юкхона сасиб кетди-ку, чидаб бўладими, бунга! – деди.

Фарходбек индамади. Унга ер остидан хўмрайиб қараб кўйди.

– Сенга гапиряпман, ҳой! – деди старшина.

Фарходбек унга қараб яна ўқрайди. Машина жойидан жилди. У анавилар атай жиғига тегаётганини тушунди. Шунинг учун кўли қичиб турган бўлса ҳам индамади.

– Ҳарбий бўлганингдан кейин чидайсан-да! – деди Петро. Бироқ кутилмаганда Марат уни Фарходбекнинг устига итариб юборди.

– Тўйгунинча ҳидлаб кет бўлмаса! – деди Марат. Петро тура солиб Маратга ёпишди. Унинг ён бикинида ўтирган Павел Петрога қараб кўз қисди ва “Фарходбекни итариб юбор”, дегандей кузовга имо қилди. Петронинг жаҳли чиқди.

– Унақа ишларингга мени аралаштирма! – деди жиддий оҳангда. Аммо Фарходбек эшитиб қолмаслиги учун секин гапирди.

– Кеча “эркакман” деб керилган ким эди! – унга дўк урди Паша.

– Ҳалиям эркакман, лекин номард эмасман. У сендан “зўр” чикқанига чидолмаяпсан...

– Қараб турсам, ғирт «олти...» бола экансан-ку! – Петро Пашани, Паша уни урди. Муштлашувнинг бошланиши шу бўлди. Бунга бошқа аскарлар ҳам қўшилди. Фарходбек қачон ва қандай қилиб кузовнинг оғзига келиб қолганини сезмади. Уни кимдир орқадан пастга итариб юборди. Унинг ортидан яна биров шиддат билан кузовдан тушиб кетди...

Фарходбек тошдай қулаб, машина тагига кириб кетганини ҳис қилди. У ўзини ўнглаб ҳам улгурмай

иккинчи машина устидан босиб ўтди. Унинг сўнгги эслаб қолган нарсаси қоп-қора залворли машина ғилдираклари эди. Ён чаккаси билан қўл оёғида чидаб бўлмас оғрик турди-ю, зум ўтмай тинди. Бутунлай тинди. У йўқликка шўнғиди...

МУНДАРИЖА

«РУҲИЙ РАДИО» ЁҲУД ТЕЛЕПАТИЯ – БОР НАРСАМИ?	3
УММОН ТУБИДАГИ ТЕЛЕПАТИК МУЛОҚОТ.....	5
БЎЛАЖАК ВОҚЕАЛАРНИ “КЎРА ОЛГАН” ЖУНА!	6
ТУНГИ ЎКИРИК (Муқаддима).....	9
СУВ ТУБИДАГИ НУРЛИ ЖАБҲА	15
“МЕН УЛАРНИ КЎРАМАН...” I.....	19
ҚИЁФАСИЗ ОДАМ.....	21
ҚАБРИСТОНДА БОЛА КЎТАРГАН АЁЛ.....	30
ЧАМАНГУЛ	58
ҒОР ИЧИДА ЎН КУН	98
ШАМОЛЛАР ЎҒЛИ	102
ЧАМАНГУЛНИНГ КЎРСАТМАСИ	112
ФОТИҲ НАСИМОВИЧНИНГ ТУШИ... ..	119
ШАМОЛЛАР ЎҒЛИ	126
ЎРМОНДАН ТОПИЛГАН ЖАСАД.....	139
БУ ҲАМ БИР КЎРГУЛИКДА... ..	144

МЕЗОН.....	155
ОППОҚ АТИРГУЛЛАР	168
АРМИЯДА.....	177
ТАФТИШ... ..	183
ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК.....	194
ТУНГИ МЕҲМОН.....	207
УМИДА СЕВИБ ҚОЛДИ.....	216
ДИЁРОВАНИНГ ХАТОСИ.....	226
ҲАЛОКАТ.....	237

НИГИНА НИЁЗ

ТЕЛЕПАТ

ёхуд

У ДУНЁДАН

ҚАЙТГАН ЙИГИТ

Биринчи китоб

Муҳаррир *И.Турсунова*
Тех. муҳаррир *Н.Файзиева*
Саҳифаловчи дизайнер *Б.Ҳайдаров*
Мусахҳиҳ *Ш.Ҳикматова*

Нашр. лицензияси А №239, 4.07.2013 й.

Босишга рухсат этилди 24.01.2018 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.

Офсет босма усулида газета қоғозига босилди. Босма табағи 16,0.

Адади 3000 (1-завод 1000) нусха. Буюртма № 26.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“PERFECT PRINT SERVICE” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, 2 «А»-уй.

Тел: 249-94-11

11

.

—

—

1

—

1

НИГИНА НИЁЗ

ТЕЛЕНАТ
ЭКУД

У ДУНЁДАН
ҚАЙТГАН ЙИГИТ



11500

ISBN 978-9943-5256-4-1



9 789943 525641